



ИСЛОМ КАРИМОВ

**БИЗ ТАНЛАГАН
ЙЎЛ — ДЕМОКРАТИК
ТАРАҚҚИЁТ ВА
МАЪРИФИЙ ДУНЁ БИЛАН
ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИ**

11

ISBN 5-640-03034-8

Тошкент
«Ўзбекистон»
2003

**ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК
ЎЗГАРИШЛАРНИ ЯНАДА
ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК
ЖАМИЯТИ АСОСЛАРИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ
ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам халқ депутатлари!

Бир неча кундан сўнг мамлакатимиз, бутун халқимиз ўз мустақиллигининг ўн бир йиллигини катта тантана билан байрам қиласди.

Биз 1991 йилнинг 1 сентябридан тобора узоклашиб борганимиз сари барчамизning тақдиримизда ҳал қилувчи аҳамият касб этган ана шу буюк тарихий сана билан боғлиқ баъзи воқеалар, уларнинг айрим тафсилотлари хотирамиздан кўтарилиши ҳам мумкин. Албатта, бу табиий ҳол ва ҳаммамиз буни тўғри тушунамиз.

Шу билан бирга, ҳеч шубҳа йўқки, мана шу улуғ сана билан бугунги кунимиз ўртасидаги масофа қанчалик узайса, босиб ўтган йўлимизни холисона ва атрофлича таҳлил қилиш, тегишли хulosса ва сабоқлар чиқаришнинг аҳамияти тобора кучайиб боради.

Албатта, мана шу ўтган даврга, шу вақт мобайнida амалга оширган ишларимизга бериладиган баҳо турлича бўлиши мумкин. Бу, аввало, ҳётимизда рўй бераётган ўзгаришларни ким қандай нуқтаи назардан таҳлил қилишига, эришган ютуқларимизни қандай кўз билан баҳолашига боғлик.

Табиийки, бундай ёндашув ва хulosаларга қўшилиш ҳам, қўшилмаслик ҳам мумкин.

Лекин, ишончим комилки, бир масалада, яъни биз бундан ўн бир йил муқаддам қабул қилган тарихий қарор, танлаган йўлимиз тўғрилиги бўйича аксарият кўпчиликнинг фикри бир жойдан чиқиши шубҳасиз.

Биз тарихимизнинг ўша туб бурилиш нуқтасида, ғоят хатарли ва мураккаб кунларда ҳақиқатан ҳам яккаю ягона тўғри йўлни танладик. Яъни, мустабид тузум, ўта мафкуралашган, миллий ўзлигимизни топтаган эски тизимдан воз кечиб, ҳалқимизнинг хошиш-иродаси, азму қарорини бажо келтириб, очик демократик ва ҳукуқий давлат қуриш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш йўлини танладик.

Ҳалқимизнинг асрий орзу-умидлари ва интилишларига жавоб берадиган, мамлакатимизга, эртага ўрнимизга келадиган авлодларга улкан имконият ва истиқболлар эшигини очадиган ҳаётга қадам кўйдик.

Албатта, ҳаммамиз яхши тушунардикки, биз олдимизга қўйган мақсадларга эришиш осон эмас эди ва бу ҳақиқатни йиллар ўтгани сари тобора кўпроқ ва аниқ англамоқдамиз.

Энг муҳими, бугун ана шу мақсад-муддаоларга - мустақил давлат, эркин жамият ва фаровон ҳаёт қуриш, содда қилиб айтганда, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмай яшаш учун интилиш кенг жамоатчилигимиз, ҳалқимизнинг онгу тафаккури, амалий ҳаракатларида тобора кўпроқ ўрин эгалламоқда.

Айни пайтда, минг афсус билан шуни ҳам таъкидлашга мажбурмизки, бугун собиқ иттифоқ худудида, айрим қўшни давлатларда баъзи бир ғалати холатларни кузатишимиш мумкин. Яъни, ўз умрини яшаб бўлган, сиёсий жиҳатдан касодга учраган, коммунистик мафкурага асосланган тизимни соғиниб-қўмсаబ гапираётган айрим сиёsat ва давлат арбоблари - эски тузум тарафдорлари яна қайтадан бош кўтараётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Улар, бир қарашда, қулай келган пайтда ўзларини мустақиллик учун курашган ва эски тизимдан жабр-зиён кўрган шахслар сифатида кўрсатади, шу билан бирга, кези келганда кимгадир яхши кўриниш ва сохта обрў топиш мақсадида ўзини СССРни сақлаб қолиш учун охиригача курашганлар сафига қўшишга уринади.

Бир сўз билан айтганда, СССРнинг сояси собиқ иттифоқ минтақасидан ҳали-бери бутунлай кўтарилган эмас ва буни биз доимо инобатга олишимиз, ҳамиша сергак ва хушёр бўлиб яшашимиз зарур.

Шу сабабли, биз ўз мустақиллигимизни қандай қийинчиликлар

билин, қандай синов ва суронли курашлар билан қўлга киритганимизни бугун яна бир бор эслашимиз ўринли, деб биламан.

Яъни, ҳали-бери хотирамиздан қўтарилимаган ўша таҳликали кунларни ёдга олар эканмиз, шу залда ўтирган одамлар, умуман кўпчилик замондошларимиз гувоҳи бўлган воқеаларни, бизга ҳасад билан қарайдиган ташқи ва ички душманларимизнинг юртимизда хукмронлик қилиш, ўз ёвуз мақсадларига эришиш учун қандай ўта хавфли хуружлар қилганини эсласак, ортиқча бўлмайди.

Шундай қабих ният билан 1989 йил май-июнь ойларида Фарғона, 1990 йил февраль-март ойларида Бўка ва Паркентда содир этилган, ҳеч қачон ёдимииздан чиқмайдиган даҳшатли фожиалар; 1990 йилнинг июнь ойидаги Ўш ва Ўзган воқеалари; 1991 йилнинг 8 декабрида Намангандаги собиқ вилоят ижроқўми биносини эгаллаб олган диний экстремистларнинг конституцион тузумга қарши тажовузлари; 1991 йил октябрь ойида собиқ Марказ тарбиялаган ва тезлаган партия-совет номенклатуроси томонидан ташкил қилинган, Олий Совет 7-сессиясида Президентни ағдаришга бўлган уринишлар; 1992 йилнинг 16 январида Талабалар шаҳарчасида ўзимизнинг фарзандларимизни ёлғон даъват ва чакириклар билан йўлдан оғдириб, уюштирилган тартибсизликлар ва шунга ўхшаган хатти-ҳаракатлар авваламбор ўзбек халқининг ҳамжиҳатлигини бузиш, унинг эркинлик ва озодлик учун олиб бораётган курашига зарба бериш, томирига болта уришга қаратилганини бугун барчамиз яхши англаймиз.

1999 йил февраль ойида пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ёвуз террорчи кучлар томонидан содир этилган портлашлар натижасида қанча бегуноҳ одамлар ҳаётдан кўз юмгани ва ярадор бўлгани ҳам халқимиз хотирасидан асло ўчмайди.

1999, 2000 ва 2001 йилларнинг ёз фаслида Афғонистон худудида ўзига уя қуриб олган террорчи тўдаларнинг чегараларимиздан бостириб кириб, бизни азиз фарзандларимиз - ҳаётга эндиғина қадам қўяётган ҳарбий аскарлардан жудо қилиб, оналар юрагини дарду аламга тўлдирганини, Ўзбекистоннинг озодлиги ва тинчлигига қарши ташкил қилинган хуруж ва ҳаракатларни бошимиздан кечирганимизни ҳам биз ҳеч қачон унутмаслигимиз ва бундан тегишли сабоқлар чиқаришимиз зарур.

Бундай қора ниятларни амалга оширишга уринган тўдалар ва харакатлар ортида қандай қабиҳ сиёсий кучлар ҳамда экстремистик марказлар тургани, улар бу мақсадлар учун катта маблағлар ажратгани, маҳсус қўпорувчилик ва террорчилик лагерларида жангариларни тайёрлагани бугун барчамизга аён бўлиши муқаррар.

Биз яхши тушунамиз - бугун янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш йўлида қўлга киритаётган ютуқларимизни, амалга ошираётган ишларимизни кўра олмайдиган, юртимизга кўз олайтираётган маълум кучлар ўз қабиҳ ва нопок ниятларидан ҳали ҳам қайтган эмас.

Шунинг учун ҳам халқимизнинг орзу-интилишларини ўзида мужассам этган, бугун юртимизда шиор бўлиб қолган "Ўз уйингни ўзинг асра!" ва "Тинчлик учун курашмоқ керак" деган харакатларимизни янада кучайтиришимиз, доимо огоҳ бўлишимиз керак.

Шуни катта мамнуният билан таъкидлашимиз зарурки, жаҳон ҳамжамияти халқаро терроризмга - бу жирканч бало-казога қарши эълон қилган курашда давлатимиз ва жамиятимиз ҳам қатъий бел боғлаганини дунё майдонида бугун қўпчилик тан олмоқда ва Ўзбекистонимизга хурмат-эътибор билан қарамоқда.

Мухтарам юртдошлар!

Мен Ватанимиз ўз истиқлонини қўлга киритган дастлабки йилларга хаёлан яна қайтиб, шуни айтмоқчиманки, биз янги Ўзбекистон давлатини барпо этиш учун илк қадамларни кўйган ўша даврда, аввало, иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларимизнинг асоси бўлган, дунёда ўзбек модели деб ном олган бозор муносабатларига ўтишнинг беш асосий тамойилини ишлаб чиқдик. Ва мавжуд мураккаб шароитга ҳар томонлама мос келадиган, ривожланишимиз учун энг мақбул бўлган бу йўлни халқимиз, жамоатчилигимиз эътироф этди ва қўллаб-қувватлади.

Маълумки, бизга эски тузумдан бир томонлама ривожланган, ночор ва заиф иқтисодиёт мерос қолган эди. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаги мураккаб иқтисодий ҳолат, собиқ шўро тизимида Ўзбекистонга асосан арzon хом ашё минтақаси сифатида жой ажратиб, биринчи навбатда, унинг бўйнига пахта, олтин, кимматбаҳо ва стратегик материаллар етказиб бериш юклатилгани,

айни вақтда, аҳоли учун зарур бўлган асосий истеъмол товарлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, ғалла ва дон, гўшт ва сутнинг аксарият қисми республика ташқарисидан келтирилишининг оқибати эди.

Ўз заминимизда бой захиралари мавжуд бўлган ёнилғи ва нефть маҳсулотлари четдан ташиб келтирилгани ҳақида эса гапириб ўтирмаса ҳам бўлади.

Мана шундай оғир вазиятда бизнинг иқтисодиёт масаласида дейсизми, сиёсий-ижтимоий барқарорликни сақлаш ёки аҳолининг таъминотини йўлга қўйиш масаласида дейсизми - олдимизда турган жуда кўп, бир-биридан чигал, бир-биридан долзарб муаммоларни зудлик билан ҳал этишимизга тўғри келар эди.

Одамларимиз учун муқаддас бўлган маънавий ва диний қадриятларни тиклаш, кўп асрлик олижаноб урф-одатларимиз ва анъаналаримизга таяниб иш кўрганимиз қаддимизни ростлаш имконини берди, мамлакатимизни парокандалик ва бошбошдоқлик, халқимиз табиатига ёт бўлган экстремизм ва ақидапарастлик ботқоғига ботиб кетиши хавфидан сақлаб қолди.

Биз истиқолимизнинг ilk кунлариданоқ эски, котиб қолган мағкуравий ақидалардан воз кечишига, маънавий янгиланишга, одамларнинг қалби ва онгига миллий истиқлол ғояси тамойилларини сингдиришига қаратилган аниқ сиёsat олиб бордик. Бу эса, ўз навбатида, юртдошларимизнинг тафаккурини ўзгартиришда, ислоҳотларни жорий этишда янгича ёндашувларни шакллантириш, жамиятимизда диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва конфессиялар ўртасида муроса муҳитини мустаҳкамлашда сезиларли таъсир кўрсатди.

Иқтисодиёт соҳасидаги салбий ҳолатларни бартараф этиб, одамлар турмуш даражасининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймасдан, аҳолининг химояга муҳтоҷ қатлам ва гурухларини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилган ҳолда, Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий барқарорликни ва фуқаролар тотувлигини сақлаб қолишга муваффақ бўлдик.

Бугун шуни ишонч билан айта оламизки, нафақат иқтисодиёт соҳасида, балки жамиятимизни сиёсий ва маънавий жиҳатдан

янгилаш борасида ҳам биз танлаган тараққиёт модели ва асосий ривожланиш тамойиллари хаётда ўзини тўла оқламоқда. Шундай деб айтишга бизнинг барча асосларимиз бор.

Шу билан бирга, бу устувор йўналишларнинг айримлари - хусусан, қонун устуворлиги, ислоҳотларни босқичма-босқич жорий этиш, кучли ижтимоий сиёsat каби тамойиллар мамлакатимизни ривожлантиришнинг кейинги даврларида ҳам биз олдимизга қўйган мақсадларга эришишда муҳим ҳаётий аҳамият касб этади ва ўз қимматини йўқотмайди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Хурматли депутатлар!

Айни пайтда, шуни айтишимиз зарурки, юртимиздаги ўзгариш ва янгилашилар жараёнининг қўлами кенгайиб, самарадорлиги ошиб боргани сари жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш ва демократлаштириш зарурати тобора кўпроқ сезилмоқда. Шу боис ҳам биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг 14-сессиясида ва иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг 2000 йилги 1-сессиясида сиёсий, иқтисодий, хуқукий ва маънавий соҳаларни эркинлаштиришга қаратилган стратегик дастур қабул қилинди.

Шундан буён ўтган вақт мобайнида ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш жараёнларининг қонуний асосини такомиллаштириш бўйича кўпгина ишлар амалга оширилди.

Хусусан, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, давлат тузилишини демократлаштириш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, хусусий мулкни, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес манфаатларини химоялаш борасида зарур кафолатларни яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилди ва ушбу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Ижтимоий-иктисодий ҳаётимизнинг бу муҳим соҳаларида муносабатларни тартибга солувчи бир қатор янги қонунлар қабул қилинди ва кўпгина қонун хужжатларига тегишли ўзгартишлар киритилди; Жиноят, Жиноят-процессуал ва бошқа кодекслар қайтадан кўриб чиқилди.

Шу жумладан, прокуратура тизими устидан ижтимоий назоратни кучайтириш, унинг айрим хуқуқларини чегаралаш ва қисқартириш, бу хукуқларнинг кўпини суд идораларига бериш

масалаларига аниқлик киритилди.

Инсон ҳуқуқларига риоя этилиши бўйича миллий мониторинг тизимини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда ва бу борада амалий қадамлар кўйилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, нафақат қонунчилик соҳасида, балки қонунларни амалиётда қўллаш, жазо тизимини тубдан қайта қўриб чиқиш соҳасида ҳам жиддий ўзгаришлар амалга оширилди.

Суд-хуқуқ тизимини ислоҳ қилишга қаратилган чора-тадбирлар, жумладан, судлар тўғрисида, прокуратура тўғрисида, суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида, судларни жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича ихтисослаштириш муносабати билан қатор кодексларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилиниши одил судлов сифатини ошириш ва ишларни кўриб чиқиш муддатларини қисқартиришни таъминламоқда.

Бу чора-тадбирлар судлар томонидан жиноят ва фуқаролик ишларини кўриб чиқиша, бу жараённинг истисносиз барча босқичларида тарафларнинг ҳақиқий tengлиги ва ўзаро тортиша олиши учун шароит яратиши, айниқса, иқтисодиёт соҳасида содир этилган жиноятлар учун жазоларни сезиларли тарзда енгиллатиш имкониятини амалда таъминлаши лозим.

Хокимиятнинг учинчи тармоғи бўлмиш суд тизимини мустаҳкамлаш, судларнинг мустақиллигини, уларнинг фақат қонунга бўйсунишини кучайтириш борасида моҳият-эътиборига кўра мутлақо янги қадам кўйилди, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Бу ўзгаришларни амалга оширишдан асосий мақсад шуки, биз одамларнинг судларга фақат жазоловчи идора деб эмас, балки аввало инсоннинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилувчи идора деб қарашига эришмоғимиз керак.

Бугун биз тарихимизнинг ана шу ўтган даврига якун ясар эканмиз, ташқи сиёsat соҳасида эришган ютуқларимизни қайд этмасдан, ҳозирги кунда халқаро майдонда Ўзбекистоннинг юксак эътироф ва обрў-эътибор қозонаётгани ҳакида тўхталмасдан

ўтолмаймиз.

Мамлакатимиз тарихан қисқа вақт мобайнида дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллади, керак бўлса, ўзининг мустақил овозига эга бўлди, десак, бу ҳам ҳеч қандай муболага бўлмайди. Биз шуни унумаслигимиз керакки, бундай эътироф, Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсида ортиб бораётган нуфузи - бу авваламбор мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ ўtkазиб келинаётган, ҳар томонлама чукур ўйланган, оғир-вазмин, қатъий ва мустақил ташқи сиёсатнинг натижасидир. Айтиш керакки, бу Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича давлатимиз олға сурган барча маълум ташаббуслар, қилинган катта амалий ишларнинг самарасигина бўлиб қолмасдан, айни пайтда мамлакатимизда демократик тамойиллар ва бозор ислоҳотларини амалга ошириш жараёнida намоён бўлаётган жиддий ижобий ўзгаришларнинг халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилиши ҳамдир.

Шу маънода, жорий йилнинг январь ойида ўтказилган умумхалқ референдуми Ватанимиз сиёсий ҳаётида ғоят муҳим воқеа бўлганини таъкидлаш даркор. Референдумнинг ўтказилиши ва унинг якунлари давлатчилигимиз ривожида, жамиятни демократик янгилаш жараёнida муҳим босқич бўлди. Энг асосийси, референдум натижалари мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг жамоатчилигимиз, аҳолимиз томонидан қанчалик қўллаб-куватланаётганини амалда яққол тасдиқлади.

Буларнинг барчаси демократик ва ҳуқуқий давлат, фаровон ҳаёт барпо этишдек ўз олдимизга қўйган олижаноб мақсад ва мэрраларга этиш йўлида юртимизда амалга оширилаётган катта ўзгаришларнинг аниқ ва ёрқин кўринишидир.

Шуни қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, бугун Ўзбекистонда ислоҳотлар муқаррар тус олди. Энди уларни ортга қайтариб бўлмайди. Энг асосийси ва энг муҳими, юртимизда яшаётган одамлар, уларнинг тафаккури, ҳаётга, ўз атрофида юз берәётган барча воқеаларга бўлган муносабати ўзгармоқда.

Авваламбор, кишиларнинг онгини, ҳаёт тарзини шакллантирадиган ижтимоий муносабатлар бутунлай янгича маъно-

мазмун касб этмоқда. Мулкдор ва тадбиркорларнинг, кичик ва ўрта бизнес эгаларининг нуфузи ва таъсири кун сайин ортиб бормоқда.

Биз ўрта синф деб атайдиган бу ижтимоий қатлам тимсолида, мохият-эътиборига кўра, мамлакатимизда нафақат иқтисодий, балки сиёсий барқарорликни таъминлаш, юритимизнинг тараққиёти ва гуллаб-яшинаши йўлида асосий таянч бўладиган янги мулкдорлар синфи шаклланмоқда.

Қадрли ватандошлар!

Ҳаммамиз биламизки, ҳаёт бамисоли оқар дарё, у ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Бугун барчамиз атрофдаги вазият қандай тус олаётгани, кўпгина қадриятлар янгиланаётгани, нафақат минтақамиз, балки бутун дунё миқёсида ҳаётнинг ўзи ҳам қандай тез суръатлар билан ўзгараётганини кузатиб бормоқдамиз.

XXI аср - шиддаткор тезликлар асли, ахборот ва ахборот технологиялари асли, интеллектуал ресурслар, юксак технология ва замонавий билимлар инсоният тараққиётининг асосий ва ҳал қилувчи омилига айланадиган давр.

Минг афсуски, айни вақтда ҳозирги замоннинг энг хатарли аломати бўлиб жаҳон майдонига чиқаётган халқаро терроризм ва экстремизм, уюшган жиноятчилик, наркобизнес каби хавфсизликка янги таҳдидлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Бугунги кунда бундай хавф-хатарларнинг қай тарзда ва қандай асосда пайдо бўлаётганини, улар нафақат бизнинг халқимиз, балки бутун инсоният учун нечоғли мудҳиш бало-қазо эканини биз аниқ тасаввур қиласиз ва уларнинг қандай машъум оқибатларга олиб келиши мумкинлигини яхши англаймиз.

Буларнинг барчаси оддий бир ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлайди. Яъни, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашга, ўз халқининг тинчлиги ва фаровонлигини таъминлашга интиладиган ҳар қайси давлат бу масалада ўзининг замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган, пухта ўйланган, аниқ-равshan фаолият дастурига эга бўлиши зарур.

Содда қилиб айтганда, муайян давлат ва жамият тараққиётининг ҳар бир босқичи ҳаётнинг ўзи ўртага қўяётган шарт ва талабларнинг ҳисобга олиннишини тақозо этади.

Айтиш мумкинки, тараққиётнинг ҳар бир босқичи - бу янги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўлидаги янги вазифалар демакдир.

Бу - ҳаёт қонунияти, биз уни инкор этолмаймиз ва инкор этишга ҳаққимиз ҳам йўқ.

Биз сизлар билан тараққий топган демократик мамлакатлардаги каби эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишни ўз олдимизга эзгу мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга етиб бориш учун Америка, Европа ва Осиёдаги энг ривожланган давлатлар эришган андоза ва меъёрларга чиқишимиз зарурлигини исботлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Албатта, биз бу йўлда бирмунча салмоқли ютуқларни қўлга киритдик. Буни ҳеч ким инкор этолмайди.

Аммо барчамиз учун аён бўлиши керакки, биз эришган натижа ва мэрралар олдимизга қўйган буюк мақсадларга этиш йўлида маълум бир бўғин ва босқични ташкил қиласди, холос.

Бизнинг бугунги кундаги муҳим вазифамиз - ўтган давр мобайннида эришилган натижаларни яна бир бор танқидий ва холисона баҳолаш ва амалий хулосалар чиқариш.

Бизнинг вазифамиз мамлакатимизни, жамиятимизни демократлаштириш ҳамда янгилаш йўлидаги ҳаракатларимизни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ва сўзсиз бу борада амалга оширган ижобий ишларимизни қатъият билан давом эттириш, уларни халқимиз орзу қилган мэрраларга етказишдир.

Мана шундай мақсадларни ўзида мужассам этган дастурнинг негизини нималар ташкил қилиши керак ва аввало қандай вазифалар биз учун устувор бўлмоғи лозим?

Биз учун энг асосий, энг муҳим устувор мақсад тенгсиз олий неъмат - мустақилликни бундан буён ҳам асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш бўлиб қолаверади.

Мустақиллик биз учун аввало ўз тақдиримизга ўзимиз эгалик қилиш ҳуқуқи, келажагимизни ўз қўлимиз билан барпо этиш, юртимиз бойликларидан факат халқимиз ва Ватанимиз манфаатлари йўлида фойдаланиш демакдир.

Мустақиллик биз учун муқаддас маънавий қадриятлар ва миллий анъаналарга таянган ҳолда ва тарзда яшаш, ана шу бебаҳо

меросни асраб-авайлаб, уни келгуси авлодларга янада бойитган ҳолда етказиш демакдир.

Айни вақтда мустақиллик биздан зиммамизга олган халқаро мажбуриятларга риоя этиш ва уларни бажаришни, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми талабларига, халқаро хуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрларига қатъий амал қилиб яшаш масъулиятини сўзсиз юклайди.

Бу - узоқ-яқин қўшниларимиз билан дўстлик ва ҳамкорлик асосида яшаш, дунё ҳамжамиятидан ўзимизга муносаб обрў ва ўрин эгаллаш учун доим интилиш ва курашиш демакдир.

Биз мустақил тараққиёт йўлини айнан мана шу маъно-мазмунда англаб, уни мамлакатимизни сиёсий жиҳатдан ривожлантириш, иқтисодиётни модернизация қилиш, жамиятни маънавий янгилаш борасида олиб бораётган барча ислоҳотларимизнинг мезони, деб билишимиз керак.

Иккинчи устувор йўналиш. Бу - мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни, давлатимизнинг худудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, фуқароларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдан иборат. Чунки бу мезонлар ҳар доим ривожланиш ва тараққиётнинг асосий шарти бўлиб келган. Шунинг учун ҳам экстремизм ва ашаддий ақидапарастликнинг ҳар қандай кўринишларига, халқаро террорчиллик ва наркобизнесга қарши изчил курашиш йўлида барча имкониятларимизни ва куч-қудратимизни сафарбар қилиш бугунги кунда энг муҳим ва долзарб вазифамиз бўлмоғи лозим.

Мамлакатимизда ҳукм сураётган миллатлар ва динлараро тутувликни, фуқаролар ҳамжиҳатлигини янада мустаҳкамлаш, ягона хонадонимиз бўлмиш Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча инсонларнинг миллати ва дини, ирқи ва жинсига қарамасдан, уларнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш - бу борадаги ишларимизнинг асосий маъно-мазмунига айланиши даркор.

Айни пайтда шуни унутмаслигимиз керакки, мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлашда ташки таҳдидлардан ҳимояланиш ва уларнинг олдини олиш билан бирга, ички хавфсизлик муаммоларига ҳам ғоят жиiddий эътибор қаратмоғимиз шарт. Бу жараёнда ўтмишдан

салбий мерос бўлиб қолган нуқсон ва иллатлардан халос бўлиш, коррупция, миллатчилик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик кўринишларига қарши қурашиб ва, албатта, жамиятни эркинлаштириш йўлидаги ислоҳотларни изчил давом эттириш ва чукурлаштириш айниқса зарур.

Учинчи устувор йўналиш. Бу - бозор ислоҳотларини янада чукурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш, барқарор ва ўзаро мутаносиб, мустаҳкам иқтисодиётнинг муҳим шарти бўлган эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этишдан иборат.

Бу йўналиш ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда етакчи ўринни эгаллайдиган, фуқароларнинг муҳим даромад манбаи ва мулкдорлар синфини шакллантиришнинг асоси бўлган хусусий секторнинг мавқеини янада ошириш, кичик ва ўрта бизнес ҳамда тадбиркорликни жадал ривожлантиришни тақозо этади.

Бу борада ташқи иқтисодий фаолият ҳамда валюта бозорини эркинлаштириш, миллий валютанинг жорий операциялар бўйича эркин алмашувини таъминлаш, миллий валютамиз - сўмимизнинг барқарорлиги ва харид қувватини ҳар томонлама мустаҳкамлаш тараққиётимизнинг янги босқичидаги асосий вазифаларимиздан биридир.

Иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва уни модернизация қилиш, экспорт ривожи, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлашнинг муҳим шарти бўлган хорижий инвестициялар, авваламбор, хусусий сармояларни жалб этиш, бунинг учун тегишли инвестицион мухит ва инвесторлар учун кафолатлар яратиш бу борада, айниқса, катта аҳамиятга эга.

Шунингдек, ташқи ва ички инвестицияларни бутун иқтисодиётимизни янгилашга, олтин-валюта захираларимизнинг барқарор ўсишига хизмат қиласиган етакчи тармоқларга биринчи навбатда йўналтириш масаласи ҳам доимий дикқат марказимизда туриши лозим.

Бундай вазифаларни амалга оширишда халқаро молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлигимизни янада кучайтириш, дунё иқтисодий тизимиға интеграциялашув, Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш ҳам энг муҳим

ишларимиз қаторида туради.

Жамиятимизни янада ривожлантириш ва сифат жиҳатидан янгилаш борасидаги тўртинчи ва, ўйлайманки, энг муҳим устувор йўналиш - бу инсон хуқуqlари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, ошкораликни, жамиятда ўтказилаётган ислоҳотларнинг очиқлигини таъминлайдиган демократик тамоилларни сўзда ёки қофозда эмас, амалий ҳаётда жорий қилишдир, десак, хар томонлама тўғри бўлади.

Ахборот соҳасини жадал ривожлантириш, оммавий ахборот воситалари - матбуот, радио-телевидение фаолиятини эркинлаштириш фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш жараёнининг узвий таркибий қисмига айланиши зарур.

Қисқа қилиб айтганда, оммавий ахборот воситалари том маънода "тўртинчи ҳокимият" даражасига кўтарилмоғи лозим.

Шуни таъкидлаш керакки, бу йўналишда кўп иш қилинмоқда, лекин уларни ҳали олдимизда турган, қилиниши лозим бўлган ишлар билан мутлақо солиштириб бўлмайди.

Бу тўғрида гапиргандга, оммавий ахборот воситалари фаолиятига оид бўлган баъзи бир масалалар ҳакида тўхталиб ўтиш ўринли, деб биламан. Шуни очиқ айтишимиз керакки, мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари узоқ вақтлар давомида мафкуравий ва маъмурий назорат остида ишлагани туфайли уларнинг ҳали-бери бу ҳолатдан чиқиши, аввало психологик жиҳатдан ўзини эркин ҳис этиши қийин кечмоқда. Шу сабабли улар ўзи учун янги бўлган ҳозирги вазиятда баъзан ҳали ҳам нима қилиш ёки нима қилмаслик ҳакида юқоридан кўрсатма кутиб ўтиргандек кўринади.

Ўйлайманки, ҳақиқий демократик матбуот кўрсатма асосида яшай олмайди ва яшаши ҳам мумкин эмас. Эркин матбуот реал вазият шароитида фаолият кўрсатиши, ижтимоий-иктисодий ва сиёсий ҳаётнинг долзарб муаммоларини дадил кўтариб чиқиши, одамларни безовта қилаётган барча масалаларни жамоатчилик муҳокамасига ҳавола этиши, ҳокимият ва бошқарув тузилмаларининг қабул қилаётган қарорлари ва фаолиятига танқидий, шу билан бирга, холис баҳо бериб бориши керак.

Шуни айтиш зарурки, бугунги кунда мамлакатимизда ўз касбининг ҳақиқий устаси бўлган, юртимиздаги ва чет эллардаги ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг мураккаб масалалари ва ҳақиқий ҳолатини чукур тушуниш, таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлган малакали журналистларга катта эҳтиёж сезилмоқда.

Ҳаммамиз бир ҳақиқатни яхши англаб олишимиз лозим: матбуот эркинлигининг кафолати -ахборот соҳасида бозор муносабатлари ва рақобатни ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқ. Бугун оммавий ахборот воситалари олдида иқтисодий шериклар топиш, иқтисодий жиҳатдан ўзини ўзи таъминлашга эришиш борасида кенг ва реал имкониятлар пайдо бўлмоқда, бу эса ўз навбатида уларнинг эркин ва мустақил фаолият кўрсатишида асосий омил бўлиб хизмат қиласи.

Барча оммавий ахборот воситаларига, мулк шакли, тиражи, қамрови ҳамда мавзу йўналишидан қатъи назар, уларнинг мамлакатимиз ахборот майдонида ҳалол рақобат асосида фаолият олиб бориши учун давлат зарур шарт-шароитларни яратиб бериши лозим. Айтиш мумкинки, бу - жамиятни том маънода демократлаштириш гаровидир.

Ўйлайманки, "Оммавий ахборот воситалари соҳасида иқтисодий муносабатларнинг асослари тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш масаласини кўриб чиқиши вақти етди.

Бу қонун, бошқа кўпгина масалаларни ечиш билан бирга, мустақил нашрларни айрим эскича фикрлайдиган мансабдор ва амалдорлар, табиий монополиялар, ҳомийлар ва реклама берувчилар, матбуот тарқатувчилар, ноширлар ва бошқаларнинг таъсиридан самарали ҳимоя қилган бўлур эди.

Шунингдек, "Телерадио фаолияти тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш ҳам оммавий ахборот воситалари фаолиятининг хукукий асосларини тубдан мустаҳкамлади, деб ўйлайман.

Сизларга маълумки, жамиятда ошкоралик ва очиқликни таъминлаш масаласи жамоатчилик фикрини ўрганиш усул-услубларининг қай даражада ривожлангани билан ҳам бевосита боғлиқдир.

Таъбир жоиз бўлса, жамоатчилик фикри -фуқаролик жамиятининг ҳолатини ўзида аниқ акс эттирадиган бамисоли бир

кўзгу. Лекин бизда жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳам, уни шакллантириш ҳам яхши йўлга қўйилмаганини, бундай ёндашув сиёсий ҳаётимизнинг доимий белгисига айланиб улгурмаганини таассуф билан қайд этишимиз лозим.

Яна бир ўта муҳим масала хусусида тўхталиб ўтмоқчиман.

Биз барчамиз шуни яхши тушуниб олишимиз зарурки, жамиятимизни янада демократлаштириш ва фуқаролик институтларини шакллантириш аввало ахоли сиёсий фаоллигининг ўсиши, унинг сиёсий, ижтимоий ва давлат ҳаётида нечоғли фаол иштирок этиши билан узвий боғлиқ.

Бу масалани ечишда биринчи галда мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партия ва ҳаракатлар - буни тан олиб айтишимиз керак - ҳозирги заиф ва мўрт ҳолатдан чиқиб, ўз фаолиятини жонлантириши, тараққий топган демократик давлатлар тажрибаси асосида юртимизда ҳақиқий қўппартияйилик, демократик парламентаризм тизими, ижобий сиёсий рақобат муҳитини қарор топтиришга ва жамиятимиз сиёсий майдонида тан олинган оппозиция пайдо бўлишига ҳисса кўшиши лозим.

Ишончим комилки, Олий Мажлисимизни икки палатали қилиб ташкил этиш, қуйи палатага асосан партиялар томонидан тақдим этиладиган рўйхатлар бўйича сайлов ўtkазиш жамиятимизни сиёсий жихатдан фаоллаштиришга кучли туртки беради. Ўйлайманки, сайловлар тўғрисидаги қонуннинг қоидаларини қайтадан кўриб чиқиши ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади.

Бешинчи устувор йўналиш фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти бўлиб, бу жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кескин кучайтиришдан иборат.

Ўки бошқача қилиб айтганда, бу - "Кучли давлатдан кучли жамият сари" деган тамойилни амалда ҳаётга жорий этиш демакдир.

Ҳаммамизга аёнки, бу йўналиш ижтимоий-иктисодий жараёнлар билан боғлиқ қўп масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг ролини камайтириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўтказа боришини тақозо этади.

Бунинг учун аввалимбор давлатнинг иқтисодий соҳага, хўжалик

юритувчи тузилмалар, биринчи галда, хусусий сектор фаолиятига аралашувини чеклаш лозим. Шу ўринда савол туғилиши мумкин: бундай вазиятда давлат тизимининг роли нимадан иборат бўлади?

Бу масалада давлатнинг роли, аввало, иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги устувор йўналишларни аниқлашга, қабул қилинган қонунлар ва хуқуқий нормаларнинг барча томонидан сўзсиз бажарилишини таъминлашга, ташаббус ва тадбиркорликни рағбатлантиришга, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида рақобат муҳитини қарор топтириш учун зарур ва ҳаммага баробар бўлган шарт-шароитлар яратишга қаратилмоғи даркор.

Қонунлар ижросини таъминлаш, мамлакатда қабул қилинган ва амалда бўлган меъёрий хужжатларни ҳаётга жорий қилишда давлат ҳокимиёт органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Биз "Адолат - қонун устуворлигига" деган ҳаётий тамойилга қатъий амал қилиб яшшимиз зарур. Биз учун бундан бошқа йўл йўқ.

Мен шу ўринда илгари ҳам айтган бир фикримни такрорламоқчиман. Шуни унутмайликки, биз давлатнинг назорат функцияларини қанча кучайтирсак, назорат билан шуғулланувчи давлат тузилмалари ва органларини қанча кўпайтирсак, амалдорларнинг зўравонлиги ва коррупция шунча авж олаверади. Шунинг учун биз жамоатчилик назоратини, давлат фаолияти, шу жумладан, унинг куч ишлатувчи тузилмалари фаолияти устидан ҳам жамият назоратини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишмиз лозим. Бу масалада бундан бошқа муқобил йўл йўқ.

Ҳаётимизни эркинлаштириш йўналишларининг яна бир муҳим йўли - марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қуий тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказа боришини таъминлашдир.

Аслини олганда, биз аллақачон шу йўлдан бормоқдамиз. Ҳозирнинг ўзидаёқ мамлакат бюджети даромад қисмининг 56 фоизи ва харажат қисмининг 52 фоизини ҳудудий бюджетлар ташкил этмоқда. Шу тариқа давлат бюджетининг даромадлар ва харажатлар билан боғлиқ каттагина қисми ҳудудлар томонидан назорат

қилинмоқда.

Агар барча бошқарув масалалари молиявий йўл билан ҳал этилишини назарда тутадиган бўлсак, мана шу рақамлар худудий ҳокимият тузилмалари ваколатларини кенгайтириш борасида қилинган ишлар салмоғини яққол кўрсатиб турибди. Ҳеч шубҳасиз, бу жараёнлар янада ривожланиши ва мустаҳкамланиши, самарали усул-услублар ва шаклларга эга бўлиб бориши зарур.

Айнан мустақиллик даврида ҳар томонлама ўзини оқлаган, тобора ҳаётимизда аҳамияти кучайиб бораётган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари - маҳалла институти, турли жамоат бирлашмалари ҳамда ташкилотларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масаласи бизнинг доимий эътиборимизда туриши лозим.

Бу масалада фуқаролик институтлари ва ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантириш учун энг мақбул ташкилий-хуқуқий механизмларни, яъни тегишли қонунчилик асосини шакллантириш, ташкилий-техникавий, моддий шарт-шароитларни, давлат ва жамоат бирлашмалари ҳамкорлигининг самарали усул-услубларини вужудга келтириш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан "Жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги қонунга зарурий ўзгартишлар киритиш, "Ижтимоий жамғармалар тўғрисида", "Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва уюшмалари тўғрисида", "Хайрия фаолияти тўғрисида"ги қонунларни қабул қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Олтинчи устувор йўналиш - бу суд-хуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича бошланган ишларни изчил давом эттиришдан иборат. Бу соҳадаги энг муҳим вазифа суд-хуқуқ идораларининг мустақиллиги ва таъсирчан фаолиятини сўзда эмас, амалда таъминлаш бўлмоғи зарур. Судлар том маънода мустақил бўлган ҳолдагина қонунларнинг қатъий ижроси, уларнинг ҳақиқий устуворлиги сўзсиз таъминланади. Қаерда суд мустақил бўлмас экан, шу ерда қонун талаблари ва адолат бузилиши мукаррар.

Қонун устуворлигини, инсоннинг хуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминламасдан туриб фуқаролик жамиятини қуриш ҳакида сўз юритишга ҳеч қандай асос қолмайди. Бу тамойиллар

Конституциямизда аниқ белгилаб қўйилган, аммо, яширишнинг хожати йўқ, улар амалда ҳозирча ўзининг тўлиқ ижросини топмоқда, дея олмаймиз. Бунинг муҳим сабабларидан бири суд ҳокимиютининг етарли даражада самарали фаолият юрита олмаётгани билан боғлиқ.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда юридик-хуқуқий нормаларни эркинлаштириш ва янгилаш, суд органлари фаолиятининг ташкилий шаклларини такомиллаштириш бўйича ривожланган демократик мамлакатлар тажрибасини ҳар томонлама чукур ўрганиб чиқиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Суд ҳокимиюти ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро муносабати масаласи ҳам алоҳида диққат-эътибор қаратишини талаб этади. Суд-хуқуқ тизимини ислоҳ қилишдек кенг миқёсли ўзгаришлар, аввало, ҳар қайси фуқаронинг манфаатини ҳимоялайдиган қонун ва нормалар оммавий ахборот воситалари томонидан таништириб ва ёритиб борилиши зарурлиги ҳақида ҳам айтиб ўтиш лозим.

Чунки айнан оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик фикрига, фуқароларнинг хуқуқий онгига таъсир ўtkазиш ҳамда ахолининг хукукий маданиятини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти чексиз.

Хеч шубҳасиз, бу вазифаларни амалда таъминлашда даъво аризалари ва шикоятларни қабул қилиш ҳамда уларни кўриб чиқиш борасидаги дастлабки жараёнларни янада соддалаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Еттинчи устувор вазифа - бу барча ислоҳотларимизнинг бош йўналиши ва самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб берадиган инсон омили ва мезонидир.

Бу - демографик ва бошқа миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёsat олиб бориш демакдир.

Ўйлайманки, ижтимоий инфратузилмани, таълим ва соғликни сақлаш соҳаларини янада ривожлантириш, нафақа билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш, ахолини экологик ва бошқа хавф-хатарлардан муҳофаза этиш, қисқа қилиб айтганда, одамларимизнинг социал соҳа бўйича талаб ва эътиrozларини қондириш масалаларига давлатнинг доимий эътиборини ҳар томонлама кучайтириш

лозимлигини исботлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Бу борада бир нарсани ҳеч қачон хаёлимиздан чиқармаслигимиз керак. Юртимиздаги ҳар қайси вилоят, шаҳар ва қишлоқларимизда шу соҳага атрофлича эътибор берар эканмиз - ҳеч шубҳасиз, ахолимизнинг, халқимизнинг бунга жавобан миннатдорлигига ва сиёсатимизни қўллаб-қувватлашига эришган бўламиз.

Барчамиз яхши биламизки, фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг энг муҳим таркибий қисми маънавият ва маърифат соҳасида, шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб боришдан иборат.

Бу ҳаётий ҳақиқат биз ҳамиша амал қиласидиган тамойилга, жамият ривожининг асоси ва шартига айланмоғи ҳамда ўзида яхлит бир тизимни мужассам этмоғи лозим. Бу тизим марказида маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат каби ўлмас қадриятлар турмоғи керак.

Мана шу уч буюк қадриятни халқимиз асрлар давомида ҳамиша эъзозлаб келган. Бизнинг муқаддас динимиз ҳам, бутун Шарқ фалсафаси ҳам бу қадриятларни улуғлаган, уларни ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим шартлари деб билган.

Мана шундай чинакам инсоний фазилатларга эга бўлган ёки эга бўлишга интилган одам демократия неъматларининг оддий истеъмолчиси эмас, балки уларнинг фаол яратувчиси ва ҳимоячисига айланади. Ва демократия, фуқаролик жамияти асосларини амалда барпо этиш, инсон ҳақ-хукуқлари ва эркинликларини таъминлаш мумкин бўлади. Шундагина инсон ўз мамлакатининг том маънодаги муносиб фуқароси бўла олади.

Шу боис ҳам буюк аждодимиз Абу Наср Форобийнинг "Фозил одамлар шаҳри" асаридаги билим ва фан, ахлоқ ва маърифат соҳасида юксак даражага кўтарилган жамиятгина ижтимоий тараққиётда самарали натижаларга эриша олиши мумкин, деган фикрида жуда катта маъно бор.

Азиз дўстлар!

Юқорида зикр этилган муҳим тамойил ва устувор йўналишларнинг барчаси, кўриб турганингиздек, мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ жамият ва давлат

курилишида, уларни янгилаш ҳамда такомиллаштириш борасида босқичма-босқич амалга ошириб келаётган изчил сиёсатимизнинг аниқ-равшан ва мантикий давомидир.

Бошқача айтганда, улар ўз моҳиятига кўра, ижтимоий-иктисодий, сиёсий тараққиётимизнинг, бутун дунёда эътироф этилган ўзбек моделининг амалий намоёнидир.

Шу билан бирга, бу устувор йўналишларни бугунги шиддат билан ўзгариб бораётган дунёда хавфсизликка солинаётган таҳдид ва хуружларга нисбатан бизнинг жавобимиз, деб қабул қилмоқ керак. Чунки биз ана шу устувор йўналишларни изчил амалга ошириш натижасида ўзимизнинг асосий мақсадимизга - ривожланган, маърифий, хуқуқий демократик давлатларда мавжуд бўлган ҳаёт даражасига эриша оламиз, юртимиз тинчлиги, Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини таъминлаш имконига эга бўламиз.

Хурматли депутатлар!

Сизлар мамлакатимиз Куролли Кучларини ислоҳ қилиш бўйича олиб борилаётган амалий ишлардан, ўйлайманки, хабардорсиз. Мен бугун, сизларнинг ижозатингиз билан, мана шу жараёнга доир масалалар ҳақида батафсил тўхталиб ўтмоқчиман.

Мамлакатимиз сарҳадларининг дахлсизлиги ва худудий яхлитлигини сақлаш, эл-юртимизнинг осуда ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир, замонавий курол-аслаҳа ва техника билан таъминланган, яхши тайёрланган ва бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб берадиган, сон жиҳатидан ихчам ва ҳаракатчан Куролли Кучларни вужудга келтириш - Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини барпо этиш йўлидаги энг муҳим вазифаларимиздан биридир.

Мана шундай тамоман янги, профессионал асосдаги армияни шакллантириш бўйича ислоҳотларни амалга ошириш вазифаси бир неча йилдан буён бизнинг дикқат марказимизда тургани ҳеч кимга сир бўлмаса керак.

Профессионал Қуролли Кучлар деганда биз нимани тушунамиз? Бундан мақсад шартнома-контракт асосидаги ҳарбий хизматни ўзи учун касб деб биладиган, ҳақиқатан ҳам оғир ва шарафли касб эгаси бўлман, деб интиладиган фуқаролардан ташкил топадиган армияни барпо этишдир.

Содда қилиб айтганда, халқ хўжалигига ҳар қандай мутахассис, мисол учун, қишлоқ хўжалигига агроном бўладими ёки саноатда муҳандис-инженер, қурилиш соҳасида қурувчи бўладими, ўз қобилияти ва салоҳиятини қандай намоён этса, профессионал армияда хизмат қиласидиган ҳарбийлар ҳам ўз кассб маҳорати ва билимини амалда шундай қўллаш имконига эга бўлсин.

Хеч бир касбни камситмаган ҳолда, шуни очик айтиш керакки, ҳарбий хизмат кишидан бошқа соҳа мутахассисларига нисбатан кўпроқ мардлик, матонат ва фидойилик фазилатларини, ўз Ватани олдидағи бурчи ва қасамёдига содиқликни талаб этади.

Вояга етган ҳар бир йигит, ҳар бир фуқаро учун Куролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш ўз конституцион бурчини шунчаки адo этишдан иборат бўлмасдан, балки ҳарбий хизмат унинг учун нуфузли ва шарафли бир ишга айланиши зарур. Токи у ўзи англаб, ўзи танлаб олган мана шу ҳарбий касб эвазига ҳаётдан муносиб ўрин ва эътибор топа олсин.

Ҳарбий хизматнинг қанчалик қийин ва масъулиятли, айни пайтда давлат ва жамият учун нечоғли зарур эканини ҳисобга олган ҳолда, бу хизмат учун тўланадиган ҳақ ҳам, рағбату ҳурмат ҳам шунга яраша бўлмоғи керак. Бизнинг ҳарбий қурилиш соҳасида олиб бораётган давлат сиёсатимизнинг асосий мазмун-моҳиятини ҳам ана шунда кўришимиз зарур.

Биз, энг ривожланган мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда, шартнома-контракт асосидаги, яъни ҳар бир ҳарбий хизматчи ва давлат ўртасида шартнома тузиладиган армияни вужудга келтиришимиз керак. Бу шартномада, бир томондан, хизматни ўташнинг барча талаблари, меҳнатга ҳақ тўлаш, ҳарбий соҳа кишиларининг хизмат поғоналари бўйича ўсиш истиқболлари, уларнинг оилаларини ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари ва бошқа шартлар, иккинчи томондан эса, унвони ёки лавозимидан қатъи назар, ҳар бир ҳарбий хизматчининг мамлакат олдида ўз зиммасига оладиган мажбуриятлари аниқ белгиланган ва мустаҳкамлаб кўйилган бўлиши керак.

Ҳурматли депутатлар!

Маълум сабабларга кўра, мен бугун ушбу минбардан туриб,

Куролли Кучларимизни ислоҳ этиш жараёнида қилинаётган ва бундан кейин амалга ошириладиган вазифаларнинг барча жиҳатлари хусусида батафсил гапира олмаслигим табиий.

Шунга қарамай, бизнинг Мудофаа доктринализга мувофиқ, Мудофаа вазирлиги ва Чегара қўшинлари бўлинмаларини, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг маҳсус қисмларини, шунингдек, бошқа идораларнинг ҳарбий тузилмаларини ўз ичига олган Куролли Кучларимизни модернизация қилиш бўйича сўнгги уч-тўрт йил мобайнида кўлами ва аҳамияти нуқтаи назаридан улкан ишлар қилинганини таъкидлаб ўтиш зарур.

Куролли Кучларимизни ислоҳ қилиш борасидаги тадбирлар мамлакат хавфсизлигига таҳдид solaётган хавф-хатарларни чукур таҳлил этиш асосида, амалга оширилиши мумкин бўлган жанговар операцияларнинг таркиби ва йўналиши, хусусияти ва мазмунини, шунингдек, Марказий Осиё минтақасидаги ҳарбий ҳаракатлар майдонининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда ўтказилмоқда.

Куролли Кучларимизда ислоҳотларни олиб бориш мақсадида ривожланган демократик давлатларнинг бу соҳадаги тажрибаси синчилаб ўрганилмоқда. Мудофаа ҳамда ҳарбий қурилиш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширувчи Мудофаа вазирлиги, Давлат чегараларини химоя қилувчи кўмита, Ички ишлар вазирлиги ва умуман, Куролли Кучларга алоқаси бўлган давлат органлари ва ташкилотларининг мақсад-вазифалари қайтадан кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикасининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини куролли химоя қилиш борасидаги қарорларни ишлаб чиқадиган ва амалга оширадиган мутлақо янги тизим, ягона кўмондонлик органи - Куролли Кучларнинг бирлашган штаби тузилди.

Сизларга маълумки, мана, икки йилдан буён Ўзбекистон Мудофаа вазирлигини ҳарбий бўлмаган шахс бошқариб келмоқда. Бу ва шу йўналишда амалга оширилаётган бошқа тадбирлар Куролли Кучлар ва куч ишлатишга қодир бўлган тузилмалар устидан фуқаролик назорати ўрнатиш мақсадида ўтказилмоқда.

Барча турдаги қўшин ва тузилмаларнинг ўзаро яқин ҳамкорлиги ва самарали бошқаруви йўлга қўйилмоқда, мамлакат хавфсизлигини

харбий жиҳатдан таъминлашнинг уюшган яхлит тизими такомиллаштирилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, моддий ва молиявий ресурсларни сезиларли миқдорда тежаган ҳолда, давлатнинг мудофаа қобилиятини зарур даражада таъминлаш имконини бермоқда.

Замонавий уруш амалиётларида эҳтимоли бор жанговар харакатларни, уларнинг йўналишлари ва мазмун-моҳиятини, шу билан бирга, худудларимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, хавфсизлигимиз ва мамлакатимиз яхлитлигини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида асосий ҳарбий-маъмурий бирликлар шаклидаги ҳарбий округлар тузилганини алоҳида айтиб ўтиш керак.

Бугунги кунда Қуролли Кучларни ташкил қилишнинг замон талаб қиласидан тамойилларга асосланган батамом янги тизими жорий этилмоқда. Аввало, қуи ҳарбий бўлинмаларнинг ташкилий-штат таркиби, уларнинг қуролланиши, низом талаблари, ўзига хос хусусиятлари ҳамда вазифалари қайтадан кўриб чиқилмоқда. Юқори поғоналарда эса ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида бўлинмалар ва маҳсус операциялар ўтказувчи қисмлар шакллантирилмоқда.

Ҳарбий хизматчиларни тайёрлашнинг бутунлай янги шакллари - сержантлар мактаби, тайёрлов марказлари фаолият қўрсатмоқда. Бу марказларда ўқув жараёнлари компьютер технологияларини кўллаш, моделлаштириш ва симуляция каби турли ҳарбий машқ амалиётларини ўз ичига олган ҳолда таълимнинг замонавий услубларига асосланиб, янгича ўтказилмоқда.

Пировард натижада биз бугунги кунда Қуролли Кучларни ташкил қилишнинг ўзимизга хос моделини яратдик ва уни ҳаётга жорий этмоқдамиз, десак, тўғри бўлади. Шу асосда Қуролли Кучларимизнинг давлат курилиши тизимидағи роли, сарҳадларимиз дахлсизлиги, мамлакатимизнинг худудий яхлитлигини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти ортиб бормоқда.

Бу соҳада олиб борилаётган катта ишларимизнинг натижаси сифатида одамларнинг, аҳолимизнинг Қуролли Кучларимизга бўлган муносабати ҳам сезиларли даражада ўзгармоқда. Жамоатчилик тафаккурида армиямиз борган сари халқимизнинг узвий бир қисми, миллий давлатчилигимиз ва мустақиллигимизнинг энг асосий

бўғинларидан бири сифатида, барчамизнинг ғуур-ифтихоримиз манбаи сифатида намоён бўлмоқда.

Азиз дўстлар!

Биз яхши тушунамиз, Куролли Кучларимизни ислоҳ этиш ва сифат жихатидан янги армияни шакллантириш - бу бир кун ёки бир ойда ҳал бўладиган иш эмас, албатта. Буни исбот қилиб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман. Мазкур масала ҳам давлат тизимини ривожлантириш ва янгилаш каби узлуксиз давом этадиган жараёндир. Бу вазифа бизнинг олдимизга янги-янги муаммоларни қўймоқда. Мен бу борада кечиктирмай ечиш керак бўлган айrim масалалар ҳақидагина тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчидан, шартнома асосидаги ҳарбий хизматни ташкил этиш билан боғлиқ равишда бизнинг олдимизда кескин саволлар пайдо бўлмоқда. Хусусан, шартнома-контракт асосида хизмат қилишга кимлар олинади? Жавоби аён - улар муддатли ҳарбий хизматни ўтаган, шу шароитда чиниккан, таъбир жоиз бўлса, порох хидини сезган йигитлар орасидан танлаб олинади.

Ҳақиқатан ҳам, контракт асосига қуриладиган ҳар қандай профессионал армияда ҳарбий тайёргарликка эга бўлган шахс, ҳарбий мутахассислар билан битим тузилади. Қисқаси, ҳар қандай профессионал армиянинг ўзагини ҳарбий тайёргарлиқдан ўтган кишилар ташкил этади.

Бугунги кунда милицияга, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлариiga одатда армия мактабини ўтаган ёшлар қабул қилинишини ҳам ҳисобга олсак, ҳарбий малакага эга бўлган кишиларга эҳтиёж нечоғли катта экани маълум бўлади. Шу билан бирга, сарҳадларимиз ва минтақамизда кутилмаган вазиятлар юзага келиши ва кескинлашуви мумкинлигини инобатга олиб, бундай ҳолатларга шай туриш учун муайян захирага эга бўлиш асло ортиқчалик қилмайди.

Шу ўринда эътиборингизни бу борадаги иккинчи муҳим масалага қаратмоқчиман. Барчангизга яхши маълумки, фуқаролар йилига икки марта муддатли ҳарбий хизматга чакирилади. Бироқ армия ёшидаги, яъни соғлиғи ва бошқа жиҳатларига кўра муддатли ҳарбий хизматга яроқли фуқаролар сони хизматга сафарбар этилиши лозим бўлган йигитларимиз сонидан анча кўп, ҳатто айтиш

мумкинки, 3-4 баробар ортиқдир.

Бу ҳол, ҳеч кимга сир эмаски, субъективизм учун қулай имконият туғдиради, аникроғи, ўзбошимчалик, турли қонунбузарлик иллатларининг юзага чиқиши учун шароит яратади.

Лўнда қилиб айтганда, бугун шундай вазият юзага келганки, туман мудофаа ишлари бўлими раҳбарлари ва чақирув комиссиялари кимни хизматга чақиришни, кимга эса чақирув муддатини узайтириб бериш ёки уни умуман чақирувдан четда қолдириш, баъзида эса муайян манфаатдорлик эвазига армиядан бутунлай озод қилиш масаласини ўзларича ҳал этмоқда.

Яқинда жойларда ўтказилган маҳсус текширув натижалари шуни кўрсатдики, амалдаги муқобил хизматни ташкил қилиш ва уни ўташ масаласида жуда кўп қонунбузарликларга йўл қўйилмоқда.

Масалан, Фарғона, Андижон, Самарқанд, Қашқадарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳридан 2002 йилнинг баҳорида чақирилган ёшлиарнинг қарийб учдан бир қисми аслида мутлақо соғлом бўлгани ҳолда, ҳарбий хизматга қисман яроқли деб топилган ва асоссиз равишда муқобил хизматга йўлланган. Ваҳоланки, уларнинг соппа-соғ экани аввалроқ чақириувчиларни дастлабки рўйхатга олиш комиссияси томонидан тасдиқланган.

Афсуски, армияга чақирилаётган айrim фуқаролар томонидан муқобил хизмат ҳуқуқини берувчи қалбаки, сохта хужжатларни тақдим қилиш ҳоллари ҳам кўп учрайди. Муқобил хизматни ўтаётганлар тегишли корхона ва ташкилотларда ишламасдан, шунчаки номига рўйхатда туриши, Мудофаа вазирлигининг муқобил хизмат бўлимларига сохта маълумотномалар тақдим этаётгани тўғрисида жуда кўп далиллар мавжуд.

Бундай ҳолат биздан муқобил хизмат тизимини тубдан қайта кўриб чиқишини, ҳарбий хизматга чақирув пайтида рўй бераётган бундай хунук ҳолатларга, бундай бемаза ишларга бутунлай чек қўйиш учун кескин чоралар кўришимизни талаб этади. Шу мақсадда 1992 йили қабул қилинган "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида" ҳамда "Муқобил хизмат тўғрисида"ги конунларни мутлақо қайтадан кўриб чиқиш лозим. Армияга чақирувнинг шундай тизим ва усул-услубларини шакллантириш керакки, улар биринчи

галда ҳар қандай қонунбузарликнинг олдини олишга хизмат қилсин.

Чакирав ва ҳарбий хизматни ўташ тизимини ўзгартириш заруратини тараққий топган давлатларнинг тажрибаси ҳам кўрсатиб турибди. Ўйлайманки, бу тажрибани дикқат билан ўрганиб чиқиш, унинг энг яхши, илғор ва ўзимизга мос жиҳатларидан фойдаланиш ҳар томонлама мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бугун эса мана шу юксак минбардан туриб, сизларнинг эътиборингизни Куролли Кучларимизни ислоҳ этишнинг энг муҳим масалаларидан бирига қаратмоқчиман ва барчамизни ўйлантирадиган саволларни ўртага қўймоқчиман.

Қани, айтинг, азиз дўстлар, биродарлар, қандай қилсак, армияда хизмат қилиш том маънодаги нуфузли ишга айланади? Қандай қилсак, ёшларимиз ўртасида армия хизматидан бўйин товлаш эмас, аксинча, унинг сафидан жой олишга интилиш кучаяди? Қандай қилсак, мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёш авлоднинг энг муносиб вакиллари армияга танлаб олинадиган бўлади?

Албатта, бу оғир саволларга жавоб топиш осон эмас ва бунинг устида барчамиз бош қотиришимиз зарур. Мен бугун фурсатдан фойдаланиб, бу муаммоларнинг ечими тариқасида бир таклифни ўртага қўймоқчиман. Яъни, болаларимиз, фарзандларимизнинг Куролли Кучларда хизмат ўташ муддатини 18 ойдан 12 ойга, лўнда қилиб айтганда, бир йилгача қисқартиришни таклиф қиласман.

Ушбу таклиф негизида қандай муҳим далиллар мавжудлигини алоҳида айтиб ўтмоқчиман.

Биринчи далил. Илғор мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ёш йигитнинг тўлақонли билим олиши - қишки, ёзги, кузги ҳарбий тайёргарликдан ўтиши, энг замонавий куролларни ишлатиш ва жанговар ҳаракатлар олиб бориш кўнилмаларига эга бўлиши учун - 12 ой кифоя қиласми. Энг муҳими, у армияда керакли ҳарбий билим олади, ҳар томонлама пишиб, чиниқади. Бир йиллик муддатнинг етарли эканини армиядаги хизмат даври 12 ойдан ошмайдиган Германия, Дания, Испания, Польша, Австрия каби мамлакатлар тажрибаси ҳам тасдиклайди.

Иккинчи далил. Агар биз ҳарбий хизматнинг иссиқ-совуғини ҳисобга оладиган бўлсақ, ҳар ҳолда, 12 ой - 18 ой дегани эмас.

Айтайлик, ота-она учун ўғлининг армиядан бир ярим йилда қайтгани қандай-у, бир йилда қайтгани қандай. Ўз-ўзидан аёнки, бундай шароитда ёш йигитлар ўз хоҳиши билан, айтиш мумкин, кўпроқ катта ҳавас ва иштиёқ билан армияга интилади. Бу жуда муҳим омилдир.

Учинчи далил. Ҳарбий хизматнинг янги, анчагина қисқарган муддати ҳаётга қадам қўяётган ёш йигитларимизга шу муддат мобайнида ўз ҳаёт йўлини белгилаб олиши учун етарли бўлади. Ва ўзининг келажагини аниқ танлаб олиш - ҳарбий касб бўладими ёки фуқаролик касби бўладими - унинг ўзига ҳавола.

Тўртинчи далил. Яна шу нарса муҳимки, хизмат муддатининг қисқариши натижасида совет замонидан қолиб келаётган "эски хизматчилар" ва "янги келганлар" деган бемаъни тушунчаларга, агар улар бугун гоҳ-гоҳ учрайдиган бўлса ҳам, бундан кейин бутунлай барҳам берилади, аскарлар жамоасида соғлом ва илиқ муносабатлар кучаяди.

Яна бир масала - муқобил хизмат ҳақида. Бундай хизматнинг шаклини ўзгартиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Ҳар ҳолда, ҳозирги пайтда амалда бўлган муқобил хизмат шакли ўзини оқламаяпти. Буни рўй-рост тан олиш керак.

Шу муносабат билан ҳарбий ва граждан эксперталардан иборат маҳсус комиссия тузиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Ушбу комиссия Қуролли Кучларимизга чақирув ва муддатли ҳарбий хизматни ўташнинг янги концепциясини ишлаб чиқиши лозим.

Мазкур концепцияда биринчи галда биз намуна олишимиз мумкин бўлган мамлакатлар тажрибасида бу вазифалар қандай ҳал этилганига эътибор қаратиш зарур.

Бу масалада тарихимизнинг энг мураккаб даврларида Қуролли Кучлар сафида хизмат қилган, командирлик ва аскарлик борасида бой тажрибага эга бўлган фахрийларимизнинг фикр-мулоҳазаларини ҳам инобатга олиш керак.

Шунингдек, мустақил Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафида хизмат қилиб қайтган ёки хизматни ўтаётган йигитларимизнинг ҳам таклифларини ўрганиш фойдадан холи бўлмайди.

Шу билан бирга, мазкур комиссияга мамлакатимизда Қуролли Кучлар захираси, яъни резервчилар институтини ташкил этиш

концепциясини ишлаб чиқиш вазифасини топшириш керак. Ушбу концепцияда резерв хизмати самарали фаолият кўрсатаётган тарақкий топган мамлакатларнинг тажрибасини чуқур ўрганиш асосида резервчилар тузилмаларини шакллантириш принциплари, уларнинг мақоми, вазифалари, тинчлик даврида ҳам, уруш шароитида ҳам мамлакат мудофаа қудратини мустаҳкамлашда улардан самарали фойдаланиш усул-услублари белгилаб берилиши даркор.

Бу концепциялар ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилганидан кейин ҳарбий хизмат билан боғлиқ қонунларни қайта кўриб чиқишида, зарурат туғилганда эса, янги қонун лойиҳаларини тайёрлашда асос бўлиб хизмат қилиши керак.

Ўйлайманки, бу ишларнинг барчасини қисқа муддатда бажариш мумкин ва лозим.

Қадрли ватандошлар!

Мен юқорида билдирган фикримни яна бир бор такрорлаб айтмоқчиман. Биз Ўзбекистон мустақиллигининг нисбатан қисқа мана шу тараққиёт даври мобайнида кўп асрлик тарихимизнинг синов ва сабоқларга бениҳоя бой бўлган ғоят мураккаб, лекин шарафли босқичидан ўтдик.

Энг муҳими, энг асосийси - халқимиз ўзининг сабру матонатини, донишмандлигу бағрикенглигини, меҳнатсеварлик фазилати ва бунёдкорлик қудратини, белгиланган мақсад сари аввало ўз кучи ва салоҳиятига таянган ҳолда қатъият билан боришга қодир эканини бутун дунёга намоён этди.

Бугун олдимизда янада юксак мэрралар турибди.

Юқорида зикр этилган муҳим вазифалар, тамойил ва устувор ўйналишлар, очиқ айтиш керакки, жамоатчилигимиз, халқимиз учун янгилик эмас. Бу вазифаларни амалга оширишни мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ва бозор ислоҳотларини мантиқий ва изчил давом эттириш зарурати тақозо этмоқда.

Биз олдимизда турган бу ўйналишларни бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган, ягона тизим сифатида ифода этилган мақсад ва вазифалар дастури, деб қабул қилсан, асло хато бўлмайди.

Бу дастурни, маъно-моҳиятига кўра, Ўзбекистонни янгилаш ва

тараққий топтириш йўлидаги ҳаракатларимизни ўзида мужассам этган, хар томонлама чуқур ўйланган, пухта ишлаб чиқилган стратегик дастур, деб қабул қилишимиз керак.

Бу устувор вазифаларни амалга ошириш аввало ўзимизга, олижаноб мақсад-муддаоларимиз сари оғишмай, қатъият билан боришимизга, ташаббус ва тадбиркорлигимизга, ҳар биримизнинг Ватан ва халқ олдидаги фарзандлик бурчимизни нечоғли масъулият билан адо этишимизга боғлиқ.

Шу фурсатдан фойдаланиб, мен барчангизни бир нарсага даъват этмоқчиман.

Биз бугун барпо этаётган янги ҳаёт, янги жамиятни авваламбор ўзимиз учун, униб-ўсиб келаётган, бугун бошлаган ишларимизни эртага давом эттиришга қодир бўлган болаларимиз учун курмоқдамиз.

Ҳеч шубҳасиз, биз бугун ҳаётга кириб келаётган янги навқирон авлодимизга, насл-насабимиз давомчиларига қандай орзу-умид билан қараётган бўлсақ, келажакда улар ҳам бизга -ўз ота-оналарига худди шундай ғурур ва ифтихор билан қарашини истаймиз, шуни ҳавас қиласиз.

Менинг даъватим, азиз дўстлар, биродарлар -мана шундай юксак ҳурмат-эҳтиромга муносаб бўлайлик, шунинг учун курашайлик, бу мақсадга етишиш учун бутун борлиғимизни баҳшида этайлик.

Сўзимнинг ниҳоясида барчангизни Ватанимиз истиқлонининг ўн бир йиллик кутлуг байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман. Сизларга сиҳат-саломатлик, ишларингизга омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

*Иккинчи чақириқ Ўзбекистон
Республикаси Олий Мажлисининг
тўққизинчи сессиясидаги маъруза,
2002 йил 29 август.*

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 11 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Азиз ватандошлар!

Қадрли меҳмонлар!

Хурматли хонимлар ва жаноблар!

Бугун юртимизда катта байрам, катта тантана.

Роппа-роса ўн бир йил аввал биз эски мустабид тузумдан воз кечиб, мустақил, эркин ва озод йўлни танлаб олдик, демократик тамойилларга, бозор иқтисодиёти асосларига таянган янги жамият, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган янги ҳаёт қуришга бел боғладик.

Мана шу энг улуғ, энг буюк сана билан барчангизни, бутун ҳалқимизни чин қалбимдан муборакбод этишга рухсат бергайсиз.

Албатта, ўн бир йил мамлакатимизнинг кўхна ва буюк, кўп мингийллик тарихида бир зум, бир дақиқа, десак, асло муболага бўлмайди.

Лекин ўн бир йил олдин Ватанимиз тарихининг туб бурилиш нуқтасида, ўта таҳликали ва ўта хавфли кунларда биз яккаю ягона тўғри йўлни танлаганимизни бугун ҳаётимизнинг ўзи исботлаб бермоқда.

Мен ишонаман - асрлар, замонлар ўтади, юртимизда янги авлодлар дунёга келади, ҳеч шубҳасиз, ҳалқимизнинг азалий орзуумидларини рўёбга чиқарган, тараққиётимизнинг чексиз имконият ва истиқболларини очиб берган бу кун юртимиз тарихида асло ўчмайдиган буюк сана бўлиб қолади.

Биз ўз озодлигимизни, ўз тақдиримизни қўлга олиб, тарихан қисқа даврда ҳақиқатан ҳам ўзининг маъно-моҳияти билан бир йили ўн, балки юз йилларга teng келадиган, мураккаб ва шу билан бирга шарафли йўлни босиб ўтдик.

Биз бунинг тасдиғини, аввалимбор, юртимизда ҳукм сураётган

тинчлик ва барқарорликда, кундан-кунга гўзал ва обод бўлиб бораётган шаҳар ва қишлоқларимиз, замонавий корхона ва иншоотлар, янги лицей ва коллежларимиз қиёфасида кўрамиз.

Биз буни одамларимизнинг, халқимизнинг дунёкараши, онг ва тафаккури ўзгариб, жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро ҳамжиҳатлик руҳи, эртанги кунга ишонч туйғуси мустаҳкамланиб бораётганида, буюк бунёдкорлик хусусиятлари яққол намоён бўлаётганида кўрмоқдамиз.

Бунинг тасдиғини халқаро терроризмга қарши курашда эл-юритимизнинг кўрсатаётган қатъиятига жаҳон аҳли тан бериб, дунё ҳамжамиятида ўз мустақил овозига эга бўлган Ўзбекистонимизнинг обрў-эътибори ошиб бораётганида кузатмоқдамиз.

Тарихимизда мисли кўрилмаган бундай ўзгаришлар, Ўзбекистон ва ўзбек номининг жаҳон миқёсида шундай даражага кўтарилиши ва тараннум этилиши, ҳеч шубҳасиз, 11 йил олдин ҳеч кимнинг хаёлига ва ақлига сифмасди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Қадрли юртдошлар!

Бутун жаҳон қаторида янги йигирма биринчи асрга қадам кўйдик.

Янги аср - ахборот, юксак технологиялар ва замонавий билимлар, олдимиизда очилаётган янги истиқболлар асридир.

Шу билан бирга, бу шиддаткор асрда атрофимизда ва халқаро майдонда қандай янги таҳдид ва хавф-хатарлар кучайиб бораётганидан кўз юмиб бўлмайди.

Бундай вазият барчамиздан, аввало, ҳушёрлик ва сезигирликни, тез ўзгариб бораётган замон билан ҳамоҳанг бўлиб, узоқни кўзлаб яшашимизни талаб қилмоқда.

Биз тараққий топган давлатлар қаторидан ўрин эгаллашга, эркин ва фаровон ҳаёт қуришга азму қарор қилган эканмиз, бу юксак мақсад-муддаоларга эришиш - биринчи галда ўзимизга, бизнинг ташаббус ва тадбиркорлигимизга, ҳар биримизнинг Ватан ва халқ олдида фарзандлик бурчимизни нечоғли масъулият билан адо этишимизга боғлиқ.

Менинг даъватим, азиз дўстлар, биродарлар - мана шундай юксак масъулиятга муносиб бўлайлик, шунинг учун курашайлик,

бутун борлиғимизни шунга бахшида этайлик.

Яна бир бор барчангизни Ватанимиз мустақиллигининг ўн бир йиллиги билан чин юракдан табриклайман.

Сизларни, азиз юртдошларим, бағримга босиб, барчангизга сихат-саломатлик, баҳт ва омад, хонадонларингизга тинчлик ва тотувлик, файзу барака тилайман.

Озодлигимиз мангу, мустақиллигимиз абадий бўлсин!

2002 йил 31 август

ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИННИНГ ЗУМРАД ГАВҲАРИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам мөхмонлар!

Бугун қадимий Кеш воҳасида катта байрам, катта тантана.

Аллоҳ назари тушган Ватанимиз тарихининг энг кўхна ва теран илдизларидан бири бўлган қадимий ва доимо навқирон Шаҳрисабз бугун ўзининг 2700 йиллик қутлуғ тўйини нишонламоқда. Дунёга ўзининг кўрку камоли, қадди-бастини намоён қилмоқда.

Бу гўзал шаҳар бугун мана шу заминнинг умрбокий қадриятларини, Ўзбекистон деб аталмиш юртимизнинг нақадар қадимий ва муқаддаслигини бутун жаҳонга намоён этмоқда.

Қадрли дўстлар!

Шаҳрисабз деганда, биз, аввало, олис замонларда аждодларимиз яшаган, тарихда goҳ Гава Сўғда, goҳ Наутака, goҳ Кеш деб ном олган қадимий маконни тасаввур қиласиз.

Бу шаҳар ўзининг узок ўтмиши давомида не-не кунларни кўрмади. Тарих тўфонлари, босқинлар оқибатида неча бор вайронага айланиб, култепалар устидан неча бор қайта тикланди.

Аммо на замоннинг мураккаб синовлари, на истилою урушлар, на табиий оғатлар бу шаҳарни тарих саҳифасидан ўчира олмади.

Шу табаррук заминда дунёга келиб, унинг тарбиясини олиб вояга етган, доимо мағрур бўлиб яшаган инсонлар минг йиллар давомида мардлик ва бунёдкорлик намуналарини дунёга намоён этиб келди.

Шаҳрисабз деганда, даставвал, хаёлимизда ўзининг ақлзаковати, беқиёс салоҳияти билан жаҳонни ҳайратга солган Амир Темур бобомизнинг ўлмас сиймоси жонланади.

Шаҳрисабз бу улуғ зотнинг бешигини тебратган, уни камолга етказган мўътабар маскандир. Бобокалонимизнинг эл-улусни бирлаштириш, она диёrimизни босқинчилардан озод қилишида,

жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган буюк ва қудратли давлат қуришида айнан шу замин унга куч-кувват ва мадад берган. Амир Темур бобомиз Шахрисабз ва Кеш воҳасини жони-дилидан севган, қадрлаган, ҳатто ўз салтанатининг пойтахти қилмоқчи бўлган. Бу ерда қанчадан-қанча гўзал ва бетакрор иншоотларни барпо этиб, шаҳарни қайта қуриб, бутун дунёга таниганди, унинг ривожига чексиз ҳисса кўшган.

Соҳибқироннинг: "Кимки бизнинг қудратимизни билмоқчи бўлса, биз қурган иморатларни келиб кўрсинг", деган сўзлари бугун ҳам ўз маъно-мазмунини йўқотган эмас.

Шахрисабз деганда, тасаввуримизда, аввало, мангу яшил шаҳар, юлдузларга тўла беғубор осмон, юксак Ҳисор тоғлари намоён бўлади.

Ва, табиийки, Шахрисабз деганда, биз "Илму адаб қуббаси" деб эътироф этилган илм-фан, маданият ва нафосат масканини англаймиз. Бу шаҳар қадим-қадимдан ўзининг қўли гул усталари, мохир хунармандлари билан шухрат қозонган.

Мана шу заминда қад кўтарган, етти иқлимга маълум ва машхур Оксарой, Дорус-саодат, Дорут-тиловат, Кўкгумбаз каби муҳташам обидалар ва бошқа бетакрор меъморий ёдгорликлар, шу тупроқдан топилган ноёб осори-атиқалар бу ҳақиқатни яққол тасдиқлайди.

Шу муборак юрт фарзандлари бўлган Абу Мұҳаммад Кеший, Шамсиддин Кулол ва Ҳазрати Башир каби азиз-авлиёлар, Фироқий ва Хиромий, Равнақий ва Факирий сингари шоири алломалар Шахрисабз довруғини дунёга таратган.

Жаҳон маданияти хазинасига бекиёс ҳисса кўшган Ҳусрав Дехлавий, Мирзо Бедил, Мирзо Ғолиб каби мумтоз сиймоларнинг насл-насаби Шахрисабз заминидан чиққани ҳам бу тупроқнинг илохий хосиятидан далолат беради.

Шу ўринда, азиз дўйстларим, сизнинг эътиборингизни сирли бир аломатга қаратмоқчиман.

Жаҳонгир Мирзо мақбараси ёнида бугун ҳам яшнаб турган қадимий чинорларни кўпчилигимиз кўрганмиз. Мен ҳар гал бу ерда бўлганимда, бундай дараҳтлар фақат муқаддас жойларда ўсади, деган фикр беихтиёр кўнглимдан ўтади. Балки бу чинорларнинг ниҳолини бир пайтлар Амир Темур бобомиз ўз қўли билан эккан бўлса, ажаб

эмас, деб ўйлайман.

Ва Шахрисабзнинг муқаддас тимсоллари бўлмиш бу азamat дараҳтларни илоҳий бир куч асраб, бугунги ва келажак авлодларга етказиб келаётгандек туюлади.

Азиз дўстлар!

Бугун Шахрисабз файзу таровати билан кўзларни қамаштириб, жаҳон эътиборини ўзига қаратиб турибди. У жаҳон цивилизациясининг энг қадимий шаҳарларидан бири сифатида нуфузли халқаро ташкилот бўлмиш ЮНЕСКО томонидан эътироф этилган ва Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган.

Ҳеч шубҳасиз, Шахрисабз ва Қашқадарё воҳасининг нақадар катта тарихий ва маданий меросга эга экани, унинг бетакрор ер ости ва ер усти бойликлари ҳакида гапиришимиз бугун албатта ўринлидир.

Бугун бу ҳақиқатни нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки бутун дунё тан олмоқда.

Лекин мендан бу юртнинг энг ҳақиқий бойлиги ҳакида сўраса, ҳеч иккиланмасдан, Яратганинг назари тушган бу юртнинг асосий бойлиги мана шу заминда яшаётган бағрикенг, мард ва ориятли, кўп-кўп қийинчилик ва синовларда тобланган, яхшиликни ҳеч қачон унутмайдиган Қашқадарё эли ва халқи, деб жавоб берган бўлур эдим.

Мен сиз, қашқадарёлик қадрдонларим билан елкама-елка, ҳамфикр бўлиб меҳнат қилган, ҳаётимнинг азиз дамларига айланган кунларимни ҳеч қачон унутмайман. Ўша мураккаб даврда сизлар менга билдирган ҳурмат ва ишончни, таъбир жоиз бўлса, менга қанот берганингизни умрбод миннатдорлик билан эслайман.

Қадрли ватандошлар!

Бизнинг истиқтол юилларида Шахрисабз марказида соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг муаззам ҳайкалини тиклаганимиз, бу муборак заминда ётган буюк зотларнинг мақбараларини обод қилиб, аждодларимиз руҳи олдидағи фарзандлик бурчини адо этганимиз янги тарихимиздаги катта унутилмас воқеадир.

Бу юртнинг чиройига-чирой, салоҳиятига яна салоҳият кўшадиган ибратли ишларни давом эттиришимизга ҳеч қандай шубҳа йўқ. Ва Шахрисабз нафақат дехқончилик, саноат, хунармандчилик ва маданият масканига, балки бутун дунёдан зиёратчи ва сайёҳлар оқиб

келадиган гўзал ва замонавий шаҳарга айланиши муқаррар.

Бу йил Шахрисабз, бутун Қашқадарё ахлининг барча соҳаларда омади келди. Мен фурсатдан фойдаланиб, қишлоқ хўжалиги учун табиий шароит оғир бўлган мана шу мавсумда белни маҳкам боғлаб, фидокорона меҳнат қилган, мамлакатимизда энг кўп - 684 минг тоннадан зиёд ғалла, 420 минг тоннадан ортиқ пахта ҳосили етиштирган азамат дехқонларни, сиз лафзи ҳалол қашқадарёликларни кўлга киритган улкан ғалабангиз билан чин қалбимдан табриклайман ва ўзимнинг чексиз ҳурматимни билдираман.

Хурматли дўстлар!

Мана шу унутилмас, қувончли кунда менинг суянчим, таянчим бўлган сиз, Қашқадарё ёшлирига, сизнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон ёшлирига бир даъват билан мурожаат қилмоқчиман.

Аслида бу менинг даъватим эмас, балки улуғ аждодларимизнинг бизга қолдирган ўлмас маънавий ўгитларири. Мен шу даъватни сизларга яна бир марта эслатмоқчиман.

Фуур-ифтихоримиз тимсоли бўлмиш Амир Темур бобомизнинг худди шу заминда туриб, келгуси наслларга қаратса айтган "Биз киммиз, кимларнинг авлодимиз?" деган сўzlари ҳеч қачон ёдингиздан чиқмасин.

Токи юрагингизда ўт, билагингизда куч-қудрат бор экан, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллаб бораётган бугунги кунда ана шу даъватга ҳамиша муносиб бўлинг.

Биз дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаймиз, деб кўтарган истиқлол байроғини, хуррият байроғини сизлар янада баланд кўтарасиз, деб ишонаман.

Азиз ватандошларим!

Мен ушбу ҳаяжонли лаҳзаларда Шахрисабз элини, бутун ҳалқимизни бугунги шодиёна билан яна бир бор қутлар эканман, сизларнинг очиқ чеҳрангизга боқиб, мана шундай ёруғ кунларимиз кўп бўлсин. Қашқа воҳасининг зумрад гавҳари - Шахрисабз дунё тургунча турсин, дейман.

Икки минг етти юз йиллик тарихни ўз елкасида кўтариб турган бу афсонавий шаҳар қошида бош эгиб, унинг шуҳратини дунёга тараннум этаётган сиз, азиз юртдошларимга таъзим қиласман.

Мен ноёб асрий обидаларимизни кўз қорачиғидек сақлаб келаётган, кенг кўламдаги таъмирлаш ва бунёдкорлик ишларини амалга ошираётган, янги-янги иншоотлар барпо этаётган мохир курувчи ва усталаримиз, муҳандис ва меъморларимизга, мана шу савобли ишларга муносиб хисса қўшаётган барча инсонларга ўз номимдан, бутун халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдираман.

Бугунги шодиёнамиизда иштирок этаётган ЮНЕСКО халқаро ташкилоти ва хорижий элчихоналар вакилларига чин дилдан ташаккур айтаман.

Ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, баҳт ва омад, хонадонларингизга файзу барака ёр бўлсин.

*Шаҳрисабзининг 2700 йиллигига
багишланган тантанали маросимдаги сўз,
2002 йил 1 ноябрь*

ЕВРОАТЛАНТИКА ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИ САММИТИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Муҳтарам Раис жаноблари,

Хурматли давлат ва хукуматлар раҳбарлари,

НАТОнинг бугунгидек ғоят нуфузли анжуманида сўзга чиқиш имконияти берилганлиги учун миннатдорлик билдиришга, шунингдек муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларимни қисқача баён этишга ижозат бергайсиз.

Биринчидан. 2001 йил 11 сентябрдаги фожеали воқеалар ҳамда дунёning турли бурчакларида такрорланиб келаётган мудхиш террорчилик хуружлари натижасида мутлақо бегуноҳ одамлар қурбон бўлиши ушбу даҳшатли таҳдиддан бирон-бир мамлакат ўзини бехавотир сезолмаслиги ҳакидаги аччиқ ҳақиқат аён бўлди. Хавфсизликни, чиндан ҳам, якка ҳолда таъминлаш қийинлиги ва фақат ҳамжиҳат саъй-харакатлар билангина терроризм балосининг олдини олиш ва бартараф этиш мумкинлиги эътироф этила бошланди.

Биз НАТОга янги аъзолар таклиф этиш, унинг таркибига кирмайдиган мамлакатлар, аввало, Россия билан сифат жиҳатидан янги муносабатлар ўрнатиш, шунингдек, НАТО тузилмаларини хавфсизликка нисбатан янги таҳдидларга мослаштириш ва ўзгартириш билан боғлиқ бошқа чора-тадбирларни амалга оширишга оид карорларни қўллаб-қувватлаймиз.

Бизнинг минтақадаги хавфсизлик билан боғлиқ ахвол ҳакида сўз кетганда, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, у бир йил аввалги ҳолатдан жиддий фарқ қиласди.

Минтақамиздаги мамлакатлар Афғонистан худудидаги босқинчи ва террорчи кучлар томонидан ҳар йили содир этиладиган кўпурувчилик хуружларидан халос бўлди. Энг муҳими, уларнинг ортида турган, ҳадидан ошган толибларнинг худудимизга бостириб кириши таҳди迪 билан боғлиқ доимий хавф-хатардан кутулди.

Ўзбекистон, Афғонистонда амалга оширилган операциянинг ғоят масъулиятли даврида антитеррористик коалицияни қўллаб-куватлаш юзасидан ўзи учун осон бўлмаган қарор қабул қилган мамлакат сифатида ушбу таҳдид бартараф этилгани учун барча давлатларга, биринчи навбатда, халқаро террорчилик ўчоқларини йўқ қилиш ҳамда Афғонистонни тинч ҳаётга қайтариш борасидаги харакатларга бош бўлган ва асосий масъулиятни ўз зиммасига олган АҚШга ўз миннатдорлигини билдиради.

Шу билан бирга, биз яхши англаймизки, Афғонистондаги ҳамда чегара худудларидағи мураккаб вазият ҳали ўзининг тўлиқ ечимини топгани йўқ.

У ерда ҳали ҳал қилинмаган кўплаб муаммолар мавжуд.

Улар, аввало, қуролсизлантириш, миллий армия ва давлат бошқарувини шакллантириш, Афғонистонни тинч ҳаётга қайтариш бўйича дастурларни амалга ошириш ва зарур маблағларни топиш ҳақидаги Токио конференцияси қарорларини бажаришдан иборат.

Шу муносабат билан, менинг назаримда, муҳим бир хulosани айтиш лозим.

Бутун халқаро ҳамжамият Афғонистон ўн йиллар мобайнида турли тоифадаги ақидапарастлар, экстремистлар ва террорчилар учун полигонга айланганини бефарқ кузатиб келди. Афғонистоннинг бу аянчли тажрибаси, аввало, шундан далолат берадики, замонавий тараққиёт учун энг хавфли таҳдид бўлган террорчилик балоси оқибатларига қарши курашиш уни юзага келтирадиган сабабларни ўз вақтида бартараф этишдан кўра қийин ва мураккаброқдир.

Шу нуқтаи назардан, АҚШнинг жаҳоннинг бошқа минтақаларида, хусусан, Ироқда воқеаларнинг бундай салбий тус олишига йўл қўймасликка интилиш борасидаги қатъий ва изчил позицияси қўллаб-куватлашга муносиб.

Иккинчидан. Бугунги кунда халқаро террорчилик ўзи озиқланиб келаётган, тобора наркоагрессия тусини олаётган наркотрафик билан чамбарчас боғланиб кетмоқда.

Наркотиклар ишлаб чиқариш ҳажми тобора ортиб бораётгани ва дунёда энг йирик наркотрафик каналлардан бири Афғонистондан бошланиши жиддий ташвиш уйғотади.

Улкан молиявий ва бошқа ресурсларга эга бўлган халқаро наркографик - энг аввало, қудратли, яхши уюшган, бугунги кунда деярли бутун дунёни қамраб олган тизим сифатида миллионлаб одамларнинг ҳаётига таҳдид солмоқда.

Афсуски, бугунги кунда турли халқаро ташкилотлар шафеълигига амалга оширилаётган кўплаб дастурлар ва Марказий Осиё минтақасида ушбу таҳдидга қарши қўйишимиз мумкин бўлган чора-тадбирлар ўзаро яхши мувофиқлаштирилмаган, молиявий ҳамда моддий ресурслар билан етарли даражада мустаҳкамланмаган.

Менимча, ушбу тарқоқ дастурлар ўрнига, аввало, мазкур даҳшатли таҳдид манбаларини бартараф этиш ва минтақада "хавфсизлик камари"ни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар тизимини яратиш керак. Ягона марказдан бошқариладиган аниқ, қатъий, пухта ўйланган профилактика ва огоҳ этувчи чора-тадбирлардан иборат бу тизимни ташкил этиш зарурлигини эса исботлашга ҳожат йўқ.

Учинчидан. Ўзбекистон НАТОга аъзо мамлакатларнинг Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро алоқаларини янада фаоллаштиришга, биринчи навбатда, хавфсизликни таъминлаш масалалари бўйича ҳамкорлигини кучайтиришга алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Биз НАТО билан тобора ривожланиб бораётган ҳамкорлигимизни юксак қадрлаймиз ва Қуролли Кучларимизни ислоҳ қилиш, ҳарбий қадрларни тайёрлаш учун ўқув ва ахборот марказларини ташкил этиш, чегараларни замонавий воситалар билан жиҳозлаш, террорчиликка қарши курашиш борасида тайёргарликни янада такомиллаштиришга йўналтирилган шериклик муносабатларимизни кенгайтириш тарафдоримиз.

Шу билан бирга, биз НАТО ва Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши билан демократик ва фуқаролик институтларини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш, инсон хуқуqlари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, экологик хавфсизликни кучайтиришга кўмаклашиш масалалари бўйича ҳамкорлигимизнинг реал истиқболларини кўриб турибмиз.

Барча давлатлар томонидан БМТнинг ядрорий ва бошқа оммавий кирғин қуролларини тарқатмаслик тўғрисидаги қарорлари, шунингдек, БМТ Бош Ассамблеясининг Марказий Осиёда ядро куролидан холи зона барпо этиш тўғрисидаги резолюциясининг бажарилишини таъминлаш масалалари НАТОнинг Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлигига муҳим йўналиш ҳисобланади.

Агар бугунги кунда террорчилар кимёвий, биологик, ядрорий куроллар ва юқори технологик ишланмаларни қўлга киритишга интилаётганини ҳисобга олсак, минтақамиз мамлакатларининг бу соҳада НАТО билан ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириш янада муҳим ва долзарб аҳамият касб этади.

Сўзим якунида XXI аср вабоси ҳисобланмиш халқаро террорчиликка қарши фақат ҳамжиҳатликда курашиб мумкинлигини яна бир бор таъкидлашни истардим.

"Сен менга тегма, мен сенга тегмайман" қабилида йўл тутиб, бундай ғайриинсоний таҳдиддан химояланишга интилишнинг келажаги йўқ, янада аниқроқ айтганда, мутлақо самарасиздир.

Бугун ушбу курашда кўп нарса ҳар бир мамлакатнинг бу жараёнда нечоғли фаол иштирок этишига боғлиқдир.

Ўзбекистон бундан буён ҳам НАТО ва Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши тузилмалари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган ўзининг событ йўлига амал қиласеради ҳамда хавфсиз ва барқарор дунёни шакллантириш ишига ўз ҳиссасини қўшаверади.

Эътиборингиз учун ташаккур.

Прага шаҳри, 2002 йил 22 ноябрь.

ЮТУҚЛАР ҚАЛИТИ ОДАМЛАР ҒУРУРИНИ УЙФОТИШ, УЛАРНИНГ САЛОҲИЯТИНИ, БАРЧА ИМКОНИЯТЛАРНИ ИШГА СОЛИШДА

2002 йил 28 ноябрь куни Ҳалқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. Қуйида ана шу нутқ баёни эълон қилинмоқда.

Маълумки, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, айниқса, жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш сиёсати мамлакатимиз тараққиёти учун янги-янги имкониятлар очмоқда. Буни, жумладан, Сирдарё вилояти мисолида ҳам қўриш мумин, деди Ислом Каримов.

Бу ҳақда гап кетганда, аввало, вилоят меҳнаткашларининг мураккаб об-ҳаво шароитига қарамай, икки йилдан буён ғалла бўйича шартнома режасини бажариб келаётганини, шунингдек, жорий йилнинг 10 ойи давомида вилоятда саноат маҳсулотлари, ҳалқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми, гўшт, сут ва тухум етиштириш микдори ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бирмунча ортганини таъкидлаш лозим.

Бу ерда жорий йилнинг ўзида чет эл сармояси иштирокида 9 та кўшма корхона ташкил этилгани, уларнинг умумий сони 30 тага етгани ҳам амалга оширилаётган ислоҳотларнинг амалий натижасидан далолат беради.

Кейинги пайтда вилоятда катта ободончилик ишлари амалга оширилди. Биргина Гулистан шахрида бунёд этилган шинам турар жойлар, янги спорт мажмуалари, кенг ва равон йўллар ушбу навқирон шахар қиёфасини сезиларли даражада ўзгартириб юборди.

Айниқса, замонавий ва қадимий меъморлик анъаналарини ўзида мужассамлаштирган "Маънавият ва маърифат" марказининг гўзал биноси, тиббий реабилитация маркази, 1 минг 200 ўқувчига

мўлжалланган учта касб-хунар коллежи барпо этилгани вилоятдаги бунёдкорлик ишлари кўламини яқол кўрсатиб турибди.

Бундан ташқари, лойиҳа қиймати 670 миллион сўм бўлган Дехқонобод - Гулистан - Янгиер сув тармоғининг Ховос шаҳарчасига тортилаётгани хам дикқатга сазовордир. Бу лойиҳа тўла амалга ошгач, ушбу худуд аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлаш масаласи тубдан яхшиланади.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин, деди Президент. Буларнинг барчаси чўл шароитида чиниқкан, шу заминга меҳр қўйган кўпмиллатли вилоят халқининг фидокорона меҳнати туфайли кўлга киритилмоқда.

Айни пайтда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгариш ва янгиланишлар, ҳозирги замон олдимизга қўяётган вазифалар, иқтисодий тараққиёт, аввало, шу ерда яшаётган халқнинг талаб ва орзуларини инобатга олганда, вилоятдаги бугунги ижтимоий-иктисодий ривожланиш суръатлари ортда қолаётгани аён бўлади.

Дарҳақиқат, Сирдарё вилоятини орқага тортаётган, унинг ривожи йўлида ғов бўлиб турган камчилик ва нуксонлар биринчи галда иқтисодиёт соҳасида кўзга ташланади.

Бугунги кунда вилоятдаги бир қатор йирик саноат корхоналари зарар билан ишламоқда. Бундай корхоналар томонидан кўрилган зарар микдори шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида 2 миллиард 300 миллион сўмни ташкил этди. Энг ёмони, саноат корхоналари омборларида 2 миллиард 500 миллион сўмлик тайёр маҳсулот сотилмасдан ётибди.

Буларнинг барчаси вилоятда бозор муносабатларининг оддий тамоили - "Омбор учун эмас, истеъмолчи, харидор учун ишлаш керак" деган қоидага ҳанузгача амал қилинмаётганини кўрсатади.

Вилоятдаги ташкилот ва корхоналарнинг дебиторлик қарзлари 47 миллиард сўмдан, кредиторлик қарзлари эса 100 миллиард сўмдан ошиб кетгани, бу кўрсаткич ой сайн ўсиб бораётгани ҳам бозор иқтисодиётига хос оддий тартиб ва талаблар бузилаётгани, ўзаро хисоб-китоблар ва шартнома муносабатларининг тўғри йўлга кўйилмагани оқибатидир.

Биламизки, ҳар қандай мамлакат ривожида унинг экспорт салоҳияти алоҳида ўрин тутади. Хорижий инвесторлар иқтисодиётга кўплаб жалб қилиниб, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилмаса, дунё бозорида мустаҳкам ўрин эгаллаш, келадиган валюта хисобидан ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантириш, ускуна, техника ва технологияларни янгилаш, ишчиларнинг ойлигини ошириш масалалари ҳам ечилемасдан қолади.

Вилоятда ўз маҳсулотини экспорт қилувчи корхоналар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8 тага камайгани, экспорт бўйича прогноз дастурига киритилган 5 та йирик корхонадан 4 таси белгиланган кўрсаткичларни уddyalай олмагани бунинг исботидир.

Мирзаобод ва Мехнатобод туманларида хорижий инвестициялар иштирокида бирорта ҳам корхона ташкил этилмагани эса айrim раҳбарларнинг бу борада ҳали-хануз ғафлат уйқусидан уйғонмаганини кўрсатади.

Афсуски, бундай муаммолар вилоят иқтисодиётининг асоси бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам сақланиб қолмоқда, деди Юртбошимиз. Ишни тўғри ташкил эта билмаслик, хануз эскича қарашлар билан яшаш, янгиликка интилмаслик туфайли вилоятда қишлоқ хўжалиги сўнгги йилларда фақат зарар келтириб ишлайдиган соҳага айланиб қолди.

Эътибор беринг, иқтисодий ночор хўжаликлар зиммасидаги қарзлар микдори йил сайин ортиб бормоқда. 2000 йилда хўжаликлар 2 миллиард сўм зарар кўрган бўлса, 2001 йилда бу кўрсаткич икки баробарга ортиб, 4 миллиард сўмни ташкил этган. 2002 йил якунини хисоблайдиган бўлсак, бу зарар микдори янада ортади.

Холбуки, хукумат қарорига асосан, бу соҳадаги қолоқликка барҳам бериш мақсадида Мирзаобод ва Мехнатобод туманларидағи зарар билан ишлаётган хўжаликлар негизида фермер хўжаликлари уюшмалари тузилиб, уларга хизмат кўрсатувчи 16 та машина-трактор парки, 14 та минерал ўғитлар билан таъминлаш ва ёқилғи қўйиш шоҳобчаси, кичик банклар ташкил этилган эди.

Шунингдек, ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашгани, бир қисм майдонларни шўр босганини инобатга олиб, республика хукумати кейинги уч йилда вилоят бўйича давлатга пахта сотиши

шартнома режасини 60 минг тоннага камайтирганини ҳам айтиб ўтиш лозим. Лекин, минг афсуски, мана шундай кўрилган чора-тадбирлар ҳам ўз самарасини бермаяпти.

Вилоятда давлатга пахта сотиш режаси кейинги уч йил мобайнода сурункасига 60 фоизда колиб кетмоқда. Мирзаобод, Мехнатобод, Оқолтин ва Шароф Рашидов туманларида ҳосилдорлик 8-14 центнердан ошмаётганини ҳеч қандай сабаблар билан оқлаб бўлмайди.

Тажрибада синалганки, ерга чигитни шундоқ қадаб қўйиб, унга ҳеч қандай ишлов бермасдан ҳам 8 центнердан ҳосил олиш мумкин. Пахта етиштиришга кетган харажатларни қоплаш учун эса ҳосилдорлик камида 18 центнер бўлиши керак, дея таъкидлади Ислом Каримов. Менимча, 8 центнердан ҳосил олишнинг тагида бошқа гап, яъни ерни талон-торож қилиш, экилмаган ерларни қўшиб ёзиш каби кўзбўймачиликлар бор. Хўш, биз бу билан кимни алдаяпмиз? Афсуски, ўзимизни ўзимиз алдаяпмиз, холос.

Тўғри, ўтган йиллар қаттиқ қурғоқчилик бўлганини, бу йил эса баҳорнинг серёғин келгани учун чигит кеч - май ойигача экилгани - объектив ҳолат.

Чунки, табиатга буйруқ бериб бўлмайди. Аммо табиат инжиқлигини ҳар доим рўйич қиласвериш ҳам ярашмайди. Ютукларнинг калити аслида ўзимизда, ишнинг кўзини билиш, уни самарали ташкил қилиш, барча-барча имкониятларни ишга солиш ва аввало, мутахассис ва дехқонларни рағбатлантириш, уларга суянишда.

Мана, мисол учун, бу йилги пахта терими мавсумини олайлик.

Яратганимизга минг бора шукрки, бутун куз давомида икки яrim ой ҳаво очиқ бўлди, бир томчи ҳам ёмғир ёғмади. Бу ҳам Худонинг бизга марҳамати эмасми? Нега биз баҳорнинг серёғин бўлганини баҳона қиласиз-у, кузнинг қишлоқ хўжалик мавсуми учун кулагай келганини гапирмаймиз?

Барчамиз бир ҳақиқатни яхши англаш олишимиз зарур: пахтачиликнинг мавсуми чегараланган эмас, у йил - ўн икки ой давомида муттасил меҳнат қилишни талаб этади. Шунинг учун ҳам ўз вақтида қилинмаган иш эртага бошга ташвиш бўлади.

Давлатимиз раҳбари шу ўринда ҳамма нарсани об-ҳавога боғлаш, қўшимча сабаб қидириш заифлик аломати, хатони тан олиш эса мардлик белгиси эканини айтиб ўтди.

Ўзингиз ўйланг, ер ўз вақтида сифатли шудгор қилинмаса, шўри ювилмаса, эрта баҳорда чигитни барвақт ундириб олиш чораси кўрилмаса, сувдан самарали фойдаланиш усувлари ишлаб чиқилмаса, илмий асосда уруғ танланмаса, бир сўз билан айтганда, Сирдарёнинг тупроғига, табиатига мос технология бўлмаса, қандай қилиб пахта мўл ҳосил берсин!

Сирдарё вилоятида нафақат пахтачилик, умуман, дехқончиликда йўл кўйилаётган энг катта камчилик шундаки, қишлоқ хўжалик соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг негизи, асосий маъномазмуни унутиб кўйилмоқда. Бошқача айтганда, бу ерда одамларда - у ижара ёки ширкат хўжалиги бўладими - бундан қатъи назар, ерга ўзимнинг ерим, мулким деб қараш ҳиссиёти етишмаяпти. Бу, айниқса, бизни боқадиган ерга муносабат, унинг мелиоратив ҳолатига бепарволикда намоён бўлмоқда. Буни Мирзачўлни ўзлаштириш даврида ётқизилган дренаж қувурларини таъмирлаш билан боғлиқ муаммолар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мисол учун, 1998 йилда ҳисобга олинган мингта тик қудуқдан бугунги кунда фақат ярми сақланиб қолган, уларнинг ҳам аксарияти ишламайди. Бу мураккаб масалани вилоят раҳбарияти ҳукумат ёрдамида, республикадаги мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳал этиши лозим.

Бундан ташқари, хўжаликлараро зовурларнинг 37 фоизи, ички хўжалик зовурларининг эса 47 фоизи яроқсиз ҳолга келиб қолган. Бунинг натижасида ерларнинг мелиоратив ҳолати йилдан-йилга ёмонлашиб, пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги сурункали равишда пасайиб кетмоқда.

Вилоятда суғориладиган ерларнинг 53 фоизи ўртacha ва кучли даражада шўрлангани, кучли шўрланган ер майдонлари охирги тўрт йилда салкам 50 фоизга ортгани, 11 минг гектардан зиёд ер экин экиш учун мутлақо яроқсиз ҳолга келиб қолгани ҳам хўжаликларнинг иқтисодий жиҳатдан заифлашишига сабаб бўлмоқда.

Аммо шўр осмондан тушмайди-ку, ерга қанча сув кирса, шунча

сув чиқиб кетиши керак. Лекин, ўйлаб ўринглар, ҳозирги вақтда ерга кираётган сувнинг неча фоизи чиқиб кетади-ю, неча фоизи шўр бўлиб қолаяпти. Бу ердаги қамиш босган зовурлар шунинг исботи эмасми, дея эътиroz билдири Президент.

Ахир, бир вақтлар Сирдарё механизация бўйича олдинги ўринда эди-ку, бу ерда илғор дехқончилик мактаби бор эди-ку! Нега вилоят бугун мана шундай оғир ахволга тушиб қолди?

Нима учун Сирдарёда ғалла ҳосилдорлиги 28 центнердан ошмаяпти? Нима учун, масалан, Андижонда 70 центнердан ошириб дон етиширилалаяпти-ю, бу ерда ҳеч қандай ўзгариш бўлмаяпти? Бу ўринда синовдан ўтган ва ўзини оқлаган уруғ навларини экишга ахамият бериш керак. Лекин вилоятда бу масалада ҳам аниқ дастур, аниқ режа йўқ.

Умуман, ғаллачилик соҳасида вилоятда қандай истиқболли навларга таянайпизлар? Нима сабабдан вилоятда ғалла экиш мавсуми бунчалик кечикиб кетди?

Бултур вилоят бўйича 3 минг, бу йил эса 300 гектардан ортиқ майдондаги ғалла ўт босгани туфайли ўрилмай қолган. Баъзи раҳбарлар қамиш ёки бегона ўт босиб кетишини олдиндан била туриб, нега шу ерга яна ғалла экади? Буни қандай тушуниш мумкин?

Бундай ахволнинг бош сабаби вилоятдаги мутасадди раҳбарларнинг қатъиятсизлиги, бегам-бепарвонигидадир. Ўзини ҳоким, етакчи деб биладиган ҳар бир раҳбарда ўз худудига эгалик, масъулият туйғуси бўлиши керак. Сирдарёда эса, афсуски, тескариси бўляяпти.

Сизларнинг орангиздан Сирдарёни кўтараман, унинг аввалги шуҳратини тиклайман, деб майдонга чиқадиган ор-номуси баланд, қатъиятли одамларни қидираман, деди Юртбошимиз. Билсангиз, сизларга қараб мана шундай аччик гапларни айтиб ўтириш мен учун ҳам осон эмас. Чунки камчилик ҳақида гапириш, бировни танкид қилиш ҳеч кимга ёқмайди. Лекин мен шу мамлакатнинг раҳбари сифатида бугун бор ҳақиқатни айтиб, вилоятдаги ишларнинг ахволини қониқарсиз деб баҳолашга мажбурман. Чунки сизларнинг дардингиз - менинг дардим.

Текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, Мирзаобод, Оқолтин,

Гулистон туманларида пахта экилиши мўлжалланган унумдор ерларга полиз ва сабзавот экинлари, Ховос туманида эса кўпгина майдонларга фуқаролар томонидан ноқонуний равишда шоли экилган.

Бундай нохуш ҳолатдан туман ҳокимлиги, мутасадди раҳбарлар бехабар қолганига қандай ишониш мумкин? Агар туман ҳокими ўз худудидаги бундай ҳолатларни кўрмаса, билмадим, нима дейиш керак?

Бугунги кунда Сирдарё вилоятида 4 мингдан зиёд фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Лекин уларни қўллаб-қувватлаш, минерал ўғит, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари, сифатли уруғлик ва кичик техника воситалари билан таъминлаш, лизинг хизмати кўрсатиш масалалари ҳам мутасадди раҳбарлар эътиборидан четда қолмоқда.

Фермер хўжаликларининг дизель ёқилғиси ва бензинга бўлган талаби атиги 35 фоизга таъминлангани бу борадаги ахвол нечоғли ачинарли эканини тасдиқлаб турибди.

Айниқса, шундоқ ҳам камёб бўлган минерал ўғитлар талонторож қилинаётганига асло чидаб бўлмайди. Меҳнатобод ва Ховос туманлари кимётаъминот корхоналарининг омбор мудирлари Б. Сулеймонов, И. Норалиевлар 5 миллион сўмликдан ортиқ минерал ўғитни ўзлаштириб юборгани бунинг далилидир.

Айрим ҳокимликлар ва хўжалик раҳбарлари ҳамон фермер ва тадбиркорларнинг ҳақ-хуқуқини поймол қилиш ҳолатларига йўл кўймоқда. Буни жорий йилнинг 9 ойи давомида вилоят хўжалик судига фермер ва тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилиш билан боғлиқ 22 та даъво аризаси тушгани ҳам тасдиқлайди.

Дехқоннинг моддий манбаатдорлигини оширишга юзаки қаралаётгани боис 2001 йилда пахта сотиш шартномасини бажарган оиласвий пудратчиларга улар олиши лозим бўлган пахта ёғи, шелуха ва кунжаранинг 30-40 фоизи халигача берилмаган.

Масалан Ш. Рашидов туманидаги "Топил ота", "Давр" фермер хўжаликлиари аъзолари пахта сотиш режасини бажарганига қарамасдан, юқоридаги маҳсулотлардан бир килосини ҳам олмаган.

Пахта ёғи, кунжарани шу пахтани етиштириб, уни ишлаб чиқарган одамларга бермасдан, уларнинг ризқини қийиб, четга -

Қозоғистон, Тожикистонга чиқараётган кимсаларга нисбатан кескин чора кўриш керак, деди Президент. Хўш, бу масалада милиция, прокуратура ва бошқа маъмурий органлар қаёққа қарайпти? Ахир, биз шу масалаларда тартиб ўрнатмасак, адолат бўлмаса, одамларнинг ўзига қандай қараймиз?

Шу ўринда давлатимиз раҳбари яна бир муҳим масалага эътибор қаратди. Гап шундаки, жойларда баъзан план деб, режа деб фермерлардан шартномада кўзда тутилмаган ғаллани тортиб олиш ҳолатлари ҳам содир бўлмоқда. Бундай бемаъни ишлар кимга керак? Бундай йўл билан бажарилган режа ҳеч кимга обрў келтирмайди, деб таъкидлади Президент.

Бу, эҳтимол, кимларгадир майдა-чуйда нарса бўлиб туюлиши мумкин. Лекин бу ерда асосий нарса - адолат бузилаяпти-ку! Бунга эса мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Адолатга нисбатан ишончини йўқотган деҳқон қандай қилиб эртага яна далага чиқади? Қайси юз билан унга яна, далага чиқ, ғалла эк, пахта эк, деб айти оламиз?

Барака топкурлар, бугун сизларни ҳеч ким планни бажармадинг, деб илгаригидек райком, обкомга чақирмаяпти-ку! Ахир, деҳқон тўқ бўлса, унинг омбори ғаллага тўлса, бутун мамлакатда тўкинчилик, фаровонлик бўлади. Шундай экан, режадан ташқари ҳосилни, қанча бўлишидан қатъи назар, деҳқоннинг ихтиёрида қолдириш керак.

Бундай бемаъни ҳолатларнинг асосий сабаби шундаки, дея хулоса қилди Ислом Каримов, биз ҳамон эски тузумда қолган иш услублари билан яшаяпмиз, ҳамон улардан воз кеча олмаяпмиз.

Бундай камчиликларни бартараф этиш, вилоят иқтисодиёти, жумладан, қишлоқ хўжалигидаги аҳволни ўнглаш учун ҳар бир соҳада кескин чоралар кўриш, тартиб-интизом ўрнатиш, одамларнинг қарашларини ўзгартириш керак.

Маълумки, иқтисодиёт соҳасидаги муаммолар ижтимоий масалаларга ҳам муқаррар ўз таъсирини ўтказади. Буни Сирдарё вилоятидаги бугунги аҳвол яна бир карра тасдиқлайди.

Айниқса, ахоли турмуш даражасини яхшилашнинг муҳим шарти бўлган коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги муаммолар кишида жиддий ташвиш уйғотади.

Хусусан, вилоятда 1991 йилгача қурилган уй-жойни капитал таъмирлаш йиллик режаси бўйича белгиланган 70 та уйдан фақат 40 таси таъмирланган, холос. Коммунал хўжалиги соҳасида ишлар кўлами катта бўлишига қарамай, уй-жой мулқдорлари ширкатларига ажратилган молиявий ва моддий-техникавий ресурсларнинг хажми 2001 йилнинг шу даврига нисбатан 47 фоизга камайган.

Аҳолисининг асосий қисми чўл худудларида яшайдиган Сирдарё вилоятида одамларни табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлаш айниқса муҳим аҳамиятга эга. Бу ерда мана шу ҳаётий долзарб масалада ҳам қатор камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Мана, бир мисол: ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қарорлар асосида ичимлик сув билан таъминланиши зарур бўлган 24 та қишлоқнинг 15 тасида ҳанузгача бу борадаги ишлар охирига етказилмаган.

Ш. Рашидов, Мехнатобод, Мирзаобод туманлари аҳолисининг бир қисми ҳали ҳам очик ҳавзалардан фойдаланаётгани наҳотки тегишли ҳоким ва мутасадди раҳбарларнинг виждонини қийнамаса?

Мирзаобод туманидаги Мирза, "Ёшлар" қишлоқларида, Оқолтин туманидаги Темур Малиқ, Ш. Рашидов туманидаги худди шу номдаги хўжаликларда ичимлик сув тармоқлари ва иншоотлари 3-4 йилдан бўён ишламайди.

Гулистон, Сайхунобод, Боёвут туманларида 30 фоиздан зиёд аҳоли табиий газ қуляйликларидан маҳрум бўлиб қолмоқда.

Вилоятда сув ва газ ўлчаш мосламаларини ўрнатиш ишлари ҳам мутлақо талабга жавоб бермайди. Шу кунга қадар бу борадаги режа газ ўлчаш асбоблари бўйича 52, сув ўлчаш асбоблари бўйича эса борйўғи 2 фоизга бажарилган, холос.

Қишлоқларни газлаштириш жараёнида айрим ташкилотлар раҳбарлари бюджет маблағларини талон-торож қилишга йўл қўяётгани, қилинмаган ишларни қўшиб ёзиш билан шуғуланаётганини фақат давлат мулки, халқ мулкига хиёнат, деб баҳолаш мумкин.

Ховос туманидаги "Мингтерак" қишлоғида вилоят қурилиш-монтаж бошқармаси томонидан 11 миллион сўмлик газ қувурлари тортиш ишлари бажарилгани ҳолда, хисоботга 4 миллион сўм қўшиб

ёзилиб, катта миқдордаги бюджет маблағлари ўзлаштирилгани шундай деб айтишга асос беради.

Қиши мавсуми бошланётганига қарамай, вилоятда қозонхоналарни капитал таъмирлаш, уй-жой фондини жорий таъмирлаш ишларининг сифати талабга жавоб бермайди.

Қурилиш соҳасидаги ишларда ҳам оқсоқлик сезилиб турибди.

Биргина мисол: ўтган йили бу ерда 6 та касб-хунар коллежини фойдаланишга топшириш режалаштирилгани ҳолда, уларнинг 3 тасида қурилиш ишлари тугалланмасдан қолиб кетди.

Ёки вилоятдаги 78 та мактаб ва 32 та болалар боғчаси тўлиқ таъмирга муҳтож. 80 та мактаб мослаштирилган биноларда жойлашган. Мактабларнинг 25 фоизи газлаштирилмаган, 37 фоизида эса спорт заллари йўқ. 18 та янги мактаб биносининг қурилиши эса тўхтаб қолган.

Ўз-ўзидан савол туғилади: нима, бундай ахволдан вилоят раҳбарлари бехабарми? Хабардор бўлса, нега амалий чора кўрмайди? Худди шундай танқидий фикрларни соғлиқни сақлаш тизими ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Барча шаҳар ва туманлар марказий шифохоналарида шошилинч тиббий ёрдам бўйлимлари ташкил қилинган бўлса-да, уларнинг аксарияти замонавий асбоб-ускуналар билан етарли таъминланмаган, диагностика жиҳозлари эскириб, яроқсиз ҳолга келиб қолган.

Ёки 25 та тиббиёт муассасасининг биноси тўлиқ таъмирга муҳтож бўлишига қарамай, бу борада ҳанузгача бирон-бир амалий қадам қўйилмаяпти. Бундай ҳолатни ўнглаш учун вилоят раҳбарлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари қандай чора кўрмоқда?

Вилоятда кўшимишча иш ўринлари яратиш борасида ҳам ижобий ўзгариш сезилмаяпти. Йил давомида ишга жойлаштиришни сўраб бандлик хизматига мурожаат этган 9 мингдан зиёд кишининг ярми ҳам иш билан таъминланмаган. Уларнинг 71 фоизи эса қишлоқ аҳолиси.

Юртбошимиз сессия қатнашчиларига шундай савол билан мурожаат этди: нега пахтани етиштириш, териб олиш учун бир неча йиллар давомида бошқа худудлардан ҳашарчилар жалб этилади-ю, вилоятнинг ўзидағи ишчи ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўқ?

Дарҳақиқат, бу йил вилоятга четдан беш ярим минг нафардан ортиқ киши йифим-терим ишларига жалб қилинди. Ҳолбуки, ишни тўғри ташкил этган тақдирда бу ёрдамчиларга кетган харажатни, уларга тўланган иш ҳақини вилоятнинг ўз аҳолисига бериш, шу йўл билан уларнинг моддий таъминотини яхшилаш мумкин эди.

Кейинги йилларда вилоятда қонунбузарлик ва жиноятчилик кўрсаткичлари ортиб бораётгани кузатилмоқда. Жорий йилнинг 9 ойи давомида қасддан одам ўлдириш 63 фоизга, босқинчилик 50 фоизга, қасддан оғир тан жароҳати етказиш уч баробарга ошгани, айниқса, вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этиш икки ярим мартага кўпайгани вилоят фаоллари ва жамоатчилигини жиддий ташвишлантириши керак.

Яна бир муаммо. Вилоятда халқимизнинг ризқ-насибаси бўлган товар-моддий бойликларни айрим фуқаролар томонидан четга ноқонуний олиб ўтиш ҳолларига чек қўйилмаяпти. Ўзингиз бир тасаввур қилинг, йил бошидан бери биргина ўсимлик ёғини қонунга зид равишда четга чиқариш бўйича 35 та жиноий ҳолат аниқланиб, ишлар суд идораларига оширилган.

Бир томондан, одамларимизнинг кундалик ҳаётий эҳтиёжи учун зарур бўлган кўплаб озиқ-овқат маҳсулотлари ва товар-моддий бойликлар ташиб кетилмоқда, бир ёқдан эса, сифати паст, истеъмолга яроқсиз чет эл молларининг кириб келиши давом этмоқда.

Мисол учун, 2002 йил 1 ноябрь куни Қозогистон Республикаси Мақтаарал тумани орқали Сирдарё тумани худудига божхона назоратини четлаган ҳолда кириб келаётган 6 та юк автомашинаси текширилганда, уларга ортилган тарвуз ва қамиш остида Хитойда ишлаб чиқарилган 500 миллион сўмлиқдан ортиқ турли буюмлар борлиги аниқланган.

Вилоятда жиноятчиликнинг ўсиши, адолат тамойилларининг бузилиши сабабларидан бири суд-хуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг талаб даражасида олиб борилмаётганидадир.

Кейинги пайтда мамлакатимизда жиноий жазоларни либераллаштиришга катта эътибор берилаётгани, бу ҳақда тегишли қонунлар қабул қилинаётгани вилоят суд идоралари фаолиятида ўз аксини топмаяпти.

Суд ҳокимияти вакилларининг ҳамон эскича қарашлардан воз кеча олмаётгани одамларнинг ҳақли норозилигига сабаб бўлмоқда. Масалан, Янгиер шаҳар суди судьяси О. Зоирова уч нафар фарзанди ва 7 ойлик ҳомиласи бўлган судланувчи Г. Маъмуревани чақирув қоғозига биноан судга етиб келмагани учун ҳисбсга олиш ҳақида қарор чиқарган. Бу қайси инсоний ёки қонуний мезонларга тўғри келади? Бу қип-қизил зўравонлик эмасми?

Бундай нуксонлар, қонунбузарликларнинг авваламбор, маъмурий, ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан содир этилишини асло йўл қўйиб бўлмайдиган ва давлат ҳокимияти идораларини, унинг вакилларини обрўсизлантирадиган, халқимизнинг уларга бўлган ишончини йўқотадиган ҳолатлар, деб баҳолаш даркор.

Бир нарсани очиқ айтишим лозим, деди давлатимиз раҳбари, мансабдор шахс - у прокурор бўладими, суд ёки милиция, бошқа маъмурий ташкилотлар вакили бўладими - уларнинг орасида форма кийиб, давлат номидан ҳукмонлик қиласиган, ўзини йўқотиб, оёғи ердан узилиб, эл-юрт олдидаги масъулиятни, ўзи қаердан, қайси қишлоқ-шаҳардан чиққанини унугтган одамлар пайдо бўлса, шуни билингларки, улар шу соҳада ҳалол ишлаётган минг-минглаб ходимларнинг обрўсига путур етказади ва уларнинг халқ ишончини қозониш учун қилаётган меҳнатини йўққа чиқаради.

Умуман олганда, Сирдарё вилоятида ҳуқуқ-тартибот, маъмурий органлар фаолиятида, уларнинг оддий инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш юзасидан ўз бурчи ва вазифасини бажаришда, тартиб-интизомни қонун доирасида қатъий таъминлашда, авваламбор, ўзларига нисбатан талабчанликни оширишда йўл қўйилган хато-камчиликлар бу соҳада иш анча бўшашиб кетганини кўрсатади.

Бу ҳол барчамизни ташвишга солиши зарур ва бу борада кескин чораларни қабул қилиш вакти-соати келди, деб ўйлайман, деди Президент.

Шундан сўнг сессия кун тартибига қўйилган ташкилий масала кўрилди. Алишер Исроилов бошқа ишга ўтгани муносабати билан вилоят ҳокими вазифасидан озод этилди. Президент Ислом Каримов тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси лавозимида ишлаб келаётган Равшан Ҳайдаров

вилоят ҳокими этиб тасдиқланди.

Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари кадрларни тайёрлаш, танлаш ва жой-жойига қўйиш борасидаги айrim фикрмуроҳазаларини баён этди.

Биз бундан уч йил олдин А. Истроиловга ишонч билдириб, уни вилоят ҳокими лавозимига тасдиқлаганимизда, ёшларимизга тезроқ катта йўл очиш, уларнинг салоҳиятидан кенгроқ фойдаланишни кўзда тутган эдик, деди Юртбошимиз.

Тўғри, дастлабки вақтларда у вилоят ҳаётида ўзгариш ясаш учун бирмунча ҳаракат қилди ва бу борада айrim ижобий натижаларга ҳам эришди. Лекин, очиқ айтиш керак, зиммасига юклangan масъулиятли вазифани талаб даражасида адо эта олмади.

Биргина мисол: халқимизда "Бола йигламаса, она сут бермайди" деган мақол бор. Мен мана шу уч йил давомида вилоят ҳокимининг бирорта катта анжуманда сўзга чикиб, бирон марказий идорага кириб, вилоят манфаатларини ҳимоя қилганини кўрмадим. У ҳатто вилоятдаги кескин муаммо - ерларнинг мелиоратив ҳолати бўйича ҳам бонг урмади, масала кўтартмади, бу ҳақда бирон-бир таклиф ёки дастур билан чиқмади.

Биринчи раҳбар томонидан кадрлар масаласида, аввало, уларни танлаш ва тарбиялаш, босқичма-босқич лавозимларга тайинлаш борасида бир қатор хато ва нуқсонларга йўл қўйилди. Натижада вилоятда кадрлар кўнимсизлиги одатий ҳолга айланиб қолди.

Кейинги икки йил ичида шаҳар, туман ҳокимлари ва уларнинг биринчи ўринbosарларининг деярли барчаси, ширкат хўжалиги раҳбарларининг ярмидан кўпи алмаштирилгани буни тасдиқлади.

Меҳнатобод, Сайхунобод, Ховос туманлари ҳокимларининг биринчи ўринbosарлари лавозимлари бир йилдан зиёд вақт давомида бўш турганини нима билан изоҳлаш мумкин?

Ёдингизда бўлса, мана шу залда сизлар билан вилоят ҳокимини тайинлаганимизда, мен раҳбар одам маҳаллийчилик ва гуруҳбозлик каби иллатлардан узоқ бўлиши кераклигини алоҳида таъкидлаган эдим, деди Президент.

Афсуски, бундай ҳолатларни бугун Сирдарё вилояти мисолида кўришимиз, бу ҳақда кўп мисолларни, фамилияларни келтиришимиз

мумкин. Лекин гап бунда эмас. Ачинарли томони шундаки, вилоят ҳокими томонидан четдан олиб келинган кадрлар ўзларига юклатилган вазифаларни бажаришда билим ва малакаларини кўрсата олмади, аксинча, вилоятдаги ижтимоий мұхитнинг бузилишига, аввало, ҳокимнинг обрў-эътибори тушишига сабаб бўлди.

Мен йўл қўйилган бундай хато ва камчиликларга фақат битта одам айбдор, деган фикрдан йироқман, деб таъкидлади Ислом Каримов. Бу масалада ўз вактида принципиаллик ва қатъият кўрсата олмаган сиз, вилоят фаоллари ҳамда депутатларнинг ҳам айби бор, албатта.

Вилоятдаги күпчилик ҳокимларнинг камчилиги шундаки, улар ҳаётнинг ичига кириб бориш, одамларнинг дарду ташвишлари билан яшаш, уларнинг күнглига йўл топишда ўзини намоён эта олмаяпти.

Холбуки, ҳоким, етакчи деган шахс, халқ қандай яшаяпты, унинг орзу-интилишлари, ташвиш-муаммолари нимадан иборат - барча-барчасидан албатта хабардор бўлиши керак.

Ууман, кадрлар масаласида бизда жиддий муаммо бор, деди Юртбошимиз. Эски кадрлар ёши туфайли пенсияга чиқиб кетаяпти. Уларнинг ўрнига муносиб ёш кадрларнинг келиши эса қийин кечаяпти. Ҳаракатчан, билимли ёшларимиз бор, лекин уларнинг ҳали ҳаётий тажрибаси етарли эмас. Мен бугун ёшларимизга қарата, ҳаётни ўрганинглар, факат пойтахтда яшаб ишлашни мўлжалламасдан, Сирдарёга, Жиззахга, Хоразм ёки Қашқадарёга хам боринглар, деб мурожаат қилмоқчиман.

Фақат инглиз тилини ёки бозор иқтисодиёти назариясини билиш билан иш битмайди, аввало, ҳаётни билиш керак. Ёшларимиз ҳаётнинг ичига кириб бориши керак. Ахир, Ўзбекистоннинг юкини ёшларимиз кўтармаса, ким кўтаради?

Мен бугун мана шу залда ўтирганларга, бутун Сирдарё аҳлига мурожаат қилиб айтмоқчиман, ўрнингиздан туриб, бир атрофингизга назар ташланглар, қаранг, сизлар қандай келишган, билаги кучга тўлган одамларсиз ахир, бундай одамлар билан ечиб бўлмайдиган муаммо борми?

Бунинг учун фақат Сирдарё халқига хос бўлган ғурур, ор-номус, азму шиҷоатни тиклаш керак. Токи одамлар, мен бу жойда вактинча

эмас, бир умр яшайман, томир ёзаман, деб келганман, шу ер менинг Ватаним, деган кайфият билан яшайдиган бўлсин.

Президент янги сайланган вилоят раҳбарини табриклаб, ишларига муваффакият ва омад тилар экан, барчамиз, аввало, унинг елкасига юклangan вазифа накадар оғир ва масъулиятли эканини ўзимизга тасаввур қилишимиз лозим, деди.

Янги раҳбар вилоят олдида турган мураккаб вазифаларни бажариш учун ишни нималардан бошлаш, биринчи галда, қандай устувор, қандай муҳим муаммоларга эътибор қаратиш кераклиги ҳақида чуқур ўйлаб, тегишли хulosаларга келиши зарур.

Ҳеч шубҳасиз, ким қандай ташвиш ва қундалик муаммолар билан яшамасин, барчамизниң орзу-интилишларимиз энг эзгу мақсадларга қаратилган. Биз ҳаётимизниң тинч ва осойишта ўтишини, фаровон ва осуда кечишини, фарзандларимиз - жондан азиз болаларимизниң комил инсонлар бўлиб ўсишини, уларнинг келажагидан кўнглимиз тўқ бўлишини истаймиз, шундай олижаноб умид ва орзулар билан яшаймиз.

Ҳар қандай буюк мақсадга етишиш каби, бундай мэрраларга эришиш учун ҳам биринчи навбатда эл-юрт уйғониши, белини қаттиқ ва маҳкам боғлаб, шу ғоялар атрофида бирлашиши, барча имкониятларини, мудраб ётган салоҳиятини ишга солиши, сафарбар қилиши зарур.

Биз эл-юртимизниң ғурурини кўтаришимиз, биз киммиз, кимларниң авлодимиз, нима учун кимдандир кам бўлишимиз керак, деган ғояларни одамларимиз, аввало, ёшларимизниң онгига, юрагига сингдиришимиз даркор, дея таъкидлади Ислом Каримов. Ҳар қайси инсон буюк куч соҳибидир. Фақат уни уйғота билиш керак.

Мана шундай ғояларни уйғотиш, одамларни бирлаштириш, бошини қовуштириш учун эса уларнинг кўнглига йўл топиш, қалбига кириб бориш зарур. Агар мендан, ана шундай улуғ салоҳиятни ишга солиш учун аввало нима керак, деб сўралса, бунинг учун эл-юртни ўз атрофида жисплаштиришга кодир, шундай хусусият-фазилатларга эга бўлган раҳбарлар майдонга чиқиши керак, деб жавоб берган бўлардим.

Бир сўз билан айтадиган бўлсам, раҳбар деган одам фидойи

бўлиши, халқнинг дарду ташвишларини, орзу-умидларини юрагидан, қалбидан ўтказиб, уларни рўёбга чиқариш, зиммасига юклатилган вазифаларни адо этиш учун ўзининг ҳаётини фидо қилишга ҳам тайёр бўлиши керак.

Биринчидан, одамларни, эл-юртни юксак мақсадлар ва мэрраларга даъват қиласиган раҳбар, аввало, ўзининг кундалик ҳаёти, бутун борлиги билан бошқаларга ўрнак бўлиши, ҳақиқий курашчи бўлиши шарт.

Иккинчидан, бу мақсадларга эришиш учун раҳбар шу ғояларни ўзининг шахсий ғоялари деб биладиган фидойи инсонларни ўз атрофида бирлаштириши керак. Лекин улар хушомадгўй, лаганбардор кимсалар эмас, балки раҳбар билан маслакдош, ҳамфикр, эл-юрт манфаати йўлида сидқидилдан меҳнат қиласиган, ҳалол ва пок одамлар бўлиши лозим. Раҳбар ана шундай одамларни топиши, уларга таяниб ишлаши зарур.

Учинчидан, раҳбар ўз олдига ҳавои, баландпарвоз мақсадларни эмас, балки аниқ, амалий вазифаларни қўйиши лозим. Бунга эришиш учун у, бошида оз бўлса-да одамлар ҳаётини яхшилашга бевосита таъсир кўрсатадиган амалий ишларни қилиши керак.

Тўртинчидан, раҳбар қуруқ ваъдабозликка берилмаслиги, ҳаммага ёкиш кайфиятидан узоқ бўлиши зарур. Энг муҳими, раҳбар изланувчан, тадбиркор, қатъиятли, керак бўлса, қаттиққўл ҳам бўлиши, ҳар қандай шароитда ҳам ўзини йўқотмаслиги, давлат, ҳалқ манфаатини ҳимоялаш йўлида жонини ҳам аямаслиги, бошқаларни ҳам шунга сафарбар қила билиши керак.

- Ўйлайманки, кўп-кўп ҳаёт синовларини бошидан ўтказган Сирдарё вилояти меҳнат аҳли, мана шу залда тўпланган фаоллар, - деди Президент Ислом Каримов пировардида, - бугун билдирилган танқидий фикрлардан тегишли хулоса чиқариб олади ва янги раҳбар билан бирга ҳамжиҳатлиқда меҳнат қилиб, мавжуд муаммоларни тез орада ижобий ҳал этади. Ва қисқа вақт ичida Сирдарё воҳасининг аввалги обрў-эътибори тикланади, деб ишонч билдиришга рухсат бергайсиз.

ҲАЁТИМИЗНИНГ, ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСИ

Ассалому алайкум, муҳтарам дўстлар!

Қадрли юртдошлар!

Аввало, ўз номимдан барчангизни, сизлар орқали бутун халқимизни кутлуг айём - ҳаётимизнинг хуқуқий асоси бўлмиш Конституциямизнинг 10 йиллиги билан чин қалбимдан муборакбод этишга рухсат бергайсиз.

Конституциямизнинг мамлакатимизда янги ҳаёт, янги хуқуқий давлат ва адолатли жамият қуришдаги аҳамияти ва моҳияти ҳақида кўп гапириш, кўп фикр юритиш мумкин.

Бугун Конституциявий суд раиси Бўритош Мустафоев қилган маърузада ҳам эзгу мақсадларимизга эришиш йўлида Конституциямизнинг улкан ҳиссаси ҳақида мазмунли фикр ва мулоҳазалар айтилди.

Мен шу фурсатдан фойдаланиб, сиз, ҳурматли мажлис иштирокчилари эътиборини кўпроқ бошка масалага - Конституциямиз асосида қабул қилинаётган қонунларни ҳаётга татбиқ этиш ва шу муҳим масала атрофида тўпланиб турган муаммоларга жалб қилмоқчиман.

Шуни очиқ тан олишимиз керак, қонун устуворлигини ҳаётимизнинг барча жабхаларида таъминлаш, эскича фикрлаш, умуман, қотиб қолган қарашлардан тезроқ воз кечиш, ва аввало, инсон хуқуқлари ва эркинликларини олдинги ўринга қўйиш ва шу асосда йўл тутиш, бу жараёнларни тубдан тезлаштириш бугунги кунда биз учун энг долзарб масалалар бўлиб қолмоқда.

Содда қилиб айтганда, биз қандай ҳар томонлама чукур ва пухта ишланган, юксак андозаларга асосланган қонунларни қабул қилмайлик, агарки, уларнинг норма ва талаблари амалда ҳаётимизда ўз кучини кўрсатмаса - шу йўналишда қилаётган барча

ишларимизнинг самараси бўлмайди. Ва, бундай ҳолатлар фуқароларимизнинг табиий ва ўринли эътиrozларига сабаб бўлмоқда.

Бу ўзи нима дегани, нима учун қонуний нормаларда кўрсатилган талаблар бошқа-ю, ҳаётимиизда кўпгина ҳолатлар ва мисоллар бошқача, деган фикрларга жавоб топиш осон эмас, албатта.

Шундай вазиятларда қонун қонун билан, ҳаётда эса кўпинча мансабда ўтирганларнинг айтгани бўлар экан, уларнинг сўзи, уларнинг ҳақиқати ҳақиқат бўляпти, деган кайфиятлар ҳам учрайди.

Шундай ҳолатлар ва савдолар бошига тушганда, одамларимиз беихтиёр "Ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан" деган мақолни изтироб чекиб эслали ҳам ўринли, деб ўйлайман.

Бу ҳам ҳаётимиизнинг аччиқ ҳақиқати.

Биз қонунчиликка асосланган хуқукий давлат қуришга интилаётган эканмиз, бундай ҳолатлардан юз ўтиргасдан, қочмасдан, аксинча, бунга олиб келувчи сабабларнинг таг-томирига етиб бориш ва уларнинг ечимини топишимиш зарур.

Бу барчамизнинг, аввало, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи идора ва ташкилотлар мутасадди раҳбарларининг бурчидир.

Бу каби вазият ва ҳолатлар нафақат бизда - мустақил тараққиёт йўлига ўтган ва Конституцияси энди ўн ёшга кирган мамлакатимизда эмас, балки энг ривожланган давлатларда ҳам учраб туриши мумкин.

Лекин, ҳеч шубҳасиз, хусусан биз учун бу масала бугунги кунда буюк истиқболларимизни кўриш, ҳалқимизнинг келажаккака ишончини қозониш ва мустаҳкамлаш учун энг долзарб ва ҳал қилувчи масалаларнинг бирига айланмоқда.

Нега деганда, замонавий талабларга жавоб берадиган, эл-юритимизнинг асл ва чукур манфаатларини инобатга олган қонунларни қабул қилиш - ўз йўли билан.

Айни пайтда бу қонунларнинг ҳаётимиизда жорий бўлганини, ўз аксини топганини кўриш - бу одамларимизга мутлако бошқача мамнуният бағишлийдиган ва уларни рози қиладиган вазият эканини барчамиз яхши тушунамиз.

Энди бу муаммоларнинг ечимига келадиган бўлсак, аввало нималарга алоҳида эътиборимизни жалб қилишимиз зарур?

Кўпгина масалалар ва йўналишлар қаторида, уларнинг энг

муҳимлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак:

Биринчидан, Конституциямиз ҳаётимизда ўз аксини тўлиқ топиши учун ҳали замон талаб қиласиган кўпгина янги қонунларни қабул қилишимиз шарт.

Биз қонунларнинг матни, маъно-мазмуни ҳақида кўп бош қотирамиз, аммо уларда белгилаб қўйилган талабларни амалга ошириш учун қонунчиликда муҳим аҳамиятга эга бўлган, шу қонунни жорий қилиш учун керак бўладиган актларни қабул қилишни, бу масала бўйича жавобгарликни жойига кўйишни кўпинча унутиб кўямиз.

Шу сабабли ҳам қонунларимизнинг неччи фоизи ҳаётимизда ўз ифодасини топмоқда, қанчасини татбиқ этиш оғир кечмоқда, деган саволга жавоб бериш қийин.

Иккинчидан, жамиятимиз ҳаётида қонун устуворлигига эришиш учун ҳокимиятнинг уч тармоғи - қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш зарур.

Шундагина ҳокимият тармоқлари орасида том маънодаги мувозанат қарор топади, содда қилиб айтганда, адолат тарозиси бузилмайди.

Аввало, суд ҳокимияти, суд органлари мустақил бўлиб ҳаммага ҳам бир кўз билан қараши - бу оддий фуқароми ёки мансабдор ва амалдорми - ҳар қандай ҳолатда ҳам қонун устуворлигининг таъминланишига эришишимиз даркор.

Учинчидан, ижро ҳокимияти ва идораларининг, яъни бу ҳокимлик ёки вазирлик бўладими - умуман, мансаб курсисида ўтирганларнинг ўзига юкланган вазифани адо этишда масъулияти ва жавобгарлигини янада ошириш лозим.

Бу талаб аввало маъмурий идоралар, қонунни муҳофаза қилувчи органлар ва ташкилотларга тегишлидир.

Тўртинчидан, нодавлат ва ижтимоий, ўзини ўзи бошқариш ташкилотларининг ва фуқаролик институтларининг роли, ўрни ва моҳиятини, уларнинг давлат корхоналари устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш зарур.

Биз бу йўналишда бугунги кунда фақатгина биринчи кадамларимизни қўймокдамиз.

Бешинчидан, жамоатчилигимиз, аҳолимизнинг сиёсий ва ижтимоий савияси ҳамда фаоллигини ошириш даркор.

Мен бу масалани биринчи даражали масалага айлантириш керак, деб ўйлайман.

Ҳар қайси инсон ўз ҳак-хукуки учун курашиши лозим. Ҳар қандай одам учун имон-эътиқод деган сўзлар шунчаки, ҳавои сўзлар эмас, аксинча, уни доимо қийнайдиган, виждонини уйғотадиган чукур тушунчалар бўлса, бундай фуқаро атрофдаги одамлар, маҳалла-кўй, эл-юрт ташвиши билан яшashi шарт.

Барчамиз лоқайдлик ва бепарвонликдан, сен менга тегма - мен сенга тегмайман, деган заифлик асоратидан бутунлай жудо бўлишимиз зарур.

Жамиятимизда шундай инсонлар қанча қўпайса, аввало, ҳаётга кириб келаётган ёшларимизда бундай кайфият нақадар қучайса, бундай қарашлар уларни ҳаёт тарзининг узвий қисмига айланган ҳолда биз олдимизга қўйган мақсадларга тезроқ етиб борамиз.

Бу масаланинг яна бир муҳим томони - бундай фикрловчи ва ҳаёт кечирувчи одамларимиз, ёшларимиз жамиятимизда ўз ўрнини тезроқ топса, ҳеч шубҳасиз, ҳокимият амалдорлари орасида Конституция ва қонунларимизни писанд қилмайдиган, ўз манфаатини, ўз бойлигини давлат ва эл-юрт манфаатидан юқори қўяётган чаласавод кимсаларга шунча ўрин қолмайди.

Ўз-ўзидан аёнки, биз адолатли ва фаровон жамият қурмоқчи эканмиз, Конституция ва унинг асосида яратилган қонунларни чукур ўрганиш ва уларга риоя қилиб яшаш кундалик ҳаёт тарзимизга айланиши шартдир.

Азиз юртдошлар!

Ҳаммангизга маълумки, биз бундан роппа-роса бир йил муқаддам мана шу залда 2002 йилни мамлакатимизда Қарияларни қадрлаш йили, деб эълон қилган эдик.

Бизнинг бу йилга шундай ном беришдан асосий мақсадимиз - халқимизнинг азалий удумларига риоя қилиб, эл-юртимизнинг фаровонлигини оширишга қаратилган ўзига хос сиёсатимизни изчил давом эттириш, уни янада қўпроқ амалий ишлар билан мустаҳкамлашдан иборат эканини, ўйлайманки, жамоатчилигимиз

яхши билади.

Содда қилиб айтганда, биз олиб бораётган давлат сиёсати, биз қураётган давлат тизими, барпо этаётган янги жамият, ҳаётимизда карор топаётган эзгу қадриятлар замирида, аввало, Ўзбекистоннинг буюк келажагини ўйлаб, йиллар давомида шу олижаноб ишга ўз хиссасини қўшган, ана шу пойдеворнинг тамал тошини қўйган инсонларни улуғлаш, уларни рози қилишдек олижаноб мақсад мужассам.

Шу маънода, кейинги йилларда эълон қилинган Инсон манфаатлари ёки Оила йилини оласизми, Аёллар, Соғлом авлод, Оналар ва болалар йили ёки мана шу Қарияларни қадрлаш йилини оласизми - буларнинг барчаси бир-бири билан мантикий асосда, ўзаро узвий боғланганини кўрамиз.

Давлат ва жамият эътиборини ижтимоий ҳаётимизнинг муҳим йўналишларига қаратиб, одамларимизнинг оғирини енгил қилишга қаратилган дастурларни бажариш учун керакли имконият ва маблағ топиб қилган ишларимизнинг амалий таъсири ҳаётимизнинг барча жабҳаларида бугун самара бертаётганига ҳаммамиз - оддий фуқародан тортиб юкори мансаб лавозимларида ўтирган инсонларгача гувоҳ бўймоқдамиз.

Агар биз ўтиб бораётган 2002 йилга худди шу кўз билан қараб, унинг амалий натижаларини таҳлил этадиган бўлсак, ҳеч шубҳасиз, Қарияларни қадрлаш йили бўйича қабул қилган дастуримиз нафақат муҳтарам фахрийларимиз, кексайиб қолган ота-оналаримиз, балки бутун жамиятимиз ҳаётида катта из қолдирганига ишонч ҳосил қиласиз.

Мен бугун бу тўғрида батафсил ҳисботот беришни мақсад қилиб қўйганим йўқ. Чунки, дастур ижроси юзасидан мутасадди ташкилотлар вакиллари матбуот, радио-телевидение орқали, маҳалла ва фуқаролар йиғинларида ўз ҳисботини беради, албаттада.

Мен фақат бу борадаги айрим мисолларни келтириб ўтмоқчиман.

Қарияларимизни моддий жиҳатдан кўллаб-кувватлаш мақсадида, аввало, жорий йилда пенсия ҳажмини аниқлаш ва ҳисоблашга адолатли қараб, пенсия миқдорининг 1,3 марта

кўпайтирилгани, кексаларимизга қўшимча имтиёзлар бериш учун биргина Пенсия жамғармаси томонидан 39 миллиард 600 миллион сўм маблағ ажратилгани ҳам бу борадаги ишларнинг кўлами нечоғли катта бўлганини кўрсатиб турибди.

Ўки қарияларни ижтимоий химоя қилиш тизимини такомиллаштириш, уларга тиббий, санаторий-курорт, коммунал-маший ва транспорт хизматлари кўрсатишни яхшилаш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилганини ҳам эсламасдан ўтмолмаймиз.

Шу ўринда икки миллионга яқин қария диспансер назорати ва тиббий кўрикдан ўтказилгани, 30 мингдан зиёд отахон ва онахонларимиз санаторияларда ва тиббиёт масканларида бепул даволанганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бу хақда гапирганда, "Ортопедик реабилитация" илмий-ишлаб чиқариш корхонасининг барча вилоятларда филиаллари ташкил этилиб, ёрдамга муҳтож ва ногирон кексаларни маҳсус аравачалар, эшлитиш мосламалари ва бошқа зарур воситалар билан таъминлаш ишлари изчил давом эттирилаётганини ҳам тилга олиш мумкин.

Ўки бўлмаса, шу йил Қорақалпоғистон Республикасида "Тахиатош" санаторий-профилакторийси, Наманган вилоятида уруш ва меҳнат фахрийларига мўлжалланган "Косонсой" сиҳатгоҳи, Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳрида "Саховат уйи" барпо этилганини айтиш ўринлидир.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ногирон ва қаровчисиз кексаларга 1 миллиард 340 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилгани, бу эса режадагидан уч баробар кўп экани ҳам албатта амалга оширилган ишлар салмоғидан далолат беради.

Бундан ташқари, 900 нафар ёлғиз отахон ва онахонларнинг уйлари давлат ҳисобидан таъмирлаб берилилгани, 11 минг 700 нафар ёлғиз кексага давлат дастурида кўзда тутилган имтиёзли ёрдам амалга оширилаётгани, уларга 3 мингдан зиёд ҳамшира хизмат кўрсатаётгани, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари эса 3 минг 700 кексани ўз оталиғига олиб, уларга мунтазам ёрдам кўрсатиб келаётгани айниқса эътиборлидир.

Албатта, масаланинг маънавий томони, яъни оилада, маҳаллада,

жамоат жойларида, тўй ва маъракаларда кексаларимизга бўлган хурмат-эътибор янада ортгани, улар доимо кўпчиликнинг эъзозида бўлиб келаётгани хақида ортиқча тўхталишга зарурат бўлмаса керак.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, мана шу эзгу ишларга хисса кўшган саховатли инсонларга, турли хайрия ташкилотлари вакилларига ўз миннатдорлигимизни изҳор этиб, илоҳим, қилган хайрли ишларингизнинг савобини ўзингиз ҳам кўринг, бошингиз омон бўлсин, ҳеч қачон кам бўлманг, деб тилак билдиrsак, адолатли бўлади, деб ўйлайман.

Нега деганда, уларни ҳеч ким бунга мажбур қилгани йўқ. Жамиятимиз ҳаётида рўй бераётган мана шундай ижобий ўзгаришлар, одамларимиз ўртасида меҳр-оқибат, шафқат туйғулари тобора мустаҳкамланиб бораётгани шахсан мени беҳад қувонтиради.

Албатта, мўътабар қарияларимизга бўлган эътибор, бу йўналишдаги ишлар фақат шу йил билан чекланмайди, балки янги босқичда, янгича шаклда изчил давом эттирилади.

Чунки бизларни дунёга келтириб, voyaga etkazgan, ўзининг меҳнати билан бугунги ҳаётга катта хисса кўшган кекса авлод олдида барчамиз ҳамиша қарздормиз. Уларни эъзозлаш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарзdir.

Хурматли дўстлар!

Барча қувонч ва ташвишлар, муаммоларга қарамасдан, ҳаёт давом этаверади.

Мана, ҳадемай, Янги йил ҳам кириб келади. Янги йилимиз ҳам файзли, баракали бўлади, Яратганимиз бу йилда ҳам биздан меҳрини, марҳаматини аямайди, хонадонларимизга тинчлик-осойишталиқ, баҳту саодат ато этади, деб ишонамиз.

Илгари ҳам кўп бор айтган гапимни яна такрорламоқчиман: биз пок ва холис ниятлар билан яшасак, Оллоҳни доимо қалбимизда, юрагимизда сақлаб, ундан сўрасак, ишончим комилки, биздан меҳр-муруvvatини ҳеч қачон дариф тутмайди.

Янги йилга ана шундай орзулар билан караётган ҳалқимизнинг фикрини, кайфиятини инобатга олиб, бу йилимизнинг ҳам ҳар томонлама хосиятли, файзу баракали бўлишини ният қиласар эканмиз, менинг бир таклифим бор: кириб келаётган 2003 йилни "Обод

маҳалла йили" деб эълон қилсак.

Қадрли ватандошлар!

Бу масалага кенгроқ қарайдиган бўлсақ, янги йилга бундай ном беришимиznинг боиси нимада, деган табиий савол туғилади.

Аввало, шуни айтиш керакки, "обод" деган сўз, "обод маҳалла" деган ибора замирида теран маъно бор.

Обод деганда, халқимиз, миллатимиз нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга, айнан тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳроқибат, аҳиллик, кут-барака ҳукмрон бўлган жойларни тасаввур қиласди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, маҳалладек ноёб тизим ҳақида ортиқча гапириб ўтиришга эҳтиёж йўқ, деб ўйлайман.

Нега деганда, ҳар қайси инсон, ҳар қайси хонадон ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, одамларнинг бошини қовуштириш, турар жойларда тартиб-интизомни мустаҳкамлашда, ўзини ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг роли, аҳамияти ва моҳияти кундан-кунга ошиб бораётганини барчамиз қўриб турибмиз.

Шу боис, маҳалланинг ҳаётимиздаги мавқеи юксак, унинг қонуний, ҳуқуқий асослари ҳар томонлама мустаҳкам бўлиб ривож топса, бу идорани жамиятимиз сиёсий-иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас бир қисми, қуий бошқариш тизими сифатида нечоғли кучайтирасак, бунинг учун барча моддий-молиявий шароитларни ташкил қилиб берсак, ўйлайманки, бу ўз олдимизга қўйган олий мақсадларга эришиш йўлида катта қадам бўлади.

Барчангиз яхши биласиз, "Отанг - маҳалла, онанг - маҳалла" деган ҳикматда жуда катта маъно бор.

Агар биз бу иборанинг ҳақиқий мазмунини сўзда эмас, амалда намоён этмоқчи бўлсақ, шу маҳаллада яшайдиган ким бўлмасин - бева-бечора ёки ногирон бўладими, омади келмаган бирон-бир оила бўладими, ёлғиз қолган қария бўладими - буларнинг барчасига нафақат моддий ёрдам беришимиз, аввало, меҳр-эътибор қартишимиз зарур.

Шу борада, ҳеч шубҳасиз, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари кўмак-мададга муҳтоҷ бўлган инсонларни ёлғиз қолдирмасдан, уларнинг бошини силаб, бу одамларни ҳимоялаш учун, керак бўлса,

давлат идоралари, мансабдорларнинг тинчини бузиб, тегишли ёрдам ва маблағни ундириб олиб, бугун қилаётган ишларининг самарасини янада кучайтиrsa, яъни маҳалла том маънода ота-оналик вазифасини ўтайдиган даражага етиб борса, биз кўп нарсага эришган, ахолимизнинг розилигини олган бўламиз.

Лекин барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, бу масалада ҳамма нарса фақат бугунги маҳалла тизимига, унинг фаоллари ва ташкилотчилигига боғлиқ эмас.

Бунинг учун аввало давлат кўмагини янада кучайтириш, маҳаллага тегишли ҳукуқий ваколатлар бериш, унинг низомини қайтадан кўриб чиқиши, имкониятларини кенгайтириш, биринчи галда, маҳалланинг моддий негизини мустаҳкамлаш ҳақида ҳаммамиз бош қотиришимиз, қаттиқ ишлашимиз керак.

Шу маънода, маҳалланинг туман ва шаҳар ҳокимликлари, маъмурий ва ҳукуқни химоя қиладиган ташкилотлар билан, керак бўлса, ижтимоий, нодавлат, сиёсий ташкилотлар билан алоқаларини расмий, яъни ҳукуқий асосда йўлга қўйиш, бу борада ечилмаган барча муаммоларни қонуний тарзда ҳал этиш масаласи ҳам долзарб бўлиб турибди, десак, хато бўлмайди.

Нега деганда, бу масалалар ечилмас экан, маҳалладан кўп нарсани талаб қилиш ўринисиз бўлади.

Шуни очиқ айтиш керакки, ҳақиқатан ҳам бугун биз маҳалла зиммасига кўп вазифаларни юклаяпмиз.

Шунинг учун ҳам бугун қайси масалаларда ҳокимият, қайси масалаларда маҳалла масъул эканини қонуний нуқтаи назардан аниқ белгилаб қўйиш вақти келди, деб ўйлайман.

Обод маҳалла йили бўйича ҳам маҳсус давлат дастурини қабул қилиб, уни амалга ошириш юзасидан ҳукуматимизга тегишли топшириқлар берилади, албатта.

Маҳалла ҳақида сўз юритганда, яна бир масалага эътиборингизни жалб қилмоқчиман.

Бизнинг ҳаётимизни тебратадиган шундай бир соҳа борки, уни ҳеч қандай қонун ёки расмий хужжат билан чегаралаб, белгилаб бўлмайди.

Бу соҳа бевосита одамларнинг маънавияти, руҳий дунёси,

мафкуравий онги, тафаккури билан боғлиқдир.

Шу жумладан, бир жойда яшаётган одамларнинг ўзаро алоқалари, оила муносабатлари дейсизми, қўни-қўшничилик дейсизми, қуда-андачилик дейсизми - буларнинг барчаси ғоят ўзига хос, сирли бир олам.

Бундай муносабатларни фақатгина расмий йўл билан, қонун ва фармонлар билан белгилаб бериб бўлмайди. Ва бунга интилиш ҳам калтабинлик, деб ҳисоблайман.

Бу ҳақда кўп гапириш мумкин. Шунинг учун ҳам Шарқ оламида, ислом фалсафасида одамларнинг маҳалла, яъни жамоа бўлиб яشاшида, жамият ҳаётида тинчлик ва осойишталикни сақлашда меҳроқибатлилик, шафқат ва мурувват нақадар катта ўрин тутганини англаш мумкин.

Шу сабабли, маҳалланинг аҳамияти ва ўрни ҳақида гапирганда, инсоннинг маънавий олами, ундан хабардор бўлиш, уни англаш, бу рухий дунёга қўполлик билан аралашмасдан, унинг ижобий асосда шаклланишига нозиклик билан таъсир ўтказища, ўйлайманки, маҳалладек идорага teng келадиган бошқа бирон-бир восита йўқ.

Азиз юртдошлар!

Шу фурсатдан фойдаланиб, ҳалқимизга хос бўлган, ҳаётимида катта ўрин тутадиган ва унга таъсир ўтказадиган қадриятлар ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Қадрият деганда, биз минг йиллар давомида шаклланган, одамларнинг ҳаёти, ички дунёсидан мустаҳкам ўрин олган, ҳеч қайси расмий хужжатда акс этмаган бўлса-да, унга барча амал қиласидиган, инсонларнинг қон-қонига сингиб кетган анъана ва удумларни тушунамиз.

Лўнда қилиб айтганда, одамзод бор экан, миллат бор экан, шу миллатни ифода қиласидиган, асрлар мобайнида қандайдир муқаддас даражага кўтарилиб қолган аломат-хусусиятлар ҳам у билан бирга яшайди.

Табиийки, ота-боболаримиз бизга қолдирган олижаноб қадриятларни, ғуруримизни кўтарадиган, ҳалқимизнинг обрўсига обрў қўшадиган инсоний одат ва фазилатларни сақлаш, асраб-

авайлаш ва энг катта бойлик тариқасида янги келажак авлодларга етказиш зарур. Бу масала бўйича ҳеч кимда, ҳеч қандай иккиланиш йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Кейинги йилларда қадриятларни тиклаш ва улуғлаш, буюк авлиё ва мутафаккирларимизнинг хоки ётган қадамжоларни обод қилиш, аждодларимиз меросини ўрганиш борасида кўп-кўп ишлар қилинаётгани ҳақида ҳам узоқ гапириб ўтиришга ҳожат йўқ.

Чунки бусиз биз буюк келажагимизни тасаввур этолмаймиз: миллатимизнинг томири, тарихи қанча чуқур бўлса, келажаги ҳам шунча буюк бўлади, деб тушунамиз.

Аммо ҳаётда шундай одат ва эскидан қолган удумлар борки, уларни миллатимиз ва халқимизга хос бўлган азалий қадриятлар қаторига киритиш қийин.

Гап нима тўғрисида кетяпти?

Гап аввало миллий қадриятларимизни сохталаштиришга олиб келаётган, урф-одатларимиз никоби остида тўй-хашам ва маъракамаросимларимизни катта дабдабаларга, базми жамшиидларга айлантириб, ҳаётимизга кучайиб кириб бораётган ўта хунук харакатлар ҳақида кетяпти.

Бунинг негизида баъзи бир одамларимизга мансуб бўлган шуҳратпарастлик, дабдабабозлик, ўзини кўз-кўз қилиш, очиқ айтиш керак, аввало бели оғримасдан, нопок йўллар билан топган пули ва бойлигини терисига сифдира олмаслик каби иллатлар ва эски асоратлар борлигини кўриш мумкин.

Қанчалик аччиқ бўлмасин, бугун бу тўғрида гапирмасдан бўлмайди.

Ҳеч шубҳасиз, бундай дабдабаларни ташкил қилишга бош-қош бўладиган, янги-янги маросимларни ўйлаб чиқарадиган ва шунинг хисобидан ўзининг манфаатини, керак бўлса, қандайдир сохта обрў топадиган, шу ишни ота касби қилиб олган маълум бир кимсалар борлигини ҳам очиқ айтишимиз зарур.

Албатта, бу ҳақда биринчи марта сўз юритаётганимиз йўқ. Бу хусусда жамоатчилигимиз, матбуот, радио ва телевидение, хотин-қизлар қўмитаси фаоллари, жойлардаги кўпни кўрган оқсоқолларимиз куйиниб гапиради.

Одам шундан ҳайратда қоладики, бундай ҳеч ақлга сиғмайдиган ортиқча маросимлар ҳар бир оила, ота-онанинг елкасига оғир юк бўлиб тушаётганини ҳамма билади.

Чунки бундан асосан кўп болали оилалар азият чекади, қийналади, шунинг оқибатида қарздор ҳам бўлиб қолиб, қарзини узиш учун бошини кўтармасдан меҳнат қиласди.

Менинг бир эски танишим бор. Баъзан кўришиб, телефонлашиб турамиз. Шу бечора тўрт-бешта боласининг тўй ташвишларидан кутулмай туриб, ҳали нафасини ростлаб олишга улгурмасидан, яна тўйга навбат келиб қолибди. Нима эмиш, энди невараларга бешик тўйи қилиб бериши керак эмиш.

Бу ҳақда одамлар билан суҳбатлашсангиз, улар, энди, ўзбекчилик, ор-номус, деган гаплар бор, дейди. Бошқача айтганда, шавла кетса, кетсин, обрў кетмасин, деб иш тутади.

Бизнинг ҳалқимизда "кўпчилик қаторида" деган бир гап бор.

"Кўпчилик қаторида" деган иборани биз, аввало, атрофдаги жамоа, маҳалла-кўй билан бирга ҳамоҳанг бўлиб яшаш, уларнинг қаторидан чиқмаслик ва кўпгина ҳолатларда ор-номус деган тушунча билан чамбарчас боғланиб кетган қарашлар, деб қабул қилишимиз тўғри бўлади.

Ўйлайманки, бу жуда олижаноб тушунча.

Нега деганда, асрлар давомида шаклланган мана шундай қарашлар бошига мусибат, ҳаёт синовлари тушган одамларни ёлғиз қолдирмасликни, уларнинг дардига ҳамдард бўлиш, ғамташвишларини баҳам кўриш, ёвуз кучларга, бало-қазоларга қарши бир ёқадан бош чиқариб курашишни англатади.

Шу маънода, бу тушунчани ёшларимизга, униб-ўсиб келаётган болаларимизнинг қалби ва онгига сингдириш, ҳалқимизнинг ҳамжиҳатлигини ифода этадиган харакатга айлантириш эл-юртимизга фақатгина куч-куват бағишлайди.

Лекин, бундай олижаноб тушунчани аксига айлантириб, ҳар қандай соғлом фикрга зид бўлган сохта урф-одатларга берилиб, ўзининг табиати ва салоҳиятига, даромадига тўғри келмайдиган, балки унга катта зарар етказадиган тўй ва маросимларни ўтказадиган одамларни тушуниш қийин.

Очиқ айтишим керак, биз дўпнимизни олиб қўйиб, чукур ўйлаб кўрсак, тарихимизни эсласак, ҳақиқий қадриятларимизнинг мағзини чақсак, бу ортиқча даҳмазалар одамларимиз елкасига машақкатли бир юк, аниқроқ айтганда, доимий оғир мажбурият бўлиб тушаётгани аён бўлади.

Агар биз тўйга кетадиган маблағнинг бир қисмини ёшларнинг ҳақиқий эҳтиёжига, оила юмушларини енгиллаштиришга, эртага туғиладиган гўдакларни соғлом қилиб ўстириш, болаларимизга чукур билим бериш, бир сўз билан айтганда, замонавий ҳаёт ва турмуш тарзига жавоб берадиган мақсадларга сарф қилсак, бу энг оқилона ва савоб иш бўулур эди.

Диний маросим ва маъракалар ҳақида тўхталағидиган бўлсак, мен бу тўғрида узил-кесил бир хулоса билдириш фикридан узокман.

Бу хусусда аввало имом-хатиблар, уламоларимиз, диний идора ўз фикрини билдириши, кенг тарғибот ишларини олиб бориши керак.

Албатта, улар бу борада анча-мунча ҳаракат қиляпти, аммо бу ишларни янада кучайтириш лозим.

Мен факат маъракани дабдабали тўйга айлантириш ҳеч қайси муқаддас китобда ёзилмагани ва бизнинг ислом динимиз арконларига мутлақо зид эканини эслатиб ўтмоқчиман, холос.

Азиз дўстлар, ёдингизда бўлса, биз бундан уч-тўрт йил аввал бу борада маҳсус бир қарор ҳам қабул қилган эдик.

Унда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотирасига бағишлиланган тадбирларни ўtkазиша исрофгарчиликка йўл қўйиши, атрофда яшаётган одамларнинг ҳол-аҳволини инобатга олмаслик каби иллатларга йўл қўйилаётгани айтилган, бу масала бўйича аниқ чора-тадбирлар ҳам белгиланган эди.

Бу қарор эълон қилингач, жойларда тўй-маъракаларни ўтказиш ишлари бир оз тартибга тушгандек бўлди. Бироқ, афсуски, кейинчалик бу иш яна эътибордан четда қолиб кетди.

Менинг таклифим шуки, бу масалани авваламбор маҳалла ва хотин-қизлар қўмиталари турар-жойларда чукур ўрганиб чиқиб, ўз таклиф ва тавсияларини бериши лозим.

Биз ана шу таклиф ва тавсияларга таянган ҳолда, керак бўлса,

янги қарор қабул қилишимиз, унда бу масала бўйича кўпроқ амалий ва таъсирчан чораларни кўриш ва бундай тадбирларни жамоатчилигимиз кучига суюниб, қандайдир чегарага солиш мақсадида иш олиб борсак, айни муддао бўлади, деб ўйлайман.

Мен ишонаман - халқимизнинг соғлом тафаккури, асрий тажрибаси, кўпни кўрган оқсоқоллар, ота-оналар, опасингилларимизнинг, маҳалла фаоллари, кенг жамоатчиликнинг қатъияти билан бу муаммони оқилона ҳал қилишга бизнинг кучимиз ҳам, имкониятимиз ҳам етади.

Хурматли дўстлар!

Фурсатдан фойдаланиб, сиз азизларни Конституциямизнинг 10 йиллиги байрами билан яна бир бор қутлайман.

Шу билан бирга, сизларни, сизлар орқали барча юртдошларимизни бутун дунё мўмин-мусулмонлари қаторида бизнинг халқимиз ҳам катта қувонч билан кутиб олаётган табаррук Рамазон хайити билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, баҳт ва омад, хонадонларингизга тинчлик-тотувлик, файзу барака тилайман.

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг
ўн йиллигига бағишиланган
тантанали маросимдаги нутқ,
2002 йил 5 декабрь*

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ПАРВОЗИ БАЛАНД БЎЛСИН!

Юртимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 2002 йил 24 октябрида имзоланган "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш Жамғармасини ташкил этиш тўғрисида"ги фармони бу соҳада кўйилган яна бир катта қадам бўлди.

29 декабрь куни Оқсарой қароргоҳида Президент Ислом Каримов раислигида мазкур Жамғарма фаолиятини йўлга қўйиш масалаларига бағишлиган мажлис бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, уюшма, компания, корпорациялар ва бошқа мутасадди идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари Болалар спортини ривожлантириш Жамғармасининг мақсад ва вазифалари, унинг юртимиз фарзандларини соғлом ва бақувват қилиб вояга етказишдаги аҳамияти, ушбу ташкилот фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда самарадорлигини ошириш борасидаги вазифалар ҳақида батафсил тўхталиб, ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Бугунги мажлисимиз кун тартибидаги асосий масала - янгитдан тузилаётган Болалар спортини ривожлантириш Жамғармаси фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ ташкилий ишларни муҳокама қилиб, сизлар билан бирга бу борадаги асосий йўналишларни аниқлаб олишдан иборат.

Сизларга маълумки, бу тўғрида Президент фармони эълон қилинган ва дастлабки тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган. Биз бугун ўтказиладиган Жамғарманинг таъсис конференцияси олдидан, фармон қабул қилингандан кейин ўтган икки ой давомида амалга оширилган ишларни умумлаштириб, биринчи галдаги вазифаларни

яна бир бор белгилаб олишимиз, ушбу янги ташкилотнинг жойлардаги бўлимларини ташкил қилиш, шу жумладан, кадрлар масаласини қўриб чиқишимиз керак.

Авваламбор, барчамиз мазкур Жамғарманинг соғлом авлодни вояга етказиш йўлидаги эзгу ишларимизни янги босқичга кўтаришдаги моҳияти ва аҳамиятини, унинг одамларимиз, халқимиз учун кенг имкониятлар очиб беришини чукур англаб олишимиз лозим. Айни пайтда болаларимизни спорт орқали соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш масаласига жамиятимиз дикқат-эътиборини нафақат жалб қилиш, балки бу иш бугун биз ечаётган кўп-кўп масалалар ичиди энг муҳим ва устувор вазифа бўлиб қолиши учун нима қилиш зарурлиги ҳақида ҳам жиддий бош қотиришимиз даркор.

Ўйлайманки, Жамғарма таъсис конференциясининг қандай ўтиши, керак бўлса, бу ташкилотнинг келгуси тақдири бизнинг мана шу масалаларни қанчалик оқилона ҳал этишимизга боғлиқ.

Бу масалалар бўйича олиб борилаётган тайёргарлик ишларига Боз вазирнинг биринчи ўринbosари Козим Тўлаганов раҳбарлик қилмоқда. Бу ерга тўпланган бошқа фаоллар ҳам бу борадаги ишлардан яхши хабардор. Қисқа қилиб айтганда, мана шу ерда ўтирганларнинг барчаси мазкур масалага нафақат қандайдир даражада дахлдор, балки бевосита масъул шахслардир.

Биз бу Жамғарманинг асл моҳияти ва ҳаётимиздаги аҳамиятини ҳисобга олиб, уни ташкил этиш учун узоқ ва жиддий тайёргарлик кўрдик. Албатта, Жамғарманинг марказдаги бошқарув идораси фаолиятини йўлга қўйиш - қийин иш эмас. Лекин, энг оғир, энг қийин масала - бу жамғарманинг жойлардаги, туман ва шаҳарлардаги бўлимларини тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил қилишdir.

Агар биз чекка қишлоқларда яшаётган, келажакка катта умид билан қарайдиган, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб тарбияламоқчи бўлсақ, болалар спортини фақат Тошкентда ва бошқа катта шаҳарларимизда эмас, балки мамлакатимизнинг олис-олис жойларида ҳам ривожлантиришимиз керак. Олдимиизда турган катта-кичик барча муаммоларнинг қалити айнан мана шу масаланинг қандай ҳал этилиши билан боғлиқ.

Бошқача айтганда, агар биз келажагимиз учун мустаҳкам замин,

ишенчли пойдевор қўймоқчи, умуман, ўзбек спортини ривожлантироқчи бўлсақ, унинг негизида соғлом авлодни вояга етказиш масаласини ечмоқчи бўлсақ, яна бир бор айтаман, бугун фақат марказга эмас, аксинча, кўпроқ вилоят ва туманларга эътиборни кучайтиришимиз зарур. Чунки Тошкентда ва бошқа катта шаҳарларимизда ёшлар ўртасида спортни оммалаштирувчи жамғарма ва ташкилотлар, ташкилий тузилмалар етарли. Буни ҳаммангиз яхши биласиз.

Биз жойлардаги имкониятларни танқидий баҳолаб, биринчи навбатда мактаб, лицей ва коллежлардаги қурилиш ва таъмирлаш билан бир қаторда барча таълим муассасаларидағи спорт майдончаларини ташкил қилиш ишларини ривожлантиришимиз, бунинг учун олис-олис қишлоқларимизда ҳам спортга бўлган муносабатни тубдан ўзgartиришимиз, бу масала доимо дикқат-эътиборимиз марказида турмоғи лозим. Бу -замон талаби, давр тақозоси.

Албатта, бу ишлардан кўзланган буюк мақсадлар ҳакида кўп гапириш мумкин. Лекин уларнинг амалий ечими, ўйлайманки, аввало жойларда ишни қандай ташкил қилишимизга боғлиқ.

Ҳозир жойларда одамлар келажагимизнинг қандай бўлиши ҳакида кўп гапиради, фикрлади. Лекин, ўзимиз кўзлаган ана шу буюк мэрраларга етиш учун, айниқса, соғлом авлодни вояга етказиш, эртага ўрнимизга келадиган зурриёдларимизни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш учун нима қилишимиз керак, деган масалани амалий нуқтаи назардан ҳал этишда аниқлик етишмайди.

Мисол учун, биз соғлом авлод тўғрисида гапирганда, кўпроқ бу масаланинг тиббиёт, соғлиқни сақлаш соҳаси билан боғлиқ жиҳатларига эътибор берамиз. Ўтган давр мобайнида боланинг соғлом туғилиши, оналар саломатлигига алоҳида эътибор қаратдик, ҳомиладор аёллар учун зарур шарт-шароитларни яратиш, умуман, бу масалани замон талаблари даражасида ҳал этиш бўйича анча-мунча ишларни амалга оширдик.

Яна бир бор айтаман, жойларда бу борада кўп ишлар қилинмоқда. Айниқса, аёлларимиз ва қизларимизнинг, бутун жамиятимизнинг эътиборини шу масалага қаратиб, "агар биз соғлом

зурриёд масаласини тўғри ҳал қиласак, ўз келажагимизга хиёнат қилган бўламиз" деб қилган даъватимиз минг-минглаб юртдошларимизнинг фикрини уйғотганини алоҳида айтиб ўтиш лозим.

Биз бошлаган ишларни давом эттирадиган, барча орзу-хавасларимиз тимсоли бўлган болаларимиз келажагини ўйлаб, керак бўлса, четдан, хориждан олиб келинган замонавий асбоб-ускуналарни ҳам биз аввало шу соҳага жорий этдик. Ана шу ишлар натижасида юртимизда болаларнинг соғлом бўлиб туғилиши ва вояга етиши борасида жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда. Бугунги чақалоқлар, умуман, дунёга келаётган болаларимиз кечаги, яъни 70-80-йиллардаги гўдаклардан бутунлай фарқ қиласди. Ўша пайтларда пахта яккаҳокимлиги туфайли юртимизда экологик вазият кескин оғирлашиб, фарзандларимиз саломатлиги, ҳалқимизнинг келажагига катта зарап етказилганини ҳам барчангиз яхши биласиз. Бунинг оқибатида қанча болалар майиб бўлгани, қанчаси бедаво дардларга дучор этилганини, ўйлайманки, ҳеч ким аниқ айтиб беролмаса керак.

Ўша пайтларда ғўза баргини тўкишда қўлланилган заҳарли кимёвий модда - бутифос аҳоли саломатлигига жуда катта салбий таъсир кўрсатгани ҳам сир эмас.

Мустабид тузум даврига тааллуқли бу аччиқ ҳақиқатни ҳам ҳалқимиз билиши ва ҳеч қачон унутмаслиги керак.

Биз энди озод ва эркин ҳалқмиз. Шунинг учун дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, эртага мана шу заминимиз шухратини бутун дунёга тараннум этадиган авлодни тарбиялаб, вояга етказишимиз лозим. Шу орқали жаҳонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллашимиз даркор. Бунга эришиш учун "Биз киммиз, кимларнинг авлодимиз?" деган савол доимо қалбимизда, юрагимизда жаранглаб туриши зарур.

Агар шу саволга жавоб топиб, ўзимизнинг кимлигимизни англаб яшасак, мана шу даъват орқали болаларимизни, бутун жамиятимизни уйғота олсак, кўзланган эзгу мақсадларимизга албатта эришамиз. Лекин, юқорида айтганимдек, бу борадаги ишларимиз факт тиббиёт соҳаси доирасида чегараланиб қолмаслиги керак. Тиббиёт - тиббиёт билан, лекин биз орзу қилган янги авлодни вояга етказишда

спортнинг бошқа ҳеч нарса боса олмайдиган алоҳида ўрни бор.

Шу боис, бу масала бўйича Ўзбекистонда янги бир йўналиш, умумхалқ ҳаракатини ташкил қилишимиз керак. Токи одамларнинг ўзи бу ишга қизиқиб, шундай ҳаётий интилиш билан яшасин. Ўзингиз ўйланг, ортиқча дабдабалар билан ўтаётган тўй-ҳашамларга кетаётган пулларни спортга сарфласақ, болаларимиз мактабга боргандা, мактабдан қайтгандан сўнг уларнинг жисмоний машқлар билан шуғулланишига эътибор берсак, шу йўлда уларга қўлимиздан келганча имконият ва шарт-шароит яратсак, бундан ўзимиз ҳам, жамиятишимиз ҳам катта манфаат топмайдими?

Ташкил этилаётган янги Жамғарманинг фаолиятини самарали йўлга қўйишда, авваламбор, ташкилий масалаларни тўғри ечиш, унинг марказдаги бошқарув идораси таркибини оқилона шакллантириш зарур. Шу билан бирга, Жамғарманинг жойлардаги бўлимлари вилоят, шаҳар ва туман миқёсида қандай бўлишини пухта ўйлаб кўриш даркор.

Менинг фикрим бўйича, таъсис конференцияси ўтказилганидан кейин, Жамғарманинг марказий бошқарув идораси иш бошлагач, бир-икки ой ичida барча фаолларни тўплаб, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича барпо этиладиган болалар спортига оид иншоотлар харитаси, ҳар бир спорт майдончаси ва мажмуасининг лойиҳаси, қаерда нима ва қачон қурилиши, кимнинг ҳисобидан қурилиши - ҳаммасини олдиндан келишиб олиш, уларни пухта режа асосида амалга ошириш зарур. Лойиҳаларни тайёрлашда юзакичиликка, шошма-шошарликка йўл қўймаслик керак.

Ишни қандай ташкил қилиш ҳақида гапиргандা, аввало кадрлар масаласига эътиборни қаратиш лозим. Жойларда биз суннадиган, спортнинг бекиёс аҳамиятини аввало ўзи ҳис этиб, бу тушунчани халққа ҳам сингдириб, кечаю кундуз шу соҳани ўйлаб яшайдиган - вилоят ёки шаҳар кенгаши бўладими, ҳокимликлар ёки бошқа нуфузли идоралар бўладими - улар орқали барча раҳбарларга бу ишнинг моҳиятини тушунтириб беришга қодир бўлган, фикрлайдиган, фидойи одамларни топиб, жой-жойига қўйсан, шундагина мақсадимизга эришамиз. Лекин, биз шундай одамларни топа оламизми? Мана, фармон имзоланганига роппа-роса икки ой

бўлди. Шу муддат давомида ана шундай одамларни излашга харакат қилдикми, йўқми?

Таъсис конференциясидан кейин ҳокимлар жойларга борадио яна ўз кундалик ишига шўнғиб, бу масалани эсидан чиқармаслиги зарур. Шунинг учун бу ишга ҳозирданоқ киришиш керак. Уни шунчаки расмий йўл билан, одатдаги бир иш тартибида ҳал қилиб бўлмайди. Мен бу масалада бошқача ёндашув бўлишини хоҳлайман ва барчангиздан шуни талаб қиласман.

Аввало, жойларда Жамғармага раҳбарлик қиласдан, унинг фаолиятини юритадиган одамларни қатъий бир мезон асосида танлаш керак. Токи улар шунчаки ижрочи эмас, ҳақиқий жонкуяр ва фидойи бўлсин, шу ишни севадиган, ўз ҳаётининг мазмунини ҳамма вакт болалар билан бирга бўлишда, уларни тарбиялашда, деб биладиган инсонлар бўлсин.

Жамғарманинг вилоят, шаҳар, туман бўлимлари қандай бўлади, уларда нечтадан одам ишлайди? Мен бу масала бўйича молия вазирига камиде 200 та штат лавозимини белгилаш ҳақида топшириқ бердим. Жамғарманинг ҳар бир туманда биттадан масъул одами бўлади ва у бевосита болалар спорти билан шуғулланади.

Агар биз бу ишни фақат вилоят раҳбарларига ташлаб қўядиган бўлсақ, улар нима қиласди? Ўз вилоятига боради, ҳокимларни тўплайди, Президентимиз ундай деди, Президентимиз бундай деди, деб номига бир ҳисбот бериб қўяди. Шундай қилиб, ҳаммаси бамисоли дарёга отилган тошдек, сув юзасида озгина тўлқин пайдо қиласди-ю, шу билан изсиз йўқолади. Биз бундай ишларни бошимиздан кўп кечирганимиз.

Энди бундай бўлмайди. Чунки бу Жамғарма кузатув кенгашига раҳбарлик қилишни мен шахсан ўз зиммамга оламан. Албатта, унинг фаолияти билан бевосита шуғулланувчи ижрочи директор бўлади. Мен эса Жамғарма фаолияти қандай олиб борилаётганини мунтазам кузатиб, назорат қилиб бораман. Сиз, вилоят ҳокимлари ҳам жойларда шу ишга асосий масъул, кузатувчи бўласизлар. Кузатувчи деганда, ҳам умумий раҳбарлик қилувчи, ҳам молиявий масалаларни ҳал этишда ёрдам берувчи, ҳам ишни ташкил этиб, одамларни унга даъват қилувчи кишини тушунамиз. Содда қилиб айтганда, кузатувчи

дегани -назорат қилувчи дегани. Қаердаки муаммо пайдо бўлса, уни ўша кузатувчи, яъни биринчи раҳбар ечади. Мана шундай масъулиятли вазифани сизлар жойларда, мен эса марказда ўз зиммамизга олишимиз керак. Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Козим Тўлаганов эса бу борадаги барча ишларни мувофиқлаштириб туради.

Шунинг учун жойларда ҳокимлар фақат пахта, ғалла ва бошқа хўжалик ишлари билан ўралашиб қолмасдан, болаларни спортга жалб қилиш, бунинг учун тегишли шарт-шароит яратиш билан ҳам шуғуллансин. Вазифа шундай қўйилмоқдаки, мамлакатимиизда 5 ёшдан тортиб ҳамма ахоли спортга жалб қилиниши керак.

Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, ҳозир жойларда нима қилингапти? Бу бўйича шахсан молия вазирининг ўзи вилоятларга бориб, ажратилган штатлардан қандай фойдаланилаётгани билан қизиқиши керак. Айниқса, белгиланган штат лавозимларига муносиб одамларни танлашга алоҳида аҳамият бериш лозим. Бу ишда қариндош-уругчилик, таниш-билишчиликка йўл қўйиш ярамайди. Биз бунга мутлақо йўл қўймаймиз. Олис-олис жойларда - у Қоракалпогистоннинг бир чеккаси ёки Сурхондарёнинг қишлоқ тумани бўладими - қайси лавозимга ким ишга олинаётганини билишимиз керак.

Шундай қилмасак бўлмайди. Ҳар ким ўзи танлаган одам учун жавоб беради. Мана, Давлат спорт қўмитасини олайлик. Бу ташкилотнинг ҳам жойларда ўз бошқарма ва бўлимлари бор. Лекин, афсуски, Фарғона вилоятидан тортиб Сирдарёгача ёки Хоразмдан Сурхондарёгача бирон-бир тумани олиб қарайдиган бўлсак, жойларда, айниқса, қишлоқларда спорт бўйича астойдил жон куйдириб ишлаётган одамларни топиш қийин.

Ваҳоланки, бу соҳани ривожлантириш учун киритилган маҳсус штат лавозими бор, лекин уни ким банд қилиб ўтирибди, нима учун маош оляпти - бу масалалар билан ҳеч ким қизиқмайди. Нега деганда, бу масала бўйича шу пайтгача ҳеч ким ҳеч нарса сўрамаган, иш талаб қилмаган. Лекин энди шу масала бўйича қаттиқ сўралади.

Иккинчи масала шундан иборатки, Жамғарма бўлимларига муносиб одамларни топиб, жой-жойига қўйгандан кейин улар спорт

кўмитасида эмас, бевосита ҳокимият биносида иш олиб бориши лозим. Агар у ҳокимиятда ўтириб, ўз атрофига фидойи инсонларни тўплаб, улар билан бирга ҳар куни жон куйдириб ишламаса, бирон-бир натижага эришолмайди. Одамларни уйғотиш учун нима керак? Аввало, ўз атрофимизда фаолларни тўплаб, барчамизнинг умумий ишимиз бўлган мана шундай вазифаларни ҳал этишга сафарбар қилишимиз керак.

Албатта, бу борада Жамғарма учун зарур бўладиган маблағ масаласи ўртага чиқади, лекин биз бу молиявий манбаларни топамиз.

Сизларга маълумки, юртимида ҳар йили теннис бўйича Президент кубоги мусобақалари ўтказиб келинаётган эди. Биз ана шу мусобақалар орқали юртимида теннисни ривожлантириш, мамлакатимиз обрўйини оширишга муваффақ бўлдик. Бу мусобақаларда дунёдаги энг машҳур теннисчилар қатнашди, спорт оламидаги таниқли одамлар бу ўйинларни ўтказишда иштирок этди. Бутун жаҳон Ўзбекистонимизни теннис мамлакати сифатида таниди ва тан олди. Мамлакатимиз бундай гуруҳдаги мусобақаларни энг яхши ташкил қиласидиган давлат қаторида уч йил давомида эътироф этилгани - бизнинг катта ютуғимиздир. Теннис бўйича халқаро тоифадаги энг нуфузли ташкилотлар ўз вакилларини юбориб, қизиқиш билдирганини ҳам айтиб ўтиш лозим. Бундай нуфузли мусобақалар, албатта, ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун катта маблағ талааб этилади. Биз ана шундай маблағни топдик.

Лекин мени кейинги пайтларда энди ана шу маблағни - беш миллион доллар миқдоридаги пулни болалар спортини ривожлантиришга сарфласак бўлмайдими, деган савол ўйлантира бошлади. Ва бугун таъсис этиладиган Жамғармани тузиб, бу маблағни ана шу мақсадларга йўналтиришга қарор қилдик. Бундан ташқари, маҳаллий бюджетлардан маълум миқдордаги маблағ Жамғарма ҳисобига ўтказилади. Мана шу пулларни факат жондан азиз болаларимизни спорт билан тарбиялаш, уларни соғлом ва жисмоний бақувват бўлиши учун ишлатамиз.

Биз Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини йўлга қўйиш, фарзандларимизни спортга, жисмоний тарбияга жалб этиш орқали бир қанча натижаларга эришамиз.

Биринчидан, болаларимиз спорт орқали соғлом ва бақувват, ҳаётнинг барча мураккаб синовларига бардош берадиган инсонлар бўлиб вояга етади.

Иккинчидан, жисмоний соғломлик инсонда руҳий-маънавий соғломликни келтириб чиқаради. Яъни, спорт билан шуғулланган бола ҳеч қачон ёмон йўлларга юрмайди. Бугунги замондаги даҳшатли бало-қазолар - террорчилик ёки ақидапарастлик дейсизми, гиёҳвандлик ёки жиноятчилик дейсизми - барчасидан йироқ бўлади.

Учинчидан, спорт билан шуғулланган боланинг билим олиш, ўз қобилияти ва салоҳиятини рўёбга чиқаришга бўлган интилиши янада ортади. Биз фарзандларимизни оммавий равишда спортга жалб этиб, ўзбек спортини бутун дунёга намойиш қилиш орқали халқимиз ва миллатимизнинг куч-кудратини, ўзимизнинг кимлигимиз, кимларнинг авлоди эканимизни яққол кўрсатишга эришамиз.

Тўртинчидан ва, энг муҳими, биз спорт орқали фарзандларимизга катта ижобий таъсир кўрсатган бўламиз.

Бешинчидан, бу жамғарма миллий қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантиришда ҳам бекиёс ўрин тутади. Масалан, биргина кураш билан боғлиқ миллий қадриятларимизни олайлик. Фарғонача кураш бор, Бухороча кураш бор. Уларнинг ҳаммасида халқимизнинг ғуур-ифтихорини кўтарадиган хусусиятлар кўп. Мард ва бақувват полvonларимизни кўрганда, одамнинг ўзи бамисоли майдонга чиққандек, руҳланиб, ҳаяжонланиб кетади.

Олтинчидан, болаларимизни спорт орқали соғлом ва бақувват қилиб тарбиялаш - бу келажакка бўлган мустаҳкам ишонч ифодасидир. Чунки биз ҳаммамиз болаларимизнинг баҳтли келажагини ўйлаб яшайпмиз. Алоҳида таъқидлаб айтмоқчиман, фақат ўзимизнинг шахсий, хусусий, оилавий манфаатларимиз учун эмас, юртимиз болаларининг келажагини ўйлаб яшайпмиз.

Бу ҳаёт гўёки оқар бир дарё, кўз очиб-юмгунча ўтади-кетади. Лекин бизнинг ортимизда соғлом ва баркамол фарзандларимиз қолиши ва бошлаган ишларимизни давом эттириши лозим.

Олдимиизда шундай улуғ максадлар турган экан, бу йўлда ҳар қанча меҳнат қилсан, тер тўксак арзиди. Шундан келиб чиққан ҳолда, мен сизларга баъзи бир амалий таклиф ва тавсияларимни

айтмоқчиман.

Авваламбор, ҳақиқий вазиятни билиш учун хар қайси қишлоқ ва шаҳардаги аҳволни атрофлича ўрганиш керак. Олис-олис қишлоқлар ҳам эътибордан четда қолмаслиги зарур.

Спортнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти нуқтаи назаридан баҳолайдиган бўлсақ, кўпгина жойлардаги аҳвол кўнгилдагидек эмас. Мисол учун, қайси қишлоқда 5 ёшдан 17 ёшгача бўлган қанча бола яшаяпти, жойларда спорт ишларини олиб борадиган биронта ташкилот, спорт майдончаси ёки машқ зали борми, йўқми - барчасини аниқлаб, рўйхатини тузиш лозим. Шунда умумий манзара аён бўлади ва шунга қараб, амалий ишларга киришиш мумкин.

Яна бир бор айтаман, бу масалада эскича иш тутиш, ҳайбаракачиликка берилиш, бепарволик қилиш мутлақо ярамайди.

Баъзи раҳбарларимизга оғир ботса ҳам айтмоқчиман, айрим вилоят ҳокимлари яна аввалгидек иш тутиб, кўпроқ маблағ ундириб олай деб катта-катта хатлар ёзиб мурожаат қилиши, бизларда бунча спорт майдони етишмайди, бунчаси ночор аҳволда, деб ҳақиқий аҳволни бўрттириб кўрсатишга уриниши мумкин. Албатта, биз қўлимиздан келганча кўмак берамиз. Лекин, бир гапни олдиндан айтиб қўяй: қандай қилиб бўлса-да, маблағ ундириш - асосий масалага айланиб қолмаслиги керак.

Аввало, ҳақиқий аҳволни билиш ва шунга қараб, қаерга нима куриш, нималарни етказиб бериш, қанча маблағ сарфлаш ҳақида бир ёқадан бош чиқариб, бамаслаҳат ҳал қилишимиз керак. Қайси спорт майдончасини қандай ва қаерда куриш масалалари пухта ишлаб чиқилиши лозим.

Мухтасар қилиб айтганда, жамғарма тузиш ишига юксак мақсадлар нуқтаи назаридан, ўн-ўн беш йил олдинга боқиб, кенгроқ қараб ёндашиш керак.

Хозирги пайтда юртимизда ёшлар ўртасида кўп-кўп спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Таълим тизимидағи уч босқичдан иборат "Универсиада", "Баркамол авлод" ва "Умид ниҳоллари" каби ўйинларни ўз ичига оладиган яхлит тизим шакллангани бу соҳадаги катта натижаларимиздан бири бўлди. Бу борадаги тажрибаларимизга хорижда ҳам кўпчилик ҳавас ва қизиқишиш билан қарамоқда. Бу босқич

ўйинлари Наманган, Жиззах, Фарғона ва Бухоро каби шаҳарларимизда ўтказилганидан яхши хабардорсиз. Мен бундай спорт байрамларида иштирок этаётган ёшларни кўрсам, чин дилдан қувониб кетаман. Чехраси очик, эртанги кунга интилиб яшаётган мана шундай соғлом болаларимиз халқаро мусобақаларда ғолиб чиқиб, Ўзбекистоннинг байроғини баланд кўтарса, худдики, уларнинг ёнида туриб шу байроқни кўтаргандек ифтихорга тўламиз. Мана шунинг учун айтмоқчиман: спорт - бу эртанги кунга бўлган ишончимиз, бизларнинг ортимииздан келаётган авлодни соғлом ва бақувват қилиб тарбиялайдиган ҳаётимизнинг муҳим бир соҳаси, кундалик турмушимизнинг узвий бир жабҳаси бўлмоғи керак.

Мана шу фикрни жамоатчилик, барча ёшларнинг онига сингдира олсак, биз ҳеч қачон кам бўлмаймиз. Спорт билан шуғулланган одамнинг кўнглида ҳаётдан норозилик, бошқаларга нисбатан алам ва ҳasad бўлмайди, унинг юраги, руҳи тоза бўлади. Демак, бизнинг кўзлаган буюк мақсадларимиз сари қиладиган парвозимиз спорт орқали бўлиши керак.

Одам келажак сари яхши ниятлар билан парвоз қилмаса, билиб қўйинглар, бир нарсани йўқотгандек бўлиб юради. Инсон фақат хаёlda эмас, балки ҳаётда юксак натижалар, катта ютуқларга интилган ҳолда, парвоз қилиш, камолга етиш орзуси билан яшashi керак. Тоғларга чиққанда бир эътибор беринг, агар баланд учган қушни кўрсангиз, гўё ўзингиз ҳам у билан бирга парвоз қилаётгандек бўласиз. Чунки ўша қушни, унинг эркин парвозини кўриб, кўнглингиз кўтарилади. Ўзини юксак маънодаги инсон деб билган одам ҳам гоҳида қилган хайрли ва савоб ишларидан руҳланиб, енгил тортиб, ўзини бамисоли куш каби кўқда парвоз қилиб юргандек сезади. Модомики, биз ҳам миллат ва халқ сифатида дунё майдонида юксак парвоз қилмоқчи бўлсак, авваламбор, спорт орқали парвоз қилишимиз мумкин.

Ҳаёт ҳақиқати шундайки, касалманд, жисмонан заиф, кўнгли ва руҳи безовта одам фақат ўзини қийнаётган дард билан олишиб яшайди. Бундай одамдан ўзига ҳам, жамиятга ҳам манфаат кам тегади. Буни ҳам ҳаммангиз яхши биласиз. Ана шундай ҳолатларнинг

олдини олиш учун ҳам спорт керак. Умуман, юксак ва олижаноб туйғулар билан яшаш - бу инсон ҳаётининг маъно-мазмунини ташкил этади.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқадиган бўлсак, биз ташкил этаётган Жамғарма олдида турган вазифалар қўйидагилардан иборат.

Биринчи асосий масала - болаларимизни ҳам маънавий, ҳам жисмоний нуқтаи назардан соғлом ва бақувват этиб ўстиришимиз лозим. Токи бу авлод миллатимизнинг халқаро миқёсда юксак парвоз қилишига хизмат этсин.

Иккинчи масала - фарзандларимизни соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш учун уларни 5-7 ёшдан бошлиб спортга жалб этишимиз керак.

Учинчидан, юқорида айтилган мақсадларни рўёбга чиқарадиган, бу ишда пойдевор бўладиган мустаҳкам замин, тегишли шарт-шароит яратадиган тизим ташкил қилишимиз зарур. Марказда ва жойларда, олис-олис қишлоқларда шу тизимга суюниб иш олиб бориш даркор.

Тўртинчидан, бу тизим етарли даражада моддий ва молиявий имкониятларга эга бўлиши, давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибор марказида туриши лозим.

Бу бир-биридан долзарб вазифаларни бажаришнинг энг муҳим ва ҳал қилувчи шарти, айтиш мумкинки, барча масалаларнинг калити ҳаммамизнинг, аввало Болалар спортини ривожлантириш Жамғармаси фаоллари ва фидоийларининг ўз зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис қилишини талаб этади.

Мухтасар қилиб айтганда, бу вазифаларни амалга ошириш Ўзбекистон Президентидан тортиб ўз фарзандларининг эртанги кунини ўйлаб яшаётган оддий юртдошларимизгача - барча-барчамизга боғлиқ. Мана шу улуғ мақсадларга эришиш учун ҳаммамиз бирлашишимиз, қўлни-қўлга бериб ишлашимиз, бутун жамиятимизни шу ишга сафарбар этишимиз керак.

Бу мақсадларимиз моҳиятини аввали ёшларнинг ўзи яхши тушуниб олиши керак. Сен соғлом бўлишинг керак, фарзандинг эса сендан ҳам соғломроқ бўлиши керак, шундагина халқимиз, миллатимиз янада кучли бўлади, деган фикрни уларнинг қалби ва онгига сингдириш лозим. Бу борада айниқса "Камолот" ёшлар

ижтимоий ҳаракатининг ҳиссаси катта бўлиши даркор.

Яна бир масала. Барпо этиладиган барча спорт иншоотлари лойиха бўйича қурилиши керак. Ва, боя айтганимдек, қаерда нима қуришни олдиндан чукур ўрганиб, кейин қуриш керак. Бир жойда кўп қуриб, бошқа жойда эса мутлақо ҳеч нарса қурмасдан пала-партиш, режасиз иш тутсак, ўзимизга ўзимиз ортиқча муаммо туғдирган бўламиз.

Спорт иншоотларини қурганда, бирон-бир спорт турини ривожлантиришни ўйлаганда, албатта, маҳаллий шарт-шароитни, одамларнинг қизиқишини эътиборга олиш лозим. Мисол учун, тоғли жойларда одамлар кўпроқ от минишга қизиқади. Шундай жойларда балки от спортини ривожлантириш керақдир.

Шунга ўхшаган масалаларга илмий асосда ёндашиш зарур. Умуман, бундай катта ишлар ўз-ўзидан бўлиб қолмайди. Огоҳлантириб кўяй, Президент топшириқ берди, юқоридан чақириқ бўлди, даъват бўлди, деб одамларни қийнаб, ҳар хил ҳашарларга зўр берманглар. Балки ҳалқнинг ўзи ташаббус кўрсатса, чойхона ёки маҳалла гузарини ҳашар йўли билан курса бўлар. Лекин замонавий талабларга жавоб берадиган спорт иншоотларини қуриш - бу маҳсус билим ва тажрибага эга бўлган мутахассисларнинг иши.

Агар биз бу борада ҳам ҳашарга, "бўл-бўл"чиликка зўр берадиган бўлсак, ҳам вақтимиз бекор кетади, ҳам ажратилган маблағ беҳуда ҳавога совурилади, ҳам шундай олижаноб ишни обрўсизлантириб қўйган бўламиз.

Ҳамма иш илмий асосда, пухта режа билан амалга оширилиши керак. Ҳатто очиқ жойда қурилган оддий спорт майдончаси режасини ҳам, аввало, лойиха ташкилоти билан келишиб олиш лозим. Барча вилоятлар бўйича қуриладиган иншоотлар битта харитада акс этган бўлиши зарур. Ана шундай харита - лойиҳаларга қараб, қаерда оддий спорт майдончаси, қаерда ҳалқаро мусобақалар ўтказиладиган мажмуалар қурилишини ўзимизга аниқ тасаввур қилишимиз зарур.

Бу борада лицей ва коллежлар қуриш бўйича ортирган тажрибамиз ҳам кўл келади. Ёдингизда бўлса, 1997 йили мамлакатимизнинг ҳар бир туманида камидан биттадан замонавий касб-хунар коллекции барпо этилиши бўйича ўз олдимизга катта вазифа

кўйганимизда мен бир масалага алоҳида эътибор қаратган эдим. Яъни, ҳар бир коллеж биноси қатъий лойиха асосида қурилиб, замонавий кўриниши билан ажралиб туриши кераклиги ҳақида гапирган эдим. Мана шу қоидага қатъий амал қилганимиз учун, бугун қайси вилоят ёки туманга борманг, бир-биридан гўзал коллеж биноларини кўрасиз. Спорт майдончалари ва мажмууларини қуришда ҳам ана шу йўлдан боришимиз керак. Майли, ярим йил, бир йил кечроқ бўлсин, лекин ҳаммаси қатъий лойиха асосида бўлсин.

Бу ишга ҳомийларни жалб қилиш ҳам муҳим масала ҳисобланади. Шу ишга ўз хиссасини қўшмоқчи бўлган одамлар - тадбиркор ёки тижоратчи бўладими, фермер ёки спорт фидоийси бўладими - барчаси тегишли маблағни ўтказаётганда буни қандайдир ҳадя ёки совға сифатида беряпман, деб ўйламаслиги лозим. Аксинча, буни ўзининг фарзандларимиз олдидаги, юртимиз ва халқимиз олдидаги шарафли бурчи деб билмоғи керак. Ҳомийларни маънавий жиҳатдан рағбатлантириш ҳам бу борадаги ишларнинг оммалашишида алоҳида ўрин тутади.

Мен ана шу мақсадларни амалга оширишда барчангизга омад ёр бўлишини тилайман.

2002 йил 29 декабрь,
Оқсаной

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Азиз аскар ва сержант ўғлонларим!

Қадрли офицер ва генераллар, муҳтарам фахрийлар!

Ўз ҳаётини она заминимизни ҳимоя қилишдек муқаддас ишга бағишлигар юргандошларим!

Авваламбор, барчангизни қутлуғ байрам - Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этишга рухсат бергайсизлар.

Бугун биз юртимизда эркин ва обод ҳаёт, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш, ҳалқимиз турмушини ҳеч кимдан кам бўлмайдиган даражага кўтариш, жаҳон майдонида ўзимизга муносиб нуфузли ўрин эгаллаш йўлида қўлга киритаётган, ҳалқаро ҳамжамият тан оладиган ютуқларимиз ҳақида мамнуният билан гапиришга ҳақлимиз.

Шу билан бирга, атрофимизда, яқин ва узоқ минтақалардаги қарама-қаршилик, зиддият ва низолар, ҳалқаро терроризм каби даҳшатли хавф тобора кучайиб бораётган мураккаб бир вазиятда эл-юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, уни турли балоқазолардан асрар, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашни бугунги кундаги ўта муҳим ва энг долзарб вазифамиз тариқасида қабул қилишимиз даркор.

Шу борада замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган, ихчам ва харакатчан, бугунги кун талабларига тўла жавоб берадиган Қуролли Кучларимизни шакллантириш ва шу мақсадда амалга ошираётган ислоҳотларимиз накадар долзарб эканини, уларнинг аҳамияти ва моҳиятини тушуниш, англаб этиш кийин эмас.

Миллий қадриятларимиз ва аждодларимизнинг жанговар анъаналарига, шу билан бирга, энг замонавий талаблар ва андозаларга мос келадиган армиямизни барпо этиш ҳақида гапирап эканмиз, ўтган

қисқа давр мобайнида ана шу мақсадга эришиш йўлида дастлабки қадамлар қўйилганини айтиш зарур.

Аввало, мамлакатимизнинг Мудофаа доктринаси ишлаб чиқилиб, шу негизда Қуролли Кучларимиз модернизация қилинаётган бир пайтда унинг таркибини мутлақо янгича асосда - энг кичик гурухдан тортиб бригадагача қайтадан тузиш, ҳарбий округлар, маҳсус қисм ва бўлинмалар ташкил этиш, биз яшаётган Марказий Осиёдаги мавжуд хавф-хатарлар, юртимизга қарши қаратилган ҳар қандай хуруж ва юришларнинг олдини олиш борасидаги ислоҳотлар минтақамиздаги ҳарбий ҳаракатлар майдонининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда ўтказилаётгани шулар жумласидандир.

Юртимиз хавфсизлиги ва мамлакатимиз истиқболини тъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга молик бўлган бундай йўналишда олиб борилаётган ислоҳотларни қатъиятлик билан охирига етказиш, бир сўз билан айтганда, ҳалқимизнинг энг ишончли таянчи ва суюнчи, фахри ва ифтихори бўлмиш миллий армиямизни барпо этиш давлатимиз ва жамиятимиз, Ватанимизнинг тақдирига бефарқ қарамайдиган ҳар қайси инсоннинг муқаддас бурчига айланиши зарур.

Албатта, ўз Қуролли Кучларини қураётган ва унинг куч-кудратини оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ҳар қайси давлат ҳарбий тузилмаларни энг замонавий, мутлақо янги тамойиллар асосида яратилган техника ва ҳарбий ускуналар, қурол-яроғ билан тъминлаши даркор. Буни ҳеч ким инкор этолмайди.

Аммо бундай вазифани ҳисобга олган ҳолда Қуролли Кучларимизнинг ҳарбий маҳоратини ошириш, ҳар қандай вазиятда ҳам ҳар қандай машаққатли синовдан шараф билан чиқиш, аввало, сиз, бугун хизмат қилаётган ҳарбийлардан нафақат жисмоний тайёргарликни, балки юксак ақл-идрок, интеллектуал салоҳият, алоҳида руҳий-маънавий хусусият ва фазилатларга эга бўлишни, энг замонавий қурол-яроғларнинг сир-асрорини пухта эгаллашни тақозо этади.

Бу ўз навбатида Қуролли Кучларимизда хизмат қилаётган инсонларимиз, авваламбор оддий аскар ва сержантлар, офицер ва

генералларимизнинг мустаҳкам иродаси ва фидоийлиги, она юртга меҳр-муҳаббат ва садоқатига сўзсиз боғлиқдир.

Шу маънода, армиямизда соғлом маънавий муҳитни яратишда таълим-тарбия ишларига алоҳида эътибор бериш, ҳарбий тайёргарлик жараёнини илғор техник ва технологик воситалар, янгича усул-услублар асосида ташкил этиш, ҳарбий хизматнинг интеллектуал мезонлари ва йўналишларини такомиллаштириш йўлида бошлаган ишларимизни изчил давом эттиришимиз шарт.

Айниқса, сержантлар тайёрлаш мактаблари, замонавий ҳарбий полигонлар, офицер кадрларни тайёрлаш бўйича моделлаштириш ва симуляция марказлари фаолиятини, шунингдек, НАТОнинг "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастури доирасида амалга оширилаётган ўқув машғулотларининг самарадорлигини юксак босқичга қўтаришимиз лозим.

Энг муҳими, шуни такрор ва такрор айтмоқчиман: ҳарбий хизматни ўзининг касби, Ватан ва халқ олдидаги муқаддас бурчи деб биладиган, бутун ҳаётини Куролли Кучларимиз сафида хизмат қилишга бағишлигар ўғлонларимизнинг оғир хизматини қадрлаш, уларнинг туну кун, тиним билмасдан ўз ҳарбий маҳоратини ошириш йўлида қилаётган мушаққатли меҳнатини эъзозлаш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарзdir.

Биз бу борада ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оиласарининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, нафақат сержант ва офицерлар, шартнома-контракт бўйича хизмат қиладиган ҳарбийларнинг, айни вақтда муддатли хизматга чақирилган оддий аскарларнинг ҳам молиявий таъминотини янада яхшилашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганимиз.

Шундай амалий мақсадларга эришиш йўлида Олий Мажлисимизнинг яқинда бўлиб ўтган X сессиясида қабул қилинган "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонун алоҳида ўрин тутади. Бу қонунга мувофиқ ҳарбий хизмат муддатини 12 ойгача қисқартириш, янги турдаги армияни шакллантиришга доир хуқукий асосларнинг яратилиши ўз фарзандларини катта орзу-умидлар билан армия сафига кузатаётган ота-оналарнинг кўнглини хотиржам қилишига, муҳтасар қилиб айтганда, фуқароларимиз учун

армияда хизмат қилишни нафақат фахрли бурч, балки олий шарафга, ўз Ватани ва халқига садоқат, жасорат ва матонат мактабига айлантиришига, унинг нуфузини янада оширишига ишонаман.

Қадрли Ватан ҳимоячилари, мард ўғлонларим!

Тинч ҳаётимиз, мусаффо осмонимиз, жажжи болаларимизнинг қувноқ кулгуси, ота-оналаримизнинг осуда умр кечириши - Оллоҳ таоло ўзи бизга берган мана шундай ҳаётнинг ҳимояси, уни асрраб-авайлаш, қўз қорачиғидай сақлаш барчамизнинг, авваламбор, сизларнинг қўлингиздадир.

Халқимиз армия сафларида хизмат қилаётган ўз фарзандларига ҳамиша ғурур ва ифтихор билан қарайди, ўз армиясига, Ўзбекистон Куролли Кучларига ишонади.

Ана шу юксак ишончга доимо муносиб бўлишингизни истайман.

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Куролли Кучлар Олий бош қўймондони*

2003 йил, 13 январь

**МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ -
МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ,
ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА ҲАЁТИМИЗНИНГ
МУСТАҲКАМ КАФОЛАТИДИР**

**ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗДА
МАЊНАВИЙ-МАЃРИФИЙ ТАРБИЯ ИШЛАРИНИ
КУЧАЙТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ
ВА МОҲИЯТИ ҲАҚИДА**

Куни кечада Куролли Кучларимиз сафларида хизмат қилаётган аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, она юртимизни ҳимоя қилишдек шарафли ишга умрини бағишилган барча ҳамюртларимиз билан биргаликда 14 январь - Ватан ҳимоячилари кунини нишонладик. Нафақат пойтахтимиз Тошкентда, балки барча вилоятларда шу санага атаб тантанали тадбирлар ўтказилди, ўз соҳасида ибрат ва намуна кўрсатиб келаётган энг муносиб ҳарбий хизматчилар давлатимизниң олий мукофотлари билан тақдирланди. Бир сўз билан айтганда, Ватан ҳимоячилари куни деб ном олган байрамни бутун ҳалқимиз катта мамнуният ва хурсандчилик билан ўтказганига гувоҳ бўлдик.

Ҳаммамиз яхши тушунамиз, ҳар қандай тантана, байрамона сана замирида ҳаётий, айтиш мумкинки, тарихий бир асос бўлиши табиий. Шу маънода, мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлаш тобора қутлуғ анъанага айланиб бораётгани, бу байрамниң ҳар йили айнан шу кунда тантанали равишда ўтказилиши, албатта, бежиз эмас.

Шунинг учун ҳам 14 январь кунини умумхалқ байрами сифатида нишонлар эканмиз, бу воқеанинг тарихий илдизлари, Куролли Кучларимизниң шаклланиши қандай кечгани, бу жараёнлар билан боғлиқ қандай оғир ва мураккаб кунларни бошимиздан ўтказганимизни яна бир бор эслашни ўринли деб биламан.

Вақт ўтиши билан узоқ ва яқин тарихда рўй берган кўпгина

воқеа-ходисалар унутилиши, инсон ёдидан кўтарилиши мумкин ва бу ҳам табиий хол. Лекин одамнинг ўзи бевосита иштирокчи бўлган, унинг қалби ва хаёлига чуқур ўрнашиб, муҳрланиб қолган шундай кунлар ҳам бўладики, улар ҳеч қачон хотирадан ўчмайди.

Бугун биз яқин ўтмишимизни сарҳисоб қиласар эканмиз, ҳеч иккиланмасдан, миллий армиямизни барпо этиш жараёнлари Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини қўлга киритиш тарихи билан узвий боғланган, деб айтишимиз мумкин. Ва ишончим комилки, орадан йиллар, асрлар ўтади - ҳалқимизнинг истиқлолга эришиш тарихини ўрганадиган, бу тарихни авлодларимизга ҳужжатлар ва китоблар орқали етказадиган тадқиқотчилар бу икки буюк воқеа бир-бири билан боғлиқ эканининг тасдиғини ҳар қадамда кўради.

Бу фикрларни янада чуқурроқ тушуниб олиш учун бир саволга жавоб излайлик: яъни, бугун умумхалқ байрамига айланиб бораётган, 14 январь - Ватан ҳимоячилари куни деб ном олган байрамнинг эски замонда нишонлаб келинган 23 февраль - Совет армияси ва ҳарбий-денгиз флоти кунидан нима фарқи бор?

Кўпчилик ёши улуғ одамлар эсласа керак, шўро даврида мамлакатдаги барча эркакларнинг маҳсус байрами сифатида нишонланадиган бу кун 8 март - Хотин-қизлар байрамига гўё жавоб тариқасида таъсис этилгандек таассурот қолдирав эди. Бу кун худдики одамларнинг ҳаёт-мамотини ҳал қиласидиган ўта муҳим воқеа сифатида талқин этилар, совет мафкурачилари томонидан "тарих сахифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёзиладиган унутилмас сана" деб таърифланар эди.

Аслида, тагини суриштирсангиз, бу байрамга гражданлар уруши даврида - 1918 йил 23 февраль куни Нарва ва Псков шаҳарлари остонасида қизил аскарларнинг немис қўшинлари билан бўлиб ўтган тўқнашуви асос қилиб олинган эди. Бу бутун бошли бир давлат тарихида оламшумул из қолдирган том маънодаги тарихий воқеа эмас эди, албатта. Лекин ҳукмрон тузум ўз қўлида бўлган турли мафкура воситалари ёрдамида бу кунни минг-минглаб одамларнинг байрами, фахр-ифтихор рамзига айлантиришни алоҳида мақсад қилиб қўйганини, чуқурроқ қараганда эса, ушбу сана замирида, унинг маъно-мазмунида бунинг учун ҳеч қандай асос бўлмаганини англаш

қийин эмас.

Шўро давридаги барча байрамларнинг маъноси мана шу империя қўл остидаги ҳамма халқларни, шу жумладан, ўзбек халқини ҳам совет халқининг ажралмас бир қисми деб кўрсатишга, шундай тадбирлар орқали иттифоқдош республикаларда яшайдиган миллатларнинг гўёки бирлигини, уларнинг Марказга бўйсуниши ва садоқатини намойиш этишга қаратилган эди.

Аммо жиддий таҳлил қиласидаги бўлсак, бу саналарнинг бирортаси ҳам собиқ иттифоқ таркибида бўлган халқларнинг тарихи ва тақдирни, қадри ва қадриятларига алоқаси йўқлиги, уларнинг туб манфаатларини ифода қиласлиги аён бўлади.

Қисқача айтганда, бундай байрамлар замирида факат коммунистик мафкура мужассам эди, холос.

Гарчи 23 февраль байрами сабиқ шўро худудидаги барча эл-элатларни, армия сафидаги турли миллатга мансуб йигитларни янада жипслаштиришга хизмат қиласиди, деб оламга жар солинса-да, аслида ҳаётда бунинг мутлақо тескарисини кузатиш мумкин эди. Айтайлик, ўша пайтларда Ўзбекистондан армияга чақирилган аскарларимизнинг қаерларда, қандай шароитларда хизмат қилганини, уларга муносабат қандай бўлганини эсласак, бугун ҳам одамнинг кўнгли беихтиёр ғаш тортади.

Фарзандларимиздан асосан қурилиш батальонларида, оғир ишларда фойдаланилганини, уларга бамисоли қандайдир "иккинчи сорт одамлар" деб қаралганини ўша даврда ҳарбий хизматни ўтаганлар ва кўпгина ота-оналар ҳозир ҳам элаши мумкин.

Бундай беписанд қараш мана шу Ўрта Осиё мintaқасидан чиққан барча йигитларнинг қисмати эди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ўша замондаги носоғлом муҳит оқибатида ҳарбий хизматдаги қанча болалар ҳалок бўлиб, уйларига қорахат келганида, уларнинг мусибат эзиб ташлаган ота-оналарига ҳамдард бўлган кунларимни мен бугун ҳам изтироб билан эслайман.

Биргина 1989 йилнинг ўзида, тинчлик даврида 430 нафар ўзбекистонлик аскарнинг нобуд бўлгани шунинг исботи эмасми?

Мана шундай фожиали, хунук ҳолатларнинг рўй бериши, кўп

ишларнинг сўзда, тарғибот-ташвиқотда бошқа-ю, амалда эса тескариси бўлгани сохта коммунистик мафкура хукмонлигининг оқибати эмасмиди?

Биз мана шундай оғир, ҳеч кимга раво қўрмайдиган даҳшатли кунларни бошимиздан кечирдик. Лекин шундан кейин ҳам кимдир ўша замонларни қўмсаётган бўлса, ёқани ушлаб, тавба дейишдан бошқа илож йўқ.

75 йил давом этган ўро ҳукмонлиги даврида ана шу мафкура таъсири остида уч-тўрт авлод яшаб ўтди. Афсуски, буни очиқ тан олиб айтиш керак, эски замондан қолиб келаётган номаъқул тартиб-интизомни ва умуман, инсон зотига ҳурматсизлик намойишларини ҳозир ҳам гоҳ-гоҳ учратиш мумкин.

Бундай асоратларни таг-томири билан йўқотиш учун биз бугун миллий армиямизни ҳақиқатан ҳам мутлақо янгича, замонавий негизда, авваламбор, юксак маънавий асосда ташкил қилмоқдамиз.

Бу масаланинг ечими ва калити, чуқур ўйлаб кўрсак, нафақат фарзандларимизга армияда тарбия берадиган ва Куролли Кучларимизни бошқарадиган ҳарбий раҳбарларимиз қўлида, балки давлатимиз, бутун жамиятимиз қўлида эканига ишонч ҳосил қиласиз.

Агарки мендан, янги армиянинг эски армиядан фарқи нимада, деб сўраса, ҳарбий қурилиш соҳасида амалга оширилаётган мутлақ принципиал ўзгаришлар, мақсад ва вазифалар билан бир қаторда Куролли Кучларимизда ҳукм сураётган соғлом муҳит, тартиб-интизом, ўзаро ҳурмат, янада аникроқ айтадиган бўлсак, машақкатли синовлар, ҳарбий машғулотларнинг оғир юкини елкасида кўтариб юрган оддий аскар ва сержантларга бўлган эътибор ва эҳтиромда, деб айтган бўлардим.

Шу билан боғлиқ яна бир масала.

Нима учун биз мустақиллик ҳақида, уни асраб-авайлаш, халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаган тараққиёт йўлимизни изчил давом эттириш ҳақида гапирганда, доимо армиямизни эслаймиз, уни мустаҳкамлаш, куч-кудратини ошириш ҳақида сўз юритишни табиий, деб хисоблаймиз?

Нега деганда, бу ҳеч кимга сир бўлмаслиги керак: мустақиллик - бу аввало хукуқдир. Яъни, ҳар қайси халқ ва жамиятнинг ўз кучи ва

кудратига суяниб, ота-боболарининг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқариш, ўзи истаган тарзда ҳаёт қуриш, хеч кимга қарам ва тобе бўлмай яшаш ҳукуқидир.

Бу ҳукуқни ҳимоя қилиш учун Ватанимизни кўз қорачифидай асраш, эл-юртимизни ҳар қандай хавф-хатардан саклаш, бизга ёвуз ният билан кўз олайтириб қарайдиган ғаним ва душманларимизга қақшатқич зарба беришга қодир бўлган қудратли Куролли Кучларга эга бўлишимиз керак.

Нега деганда, ўз истиқтоли ва озодлигининг қадрини билмайдиган, уни ҳимоя қилолмайдиган, бунга куч-қурби етмайдиган миллат ҳеч қачон эркин яшай олмайди, кимгадир итоат қилишга, бўйин эгишга мажбур бўлади.

Шу борада мана шундай фикрларнинг тарихий бир исботи тариқасида донишмандлар айтган, "Агар кимки ўз армиясини боқмаса, эртага ўзгалар армиясини боқишига мажбур бўлади" деган хикматни ҳеч қачон унутмаслик зарур, деб ўйлайман. Бу сўзларда нафақат чуқур маъно, балки ўта аччиқ ҳақиқат ҳам бор.

Энди Куролли Кучларимизни барпо этиш билан боғлиқ баъзи бир тарихий воқеаларга тўхталиб ўтсак.

Бу ҳақда гапирганда, аввало шуни таъкидлаш керакки, Куролли Кучларимизни ташкил этиш фикри менда илк бор 1991 йил август ойида - Москвада ГКЧП бош кўтарган таҳликали кунларда пайдо бўлган эди.

Эҳтимол, бугунги ёшларимиз буни яхши билмас, аммо 1991 йил 18 август куни Москвада марказий бошқарув ва ҳарбий идораларида энг юқори лавозимларни эгаллаб ўтирган бир гуруҳ амалпараст, фитначи шахслар СССРнинг амалдаги президенти М.Горбачёвни ўз вазифасидан четлатиш учун давлат тўнтариши уюштирган ва бутун ҳокимиёт ГКЧП - Фавқулодда ҳолат давлат комитети тасарруфига ўтди, деб эълон қилган эди.

Ўша кунларда мен Ўзбекистон раҳбари сифатида расмий ташриф билан Хиндистонда сафарда эдим.

1991 йил 19 август куни кечқурун сафардан қайтиб келганимда, мени Тошкент аэропортида биринчилар қаторида Туркистон ҳарбий округи қўмондонлари ва Москвадан йўлланган бир неча генераллар

кутиб олди.

Агарки, хаёлан ўша дамларга қайтиб, ўша вазиятни бир сўз билан ифода қилиб айтадиган бўлсақ, аэропортнинг ўзидаёқ қандайдир бир кескинлик, таҳлика ва хавф-хатар нафаси ҳавода кезиб юргандек туулади.

Бу генералларнинг кўриниши, важоҳати, гап-сўзлари битта маънони англатар эди. Яъни, уларнинг қиёфаси, фавқулодда шахдам қадам ташлашидан, худдики, бўлди энди, ўзини эркин тутиш, эркин фикр юритиш, Марказнинг буйруқларини муҳокама қилиш замони ўтди, энди бизнинг айтганимизни бажарадиган вақт келди ва мана шундай тартиб-интизомни биз ўрнатамиз, деган очиқ таҳдидни ҳис қилиш мумкин эди.

Улардан бальзиларининг ҳовлиқиб, ўпкасини босолмай, Ўзбекистонни бошқа республикалар қаторида ана шундай харакатларни қўллаб-қувватлаш учун шошилинч равишда қарорлар қабул қилиш ва амалга оширишга тезлагани ҳали-бери ёдимда турибди.

Шундай қалтис дамларда харбийларнинг майдонга чиқиши, ўз кудрати ва хукмронлигини намойиш этиши ва, керак бўлса, ҳеч нарсадан тап тортмай куч ишлатишга тайёрлигини сезиш, бундай вазиятда армиянинг нақадар даҳшатли кучга айланиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас эди.

Ва албатта, бундай дақиқаларда одамнинг хаёлига ҳар хил фикрлар келади.

Хусусан, ҳарбий куч назорат остида ушлаб турилмаса, армия эл-юртнинг нафақат кайфияти, балки интилишларини ифода қиласа, кимларнингдир ғаразли, пасткаш ва ёвуз ниятларини амалга оширишда нечоғлиқ хавфли куролга айланишини сиёsatдан йироқ бўлган одам сезиши мумкин эди.

Бундай пайтларда энг муҳими - кимнингдир таҳди迪, кўркитиши ва таъсири остида мавжуд вазиятни ақл тарозисига солмасдан, охирини ўйламасдан, шошма-шошарлик билан қарор қабул қиласлик эди. Чунки бундай вазиятда қабул қилинган қарорларнинг баҳоси ва оқибатини олдиндан билиш қийин бўлади.

Шундай хавфли дамларда яккаю ягона тўғри қарор - бу

авваламбор пойтахтимиз Тошкент ва умуман юртимизда тинчлик-осойишталикни сақлаш, ҳар хил сиёсий ўйинларга қўшилмаслик эди.

20 август куни эрталаб шу масала бўйича Вазирлар Маҳкамаси ва республика фаолларининг йиғилишини ўтказдик. Бу йиғилишда мен Ўзбекистоннинг ўзига хос, ўзига мос тараққиёт йўли бор ва биз шу йўлдан қайтмасдан, бошқалардан кўр-кўронга ўрнак олмасдан, юқоридан келаётган турли кўрсатмаларга вазминлик билан муносабатда бўлишимиз керак, хозирги таҳликали бир пайтда асосий вазифамиз - ҳар хил иғволарга учмасдан, мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлашдан иборат, деган қатъий фикрни баён этдим.

Бундай қатъий фикрларни ўзида мужассам этган шу расмий мажлисда ва кейинги йиғилишларда сўзлаган нутқларим, ҳалқимизга, жамоатчилигимизга қарата қилган даъватим ана шу хавф-хатарли кунларда ўтказилган ўша учрашувларда қатнашган одамларнинг хаёлидан ҳали-бери кўтарилигани йўқ ва тарихий хужжатларда, мажлис стенограммаларида сақланиб қолган, деб ўйлайман.

Табиийки, бу гаплар Марказга ҳам, унинг юртимизда катта-катта лавозимларда ўтирган гумашта ва югурдакларига ҳам ёқмас эди.

Бир дақиқа ўзимизга фараз қилайлик: мана шундай ноаниқ, таҳликали дамларда мамлакатимиз ҳудудида, аввало пойтахтимиз Тошкент ва унинг атрофида жойлашган совет армияси қисмларини, уларнинг командирларини кимдир тепадан туриб қўпорувчилик мақсадида турли иғво-найранглар билан йўлдан урса, кўча ва майдонларга чиқарса, бунинг қандай даҳшатли оқибатларга олиб келишини тасаввур қилиш қийин эмасди.

Айнан шу воқеалар ваундан кейин бизга, Ўзбекистон олиб бораётган мустақил сиёsatга қарши билдирилган огоҳлантириш ва дўйқ-пўписалар, амалда намойиш этилган тазииклар, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонни ўзи танлаган тараққиёт йўлидан қайтаришга қаратилган жиддий ҳаракатлар - миллий армиямизни шакллантириш ҳақидаги фикр ва мақсадларни уйғотишга ва бу борада амалий ишларга ўтишга сабаб бўлди, десам, ҳақиқатни айтган бўламан.

Дастлаб, бунга қадар тузилган Мудофаа ишлари қўмитаси негизида 1991 йил 6 сентябрда Мудофаа ишлари вазирлигини ташкил

этдик. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги қарорига биноан Мудофаа ишлари вазирлигининг хуқуқий мақоми, таркибий тузилиши ва низомлари тасдиқланди. Туркистон ҳарбий округининг бошқарув органлари негизида Мудофаа ишлари вазирлиги Бош штаби ва бошқармалари тузилди.

Мудофаа ишлари вазирлиги зиммасига умумий сафарбарлик, Миллий гвардияни тузиш, фуқаролар мудофаасини амалга ошириш, ҳарбий таълим соҳасини бошқариш, ҳарбийга чақириш ва муқобил хизматни ташкил қилиш, қўшинларни жойлаштириш, ҳарбий техника ва қурол-яроғларни сақлаш ва такомиллаштириш каби вазифалар юклатилди.

Иттифоқ парчаланиб кетаётган мураккаб бир вазиятда, мустақил суверен давлат қурилишининг дастлабки босқичида Ўзбекистонда Мудофаа ишлари вазирлигининг ташкил этилиши том маънодаги тарихий воқеа, асло кечиктириб бўлмайдиган ҳаётий зарурат бўлганини бугун, орадан маълум вақт ўтганидан кейин яққол сезиш ва баҳолаш мумкин.

Бу борада биз дуч келган энг мураккаб муаммо - армиядаги кадрлар масаласи эди. У пайтда ҳарбийлар сафида маҳаллий кадрлар жуда оз эди. Буни 1990 йилда маҳаллий офицерлар юртимиздаги ҳарбий кадрларнинг атиги 0,6 фоизини ташкил этгани ҳам тасдиқлаб туриди.

Биз бу масалани ҳал этиш учун бир қатор янги ҳарбий билим юртлари, Қуролли Кучлар академиясини барпо этиб, уларда ҳарбий ишга салоҳияти бўлган ўз фарзандларимизни тайёрлай бошладик.

90-йиллардаги мураккаб иқтисодий вазиятга қарамасдан, биз ҳарбий қурилиш соҳасида олдимиизда турган долзарб ва улкан вазифаларни ҳал этиш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оиласларини ижтимоий ҳимоя қилиш учун зарур бўлган моддий ва молиявий манбаларни излаб топиш мақсадида қаттиқ иш олиб бордик.

Ўз вақтида амалга оширилган мана шундай тадбирлар билан бир қаторда собиқ иттифоқ таркибида бўлган бошқа давлатларда хизматни ўтаётган ўзбекистонлик ҳарбий хизматчиларнинг хуқуқларини имкон доирасида ҳимоя қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратдик.

Шу маънода, ўша пайтда жойларга махсус делегация юбориб, Россиядаги Ички қўшинларда хизмат қиласетган, асли ўзбекистонлик бўлган, энди ўз миллий армиямизда хизмат қиласиз, деб истак билдирган 300 га яқин ҳарбий хизматчини юртимизга олиб келганимизни кечагидек эслайман.

Ва ниҳоят, 1992 йил 14 январь куни мамлакатимиз худудидаги барча Куролли Кучларни Ўзбекистон юрисдикциясига ўтказиши тўғрисида қарор қабул қилганимиз бу йўлда бошлаган катта ишларимизнинг мантиқий якуни бўлди, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Бу қарорга биноан мамлакатимиз худудида жойлашган собиқ иттифоқ Куролли Кучларининг барча қисмлари, ҳарбий ўқув юртлари, муассасалар ва ташкилотлар, уларнинг қаршилигига қарамасдан, Ўзбекистон Республикаси тасарруфига олинди.

1992 йил 24 марта Миллий хавфсизлик хизмати қошида Чегара қўшинлари бошқармаси ташкил этилди ва мамлакатимиз худудидаги чегара қўшинлари бўлинмалари унинг тасарруфига ўтказилди.

1992 йил 18 майдан эътиборан эса ҳаво десанти қўшинлари, ҳарбий транспорт авиацияси, разведка қўшинлари, таъминот қисмлари, 12 ноябрдан ҳаво хужумига қарши ҳарбий қисмлар, 13 ноябряндан эса кимёвий ҳарбий қисмлар давлатимиз тасарруфига олинди.

Бу ишлар 1991 йил 31 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида"ги тарихий қонуннинг 6-моддасига биноан давлатимиз, халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида, ўз Куролли Кучларини ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлгани ва бу ҳуқуқни изчил амалга ошира бошлаганидан далолат берар эди.

Куролли Кучларнинг мамлакат суверенитети ва худудий яхлитлигини сақлаш, халқимизнинг тинчлиги ҳамда бунёдкорлик меҳнатини ҳимоялаш, ёш авлодни ватанпарварлик рухида тарбиялашдаги аҳамиятини инобатга олиб ҳамда 1992 йил 14 январда мамлакат худудидаги ҳарбий қисм ва бўлинмаларнинг давлатимиз тасарруфига ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 29 декабрдаги қонунига биноан 14

январь юртимиизда "Ватан ҳимоячилари куни" деб эълон қилинди.

Албатта, бу оғир ва мураккаб жараёнлар осон кечгани йўқ. Бошимиздан ўтган бу воқеа-ҳодисалар замиридаги қанча-қанча ташвиш-изтироблар, юртимиизга ташқаридан бўлган кўп-кўп тазиيқ ва таҳдидлар ҳақида узоқ гапириш мумкин. Мен ҳозир уларнинг айrim тафсилотларини эслаб ўтдим, холос.

Йиллар ўтади, замонлар ўтади, аммо, ҳеч шубҳасиз, миллий армиямизни ташкил этиш билан боғлик жараёнлар мустакил Ўзбекистонимиз солномасида, янги тарихимиз саҳифаларида ўчмас ҳарфлар билан ёзиладиган буюк воқеалардан бири бўлиб қолади.

Биз бугун янги ҳаёт, янги жамият қуриш, халқаро ҳамжамиятда ўзимизга муносиб нуфузли ўрин эгаллашдек улуғ мақсад билан яшамоқдамиз.

Шу ўринда мен мамлакатимиз тақдири учун ғоят муҳим ахамиятга эга бўлган бир ҳақиқатни айтиш ва юртдошларимизни шунга даъват этишни ўзимнинг бурчим, деб биламан: халқимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигининг мустаҳкам қалқони бўлмиш армиямиз ҳар жиҳатдан қудратли, қурол-яроғ ва ҳарбий маҳорат борасида ҳеч кимдан кам бўлмаслиги лозим.

Албатта, бу жуда муҳим масала. Лекин армиянинг куч-қудратини тўла намоён этиш учун аввало ҳарбийларимиз, аскар ва офицерларимиз - Ватан ва халқ ўз хавфсизлигини ишониб топширган мард ўғлонларимизнинг маънавий-маърифий тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш энг долзарб вазифамизга айланиши даркор. Токи улар мана шу кенг далалар, қадрдон қир-адирлар, мусаффо осмон, шу гўзал ҳаётни ўзи ва оиласи, келажак авлодлар учун ҳам беғубор ва боқий сақлашга масъул эканини теран ҳис эта олсин.

Шубҳа йўқки, шахсий таркиби ана шундай хусусиятлар ва мустаҳкам ирова соҳиби бўлган, энг замонавий талаб ва андозаларга жавоб берадиган армия қаршисида ҳеч қандай ёвуз куч дош беролмайди.

Мана шундай фикр ва ғояларни жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб-ташвиқ этиш учун биз 14 январь санасини факат ҳарбий хизматчилар эмас, айни вақтда армия сафларида ўз бурчини ўтаб қайтган ватандошларимиз ва эртага хизматга борадиган минг-минглаб

навқирон фарзандларимизнинг кутлуғ байрами деб қабул қилишимиз, уни энг улуғ, энг азиз айём - Мустақиллик байрами сингари юксак даражада нишонлашимиз лозим.

Шу билан бирга, миллий армиямиз ташкил топган бу санани байрам қилганда, Қуролли Кучларимизнинг тамал тошини қўйган инсонларни, мард ва фидойи юртдошларимизни миннатдорлик туйғулари билан эсга олиш нафақат тарихий, айни пайтда тарбиявий нуқтаи назардан ҳам ҳар томонлама ўринли бўлади.

Бу борада аввало матбуот, радио-телевидениемиз, маданият ва санъат намояндадари, ижодкор зиёлилар, таълим соҳаси ходимлари фаоллик қўрсатиши, Ватан ҳимоячилари куни эркин ва озод ҳалқнинг янги, муқаддас байрами эканини таъсирчан воситалар орқали очиб бериши зарур.

Чунки байрам руҳи ва қувончи аввало одамнинг кўнглидан, ички дунёсидан чукур жой олган тақдирдагина у ҳақиқий байрамга айланади.

Яна ўта бир муҳим масалага эътиборингизни жалб этмоқчиман. Ўз-ўзидан равшанки, янги ҳаёт, янги жамият қуриш бир қунлик иш эмас. Замонлар ўтиб бораверади, лекин давр қўйган муаммолар, уларни ечиш йўлидаги ишлар давом этаверади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, миллий армиямизни барпо этиш масаласи давлат ва жамият қурилишининг ғоят муҳим, узвий бир қисми экан, бугунги кунда Қуролли Кучларимиз, унинг шаклланиш тарихи, бугунги ҳаёти қандай акс эттирилаётгани, бу хусусда болаларимизга қандай дарслик ва китоблар орқали қай йўсинда маълумот берилаётгани ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлиши зарур.

Маълумки, ҳозирги пайтда иқтисодий жиҳатдан қудратли баъзи давлатлар ўз армиясини куришда катта пул сарфлаб, асосан четдан ёлланадиган ҳарбийларга таянади. Аммо бундай ёндашув бизга тўғри келмайди.

Биз замонавий, профессионал асосдаги армияни барпо этишда, аввалимбор, миллати, тили ва динидан катъи назар, шу юртнинг сувини ичиб, тузини татиган, шу заминда тарбия топган, вояга етган ватанпарвар фуқароларимизга таянамиз.

Шу боис ўз тақдири ва ҳаётини Қуролли Кучларимиз билан боғлаган юртдошларимизни қадрлашимиз, уларнинг келажаги ёруғ бўлиши учун йўлини очиб беришимиз, бунинг учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишимиз керак.

Бошқача айтганда, ўз ҳаётини армиясиз тасаввур этолмайдиган, ҳарбий хизматни шунчаки иш эмас, Ватан ва ҳалқ олдидаги муқаддас бурч, деб биладиган мард жангчиларимизнинг оғир ва масъулиятли меҳнати мunoсиб тақдирланиши лозим.

Ҳаммамизга аёнки, бугунги кунда замонавий армияда хизмат қилиш учун жисмоний тайёргарлик, айтайлик, турникка тортилиш, тўсикдан ошиб ўтиш, нишонга бехато отишнинг ўзигина камлик қиласи. Армия сафларидағи ўғлонларимиз нафақат жисмонан бақувват, энг замонавий ҳарбий техника ва технологияларнинг сирасорини пухта эгаллаган бўлиши, айни вақтда юксак ақл-заковати, интеллектуал салоҳияти, мустаҳкам иродаси, ўз ҳалқига садоқати каби олижаноб хусусият ва фазилатлари билан ҳам ажралиб туриши лозим.

Бунинг учун ҳарбий соҳадаги маънавий тарбия ишларини тубдан яхшилашимиз, аскарларимиз, ҳарбий хизматчилар онгу тафаккурига миллий истиқбол ғояси тамойилларини чуқур сингдиришимиз керак.

Ҳарбий хизмат жараёнида ҳар бир ёш аскар билан алоҳида иш олиб боришимиз, уларни, аввало, Жалолиддин Мангуберди ва Амир Темур каби жасур аждодларимизнинг мunoсиб ворислари, она Ватанимизнинг ҳақиқий ҳимоячилари этиб тарбиялашимиз даркор.

Нега деганда, армияни том маънода армия қиласиган, ҳар қандай мураккаб вазият ва синовлардан ёруғ юз билан чиқишига асос бўладиган, унинг жанговар курдати ва ҳарбий маҳоратини юксалтирадиган куч - бу армия сафларида хизмат қилаётган инсонлардир.

Шуни унутмаслик керакки, ҳар бир хизматчи - у генерал ёки офицер бўладими, сержант ёки оддий аскар бўладими - бундан қатъи назар, уларнинг барчаси дунёда ягона бўлмиш Ўзбекистонимизнинг фарзандлари. Уларнинг зиммасидаги масъулиятли ва муқаддас вазифа ҳам битта - она юртимизни, ҳалқимизни ишончли ҳимоя қилишдан иборат.

Маънавий тарбия соҳасида олдимизда турган мана шундай муҳим вазифаларни бажаришда биз, аввало, эл-юртимизга фидойи ва садоқатли, ҳақиқий ватанпарвар, чуқур билим ва катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган инсонларга, сиёсатшунос ва тарихчи олимлар, ижодкор зиёлилар, оммавий ахборот воситалари ходимлари, Куролли Кучларимиз фахрийларига таянамиз.

Бу борада эски даврдан қолган қуруқ, сийқа ваъзхонлиқдан воз кечиб, бугун биз бошимиздан кечираётган мураккаб ва машақатли ҳаёт ҳақиқатига таяниб, жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг энг замонавий, таъсирчан усул-услубларидан фойдаланган ҳолда иш олиб бориш лозим.

Ўйлайманки, Олий Мажлисимиизнинг яқинда бўлиб ўтган X сессиясида қабул қилинган "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонун бу вазифаларни муваффақиятли адо этишда янги-янги имкониятлар очади.

Хусусан, бу қонунга мувофиқ ҳарбий хизмат муддати 12 ойгача қисқартирилгани, биз орзу қилаётган янги турдаги армияни барпо этиш учун зарур ҳукуқий асослар яратилаётгани эътиборга сазовор.

Ҳарбий соҳани ислоҳ қилиш масаласига ана шундай жиддий ва изчил ёндашув фарзандларини армия сафига кузатаётган отаоналарнинг кўнглини хотиржам қилишига, Куролли Кучларимизда хизмат қилиш ҳар бир юртдошимиз учун фахрли ва шарафли бурчга айланиб қолишига қатъий ишонаман.

Буларнинг барчаси пировард натижада миллий армиямизни ёшларнинг иродасини тоблайдиган, уларга оила ва мактабда олиб улгурмаган билим ва тарбияни ўргатадиган, ўз Ватани ва халқига садоқат, жасорат ва матонат мактабига, ҳар биримиз учун фахр ва ифтихор манбаига айлантириши муқаррар.

Куролли Кучларимизнинг тарихи, бугунги куни ва истиқболи билан боғлиқ масалалар ҳақида узоқ гапириш мумкин. Мен ушбу рисола устида ишлар эканман, бу тўғрида кўп ўйладим. Иш жараёнида кўнглимдан турли фикр-мулоҳазалар, ўй-хаёллар кечди. Агар мендан, сизнинг бу борадаги энг катта орзу-армонингиз нима, деб сўраса, шундай жавоб берган бўлур эдим.

Менинг эзгу орзуим шуки, армиямиз халқимиз, миллатимизнинг

минг йиллар давомида шаклланган асл қиёфаси, азалий қадриятлари ва хислатларини ўзида мужассам этсин, унинг сафларида хизмат қиласиган фарзандларимиз ўзи туғилиб ўсган, вояга етган, отабоболарининг хоки ётган муқаддас заминимизга бир умр садоқатли бўлсин.

Мабодо тақдир тақозо қилиб, кураш майдонига тушганида ҳар қандай ёвуз куч ва босқинчиларга бас кела оладиган замонавий, кудратли армиямизни қўриш бахти барча юртдошларимиз қаторида менга ҳам насиб этсин.

Ўйлайманки, мана шундай улуғвор мақсад-муддаоларимизга албатта етамиз, деб айтиш учун бизнинг барча асосларимиз бор.

2003 йил, 15-25 январь

ИСЛОҲОТЛАР СТРАТЕГИЯСИ - МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИ ЮҚСАЛТИРИШДИР

Хурматли мажлис қатнашчилари!

Бизнинг бугунги мажлисимиздан асосий мақсад - 2002 йилда амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилишдан иборат.

Лекин биз фақат йил якунларини кўриб чиқиш билан чекланмасдан, масалага кенгроқ қараб, аввало, иқтисодиётимизни ривожлантиришда кўлга киритилган ютуқлар, ўтказилаётган ислоҳотларнинг натижаси ва самараси биз бу борада қабул қилган узоқ истиқболга ва яқин келажакка мўлжалланган Дастуримизга нечоғли жавоб бериши ва мос келишига принципиал баҳо беришимиз зарур.

Ўтган йили иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда кузатилган тенденциялар ҳамда мавжуд муаммоларни ана шундай таҳлил қилиш ва танқидий баҳолаш асосида 2003 жорий йилда иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштиришнинг аниқ йўналишларини белгилаб олишимиз даркор.

2002 йил якунларини айнан шу нуктаи назардан баҳолар эканмиз, қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ўйлайман.

Ўтган йили корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва акциялаштириш, хусусий секторнинг иқтисодиётдаги салмоғини янада оширишга қаратилган чора-тадбирлар изчил давом эттирилди.

2002 йил мобайнида 2 мингга яқин давлат корхонаси ва обьектлари ўз мулк шаклини ўзгартирди, бу хусусийлаштириш дастурида кўзда тутилганидан бир ярим баробар кўп демакдир.

Давлатга қарашли корхона ва обьектларнинг каттагина қисми - 1 минг 260 таси тўлиқ хусусий мулкка айлантирилди.

Хусусийлаштирилган корхоналарнинг акциялари жисмоний

шахслар томонидан 2001 йилга нисбатан 2,6 марта кўп сотиб олинди.

Мулк шаклини ўзгартирган давлат корхоналари орасида "Электркимёсаноат", "Навоийазот", "Аммофос", "Ўзбекрезинатехника" ишлаб чиқариш бирлашмалари, Тошкент ва Фарғона иссиқлик электр марказлари, Сирдарё ГРЭСи, юк вагонларини таъмираш заводи, йўловчи ташийдиган вагонларни таъмираш корхонаси, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли материаллар комбинати сингари стратегик аҳамиятга эга бўлган йирик корхоналар бор.

Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик етакчи роль ўйнайдиган кўп укладли иқтисодиёт жадал шаклланмоқда.

Кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар, уларни рўйхатга олиш тартибининг сезиларли даражада соддалаштирилгани, энг муҳими, тадбиркорларнинг хукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича самарали механизмнинг амалда жорий этилгани иқтисодиётимизда катта аҳамиятга эга бўлган хусусий тармоқни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш имконини берди.

2002 йилда 38 мингга яқин микрофирма, кичик ва ўрта корхона тузилиб, бугунги кунда уларнинг умумий сони 240 мингтага етди.

Тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан қарийб 370 мингта янги иш ўринлари очилди. Бу прогноз кўрсаткичларидан бир яrim баробар кўп.

Хозирги вақтда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг 73,3 фоизи, саноат маҳсулотларининг 71,4 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, чакана савдо ва аҳолига пулли хизмат кўрсатишнинг деярли ҳаммаси нодавлат сектор ҳиссасига тўғри келмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, бугунги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 35 фоизи хусусий тармоқда яратилмоқда.

Буларнинг барчаси тадбиркорлик фаoliyatiini рағбатлантириш, корхоналарнинг иқтисодий эркинлигини кенгайтиришга қаратилган туб ўзгаришларнинг амалга оширилиши билан бевосита боғлиқ.

Юридик шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқ

ставкалари 26 фоиздан 24 фоизга пасайтирилди. Кичик ва ўрта бизнес, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини солиқка тортиш тизими соддалаштирилди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган корхоналарга солиқ борасида бир қатор имтиёзлар берилди.

Корхона ва ташкilotларда меҳнатга ҳақ тўлаш учун йўналтириладиган маблағларнинг давлат томонидан меъёрга солиниши бекор қилинди.

Барча хўжалик юритувчи субъектларга тижорат банкларидағи ўз ҳисоб рақамларидан ўzlари топширган нақд пул тушуми миқдорида талаб қилинган вақтда нақд пул олиш ҳуқуқи берилди.

Корхоналарнинг биржадан ташқари валюта бозоридан фойдаланиш имкониятлари сезиларли даражада эркинлаштирилди, лицензиялар бериш тартибга солинди, юридик шахслар учун конвертация ва хорижий валютани сотиб олиш тартиби анча соддалаштирилди.

Хурматли дўстлар!

Ўтган йил мобайнида иқтисодиётни бошқаришни янада эркинлаштириш масалаларига катта эътибор берилди. Давлат бошқарув органлари ва тармоқ вазирликларини бозор иқтисодиёти талабларига кўпроқ жавоб берадиган тузилмаларга айлантириш борасидаги ишлар давом эттирилди.

Хусусан, Фан ва техника давлат қўмитаси тугатилиб, Фан ва технологиялар марказига, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги эса агентликка айлантирилди. Шунингдек, Давлат матбуот қўмитаси ҳам агентликка айлантирилди, унинг мақоми ва вазифалари қайта кўриб чиқилди.

Жаҳон бозорида шакланаётган нарх-наво конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда тайёрланаётган пахта хомашёси, пахта толаси ва ғалла каби муҳим қишлоқ хўжалик маҳсулотларига нарх белгилашнинг замонавий тизими жорий этилди.

Ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш эркинлаштирилмоқда ва халқаро андозаларга мос ҳолга келтирилмоқда. Бу мақсадда четдан келтирилаётган маҳсулотлар учун олинадиган божхона тўловлари унификация қилинди, импортга оид шартномаларни рўйхатдан

ўтказиш тартиби соддалаштирилди. Республика ҳудудига олиб кирилаётган товарларни мажбурий равишда сертификациялаш тизими, шунингдек, Жаҳон божхона ташкилоти талабларига жавоб берадиган меъёр ва стандартлар жорий этилди.

Давлат ва назорат килувчи идоралар томонидан корхоналарнинг хўжалик фаолиятига араласиши ҳоллари камайиб бормоқда.

Бу ўринда хўжалик юритувчи субъектларни ноқонуний текширишлар сони кескин камайганини айтиб ўтмоқ лозим. Агар 2001 йилда тадбиркорлар фаолиятини ноқонуний текшириш бўйича

1 минг 450 та ҳолат аниқланган бўлса, 2002 йилда уларнинг сони 157 тани ташкил этди.

Айни вақтда адлия ва прокуратура органларининг биргаликдаги харакатлари туфайли тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний араласиши билан боғлиқ 1 минг 30 та ҳолат аниқланди. Улар бўйича 13 та жиноят иши қўзгатилди, 88 та маъмурий қонунбузарлик ҳолати қайд этилди, шунингдек, бундай шахсларга нисбатан бошқа таъсир чоралари ҳам қўлланди.

2002 йил мобайнида адлия идоралари томонидан тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан судларга умумий қиймати 14 миллиард сўм микдоридаги 8 мингдан ортиқ даъво аризаси киритилди. 2 минг 300 мансабдор шахсга нисбатан интизомий чора кўрилди. Улардан 290 нафари эгаллаб турган лавозимидан бўшатилди.

Иқтисодиётнинг барқарор фаолият юритиши учун зарур шартшароит яратиб беришга қаратилган бозор инфратузилмаси институтларининг ривожланиши хусусида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Бу ерда гап биринчи галда молия ва банк тузилмаларини, суғурта, консалтинг ва лизинг компанияларини ривожлантириш ҳақида бормоқда. Банк тизимидағи ислоҳотларни чуқурлаштириш нафақат банклар сонининг ортишига, шу билан бирга, хусусий банкларнинг ҳам кўпайишига туртки берди.

Лекин, энг муҳими, тижорат банкларининг барқарорлиги ва имкониятлари мустаҳкамланди. Ўтган ҳисобот йилида тижорат банкларининг ялпи капитали 43 фоизга, уларнинг ялпи активлари

ҳажми эса - учдан бир баробарга ўси. Аҳолининг тижорат банкларига қўйган омонатлари 2002 йилда 86 фоизга ортиб, 170 миллиард сўмга етди. Банкларни улар бевосита хизмат кўрсатадиган мижозларга яқинлаштириш мақсадида барча вилоят ва туманларда минибанклар тармоғи барпо этилмоқда. Бугунги кунда 530 та ана шундай банк очилган бўлиб, биргина ўтган йилнинг ўзида уларнинг сони деярли икки баравар кўпайди.

Биз тижорат банкларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатларидағи ижобий ўзгаришларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим. Тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун ажратилган кредитлар ҳажми 2002 йилда 30 фоизга ортиди ва қарийб 265 миллиард сўмни ташкил этди.

Кейинги йилларда Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси ва бошқа халқаро молия ташкилотларининг 450 миллион АҚШ доллари микдоридаги кредит ресурслари кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш мақсадларига йўналтирилди. Шу кунга қадар бу кредитлардан 345 миллион 800 минг АҚШ доллари ўзлаштирилган бўлса, шунинг 87 миллион доллари биргина 2002 йилга тўғри келади. Бозор инфратузилмасининг энг муҳим институтларидан бири - тадбиркорлар ва аҳолини эҳтимоли бўлган турли заарлардан ҳимоя қилишга қаратилган суғурта фаолияти ҳам изчил ривожланиб бормоқда.

Хозирги вақтда бу соҳада 28 та компания иш юритмоқда, улар мамлакатимиз фуқаролари ва ташкилотларига 150 турдан ортиқ суғурта хизматини таклиф этмоқда.

Биз янги иш бошлаётган тадбиркорларнинг ўз фаолияти учун зарур ускуна ва технологиялар сотиб олишига имкон берадиган лизинг тизимини ривожлантиришга ҳам алоҳида аҳамият бермоқдамиз.

Бугунги кунда мамлакатимизда 9 та тижорат банки ва 6 та ихтисослашган компания лизинг операцияларини ўтказмоқда. Биргина 2002 йилнинг ўзида улар томонидан лизинг шартлари асосида умумий киймати 500 миллион АҚШ долларидан зиёд бўлган

иқки ярим мингта лойиҳа амалга оширилди.

Муҳтарам мажлис иштирокчилари!

Ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш бўйича юртимизда амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида 2002 йили ишлаб чиқаришнинг барқарор ва мутаносиб холда ўсишига эришилди.

Шу боис, ҳисобот даврида ялпи ички маҳсулот 4,2 фоизга ортди, саноат маҳсулотлари - 8,5 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари - 6,1 фоиз, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш эса 11,8 фоизга кўпайди.

Иқтисодиётимизнинг барқарорлигини таъминлаб келаётган электроэнергетика, ёқилғи саноати, қора ва рангли металлургия, кимё ва нефть-кимё саноати ва бошқа соҳалар жадал ривожланмоқда.

Ўтган йили мамлакатимизда бошоқли дон етиштириш бўйича энг юқори кўрсаткичга эришилди - 5 миллион 400 минг тонналик хирмон бунёд этилди.

Молиявий ва пул муомаласи мутаносиблигини таъминлаш масалаларида ижобий натижалар қўлга киритилди.

Давлат бюджети тақчиллиги ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан 0,8 фоизни ташкил этди, яъни прогноз даражасидан анча паст бўлди.

2002 йилда қатъий пул-кредит сиёсати олиб бориш, пул массаси, кредит ва нақд пул эмиссиясини камайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди. Натижада пул массасининг ўсиш суръати анча камайди, унинг ҳажми 2001 йили ялпи ички маҳсулотга нисбатан 14 фоизни ташкил этган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 12,5 фоиздан иборат бўлди.

Энди ижозатингиз билан ўтган йилги инвестиция ва иқтисодий таркибий сиёсатни амалга ошириш якунлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

2002 йили иқтисодиётга жалб этилган барча инвестициялар ҳажми 3,8 фоизга ўсиб, 1 триллион 400 миллиард сўмдан ортди. Шундан 650 миллион АҚШ долларидан ортиғи ёки 20 фоиздан кўпроғи хорижий инвестициялардир.

Инвестициялар умумий ҳажмида корхоналарнинг ўзига тегишли бўлган ресурсларнинг 27,5 фоиздан 40 фоизга ошганини ижобий

холат сифатида алоҳида қайд этиш лозим.

Бу соҳада амалга оширилаётган тадбирлар натижасида ўтган йил давомида 56 та ишлаб чиқариш объекти ишга туширилди. Улардан 15 таси йирик корхона ва иншоотлардир.

Шулар қаторида 500 километр узунликдаги Учқудук - Нукус темир йўли, Кизилқум фосфорит комплексининг биринчи навбати ишга туширилди. Фарғонадаги "Азот" ишлаб чиқариш бирлашмасида хлорат натрий ва хлорат магний дефолиантини тайёрлаш йўлга кўйилди.

Тошкент халқаро аэропорти ҳамда Самарқанд, Бухоро ва Урганч аэропортларини модернизация қилиш ишлари ниҳоясига етказилди.

Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази, "Хоразм" меҳмонхонаси, "Нестле - Ўзбекистон", "Фармой", "Чиноз тўқимачи" каби қўшма корхоналар ва бошқа бир қатор иншоотлар барпо этилиб, фойдаланишга топширилди.

Барча инвестицияларнинг 58 фоиздан кўпроғи биринчи навбатда ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, янги қувватларни ишга туширишга йўналтирилди.

Натижада мамлакатимизда юксак технологияга асосланган ишлаб чиқариш корхоналари вужудга келмоқда, рақобатга бардошли янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёни фаол ўзлаштирилмоқда, биз учун долзарб масала бўлган аҳолини иш билан таъминлаш муаммолари ҳал этилмоқда.

Масалан, Шўртан газ-кимё комплексини олайлик. Бу ноёб ва улкан саноат корхонасини ишга тушириш ҳисобидан, аввало, бугунги кунда талаб катта бўлган энергетика ресурслари - газ маҳсулотлари ва суюлтирилган газ, газ конденсати ишлаб чиқариш таъминланмоқда.

Шу билан бирга, бу ерда полиэтилен ишлаб чиқариш ҳам йўлга кўйилиб, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги учун ўта зарур полиэтилен плёнкалар тайёрлайдиган корхоналарнинг тўла қувват билан ишлашига ҳам имконият яратилмоқда.

Ёки "ЎзДЭУавто" автомобиль заводимизни олайлик. Кейинги йилларда бу корхонада тайёрланаётган автомобильларнинг

моделларини янгилашга қаратилган реконструкция ишларининг иккинчи босқичи якунланди.

Бу эса қисқа вақт мобайнида, ишлаб чиқаришни тўхтатмаган ҳолда, мутлақо янги турдаги "Матиз" автомобилини ҳамда янги конвейер тармоғини ишга тушириб, "Нексия" машинасининг янги моделини ишлаб чиқариш имконини берди.

Тошкент трактор заводида Ўзбекистон - Хитой қўшма лойиҳасини амалга ошириш натижасида қишлоқ хўжалиги корхоналари, дехқон ва фермер хўжаликлари учун ихчам тракторлар ишлаб чиқариш технологияси ўзлаштирилди.

"Кварц" акциядорлик жамиятидаги мавжуд ясси ойна ишлаб чиқариш линиясини реконструкция қилиш ишлари тугалланди, "Хива - Карпет" қўшма корхонасида гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш бошланди, "Навоийазот" акциядорлик жамиятида каустик сода, "Фотон" акциядорлик жамиятида рангли телевизорлар, "ЎзКожи" қўшма корхонасида эса автомобиль саноати учун электр тасма ва ўтказгичлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Нафақат ишлаб чиқаришда, айни пайтда ўзимизда тайёрланган маҳсулотларнинг экспорт таркибида ҳам ижобий силжишлар кўзга ташланмоқда. Бу ўринда гап фақатгина хомашё ресурсларини четга чиқариш эмас, балки экспортга йўналтирилган рақобатга бардошли тайёр маҳсулотларни кўпайтириш ҳақида бормоқда.

Ўтган йил давомида корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида зарар кўриб ишлаётган, рентабеллиги паст ва иқтисодий ночор корхоналар сони анча камайди.

Ҳукуматимиз зарар кўриб ишлаётган ва истиқболсиз корхоналарни тугатиш бўйича маҳсус дастур қабул қилди.

Ушбу дастурни изчил жорий этиш 2002 йилда 304 та корхонани зарар кўриб ишлаш ҳолатидан чиқариш имконини берди, 154 та корхона бўйича эса тегишли банкротлик жараёнлари бошлаб юборилди.

2003 йил 1 январь ҳолатига кўра, зарар кўриб ишлаётган корхоналар сони 2002 йилнинг шу даврига нисбатан 1,6 баробарга,

иқтисодий ночор корхоналар эса қарийб икки баробарга камайди.

Ўтган йили инфляция даражаси анча пасайди - унинг ўртacha ойлик миқдори 1,6 фоиздан иборат бўлди. 2001 йили бу кўрсаткич 2 фоизни ташкил этган эди.

2002 йили мамлакатимизда ўртacha ойлик иш ҳақи миқдори 47 фоизга ошди, мактаб ўқитувчилари ҳамда олий ва ўрта-махсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг маоши эса 1,6 баробарга кўпайди. Ахоли жон бошига ялпи даромадлар йил давомида 1,4 баробар, реал даромадлар эса 12,6 фоизга ўсди.

Азиз дўстлар!

Биз 2002 йилга якун ясар эканмиз, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳадаги ҳал этилмаётган ва ислоҳотлар йўлида ҳали-бери ғов-тўсиқ бўлиб турган айrim масала ва муаммоларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Бугунги кунда кўплаб корхоналаримизнинг бозор шароити ва талабларига ўта секинлик билан мослашаётгани, ишлаб чиқараётган маҳсулотини сотиш учун ниҳоятда қийинчилик билан бозор топаётгани иқтисодиётимиз ривожига катта тўсиқ бўлмоқда.

Аксарият корхоналар раҳбарлари инвестициялар жалб этиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш, кадрларни қайта тайёрлаш, янги, харидоргир маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ўтиш масалалари билан жиддий ва мунтазам шуғулланмаяпти.

2002 йилда республикамиз бўйича сотилмай ётган тайёр маҳсулотларнинг умумий қиймати 3 миллиард 800 миллион сўмдан зиёдни ташкил этди.

Бундай маҳсулотлар, айниқса "Ўзкимёсаноат", "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компаниялари, "Махсусқотишишма" республика бирлашмаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзмашсаноат" ва "Озиқовқатсаноат" уюшмалари, "Ўзкурилишматериаллари" акциядорлик компанияси корхоналари омборларида кўплаб миқдорда йиғилиб қолган.

Натижада катта ҳажмдаги моддий бойликлар ишлатилмасдан харакатсиз ётибди, кўплаб турдаги хомашё ва материаллар, шунингдек, айланма маблағларнинг беҳуда сарф этилишига йўл

кўйилмоқда.

Бир қатор концерн, корпорация, компания ва уюшмаларда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси ҳамон пастлигича қолмоқда. Бундай корхоналарнинг молиявий аҳволи, айниқса, мураккабdir. Улардан кўпчилигининг рентабеллиги паст, иқтисодий жиҳатдан ночор ёки зарар кўриб ишламоқда.

Ўтган йили 128 та корхона ўз фаолиятини зарар билан якунлади. Уларнинг аксарияти "Ўзбекэнерго", "Ўзкимёсаноат", "Ўзмашсаноат" каби тармоқларга қарашлидир.

Хукуматнинг зарар кўриб ишлаётган корхоналарни тугатиш бўйича қабул қилинган маҳсус қарори сўзсиз бажарилиши лозим. Унинг ижросини назорат қилиш вазифаси Иқтисодиёт вазирлиги хузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси, Олий хўжалик суди, уюшмалар, корпорациялар, компаниялар ва бошқа хўжалик бирлашмалари раҳбарлари зиммасига юклатилган.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш масаласи алоҳида эътибор талаб килаётгани, ўйлайманки, ҳеч кимга сир эмас.

Ўтган давр мобайнида бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган қонунчилик ва хуқуқий асосни яратиш, давлат мулкини хусусийлаштириш, қишлоқда иқтисодий ва аграр муносабатларнинг мутлақо янги шаклларини жорий қилиш борасида кўпгина ишлар амалга оширилганини тан олишимиз керак.

Асосан маъмурий-буйруқбозлик ва тақсимот вазифаларини бажариб келган, аслида эса бутунлай ортиқча бўлган кўплаб бўғин ва тузилмаларга барҳам берилди.

Жамоа ва ижара мулки тамойилларига асосланган ширкат, фермер ва дехқон хўжаликлари амалда шакллантириб бўлинди, ҳамма жойда маҳсулот етиштирувчи дехқон билан жамоа хўжалиги ўртасида пудрат-шартнома муносабатлари жорий этилмоқда.

Фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш, уларга янги рағбатлантирувчи омилларни яратиб бериш, дехқонларнинг онгу тафаккурида мулкка эгалик ҳиссиётини мустахкамлаш мақсадида амалий ишлар қилинмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ислоҳ қилиш йўлида

кўрилаётган бундай чора-тадбирлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

Қисқача қилиб айтадиган бўлсак, қишлоқда янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнини амалга ошириш борасида танланган ислоҳотлар стратегиямиз бугунги куннинг ўзида ўз натижаларини бермоқда, десак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Шу билан бирга, бутун масъулиятни зиммага олган ҳолда шуни эътироф этиш керакки, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга қаратилган барча чора-тадбирларга қарамай, бу тармоқ ҳали-ҳамон мамлакатимиз иқтисодиётида жорий этилаётган ислоҳотларга, бугунги ҳаётнинг ўзи тақозо этаётган ўзгариш ва талабларга амал қилиш йўлида энг оғир соҳа бўлиб қолмоқда.

Ва бунинг асосий сабаби, аввало, ўз умрини яшаб бўлган эски маъмурий-буйруқбозлик тизимидан, одамлар онгидаги чукур илдиз отган ўтмиш қолипларидан қутулиш жараёнининг жуда қийин кечаётганида, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бошқача айтганда, кўпгина ҳолларда шакл ўзгариб, моҳият, маъно-мазмун эса эскича қолмоқда. Биргина мисол келтираман. Барча вилоят ва туманларда собиқ жамоа хўжаликлари ширкат хўжаликларига айлантирилган. Лекин жиддий таҳлил этадиган бўлсак, ана шу янги ширкатлар кўпгина жойларда эски жамоа хўжаликларидан деярли фарқ қилмаслиги аён бўлади.

Модомики, ширкат хўжаликлари - жамоа хўжалигининг пайчилик асосига қурилган бутунлай янги шакли экан, уларда муликка, ерга мутлақо янгича муносабатлар жорий этилиши зарур. Энг муҳими, жамоанинг ҳар бир аъзоси ўз пайига эга бўлиши, қилган меҳнати учун эски замондаги, ҳаммага бир хил бўлсин, деган тенгчилик тамойили асосида эмас, хўжалик ютуқларига қўшган шахсий ҳиссасига қараб ўз ҳақини олиши керак.

Биз қишлоқда бозор муносабатларини жорий қилишнинг маъно-моҳияти - бу аввало, энг асосий бойлигимиз бўлган ердан қандай фойдаланиш, қаерга нима экиш, қанча хосил этиширишни қатъий белгилаб берадиган эскича қарашлардан воз кечиш эканини чукур англаб олишимиз даркор.

Бу, биринчи навбатда, бозор муносабатларига мос келадиган

ҳамда қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқарувчиларнинг эркин фаолиятини чекламайдиган мутлақо янги баҳолаш мезонларига ўтиш демакдир.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг асосий тамойилларини аниқ белгилаб олиш ва тартибга солиш фурсати аллақачон етди: мамлакат миқёсидаги раҳбар идора - Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги нима учун жавоб беради, вилоят ва туман даражасидаги раҳбар ва мутасаддилар қандай масалалар учун масъул эканини ва ниҳоят, хўжалик, яъни маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг вазифалари ва масъулиятини хуқукий жиҳатдан аниқ белгилаб қўйиш зарур.

Ва бунда қуий бошқарув бўғинларининг ишига тепадан туриб ноқонуний аралашув ҳолатларига асло йўл қўймаслик даркор.

Ширкат хўжаликлари раҳбарларини сайлаш ва лавозимидан озод этиш тартибини тубдан қайта кўриб чиқиш ва қаттиқ назорат қилиш керак, деб ўйлайман. Бу масалада туман ва вилоят ҳокимларининг ўзбошимчалигига чек қўйиш зарур.

Бугунги кунда шартнома интизомининг пастлиги қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш борасида ҳамон энг заиф бўғин бўлиб қолмоқда. Бу тизим қишлоқда, асосан, расмиятчилик учунгина жорий этилаётганини тан олишимиз керак.

Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги ташкилотлари барча даражада тузилган шартномаларнинг сифати ва сўзсиз бажарилиши устидан назоратни кучайтириши лозим. Кўп ҳолларда бу шартномаларнинг ижросини назорат қилиш ва айбдор шахслардан ўз зиммасига олган мажбуриятини бажармагани учун судлар орқали жавоб талаб қилиш қийин кечмоқда.

Бу масалага жиддий эътибор қаратиш зарур. Чунки шартномаларнинг кўпчилигига на ижро муддати, на ўз вақтида бажарилмагани учун жарима чоралари аниқ белгилаб қўйилмаган.

Гап бу ўринда аниқ субъектлар, яъни қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар ҳамда бу соҳага хизмат кўрсатувчи, уни техника ва ёқилғи, транспорт ва уруғлик, маблағ, кредит ва бошқа барча керакли ресурслар билан таъминлайдиган ташкилотлар ўртасида шартномаларнинг тузилиши ва олинган

мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилиб борадиган аниқ механизмни яратиш зарурати ҳақида кетяпти.

Шартнома тузиш тизимини қайта кўриб чиқиш ва шартнома интизомини мустаҳкамлаш ҳақида гапирганда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар бу борада асосий бўғин бўлиб қолишини қатъий белгилаб қўйиш керак. Чунки ана шу бўғинга хизмат кўрсатадиган барча пудратчи субъектларнинг молиявий ахволи, аввало, ишлаб чиқарувчининг самарали ва унумли ишлаши ҳамда фаолиятининг якуний натижаларига боғлиқ.

Бу барча учун аксиома, яъни икки карра икки - тўрт дегандек равшан бўлиши зарур. Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишда муваффақиятни таъминлайдиган бош омил - бу ишлаб чиқарувчига кўпроқ эркинлик бериш, унинг қўл-оёғини боғлаб, фаолиятига монелик қилаётган барча тўсиқларни бартараф этишдан иборатdir.

Шунинг учун бошқарувни соддалаштириш, юқоридан туриб ўринсиз кўрсатма ва буйруқлар беришга чек қўйиш, аксинча, фермер хўжаликларини ривожлантириш масалаларини ҳал қилиш ва қишлоқдаги товар ишлаб чиқарувчиларни хўжалик юритишнинг замонавий услубларига ўргатиш билан шуғулланиш керак. Бу масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарорининг лойиҳаси тайёрланган. Ўйлайманки, у тез орада қабул қилинади.

Хурматли йиғилиш қатнашчилари!

Капитал қурилиш борасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. Қурилиш соҳасида биз дуч келаётган муаммолар иқтисодиётимизнинг энг заиф нуқтаси эканини очиқ тан олишимиз керак.

Аслида, моҳият эътиборига кўра, қурилишни ислоҳ қилиш учун бугунги кунда анча мустаҳкам қонунчилик базаси ва зарур меъёрий асослар яратилган. Бу мақсадда институционал ва таркибий ўзгаришлар амалга оширилди - республика қурилиш вазирликлари ва идоралари тутатилди. Пудратчи ташкилотларга етарли даражада иқтисодий эркинлик берилди.

Лекин амалда нима бўлмоқда? Қурилиш ташкилотлари эскича ишлашни давом эттиромоқда. Амалда мамлакатимизда ҳали-ҳануз

бозор муносабатларига ўтишнинг асосий шарти бўлган пудрат ишлари бозори яратилгани йўқ. Қурилиш ишларига буюртма бериш юзасидан танлов (тендер) савдоси ҳар бир обьект бўйича алоҳида ўтказилмаяпти, аксарият ҳолларда расмиятчилик учунгина уюштирилмоқда.

Далилларга мурожаат қиласайлик. 2002 йилда умумий қиймати 184 миллиард сўмлик пудрат ишлари бўйича 622 та танлов савдоси ўтказилган. Айни пайтда эса йил давомида 1,4 триллион сўмлик пудрат ишлари бажарилган.

Очиқ тан олиш керакки, амалда пудратчи ўзига иш изламаяпти, аксинча, ҳаммаси эски, барчага маъқул схема бўйича кетяпти - яъни, буюртмачи юқоридан кўрсатилган қурилиш ташкилоти билан пудрат шартномаси тузишга мажбур бўлмоқда. Бошқача қилиб айтганда, кимнинг нима қуришию қанчага қуриши - ҳаммаси олдиндан маълум.

Масалан, Фарғона вилоятида 4 та коллеж қурилиши бўйича ўтказилган тендерларда нисбатан қиммат нархни таклиф этган қурилиш ташкилотлари фойдасига қарор чиқарилган. Самарқанд, Андижон, Кашқадарё ва Бухоро вилоятларидағи тендер савдоларида ҳам ана шундай ҳолатлар мавжуд.

Оқибатда пудратчи ташкилотлар фаолиятида қурилиш ишларини оқилона ташкил этишга ҳаракат йўқ, қурилиш харажатларини камайтириш, сифатини ошириш учун хеч қандай изланиш йўқ. Энг ажабланарли жойи шундаки, қурилишдаги сарф-харажатни оширгани ва шартнома мажбуриятларини бузгани учун ҳозирга қадар бирон-бир пудратчи ёки буюртмачи айбдор деб топилиб, на маъмурий, на жиноий жавобгарликка тортилгани йўқ.

Тайёрланаётган лойиха-смета хужжатлари қийматининг юқорилиги ва сифати пастлиги ҳам жиддий эътиrozларга сабаб бўлмоқда. Кўплаб лойиха институтлари хусусийлаштирилганига қарамай, улар ўртасида ҳозиргача ҳақиқий ракобат йўқ. Қурилиш маҳсулотлари, бинокорлик материаллари ва конструкцияларига нарх белгилаш тизимида юзага келган ишларнинг аҳволи ҳам катта ташвиш түғдирмоқда.

Айниқса, марказлаштирилган ва бюджет манбалари ҳисобидан молиялаштирилаётган обьектларни қуришга доир пудрат ишларини

бажаришда смета нархларини, қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини сунъий тарзда ошириш ҳоллари кўплаб учрайди. Амалда бу соҳада коррупциялашган бир тизим пайдо бўлди: айрим қурилиш ташкилотлари бинокорлик материалларини тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчилардан эмас, балки пудратчи ташкилотлар раҳбарларининг қариндош-уруги ёки таниш-билиши бўлган учинчи шахс - воситачилардан сотиб олади.

Акс ҳолда, 2002 йилда қурилиш материаллари, бутловчи қисмлар ва ускуналар сотиб олиш бўйича бор-йўғи 39 та тендер савдоси ўтказилганини қандай изоҳлаш мумкин?

Капитал қурилишда нарх-навони шакллантириш масалаларини чуқур ва батафсил кўриб чиқиш учун молия вазири М. Нурмуродов раҳбарлигида маҳсус комиссия ташкил этилди. Унинг таркибига Президент девони, Бош прокуратура ва бошқа манфаатдор идоралар ходимлари киритилди.

Комиссияга қурилиш сарф-харажатларининг ошишига таъсир этувчи омилларни чуқур ўрганиш, ўтказилаётган тендер савдолари натижаларини, бинокорлик материаллари ва ускуналар харид қилишнинг шаклланган тизимини танқидий нуқтаи назардан баҳолаш ҳамда бу масалалар юзасидан 15 апрелгача Вазирлар Маҳкамасига аниқ таклифлар киритиш вазифаси топширилди.

Албатта, кўплаб комиссиялар ташкил этиш, суистеъмолчиликка йўл қўйган айборларни жазолаш мумкин, лекин бу муаммоларни ечиш учун, аввало, мана шу соҳани бошқарадиган раҳбарлардан сўраш керак: нима учун бугунгача бу соҳада бозор муносабатларига мутлақо жавоб бермайдиган, юқорида қайд этилган нуқсон ва бемаза ишларга йўл қўйилмоқда? Нима учун бундай ҳолатларнинг олдини олиш чоралари кўрилмаяпти - бугун масалани ана шу тарзда қатъий қилиб қўйиш керак.

Вазирлар Маҳкамасининг К. Тўлаганов раҳбарлигидаги қурилиш комплекси маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда бу соҳада тегишли тартиб ўrnата оладими ўзи, йўқми?

Келинг, энди уй-жой-коммунал хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар қандай амалга оширилаётганини танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқайлик. Қуйидаги рақамларга эътибор беринг.

Бугунги кунда қишлоқ жойларини марказлаштирилган ҳолда ичимлик сув билан таъминлаш даражаси республика бўйича 78 фоизни, табиий газ билан таъминлаш эса 75 фоизни ташкил этади.

Агар 90-йиллар бошида қишлоқ жойлардаги уйларни газлаштириш даражаси Сурхондарё вилоятида 3,2 фоизни ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб бу кўрсаткич 59 фоизга етди. Қашқадарё вилоятида 5,7 фоиздан 66 фоизга, Намангандаги 10,5 фоиздан 70,5 фоизга, Андижонда 11 фоиздан 68,5 фоизга ўсади.

Ичимлик сув масаласида ҳам, айниқса экологик жиҳатдан мураккаб худудларда ана шундай ижобий ўзгаришларни кўришимиз мумкин. Масалан, Қорақалпоғистон Республикасида 1990 йилда қишлоқ аҳоли пунктларининг бор-йўғи 21,4 фоизи ичимлик сув билан таъминланган эди.

Ҳозирги вақтда бу кўрсаткич 70 фоизга етказилди. Хоразм вилоятида бу рақам 23,2 фоиздан 64,2 фоизга ортди.

Таъкидлаш жоизки, 2002 йилда барча вилоятларда газ ва ичимлик сув тармоқларини қуриш ва ишга тушириш бўйича топшириқлар анча ортиғи билан бажарилди.

Жами 1 минг 876 километр сув тармоғи ва 3 минг 336 километр газ тармоғи фойдаланишга топширилди. 465 та қишлоқ аҳоли пунктига ичимлик сув, 308 та қишлоққа эса табиий газ биринчи марта етиб келди. Кўриниб турибдики, бу соҳада катта ютуқлар бор ва уларни ҳеч ким инкор эта олмайди.

Лекин шу соҳада ҳали жуда катта муаммолар борлигини ҳам ҳеч ким инкор этолмайди. Ҳанузгача 2 мингдан ортиқ қишлоқ аҳоли пункти ичимлик сув билан таъминланмаган. Бундай жойлар Бухоро вилоятида (586 та), Қорақалпоғистон Республикасида (385 та), Самарқанд (303 та), Қашқадарё (270 та) ва Навоий (221 та) вилоятларида, айниқса, кўп.

Кўпгина олис қишлоқларимиз на табиий газ, на суюлтирилган газ билан таъминланган. Бу соҳада, аввало, Қашқадарё (387 та), Самарқанд (226 та) ва Сурхондарё (210 та) вилоятларида оқсоқлик кўзга ташланмоқда.

Иқтисодиёт вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимларидан билан бирга 2003-2005 йилларда

қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш дастурида белгиланган кўрсаткичларни яна бир бор танқидий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиши лозим.

Айниқса, газ ва сув билан таъминлаш даражаси паст бўлган худудларда ушбу тармокларни фойдаланишга топширишни жадаллаштириш учун реал молиявий манбаларга асосланган қўшимча чора-тадбирларни белгилаш керак.

Яна бир жиддий муаммо - бу сув, газ, иссиқлик каби ўта муҳим ресурслардан оқилона ва тежамли фойдаланиш масаласидир.

2002 йилда уй-жойларга газ ўлчаш асбоблари ўрнатиш бўйича топшириклар ошириб бажарилганига қарамай, бу борадаги умумий кўрсаткич, бор-йўғи 26 фоизни ташкил этган ҳолда, ҳамон пастлигича қолмоқда.

Хусусан, бу кўрсаткичлар Сурхондарё вилоятида 17,8 фоиз, Қашқадарёда 19,8 фоиз, Андижонда 20,2 фоиз, Наманганда 20,5 фоиз ва Қорақалпоғистон Республикасида 20 фоиз бўлиб, мамлакат даражасидан анча паст. Бунинг устига, Андижон, Тошкент ва Фарғона вилоятлари газ ўлчаш асбоблари ўрнатиш борасидаги йиллик топширикларни бажара олмади.

Уй-жойларга сув ўлчаш асбобларини ўрнатиш дастури амалда бажарилмади - 491 минг ўрнига фақат 138 минг 700 та ўлчаш мосламаси ўрнатилди. Бу дастурнинг атиги 28,3 фоизини ташкил этади.

Мамлакат бўйича уй-жойларнинг бор-йўғи 8,3 фоизига совуқ сув ўлчаш асбоблари ўрнатилган. Бу борадаги кўрсаткичлар Сирдарё вилоятида 1,3 фоиз, Сурхондарёда 1,7 фоиз, Андижонда 2,5 фоиз, Жizzахда 3,3 фоиз ва Қорақалпоғистон Республикасида 2,5 фоиз бўлиб, ахвол айниқса қониқарсиз ҳолатда.

Уй-жой мулқдорлари ширкатлари фаолиятида ҳам ҳали ечимини топмаган кўплаб муаммолар мавжуд. Ҳозир бундай ширкатлар кўп қаватли уйларнинг 91 фоизини қамраб олган. Уй-жой мулқдорлари ширкатларини тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш борасидаги ишлар етарли даражада жадал олиб борилмаяпти.

Хоразм вилоятида бор-йўғи 64 фоиз, Бухоро вилоятида 76 фоиз ва Наманган вилоятида 90 фоиз уй-жой ана шундай ширкатлар

тасарруфига ўтказилган.

Коммунал хизматлар учун тўланмаган қарзлар миқдори республика бўйича бугунги кунда 4 миллиард 600 миллион сўмни ташкил этади. Айниқса, бу кўрсаткич Фарғона вилоятида 887 миллион 300 минг сўм, Сурхондарёда 638 миллион 500 минг сўм, Самарқандда 635 миллион 900 минг сўм, Бухорода 594 миллион 700 минг сўм ва Тошкент вилоятида 532 миллион 200 минг сўм бўлиб, қарздорлик миқдори ҳамон баландлигича қолмоқда.

Хурматли юртдошлар!

Бугунги кунда ички истеъмол бозорини озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлар билан тўлдириш борасида юзага келган аҳвол бизни қониқтирмайди. Ички бозоримизни тўлдириш ва аҳолини биринчи навбатда саноат истеъмол товарлари билан таъминлаш, хусусан, сўнгги вақтда кўпроқ импортга, бошқача айтганда, четдан мол олиб келишга боғлиқ бўлиб қолганини сезиш учун катта мутахассис бўлиш шарт эмас.

Айниқса, мамлакатимизга кўп миқдордаги товарларнинг ноқонуний равишида, яъни контрабанда йўли билан олиб кирилгани ташвиш туғдирмоқда. Бундай товарлар, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари божхона масканларини четлаб ўтиб, бож ва солиқ тўланмасдан, энг ёмони - таркиби ва сифати текширилмаган ҳолда олиб кирилган.

Факат 2002 йилнинг кейинги олти ойи давомида контрабанда йўли билан олиб кирилган 20 миллиард сўмликдан ортиқ товарнинг ушлаб қолингани ҳам бу борадаги аҳвол нечоғли жиддий бўлганини кўрсатиб турибди. Товарларнинг бундай назоратсиз, ноқонуний тарздаги оқимига ҳеч бир давлат иқтисодиёти, айниқса, ўз ривожланишининг ўтиш босқичида турган мамлакат иқтисодиёти дош бера олмайди.

Очиқ айтишимиз керак, чегараларимиз ва чегара худудларимизда мамлакатимизга контрабанда йўли орқали товар олиб кириш билан шуғулланадиган кучли, уюшган, коррупциялашган жиноий тизим амалда шаклланган ва у иқтисодиётимизга катта зарар етказмоқда. Биз товарларни четдан олиб кириш ва сотишнинг қонуний тартибини ўрнатиш учун зарур чораларни деярли ишлаб

чиқдик ва бугунги кунда бу борадаги ишларни изчил давом эттирмоқдамиз.

Бизнинг мақсадимиз, биринчи навбатда, мамлакатимизга усти ялтироқ, ичи қалтироқ, сифати паст товарлар, жумладан, истеъмол қилиш муддатлари ўтган озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар олиб кирилишига тўсиқ қўйишидир. Бу масалада бутун дунёда бўлганидек, божхона текширувини, давлат хазинасига тегишли солик ва божлар тўланишини таъминлашдир.

Биз, баъзи бир қолоқ мамлакатларга ўхшаб, эртага аҳолимизнинг аксарияти четдан олиб келинадиган, сифати паст моллар билан олиб сотарлик қилиб, шу ҳисобидан кун қўрадиган ва шунга тобе бўлиб қоладиган вазиятнинг вужудга келишига йўл қўя олмаймиз. Бундай қарашларни қўллаш эртанги униб-ўсиб келаётган авлодимизга нисбатан жиноят бўлур эди.

Биз ўзимизда ишлаб чиқарилиши мумкин ва зарур бўлган товарлар ва маҳсулотларни ўз худудимизда ишлаб чиқаришни ташкил этишимиз ва бунинг учун барча керакли шароитни яратишимиш керак. Бу бизнинг энг муҳим ва энг долзарб вазифамизга айланиши шарт.

Такрор айтаман - гап бугун ҳалқимиз истеъмол қиласидиган молларнинг барча-барчасини ўзимизда ишлаб чиқариш ҳақида бораётгани йўқ. Бизнинг мақсадимиз, аввало, юртимизда кенг имкониятлар мавжудлигини, яъни, ҳам керакли хомашё, ҳам малакали ишчи кучларимиз борлигини инобатга олиб, рақобатбардош, сифатли маҳсулотларни ўз юртимизда чиқаришидир. Фақат шунинг ҳисобидан одамларни иш билан таъминлаш ва биз учун мураккаб бўлиб турган ишсизлик муаммосини ҳал этиш мумкин. Фақатгина шу йўл билан жаҳон ҳамжамияти ва дунё бозорида ўзимизга муносиб ўринни эгаллашимиз мумкин.

Энди, мамлакатимиз аҳолисининг эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда, ўзимизда нималар ишлаб чиқарилаётгани, уларнинг сифати қандайлиги, энг муҳими - қандай нархда сотилаётганини кўриб чиқайлик.

Мен бу ўринда айрим мисолларни келтирмоқчиман, холос.

Бугунги кунда ички бозорда сотилаётган барча тикувчилик маҳсулотларининг 75 фоиздан кўпроғи, пойабзалнинг қарийб 50

фоизи, атир совун ва синтетик ювиш воситаларининг деярли 80 фоизи, республикада истеъмол қилинаётган мол ёғи ва консерваларнинг 50 фоизидан зиёди, майиший электротехника буюмларининг эса деярли 100 фоизи Ўзбекистонга четдан олиб келинганди.

Мана шундай ҳолатдан келиб чиқиб, ўз-ўзидан табиий савол туғилади: хўш, ўзимизнинг ташкилот ва корхоналаримиз нима қилинди, уларнинг истеъмол моллари ишлаб чиқариш учун масъул раҳбарлари нима билан банд?

Бош прокуратура томонидан тикувчилик саноатига қарашли - "Юлдуз" ва "Малика" корхоналари текширилганида, кишининг ғазабини қўзгайдиган хўжасизлик, мулкни талон-торож қилиш ва ўзлаштириш, бино ва дастгоҳларни арзимаган пулга ижарага бериш, яширинча ҳисбототга кирмаган маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш (шахсий фойда учун, албатт), нархларни сунъий равишида ошириш билан боғлиқ кўпгина салбий фактлар аниқланди.

Айни вақтда бозорни ўрганиш - маркетинг бўйича, харидоргир товарлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, замонавий менежментни жорий қилиш, ходимларни рағбатлантириш, яъни уларнинг иш ҳақини ошириш борасида ҳеч қандай ҳаракат ёки интилишнинг ўзи йўқ.

Биз маҳаллий шароитда истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга доир кенг қўламли солиқ имтиёзлари тизимини қабул қилдик. Барака топкурлар, айтинглар, давлат яна нима қилсин, яна нима берсин? Қотиб қолган раҳбар кадрларни уйғотиш, уларнинг астойдил ишлаши учун, айтинглар, яна қандай шароит яратиш керак?

Ёки савдо тизимида бугун нималар бўляпти? Солиқ идоралари томонидан текширилган 6 мингта савдо ташкилотининг 90 фоизидан кўпроғида белгиланган чакана савдо қоидалари бузилгани - назорат-касса аппаратлари умуман йўқлиги ёки ишлатилмаётгани, товарлар квитанциясиз сотилаётгани, нақд пул тушуми ўз вактида банкларга топширилмаётгани аниқланди.

Товар ишлаб чиқарувчи корхоналар ва савдо ташкилотлари ўртасида ҳамкорликда ҳаракат қилишнинг аниқ механизми йўқ.

Аслини олганда, улгуржи савдо бўғини ишламаяпти, зиммасида ҳеч қандай моддий жавобгарлик бўлмаган майда воситачилар тармоғи эса кенг миқёсда ёйилиб бормоқда.

Махсулот харидорга етиб боргунича бир неча "кўл"дан, яъни олиб сотарлардан ўтади. Оқибатда нарх-наво ошади, жабрини эса яна харидор тортади.

Хукуматимиз томонидан улгуржи ва чакана савдони тартибга солиш, республика худудида улгуржи савдо базалари, дўконлар, умумий овқатланиш ва майший хизмат кўрсатиш корхоналари тармоғини ривожлантиришга қаратилган бир қанча муҳим қарорлар қабул қилинди. Ушбу қарорлар ижросини биринчи ярим йиллик натижаларини якун қилишда кўриб чиқиш ва уларга зарур тузатишлар киритиш лозим, деб ўйлайман.

Хурматли дўстлар!

2002 йил якунлари ва мамлакатимиз иқтисодиётида ўтказилаётган ислоҳотлар самарадорлигини умумлаштирар эканмиз, қўлга киритилган

мукаррар ютуқларимиз билан бир қаторда, шуни таъкидлаш жоизки, иқтисодиётимиздаги ўсиш суръатлари, ҳаётимизнинг барча жабҳаларидағи ўзгаришлар, ҳеч шубҳасиз, бундан ҳам юқори бўлиши мумкин эди. Бунинг сабаблари кўп, албатта. Бироқ энг жиддий сабаблардан бири - ислоҳотлар тўлиқ эмас, чала-ярим ҳолда амалга оширилаётгани билан боғлиқдир.

Иқтисодиётни эркинлаштириш, унинг мутаносиб ва барқарор ривожланишини таъминлаш, пировардида аҳоли фаровонлигини янада оширишга қаратилган стратегик мақсадимиз сари қўяётган қадамларимизга бугун сусткашлик, бошланган ислоҳотларнинг ўз мантиқий якунига етказилмаётгани салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу боис, 2003 йилда олдимизда турган муҳим устувор вазифалар ҳақида гапирав эканмиз, асосий эътиборни айнан мана шу муаммога, яъни ислоҳотларни чала-ярим амалга ошириш ҳолатларига барҳам бериш, биринчи галда мамлакатимиз иқтисодиётида хусусий секторнинг аҳамияти ва ролини кучайтиришга қаратишимиш керак.

Биз қаердаки ҳақиқий мулкдор пайдо бўлса, ўша жойда ислоҳотлар муваффақиятли амалга оширилаётганига қайта-қайта

ишенч ҳосил қилмоқдамиз. Корпоратив ёки хусусий мулкдорми, бундан қатъи назар - энг асосийси, сўзда эмас, амалда мулкдор бўлиши лозим.

Иқтисодиётимизда давлатнинг иштироки ҳамон ҳаддан ташқари катта бўлиб қолаётганини тан олишимиз керак. Бу, аввало, мулкида давлат улуши бўлган корхоналар сонининг кўп экани, хусусийлаштирилган корхоналарнинг низом жамғармасида давлат улушкининг анча юқорилиги ва давлатнинг корхоналарнинг иқтисодий ва хўжалик фаолиятига бевосита аралашувида намоён бўлмоқда.

Мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш борасидаги ишлар ҳам жиддий эътибор беришни талаб этади. Аслида, республикамизда хусусийлаштириш кўп ҳолларда номигагина ўтказилмоқда.

Бир қарашда қонунчилик нуқтаи назаридан белгиланган барча талаб ва меъёрлар бажарилгандек туюлади, корхоналар хусусийлаштирилиб, расман давлат тасарруфидан чиқарилади. Лекин, афсуски, бу борада алоҳида қарашларни талаб этадиган кўплаб турли муаммолар юзага келмоқда.

Гап шундаки, аксарият хусусийлаштирилган корхоналарда акциялар орқали маълум миқдорда давлат тасарруфифа сақланиб қолган мулк бор. Ушбу улуш бўйича давлатнинг ишенчли ёки ваколатга эга вакиллари тайинланган бўлиб, улар акциядорлик жамияти бошқаруви таркибига киритилган ва қарор қабул қилишда уларнинг овози ҳал этувчи аҳамиятга эга.

Бу масаланинг яна бир жиҳати шундаки, ўз вақтида корхоналарнинг давлатга тегишли акцияларининг бир қисми юқори уюшма, корпорация ва компанияларнинг ишенчли бошқарувига топширилган эди. Бунда хўжалик бирлашмаларининг тармоқда ягона техникавий ва технологик сиёsat юритиш, маркетингни амалга ошириш имкониятига эга бўлиши қўзда тутилган эди.

Амалда эса уюшма ва компаниялар томонидан корхоналарнинг хўжалик фаолиятига бўлар-бўлмас аралашиш, бошқарув ишлари билан шуғулланиш, кадрлар масаласини ўз билганича ҳал этиш ҳолатлари кузатилмоқда. Бундай ҳолда уюшманинг аввалги тармоқ вазирлигидан нима фарки қолади?

Мисол учун, давлатга қарашли Тошкент компрессор заводи 1994 йили акциядорлик жамиятига айлантирилган эди.

Эмиссия режасига кўра, акцияларнинг 25 фоизи давлат тасарруфида қолди, салкам 10 фоизи жамоага берилди, қолган акциялар эса эркин савдога чиқарилиши зарур эди.

Бироқ акцияларнинг 35 фоиздан кўпроғи жойлаштирилмасдан қолиб кетди. Бундан ташқари, ўтказилган тафтиш давомида мулкнинг бир қисми умуман нархланмагани аниқланди, жойлаштирилмаган акцияларнинг реал улуши эса бугун 66 фоизни ташкил этади.

Завод акциядорлик корхонасига айлантирилганидан сўнг, илгари унга раҳбарлик қилиб келган собиқ директор акциядорлик жамияти бошқаруви раиси этиб тайинланган. Ва кейинчалик жамоа мулкини ўзбошимчалик билан тасарруф этгани, уни талон-торож қилгани учун тергов органлари тавсияси билан лавозимидан олинган.

Хўш, кузатув кенгаши, акциядорлар йиғилиши қаёқка қараган? Афсуски, бу масалалар улар томонидан кўриб хам чиқилмаган. Чунки кузатув кенгашига турли йилларда жамиятнинг бош технологи, раиснинг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари, бош конструктор бўлиб ишлаган шахслар раислик қилган. Бир сўз билан айтганда, кенгашга фақат директорнинг қўл остида ишловчи одамлар раҳбар бўлган.

Мен хусусийлаштирилган корхоналар акцияларини эркин савдога чиқариш сунъий равишда тўхтатиб қўйилгани, акциядорлик жамиятларининг кузатув кенгашлари амалда директорлар зотига тобе бўлиб, собиқ директорлар эса корхонада том маънодаги якка хўжайинга айланиб қолганини исботловчи кўплаб мисолларни келтиришим мумкин.

Бундай ҳолатларнинг салбий томони шундаки, директорнинг қонунга биноан акциядорлар олдида ҳисобот бериши лозим бўлган, шу шарт билан ишга олинган бошқарувчи экани ва унинг эртага хам директор лавозимида қолиши ёки қолмаслиги акциядорларнинг овози ҳамда карорларига боғлиқлиги мутлақо ҳисобга олинмаган. Бундай ҳолатларга йўл қўйиб берган, Вазирлар Мажкамасида ва Давлат мулки қўмитасида юқори лавозимларда ўтирган мутасаддилар қандай жавоб беради?

Бугунги кунда олдимиизда, таъбир жоиз бўлса, "расмий хусусийлаштиришдан том маънодаги амалий хусусийлаштиришга ўтишдек" ўта муҳим вазифа туриди.

Хусусий мулкчиликнинг ролини тубдан ошириш, хусусийлаштирилган корхоналарни бошқаришнинг корпоратив тизимини мустаҳкамлаш мақсадида фармон қабул қилинганидан хабарингиз бор, деб ўйлайман. Бу фармонда қуидаги асосий вазифалар белгиланганини яна бир бор эслатиб ўтмоқчиман.

Биринчидан, хусусийлаштирилган корхоналарнинг низом жамғармасида давлат улушини қисқартириш. Бу улуш факат стратегик аҳамиятга молик бўлган корхоналарда сақлаб қолиниши мумкин. Қолган корхоналардаги давлат улуши эса фонд бозорида, асосан хусусий мулк қилиб сотилиши шарт. Пировард натижада бу корхоналарга кўпроқ иқтисодий эркинлик бериш, хусусий сектор ривожи учун шароит яратиш, унинг иқтисодиётимиздаги ролини оширишга хизмат қиласи.

Иккинчидан, концерн, уюшма ва холдинг компанияларининг ҳамон тугатилган аввалги вазирликлар каби иш юритишига, уларнинг корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашувига чек қўйиш.

Учинчидан, акциядорлик жамиятларига айлантирилган корхоналарни бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш. Бунда акциядорлик жамиятлари директорларининг вазифасини тубдан ўзгартириш ва қайта кўриб чиқиш, уларни бир йил муддатга ваколат олиб ишлайдиган бошқарувчиларга айлантириш масаласи кўйилмоқда. Бир йилдан кейин улар ўз ишини яна давом эттирадими, йўқми, буни акциядорлар йиғилиши, уларнинг йил якуни бўйича берган ҳисоботидан келиб чиқсан ҳолда, ҳал этади.

Ўз-ўзидан аниқки, иқтисодиётимиздаги ислоҳотларнинг истиқболи кўп жихатдан мазкур фармонда баён этилган ушбу вазифалар қандай амалга оширилишига боғлиқ бўлганини исботлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак, деб ўйлайман.

Бугун мен тўхтамоқчи бўлган сўнгги масала - бу тараққиётимизнинг ҳамда аҳоли фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим омили бўлмиш кадрларнинг умумий малакасини ошириш

масаласидир.

Иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни доимий равишда модернизациялаш ва технологик жиҳатдан янгилаб бориш иқтисодиётни ислоҳ этишнинг стратегик вазифаларидир. Фақат шунинг ҳисобидан иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, жаҳон бозорида муваффакиятли рақобатлашиш мумкин.

Биз тезкор техникавий тараққиёт, шиддат билан ривожланаётган ва мунтазам янгиланаётган замонавий юқори технологиялар, ахборот-компьютер тизимлари асрида яшаётганимизни унутмаслигимиз даркор. Ўзингиз ўйланг, бугун ўта илғор бўлиб кўринган технологиялар ҳам 5-7 йиллик қисқа вақт мобайнида эскириб, уларнинг ўрнини янада такомиллашган технологиялар эгалламоқда.

Шу ўринда йирик трансмиллий компанияларда кадрларни профессионал жиҳатдан ўстириш тизими қандай йўлга қўйилганига эътибор қаратайлик. Улар ушбу масалага катта аҳамият беради ва, энг асосийси, кўп маблағ ажратади.

Мазкур фирмаларда олий маълумотли мутахассислар билан замонавий юқори технологияларни ўзлаштирган малакали ишчилар ёнма-ён меҳнат қиласди. Бундай кадрларни тайёрлаш учун бир неча йил, баъзида ўн йиллар талаб этилади.

Масаланинг яна бир ўта муҳим жиҳати шундаки, бу ерда рағбатлантиришнинг самарали тизими мавжуд бўлиб, лавозим учун эмас, балки малака учун ҳақ тўланади. Биз ҳам ана шундай тизимни яратишимиш даркор. Тан олиш керакки, бизда кадрларни қайта тайёрлаш билан идора ва ташкилотлар деярли шуғулланмайди. Шуғулланган тақдирда ҳам, бу иш муайян тизимга асосланган ҳолда, изчиллик билан амалга оширилмайди.

Ушбу мақсадлар учун маблағни аямаслик керак. Зарур моддий-техникавий базани ташкил этиш, унга Интернет тизими билан боғланган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ўрнатиш, малакали ўқитувчиларни жалб қилиш лозим.

Кадрларнинг профессионал ўсишини ҳар томонлама рағбатлантириш, ходимларнинг тоифа ва малака мезонларини белгилаш ҳамда иш стажига қараб қўшимча ҳақ тўлашни йўлга қўйиш

керак.

Бир сўз билан айтганда, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳар бир идора, ҳар бир корхона ва уларнинг ходимлари учун катъий қоидага айланиши, бу борадаги ишлар ягона тизим асосида ташкил этилиши ва бу тизимнинг самарали ишлаши ўта муҳим аҳамиятга эга.

Барчамиз оддий бир ҳақиқатни асло унутмаслигимиз лозим: фақат мунтазам изланиш, биринчи навбатда ўзимизга, сўнгра эса бошқаларга нисбатан доимий талабчан бўлишгина бизни ривожланган илфор мамлакатлар даражасига олиб чиқади.

Ана шу эзгу мақсадларга эришиш йўлида барчангизга омад ва муваффакиятлар тилайман.

*2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий
ривожлантириши якунлари ва 2003 йилда
иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришининг
асосий йўналишларига багишланган
Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза
2003 йил 17 февраль*

БИЗ ТАНЛАГАН ЙЎЛ - ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ ВА МАЪРИФИЙ ДУНЁ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИ

Ассалому алайкум, азиз дўстлар!

Хурматли депутатлар!

Олий Мажлисимиизнинг ушбу сессияси кун тартибига ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда ўта муҳим ўрин тутадиган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги масала киритилган.

Шу муносабат билан мен Ўзбекистон Республикасининг Асосий Конунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни тақозо этаётган асосий омиллар ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Бу ҳақда гапиргандা, аввало, шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда Конституцияга зудлик билан ўзгартиришлар киритиш ёки уни қайтадан кўриб чиқиши талаб қиласиган қандайдир шошилинч ҳолат ёки вазият юз бергани йўқ.

Сизларга яхши маълумки, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган, инсон хуқуқ ва эркинликлари хамда умумбашарий қадриятлар устуворлигини ўзида мужассам этган бизнинг янги Конституциямиз мустақил ва суверен тараққиётимизнинг дастлабки босқичида, 1992 йилнинг декабрида қабул қилинган эди.

Хеч муболагасиз айтиш мумкинки, бу Конституция мустабид тузумдан демократик жамиятга, мамлакатни бошқаришда инқизозга юз тутган ўта марказлашган маъмурий-буйруқбозлик ва тақсимлаш тизимидан эркин иқтисодиётга ўтишни таъминлади, давлатчилик ва хуқуқ, сиёsat соҳаларида, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётимизда муҳим аҳамиятга эга бўлган ислоҳотларни амалга оширишда ишончли қонунчилик негизи ва хуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Конституциямизда муҳрлаб қўйилган демократик тамойиллар, мақсад ва вазифалар асосида мамлакатимизни модернизация қилиш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, ҳаётимизнинг барча

жабҳалари, жумладан, қонунчилик, ижро ва суд-хуқуқ соҳаларини эркинлаштиришга қаратилган дастур қабул қилинди ва у изчил амалга оширилмоқда.

Юксак маънавий-ахлоқий қадриятлар ва миллий анъаналарни ҳаётга жорий этиш масаласининг Асосий Қонунимизда мустаҳкамлаб қўйилиши жамиятимизни янгилашга, жаҳон демократик ҳамжамияти билан интеграциялашувга интилаётган мамлакатимизнинг янги қиёфаси ва фуқароларимизнинг янгича тафаккурини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Юқорида баён этилган фикрларни умумлаштириб, амалдаги Конституциямизда белгилаб қўйилган қадрият, мақсад ва вазифаларни мустақил тараққиётимиз даври мобайнида ҳаётга жорий этишда эришилган натижаларни, юксак мэрраларни танқидий баҳолар эканмиз, бир нарсага қайта ва қайта ишонч ҳосил қиласми.

Яъни, бизнинг халқимиз учун мутлақо номақбул бўлган, мағкуралашган эски тизимдан воз кечиб, ўзимизга мос босқичмабосқич тадрижий ўзгариш, янгиланиш ва тараққиёт йўлидан бориш, очиқ, эркин демократик жамият қуриш - биз учун фаровон келажакка қаратилган ягона тўғри йўл эди ва шундай бўлиб қолажак.

Биз учун бундан бошқа йўл йўқ.

Шу ўринда табиий савол туғилиши мумкин: у ҳолда нима учун мамлакатимиз Конституциясига тузатиш ва ўзgartiriшлар киритиш таклиф этилмоқда? Буни қандай изоҳлаш мумкин?

Табиийки, ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди, у доимо ҳаракатда ва ўзгаришда. Шундай экан, юртимизни ҳар томонлама ривожлантиришнинг ҳар бир босқичида янги-янги муаммолар пайдо бўлади ва уларни ҳал этиш бўйича замон бизнинг олдимизга янги-янги вазифаларни қўяди.

Шу маънода, бугун эзгу мақсадимиз - мамлакат тараққиёти ва фаровонликка эришишнинг ягона йўли - бу фақатгина изланиш, янгиланиш ва ислоҳотлар йўлидаги олға интилиш экани ҳақида гапириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак, деб ўйлайман.

Бу борада биз эришган натижалар - давлатимизни янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган бутун бир тизимнинг дастлабки босқичи, холос. Республикамизда амалга оширилаётган

ўзгаришларнинг кўлами кенгайиб, суръати жадаллашиб боргани сайин, бу жараёнларнинг изчиллиги ва давомийлигини сақлаган ҳолда, жамиятни янада эркинлаштириш ва демократиялаш зарурати тобора аниқроқ намоён бўлмоқда. Ва бундай ҳолатни сезмасдан бўлмайди.

2002 йилнинг 27 январида ўтказилган келгуси чақириқдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси парламентини икки палатали қилиб шакллантириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йил қилиб ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилган умумхалқ референдуми ҳам ўз моҳият-эътиборига кўра айнан мана шу вазифаларни ҳал этишга қаратилган эди.

Референдум натижаларига биноан Олий Мажлиснинг VIII сессиясида "Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимиюти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги конституциявий қонун қабул қилинди.

Бу ҳужжат Ўзбекистоннинг қонун чиқарувчи олий органи - икки палатали парламентнинг тузилиши, таркиби, фаолият юритиши асосларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддатини етти йиллик қилиб белгилаш, энг муҳими - демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва фуқаролик жамияти пойdevorини шакллантириш бўйича қонунчиликни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини тасдиқлаб берди.

Олий Мажлиснинг X сессиясида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида" ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги конституциявий қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар Олий Мажлис палаталарининг мақомини, уларни шакллантириш тартибини, ваколатларини, ўзаро ҳамда бошқа ҳокимият органлари билан ҳамкорлик қилиш механизmlарини аниклаб берди.

Мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, референдум якунлари ва унинг асосида қабул қилинган учта конституциявий қонун Ўзбекистон Республикаси Конституциясига тегишли ўзгартиришлар киритиш учун зарур бўлган ҳуқуқий асосни яратди.

Мен бугун, мана шу имкониятдан фойдаланиб, яна бир бор

таъкидлаб ўтмоқчиманки, таклиф этилаётган ўзгартириш ва тузатишлар Асосий Қонунимизнинг мазмун ва моҳияти, мақсад ва вазифаларига дахл қилмаган ҳолда, аввало, Олий Мажлис, унинг қуи ва юқори палаталарининг мақоми ва ваколатларини, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларини, шунингдек, сайлов тизими асосларини белгилаб берадиган қоида ва моддаларга тегишилдири.

Конституциянинг Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимиятига тааллуқли бўлган 107-, 110- ва 112-моддаларига ҳам айрим ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Бу ўзгартиришлар суд тизимини ихтисослаштириш ва такомиллаштириш жараёнини кенгайтириш, судларнинг вазифаларини янада аникроқ белгилаб, уларнинг амалда мустақиллигини ишончли кафолатлашни таъминлашни ўзида акс эттиради.

Энг муҳими, мазкур ўзгартиришлар мамлакатимизда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни, у билан боғлиқ бошка хуқукий нормаларни тубдан эркинлаштириш бўйича кейинги йилларда қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларининг маъно-мазмунини яққол ифода этади.

Қисқача қилиб айтганда, бугун мамлакатимизнинг Асосий Қонунига киритиш таклиф этилаётган тузатиш ва ўзгартиришларнинг принципиал моҳияти нималардан иборат?

Биринчидан. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ўртасида ваколатларнинг янада демократик, янада мутаносиб равишда қайта тақсимланиши ва уларнинг мувозанати таъминланади.

Ҳокимият тармоқларининг ҳар бирига Конституцияда белгилаб берилган ўз хуқуқ ва мажбуриятларини мустақил ҳолда амалга ошириш учун зарур шарт-шароит ва кафолатлар яратилади.

Қонунчилик ҳокимиятининг роли ва аҳамияти сезиларли даражада ортади. Олий Мажлиснинг хукуматни шакллантириш ва унинг фаолиятини назорат қилиш, хусусан, Бош вазир номзодини тасдиқлашдаги роли ва ваколатлари кучаяди.

Президент ваколатларининг бир қисми, биринчи галда, давлат, суд тизими ва маҳсус хизматларнинг раҳбарларини, чет эллар ва

халқаро ташкилотлардаги дипломатик вакилларни тайинлаш ва тасдиқлаш масалалари янги ташкил этиладиган юқори палата - Сенатга ўтказилади.

Иккинчидан. Конституциянинг "Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир" деб қайд этилган 89-моддасининг таҳрири принципиал равишда ўзгариади.

Бу модданинг "Ўзбекистон Республикаси Президенти айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади" дейилган иккинчи қисми олиб ташланади.

Президент ваколатлари ҳамда вазифаларининг шу тарзда қайта тақсимланиши, ҳеч шубҳасиз, давлат қурилиши соҳасида бошланган демократик жараёнларни янада чукурлаштириш, Бош вазирнинг, ҳукумат ва бутун ҳукумат тузилмаларининг ваколатларини ошириб, шу билан бирга, уларнинг масъулиятини сезиларли даражада кучайтириш имконини беради ва бундай ҳолат Конституцияда ўз тасдиғини топади.

Учинчидан. Қўйи, яъни Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини доимий, профессионал асосда амалга оширади. Ўз-ўзидан равшанки, бу ҳол мазкур палатага сайланадиган депутатлар таркибининг сифат жиҳатидан ўзгаришига, уларнинг малака ва касб маҳоратига бўлган талабнинг ортишига олиб келади.

Айни вақтда биз қонунлар устида ишлаш жараёнининг ўзи ҳам тубдан ўзгаришини ва пировард натижада қабул қилинадиган қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг сифати ҳам яхшиланишини кутишга ҳақлимиз.

Сессия мажлислари тартибида ишлайдиган ҳозирги парламентимиздан доимий асосда ишлайдиган Қонунчилик палатаси фаолиятига ўтиш ҳам шу мақсадга хизмат қиласи.

Ишончим комилки, депутатларнинг Қонунчилик палатасига партиялар томонидан тақдим этилган рўйхатлар асосида ва ўз номзодини қўйиш йўли билан сайланиши, бугунги кунда фаолият юритаётган партияларнинг, шунингдек, нодавлат, жамоатчилик ва фуқаролик институтлари, бирлашма ва ташкилотларнинг жамият амалий ҳаётидаги ўрни, таъсири ва аҳамиятини тубдан кучайтириш

учун зарур шарт-шароит яратади.

Ўз навбатида, вакиллик органи сифатида тузилаётган, худудий субъектлар - маҳаллий кенгашлар депутатлари вакилларини тенг микдорда бирлаштирувчи юкори палата - Сенатнинг шакллантирилиши Қонунчиликнинг энг юкори органи бўлмиш Олий Мажлисга, таъбир жоиз бўлса, мамлакатнинг юрак уришини билиб туриш, минтақалар билан бевосита алоқаларни амалга ошириш, уларнинг манфаатларини акс эттириш ва ҳимоя қилиш имконини беради.

Куйи ва юкори палаталарнинг бундай тартибда шаклланиши Ўзбекистон Республикаси парламентида нафақат сиёсий гуруҳ ва харакатларнинг, балки минтақавий кучларнинг, бир сўз билан айтганда, мамлакат аҳолиси барча ижтимоий қатламларининг манфаатларини тўлиқ ифода этиш учун зарур асос ва кафолатларни яратади.

Тўртинчидан. Ўз-ўзидан аёнки, Қонунчилик ҳокимияти таркибий тузилишининг ўзгариши ва унинг икки палатали асосда шакллантирилиши билан ҳар қайси палатанинг ваколатларини, ҳукуқ ва мажбуриятларини, уларнинг мутлақ ва биргалиқда амалга оширадиган фаолият соҳаларини Конституциянинг ўзида аниқ чегаралаб қўйишнинг аҳамияти жуда каттадир.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг фаолият соҳалари ва йўналишларининг, бу масаланинг барча жиҳатларини инобатга олган ҳолда, қонуний асосда конституциявий нуқтаи назардан аниқ-равshan белгилаб берилиши уларнинг ишида бир хиллик ва бир-бирини такрорлаш эҳтимолини бартараф этишни таъминлайди. Айни пайтда парламент аъзолари орасида ўзаро зиддият ва кибр-ҳавога берилиш, низоли вазиятлар вужудга келишининг ҳам олдини олишга имкон беради.

Бу борада қонунларни қабул қилишда барчамиз демократик тамойил ва меъёрларга риоя этишни ўрганишимиз, депутатлик этикасини сақлаган, халқ вакили деган муносаб номга доғ туширмаган ҳолда, принципиаллик ва қатъият кўрсатиб ишлашимиз зарур.

Барчамиз жамиятда мавжуд бўлган турли кучлар ўртасидаги,

биринчи галда, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш тизимини ўрганишимиз ва амалда ҳаётга жорий этишимизга тўғри келади. Бусиз демократик давлат фаолиятини тасаввур этиб бўлмайди.

Бешинчидан. Бугунги кунда ҳокимият тузилмаларини ташкил этиш ва мувозанатни сақлашнинг янги, янада мукаммал демократик тизимини шакллантириш бўйича кўрилаётган чоралар, Конституциямизга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар жамиятсиёсий ҳаётини фаоллаштириш, фуқароларимизда ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан ўзлигини англаш туйғусининг кучайиши учун жиддий омил бўлмоғи керак. Ва бу жараёнларни, ўз моҳият эътиборига кўра, хозирданоқ марказда ҳам, жойларда ҳам кўриш мумкин.

Бундай шароитда вазиятни тўғри баҳолаш, нодавлат ва жамоат ташкилотлари, хусусан, маҳалла каби ўзини ўзи бошқаришнинг демократик тузилмаси бўлмиш умумэътироф этилган фуқаролик жамияти институтлари фаолиятига тўскىнлик қилмаслиқ, аксинча, уларни шакллантириш ва ишини жонлантириш учун кенг имкониятлар яратиш ўта муҳимдир.

Шуни унутмаслик лозимки, авваламбор, айнан ана шундай тузилмаларда давлат ва мамлакат раҳбарияти олиб бораётган ҳам ички, ҳам ташки сиёsatга танқидий жиҳатдан холис баҳо берилади, ён-атрофда содир бўлаётган барча воқеа ва ҳодисаларга нисбатан билим ва тажриба, фуқаролик ёндашуви ва позицияси шаклланади.

Шак-шубҳасиз, бу жараёнда матбуотимиз, оммавий ахборот воситалари, радио ва телевидениенинг роли катта аҳамиятга эга.

Бугунги кунда жамиятимизни демократлаштириш борасида ҳаётга жорий этилаётган ишларимизга, уларнинг амалий аҳамиятига, аввало, сўз ва ахборот эркинлиги, ҳар қайси фуқаронинг хукуқ ва эркинлигини сўзда эмас, амалда қандай таъминланаётганига караб баҳо берилади. Буни унутмаслигимиз лозим.

Жамиятимизни ривожлантириш борасида замон олдимизга кўяётган вазифаларни бажаришда, шубҳасиз, сайлов тизимини янада такомиллаштириш ўта муҳим ва долзарб аҳамият касб этади.

Биз барчамиз оддий бир ҳақиқатни тушуниб олишимиз керак.

Давлат ва жамиятни бошқаришнинг мукаммал лойиҳасини қабул қилиш, уни Конституция ва қонунларда муҳрлаб қўйиш мумкин, албатта.

Лекин биз ана шу ҳокимиятни сайлаш ва шакллантиришда халқ ҳоҳиш-иродасининг эркин намоён бўлишини таъминлай олмасак, энг етук, юксак демократик тамойилларга жавоб берадиган сайлов тизимини марказда ҳам, жойларда ҳам жорий этмасак, билиб қўйинглар, буларнинг барчаси ҳеч нарсага арзимайдиган куруқ гап бўлиб қолади.

Шу маънода, сизларнинг муҳокамангизга қўйилаётган янги таҳрирдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бўйича турли манфаатдор гурухлар, биринчи галда, нуфузли халқаро ташкилотлар ва эксперталарнинг фикр-мулоҳаза, ёндашув ва танқидий баҳоларини инобатга олиш ҳамда уларни чуқур ва пухта ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга, деб ўйлайман.

Юқорида баён этилганларга якун ясар эканмиз, бугун Конституциямизга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш йўлида босқичма-босқич, изчил жорий этилаётган интилиш ва саъй-ҳаракатларимизнинг холис ва амалий ифодаси бўлиб, биз ўз олдимизга қўйган эзгу мақсадларга - юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқимиз фаровонлигига эришиш учун ишончли шарт-шароит ва конституциявий кафолатларни яратади, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Хурматли депутатлар!

Энди ижозатингиз билан мен бугун халқаро ҳамжамият диққат марказида турган Ироқ ва унинг атрофидаги воқеалар билан боғлиқ масалалар ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Сизларга маълумки, бу воқеалар узоқ тарихга эга.

Ироқ давлати ўзининг жўғрофий ва геополитик ўрни, жуда катта табиий захиралари, биринчи навбатда, нефть ва газ ресурсларига бойлиги билан доимо дунё аҳлиниң эътиборини тортиб келган. Бу мамлакат орқали қадим-қадимдан савдо йўллари ўтган, иқтисодий ва маданий алоқалар ривожланган.

Ҳозирги кунда жаҳон бўйича аниқланган нефть захираларининг 11 фоиздан зиёди Ироқ худудида жойлашган. Бу борада у Саудия Арабистонидан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Агар Ироқда қазиб чиқариладиган нефть таннархи дунёда энг арzonлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу мамлакатнинг жаҳон нефть бозорида тутган ўрни ва аҳамиятини тасаввур қилиш қийин эмас.

Икки буюк дарё - Дажла ва Фирот оралиғида жойлашган бу ўлкада азалдан илму фан, санъат ва хунармандчилик гуллаб-яшнаган. У ўз бағрида Шумер ва Аккад, Бобил ва Оссурия сингари энг қадимги цивилизациялар билан боғлиқ тарихий хотира ва ёдгорликларни сақлаб келади. "Ҳикматлар уйи" деб ном олган Бағдод академияларида эса ўз даврида Шарқнинг буюк мутафаккирлари, ислом маданияти ва фалсафасининг машҳур вакиллари таҳсил олгани ҳам тарихдан яхши маълум.

Бир сўз билан айтганда, ана шундай бой тарих ва улкан имкониятларга, йигирма беш миллионли аҳолига эга бўлган бу давлат, ҳеч шубҳасиз, ўз халқига муносиб турмуш шароити яратиб бериши, фаровон ҳаёт кечириши мумкин ва зарур эди.

Ироқ халқининг ҳаёти, ҳеч бўлмаганда, Форс кўрфазидаги Қувайт, Бирлашган Араб Амирликлари, Баҳрайн, Қатар, Уммон каби бадавлат қўшни мамлакатларнинг бугунги турмуш даражасидан кам бўлмаслиги лозим эди.

Бироқ, минг афсуски, кетма-кет содир этилган қонли тўнтаришлар, бегуноҳ қурбонлар ва ҳатто ўзининг яқин қариндошларини ҳам аёвсиз йўқ қилиш натижасида 1979 йили ҳокимият тепасига келган Саддам Ҳусайн ҳукмронлик қилган даврда Ироқдаги бу имкониятлар ишга солинмади.

Саддам Ҳусайннинг президентлик тарихи шуни кўрсатмоқдаки, унинг бош мақсади - ўз халқини доимий қўрқув ва итоатда ушлаб туриш, кимки бунга бўйсунмаса, шафқатсизларча қириб ташлашга қаратилган.

Унинг энг асосий нияти - ўз куч-кудратини нафақат мамлакат ичида, балки ундан ташқарида ҳам намойиш этиш, нефть ва газга сероб бўлган қўшни ҳудудларни ўз таъсир доирасига олиш, измига бўйсундириш, шу тариқа бой ва улкан ушбу минтақада ўз ҳукмини

ўтказиш ва якка ҳукмрон бўлиб олишдан иборат эди.

Саддам ўзи тузган кучли полиция ва мустабид тизим ёрдамида мамлакатнинг деярли барча бойликлари, биринчи навбатда, нефть ва унинг манбаларини сотищдан тушган маблағларни асосан ўзининг ва гумашталарининг бойлик орттириши учун, ҳар бир шахарда муҳташам сарой ва дабдабали мажмуалар барпо этиш, ўзининг баҳайбат ҳайкалларини ўрнатиш, керак бўлиб қолганида, жон сақлаш учун мураккаб ер ости иншоотларини қуришга сарфлади, десак, муболаға бўлмайди.

Бугунги кунда хорижий мамлакатлардаги қатор банкларнинг хисоб рақамларида Ҳусайн ва унинг яқинларига тегишли кўп миллиардлаб доллар пул ва катта миқдордаги бошқа қимматбаҳо бойликлар борлиги аниқланмоқда.

Саддам Ҳусайн амалда президентлик фаолиятининг дастлабки йилларидан бошлаб оммавий қирғин қуролини қўлга киритишга жуда катта эътибор каратди.

У 80-йиллардаёқ айrim қудратли давлатлар ёрдамида бир нечта атом реакторини қуришга эришган, ядро қуроли яратища ишлатиладиган технология ва парчаланувчи материаллар ишлаб чиқариш учун керакли асбоб-ускуналар сотиб олган, кимёвий ва биологик қурол тайёрлаш учун зарур базага эга бўлган эди.

Қўшни Эрон мамлакати билан 8 йилдан кўпроқ давом этган ва 800 минг кишининг ёстигини қуритган ҳарбий можаро шуниси билан ажralиб турадики, тақиқланган кимёвий қурол айнан мана шу урушда Саддам Ҳусайн томонидан қўлланган эди.

У ўз ҳалқини бўйсундириш учун ҳатто биологик қуролни ишлатишдан ҳам тап тортмади. Натижада юз минглаб курд миллатига мансуб тинч аҳоли ҳалок бўлди, улар яшайдиган 40 дан ортиқ аҳоли пунктлари йўқ қилиб ташланди.

Ўз кирдикорларига жазо берилмаслигига ишонган ва ҳарбий қудратига маҳлиё бўлган Саддам Ҳусайн 1991 йили ўзини ҳимоя қилишга қодир бўлмаган қўшниси - Кувайтни босиб олиш ва унинг нефть захираларига эгалик қилиш учун бу мамлакатга ўз армиясини йўллади.

Сизларга яхши маълумки, ўшандага АҚШ етакчилигига ҳалқаро

коалиция томонидан ўтказилган "Саҳродаги бўрон" ҳарбий операциялари натижасида Қувайт озод қилинган эди.

Шу ўринда, ўша йиллари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг тегишли резолюциясига кўра, Ироқ 90 кун ичида тўлиқ қуролсизланиш, оммавий қирғин қуролларини ишлаб чиқариш бўйича олиб бораётган барча ишларини тўхтатиш мажбуриятини ўз зиммасига олганини ҳам эслаб ўтиш жоиз.

Бироқ, кўриб турибмизки, Саддам Хусайн 1991 йилги шармандали мағлубиятдан ўзига ҳеч қандай сабоқ чиқариб олмади.

Аксинча, мана шу ўтган йиллар давомида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қуролсизланиш бўйича кўплаб резолюцияларини халқаро кузатувчилар назорати остида сўзсиз бажариш ўрнига, Саддам Хусайн Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бутун жаҳон ҳамжамиятининг иродасини тан олмай, ўзининг сурбетларча ўйинини давом эттириб келди, дейишга бугун дунё жамоатчилигига барча асослар етарли.

Ҳатто Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тегишли қарори билан "Нефть эвазига - озиқ-овқат" дастури асосида Ироққа ёрдам кўрсатиш бошланган бир пайтда, бу маблағлар очликдан қийналаётган аҳоли ва нобуд бўлаётган болалар учун эмас, балки, биринчи навбатда, ҳарбий кучлар сонини кўпайтириш ва замонавий қурол-яроғлар сотиб олишга сарфланди.

Ҳолбуки, Яқин Шарқ минтақасида энг кучли ҳисобланган 450 минг кишилик армияни, бунга қўшимча равишида "фидойинлар" деб аталадиган жангарилардан иборат кўп сонли маҳсус бўлинмаларни шакллантириш ва сақлаб туриш, уларни замонавий қурол ва зирхли техника билан таъминлаш учун, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маблағ талаб этилади.

Хўш, бундай маблағлар қаердан олинди? Бу маблағлар, авваламбор, нефть конларини ўзлаштириш бўйича тузилган шартномалар, нефтни турли йўллар билан сотиш ва Ироққа ажратилаётган кредитлар ҳисобидан олинди.

Бугун, баъзи маълумотларга қараганда, Ироқ давлатининг расман тан олинган ташқи қарзларининг ўзи 100 миллиард доллардан зиёдни ташкил этади.

Ҳозирги вактда, Ироқ ҳудудининг ҳали у, ҳали бу ерида кимёвий ва биологик қуролнинг таркибий қисмларини ташкил этувчи турли захиралар топилаётгани, бу ўта хавфли моддалар билан тўлдирилган ўқ-дори ва снарядлар учраётгани халқаро жамоатчиликда жиддий хавотир уйғотмаслиги мумкин эмас.

Мана шундай вазиятда билдирилган айрим фикрларга, яъни ҳарбий ҳаракатлар бошланиши арафасида Ироқ амалда ҳеч кимга таҳдид солмайдиган заиф ва беозор давлатга айланиб қолган, деган баёнотларга қўшилиб бўлмайди, албатта.

Хурматли дўстлар!

XXI аср бошланиши билан дунё "уруш" деган тушунчанинг барчага маълум бўлган анъанавий маънолари тубдан ўзгарган янги бир даврга қадам қўйди.

Бутун маърифий халқаро ҳамжамият 2001 йил 11 сентябрда Нью-Йоркда содир этилган даҳшатли террорчилик хуружидан сўнг бу аччиқ ҳақиқатни, айниқса, чукур англади.

Мана шу фожиали воқеалардан кейин барча мамлакатлар, жумладан, энг замонавий, энг кучли қуролларга эга бўлган қудратли давлатларга хам бугун жаҳон майдонида ўзини намойиш қилаётган даҳшатли таҳдиддан, халқаро террорчилик ва ақидапарастлик балосидан ўзини, ўз халқини илгари қўлланган усувлар билан химоялаш мумкин эмаслиги бирданига аён бўлиб қолди. Буни ҳамма тушуниб етди.

Транспорт ва коммуникация воситалари юксак даражада ривожланган ҳозирги шароитда -ядровий бўладими, кимёвий ёки биологик бўладими - бундан қатъи назар, оммавий қирғин қуроллари учун чегара ва масофанинг аҳамияти йўқлиги инобатга олинса, бундай қуроллар террорчи ва ақидапараст кимсалар қўлига тушиб қолса, қандай мудхиш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тасаввур этиш кийин эмас.

Бундай хавф-хатарга қарши фақат битта чора қўллаш мумкин, у ҳам бўлса, барча мамлакатлар ва халқларнинг куч ва саъй-ҳаракатларини бир мақсад йўлида бирлаштиришдир. Бу борада террорчилик ва унинг турли қиёфаларда намоён бўладиган қўринишлари билан ўйин қилишга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди, бу

оғат бизни четлаб ўтади, деган хомхаёлларга берилиш охир-оқибатда катта хато бўлади.

Яна бир масала - оммавий қирғин қуролини бошқаларга нисбатан, жумладан, тинч аҳолига қарши бир марта бўлса-да кўллаган, бугун хам халқаро ҳамжамият талабларини инкор этиб келаётган режимлар ва ёвуз кимсаларни тийиб қўйиш, керак бўлса, уларнинг йўлини бутунлай тўсиб ташлаш зарур.

Ишлаб чиқарилаётган оммавий қирғин қуролининг халқаро институтлар, биринчи галда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қатъий назорат қилинмайдиган ёки назорат остига олиб бўлмайдиган мамлакатларда мавжудлиги ёки пайдо бўлиш имконияти билан боғлиқ ҳар бир ҳодиса эртага катта кулфатга айланадиган, кейин олдини олиб бўлмайдиган хавф-хатарнинг жиддий белгиси сифатида қабул қилинмоғи керак.

Энди, ҳурматли депутатлар, Ироқда коалицион кучлар томонидан амалга оширилган ҳарбий операция муносабати билан билдирилган баёнотлар, яъни бу суверен давлатга қарши қаратилган харакат бўлиб, у Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг тегишли резолюцияси чиқарилмасдан туриб бошланди, деган эътиrozлар хусусида қисқача тўхталиб ўтсак.

Биринчидан. Саддам Ҳусайн 12 йилдан кўпроқ вақт мобайнида Ироқни қуролсизлантириш бўйича қабул қилинган қарорлар ижросини назорат этиш учун юборилган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кўпдан-кўп комиссиялари ва муҳтор вакилларини чалғитиб келди.

Бу комиссиялар Ироқдан намойишкорона чиқариб юборилгани хақида кўплаб далиллар келтириш мумкин. Чамаси, Саддам Ҳусайн Ироқда ҳар бири ўз манфаатига эга бўлган йирик давлатлар ўртасидаги зиддиятлардан фойдаланиб, бундай ўйинни истаганча чўзиши мумкинлигига, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгashi томонидан Ироққа нисбатан иқтисодий жазо чораларидан бошқа кескин чоралар кўрилмаслигига чиндан ҳам ишониб қолган эди.

Иккинчидан. Яқин тарихда биз Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган суверен давлатлар худудига Хавфсизлик

Кенгашида ҳеч бир муҳокама қилинмасдан қуролли босқинлар содир этилгани билан боғлиқ далилларни ҳам биламиз. Бундай ҳаракатларни оқлаб бўлмайди, албатта, аммо шундай бўлгани ҳаммага маълум.

Мисол учун, 1979 йили совет қўшинларининг қардош афғон халқига интернационал ёрдам кўрсатиш баҳонасида Афғонистонга бостириб кирганини эслаш кифоя, деб ўйлайман.

Ўдингизда бўлса, миллионлаб афғонларнинг нобуд бўлишига, уй-жойидан ажралиб, қочоққа айланишига, ўнлаб-юзлаб аҳоли пунктларининг ер билан яксон қилинишига олиб келган бу босқинчиликнинг ташаббускорлари, афғон халқининг розилигини сўраш у ёқда турсин, ўз вақтида бу масалани ҳатто Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашига қўйишни ҳам ўзларига лозим кўрмаган эди.

Учинчидан. Афғонистондаги уруш 20 йилдан ортиқ давом этди. Бу урушни тўхтатиш ва минтақада барқарорликни таъминлаш масалалари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кўплаб йиғилиш ва ассамблеяларида муҳокама этилди, бу борада Хавфсизлик Кенгашининг ўнлаб резолюциялари қабул қилинди.

Бу мамлакатдаги хунрезлик ва бедодликни тўхтатиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кўп-кўп ваколатли комиссиялари ва масъул делегациялари келиб кетди. Хўш, натижа нима бўлди? Ҳокимиятни зўравонлик билан эгаллаб олган, халқаро ҳуқуқнинг бирон-бир нормасини мутлақо тан олмаган толибларнинг амалда жазосиз қолиши қандай оқибатларга олиб келди?

Афғонистон нафақат улкан Марказий Осиё минтақасига, аслида бутун дунёга таҳдид солаётган энг ашаддий халқаро террорчилар, экстремистлар ва ақидапарастларнинг полигонига айланниб қолди. Толиблар ва Афғонистонга уя куриб олган кўп сонли террорчи гурӯхларнинг халқаро экстремизм марказларидан ва кўпгина мамлакатлардаги ҳомийлардан жуда катта миқдорда молиявий ёрдам олиб тургани ҳеч кимга сир эмас.

Уларнинг режалари фақат Марказий Осиёдаги қўшни мамлакатларда қўпорувчилик ва террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш билан чекланмаган. Аксинча, бу ёвуз кучлар минтақадаги

вазиятни батамом издан чиқариш ва қўшни давлатлар, жумладан, Ўзбекистон худудини ҳам босиб олишни ўз олдига мақсад қилиб кўйган эди.

Бугун биз шундай деб айтиш учун етарли маълумотларга эгамиз.

Толибларнинг бевосита бизнинг Амударё соҳилидаги чегараларимизга чиққани 1998 йилда ва ундан кейинги йилларда, айниқса, таҳликали вазият юзага келишига сабаб бўлди. Шундоққина мамлакатимиз остонасида турган бундай бало-қазо қаршисида бизнинг ёрдам сўраб қилган барча мурожаат ва даъватларимиз жавобсиз, ҳавода муаллақ қолгани ҳам ҳали-бери ёдимиизда.

Очиқ айтадиган бўлсак, биз ўшанда 2000 йилгача ўзимиз аъзо бўлган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномаси доирасида бу масалада умумий баёнот ва вайдалардан бошқа ҳеч қандай амалий ёрдам олганимиз йўқ.

Бир нарса барчамизга аниқ. Агар 2001 йилнинг сентябрида Нью-Йоркда содир этилган фожиали ходисалар оқибатида ён-атрофимиздаги воқеалар бошқача тус олмаганида, Ўрта Осиё давлатлари қандай вазиятга тушиб қолган бўлар эди - буни айтиш кийин. Фақат Америка Кўшма Штатлари бошчилигидаги антитеррор коалициясининг тузилиши, толибларнинг тор-мор этилиши, террорчиларнинг полигон ва базалари яксон қилиниши ана шу даҳшатли таҳдидни бизнинг сарҳадларимиздан олиб ташлади. Буни унтишга бизнинг ҳаққимиз йўқ.

Бу - дунёning қайси бир бурчагида бўлмасин, бирон-бир мамлакатдаги воқеаларнинг салбий ва хавфли ривожига лоқайдлик билан қараш қандай машъум оқибатларга олиб келиши мумкинлигига яққол мисол бўла олади.

Тўртинчидан. Биз барчамиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти сингари ўз мақсад-вазифасига кўра жаҳонда ягона бўлган халқаро ташкилотнинг нуфузини саклаш, унинг обрў-эътиборини янада оширишдан манфаатдор бўлмоғимиз керак. Бугун буни ҳеч ким инкор этолмайди.

Шу билан бирга, сўнгги ўн йилликлар давомида рўй берган кўплаб воқеалар, айниқса, "совуқ уруш" тугагани ҳамда ер юзида халқаро хавфсизликка нисбатан янги таҳдид ва хуружлар, жумладан,

оммавий қирғин қуролларининг тарқалиш хавфи пайдо бўлгани инобатга олинса, бизнинг назаримизда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Устави ва унинг айрим моддаларини ислоҳ қилиш ва кайта кўриб чиқишни тезлаштириш зарурати туғилмоқда.

Шунингдек, мазкур ташкилотнинг етакчи органи - Хавфсизлик Кенгаши таркибини ҳам кайта кўриб чиқиш, инсониятнинг тинч ва осойишта, фаровон ҳаёт кечиришини кўролмайдиган қабиҳ ниятли кучларга қарши ўз вақтида тегишли жавоб бера оладиган, янада самаралироқ бўлган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш даркор, деб ўйлаймиз.

Ҳурматли халқ ноиблари!

Эътиборингизни яна бир муҳим масалага қаратмоқчиман.

Ироқ ва унинг атрофидаги воқеаларни кузатиб бораётган ҳар бир одам ушбу жараёнлар баъзи бир мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари орқали қандай ёритилгани, телеканаллар ва матбуот саҳифаларида бу борада қандай шарҳ, тахмин ва башоратлар билдирилганига диққат қилган бўлса керак.

Агар қиёсласак, худди шундай ахвол Афғонистонда антитеррор харакатлари бошланган дастлабки кунлар ва хафталарда ҳам содир бўлган эди.

Ироқдаги ҳарбий операциялар масаласида ҳам, айрим таниқли ва обрўли ҳарбийлар, таҳлилчи ва сиёsatчилар ваҳимага тушиб, бўлаётган жанговар харакатларга худдики учинчи жаҳон урушининг бошланиши, деб қарashi кўзга ташланди.

Юз минглаб одамларнинг қурбон бўлиши, миллионлаб кишилар қочоқларга айланиши, ҳаво ҳужумлари оқибатида ўнлаб шаҳар ва қишлоқлар вайрон бўлиши, бутун минтақада гуманитар фалокат рўй бериши, бунинг таъсирида сайёрамизнинг бошқа худудларида ҳам вазият тубдан кескинлашиши, катта оғатлар юзага келиши ва ҳоказолар ҳақида кўплаб башоратлар қилинди.

Бу урушнинг жуда оғир бўлиши ва узоқ давом этиши, пойтахт Бағдоднинг енгилмас қальяга, ҳар бир уй, ҳар бир кўчанинг эса "оккупация" кўшинлари йўлидаги мустаҳкам тўсикка айланиши ва Ироқ ахолисининг ҳар бири Саддам Ҳусайн учун ўз жонини қурбон қилишга тайёр экани ҳақида ҳам кўп гапирилди.

Эҳтирослар шу қадар жўшиб кетдики, баъзи диний арбоблар америкаликларга қарши муқаддас жиҳод эълон қилишгача бориб етди.

Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси замирида айрим давлатлар вакиллари ва сиёсий арбобларнинг Саддам Ҳусайнга нисбатан яшириш қийин бўлган хайриҳоҳлиги, у билан олиб борган ҳамкорлиги ва энди мутлақо ортга қайтмайдиган замонларни кўмсаши сезилиб турарди.

Охир-оқибатда ҳаммаси бошқача бўлиб чиққанига барчамиз гувоҳмиз. Ҳарбий ҳаракатларнинг йигирманчи кунида Америка Кўшма Штатларининг қуролли кучлари бўлинмалари деярли ҳеч қандай жиддий қаршиликка учрамаган ҳолда Бағдодга кириб борди. Саддам Ҳусайнга содик республикачилар гвардиясининг ҳарбий кудрати ва қўшиннинг жанговар руҳи тўғрисидаги афсоналар чиппакка чиқди.

Ҳарбий операциялар натижасида беҳисоб аскарлар ва оддий одамлар қурбон бўлиши, даҳшатли вайронагарчиликлар ва қочоқлар тўғрисида оламга жар солиб айтилган тахминлар амалда тасдиқланмади. Албатта, қурбонлар, йўқотишлар, вайроналар ҳам бўлди, аммо уларнинг сони ва ҳажми деярли минимал даражада.

Бундан ташқари, узоқ вақт Саддам Ҳусайннинг мустабид зулми остида, ўзининг ва болаларининг ҳаётини ўйлаб кўркув ва таҳликада яшаган Ироқ аҳолиси, жумладан, бағдодликларнинг аксарияти коалиция кучларини кўтариинки руҳ ва катта умид билан кутиб олди. Бу ҳам яққол кўриниб турган ҳақиқат.

Мамлакатда тартиб ва қонунчилик ўрнатилиб, ироқликларнинг ўзи ҳам бу жараёнга жалб этилгани ва уларнинг ўз атрофидаги воқеаларни холис баҳолаши учун имкон яратилгани сари, Ироқда олиб борилган ҳарбий операциянинг асл моҳияти аҳоли томонидан англаб этилгани сайн бу ерда бошланган ижобий жараёнларнинг кучайиши муқаррар.

Қадрли юртдошлар!

Ироқ муаммосини ҳал этиш бўйича бизнинг ёндашувимиз, позициямиз қандай бўлгани ва унинг маъно-мазмуни нимадан иборат эканини баён этишдан олдин яқин тарихимиздаги баъзи воқеаларни

эслаб ўтиш зарур, деб ўйлайман.

Бу ўринда гап Ўзбекистоннинг Америка Кўшма Штатлари ва Афғонистонда антитеррор ҳаракатларини олиб борган коалициянинг стратегик режаларини қўллаб-куватлаш бўйича тутган қатъий позицияси ҳақида бормоқда.

Сизларга шуни эслатмоқчиманки, ушбу позицияни биз Афғонистонда ҳарбий ҳаракатлар бошланмасидан аввал аниқ ва равшан баён қилган эдик. Шу пайтда коалиция ҳаракатларини қўллаб-куватловчилардан кўра, бу масалада иккиланиб турганлар кўпчиликни ташкил этарди, боз устига, ҳарбий ҳаракатларнинг нима билан тугашини ҳали ҳеч ким аниқ билмасди.

Яъни, ўша мураккаб вазиятда ҳам бизнинг позициямиз конъюнктурадан холи эди ва аввало, мамлакатимизнинг олдиндан танланган ва амалга ошириб келаётган принцип ва тамойилларига жавоб берар эди.

Энди Ироқ масаласига келсак, Ўзбекистоннинг бу борадаги принципиал позицияси ва муносабати 2002 йилнинг нояброда Прагада бўлиб ўтган НАТО ва Евроатлантика Ҳамкорлик Кенгаши (СЕАП) мажлисида, ушбу муаммонинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашидаги муҳокамаси чоғида баён этилган эди.

Бизнинг позициямиз кейинчалик мамлакатимиз раҳбарияти ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг баёнотларида ўз ифодасини топди.

Мухтасар қилиб айтганда, биз Ироқни қуролсизлантириш масаласини ечиш бўйича Америка Кўшма Штатларининг ёндашувлари тўғри ва позицияси асосли эканини қатъий қўллаб-куватладик.

Шу пайтларда Америка Кўшма Штатлари, Буюк Британия ва уларга иттифоқчи бўлган давлатларнинг бу борадаги сиёсати ҳамда таклифлари қанчалик кескин танқидларга учрагани, ушбу сиёсат ва таклифларни амалга оширмаслик учун қандай уринишлар бўлгани ҳам барчамизга маълум.

Албатта, Ироқда амалга оширилган ҳарбий ҳаракатларнинг пировард натижалари ва оқибатлари хусусида гапиришга ҳали эрта.

Бироқ телевизор экранларида америкалик ва инглиз харбийларини кутиб олаётган ироқликларни кўрганда - уларнинг ичидаги болалар ҳам, ўрта ёшдагилар ҳам, кексалар ҳам бор - одамлар юзидаги қувонч ифодасидан кўп нарсани англашиб олиш қийин эмас.

Бугун аниқ кузатиш мумкин: Ироқ ҳалқига кўплаб мусибат, қашшоқлик ва қулфат келтирган мустабид Саддам Ҳусайн тузумининг ағдарилиши мамлакатнинг ўзида ҳам, унинг ташқарисида ҳам, шак-шуҳбасиз, кўтаринки рух, умид ва ишонч билан кутиб олинмоқда.

Бу - аввало, истибодод ва ҳақсизликка ниҳоят нуқта қўйилганига, ўлкага тинчлик ва барқарорлик олиб келадиган истиқбол эшиклари очилганига, қўшни давлатлар билан бўлган қарама-қаршилик ва урушлар барҳам топганига, бундан буён мамлакат янгиланиш ва демократик тараккиёт йўлидан боришига бўлган умидлардир.

Ўйлайманки, бугунги кунда бундай истиқболга эътиroz билдирадиганлар камдан-кам топилса керак.

Шу нуқтаи назардан қараганда, албатта, Ироқда амалга оширилган ҳарбий ҳаракатларнинг бош мақсадини қўллаб-куватламаслик мумкин эмас.

Бу мақсад Саддам Ҳусайн гумашталари ва ҳалқаро террорчилар кўлида ниҳоятда даҳшатли оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган биологик ҳамда кимёвий қуролларни ишлаб чиқаришни тўхтатиши, олдини олиш ва зарарсизлантиришдан иборат эди.

Шу ўринда мен илгари ҳам айтган фикримни яна бир бор такрорламоқчиман. Аслида дунёда урушни хоҳлайдиган соғлом фикрли одам ёки бирон-бир маърифий мамлакат бўлмаса керак.

Айни вақтда биз, юқорида қайд этилганидек, шундай ҳолатларни ҳам биламизки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг умумэътироф этилган нормалари, қарор ва резолюцияларини доимо инкор этиб келган, улар билан хисоблашмайдиган кимсаларга нисбатан лоқайд ва бепарво бўлиш, тоқат қилиш, ўз вақтида тегишли жазо чораларини кўрмаслик пировард натижада ҳалокатга олиб келиши мумкин.

Содда қилиб айтганда, ёвузликни ўз вақтида пайини қирқиб, тагтомири билан қўпориб ташлаш даркор. Нега деганда, эртага бу ёвуз кучнинг ер юзидаги содир этиши мумкин бўлган мудҳиши оқибатларига

қарши курашиш оғир ва афсуски, кеч бўлиши муқаррар.

Азиз дўстлар!

Ироқни осуда ҳаётга қайтариш учун қанча куч-қувват, энг асосийси, катта маблағ сарфлаш зарурлигини, Ироқ халқининг эртанги барқарор ҳаётга бўлган ишончини тикиш ва мустаҳкамлаш учун жуда кўп ишлар қилиш кераклигини биз Ўзбекистонда ўзимизга аниқ тасаввур этамиз.

Табиийки, бу масалада халқаро ҳамжамиятнинг ҳар томонлама ёрдам ва қўмагини жалб қилмасдан, тегишли молиявий ва моддий ресурсларни излаб топмасдан бу муаммони ҳал этиб бўлмайди.

Халқимиз Ироқни, унинг меҳнатсевар халқини яхши билади. Ироқликларнинг қадимий маданият ва анъаналари кўп жиҳатдан бизга яқин, динимиз бир.

Ўзбекистон вакиллари - лойиҳачи ва қурувчилар, муҳандислар ва мутахассислар ўтган асрнинг 60-80-йилларида Ироқда иқтисодиётнинг турли соҳаларида, авваламбор, энергетика, мелиорация ва ирригация қурилиши соҳасида меҳнат қилганини кўпчилик яхши эслайди. Уларнинг барчаси ироқликлар билан ҳамкорликда ишлаган йилларини самимий таассуротлар билан ёдга олади.

Ўзбекистон мана шу кунларда ҳам Ироқда тинч ҳаётни тикиш, инсонпарварлик лойиҳаларини амалга ошириш, тиббий ёрдам кўрсатиш, йўллар ва коммуникация тармоқларини бунёд этиш жараёнидан четда турмайди, бу ишга ўзининг муносиб ҳиссасини кўшади, десам, ўйлайманки, сиз хурматли депутатлар бу фикрни кўллаб-қувватлайсизлар.

Сўзимнинг якунида Ироқ халқига фаровонылик, тинчлик ва бирдамлик, ўз келажаги учун курашда муваффақиятлар тилабат, ўзимнинг эзгу туйғуларимни изхор этсан, аминманки, нафақат сизларнинг, балки бутун халқимизнинг фикрини ифода этган бўламан.

Эътиборингиз учун ташаккур.

*Иккинчи чақириқ Ўзбекистон
Республикаси Олий Мажлиси*

*XI сессиясидаги маъруза,
2003 йил 24 апрель*

ЕВРОПА ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ БОШҚАРУВЧИЛАР КЕНГАШИ ЙИЛЛИК ЙИҒИЛИШИНинг ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚ

Муҳтарам Европа Тикланиш ва тараққиёт банкининг Президенти жаноблари!

Муҳтарама Бошқарувчилар Кенгаши Раиси!

Хурматли Бошқарувчилар!

Хурматли давлат раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Сизларни - Европа Тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар Кенгашининг йиллик йиғилиши иштирокчиларини кутлаш ва барчангизга ўзимнинг юксак эҳтиромимни изҳор этиш менга ғоят катта мамнуният бахш этади.

Менга бу ерда ҳозир бўлган Марказий Осиё минтақаси давлатлари президентлари, Грузия Президенти Э. А. Шеварднадзе, Ҳукумат бошлиқлари, Марказий банкларнинг раҳбарлари, етакчи халқаро сиёсий ва молиявий институтлар вакиллари, банкирлар ва ишбильармонларни кутлаш ва беҳад банд бўлишиларига қарамай, мазкур анжуманда иштирок этиш имконини топганлари учун уларга ўзимнинг самимий миннатдорлигимни билдиришга рухсат бергайсиз.

Бундай нуфузли халқаро молиявий анжуманнинг Тошкентда ўтказилиши нафақат Ўзбекистоннинг молиявий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида, балки бутун Марказий Осиё минтақаси тараққиётида муҳим роль ўйнайди, десам, ўйлайманки хато бўлмайди.

ЕТТБнинг йиллик анжуманига тайёргарлик кўриш жараёнининг ўзи Ўзбекистонда демократик ривожланиш ва жамиятни янгилаш, эркин бозор иқтисодиёти асосларини шакллантириш, таркибий ўзгаришларни ва инвестиция дастурларини амалга ошириш борасида бажарилган ишларни яна бир бор юксак профессионал даражада танқидий баҳолаш учун кулай шароит яратди. Биз, биринчи навбатда,

Европа Тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорлигимизнинг қанчалик фойдали ва самарадорлигини холис баҳолаш имконига эга бўлдик.

Мен ушбу минбардан туриб, бутун масъулиятни зиммамга олган ҳолда шуни айтишим жоизки - Европа Тикланиш ва тараққиёт банкининг Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлардаги, мамлакатимизнинг изчил демократик ҳамда иқтисодий янгиланишидаги ўрни ва аҳамияти бекиёс.

Анжуманнинг барча иштирокчиларига тақдим этилган материаллар билан жиддий танишган одам, ўйлайманки, бунга ишонч ҳосил қилиши мумкин.

Кейинги йилларда мазкур банк Ўзбекистон иқтисодиётига 750 миллион доллардан зиёд сармоя киритди. Унинг иштирокида олтин қазиб олиш бўйича "Зарафшон-Ньюмонт" каби йирик қўшма корхоналар, бир қанча қўшма банклар ва лизинг компаниялари ташкил этилди, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ва Сирдарё ГРЭСи реконструкция қилинди, Тошкент халқаро аэропорти замонавий андозалар асосида қайта таъмирланди ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда нафақат катта, балки устувор аҳамиятга эга бўлган бошқа қатор лойиҳалар амалга оширилди.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун банк киймати 200 миллион долларга teng кредит линияларини очди. Шу билан бирга Банк инвестициялари биз учун ўта муҳим ушбу соҳага бошқа халқаро тузилмалар ва сармоядорларнинг 1,5 миллиард АҚШ долларидан ортиқ бўлган маблағларини жалб этишда кучли омил ва яхши намуна бўлди.

Бажарилган лойиҳалар ва ишга туширилган обьектлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Бироқ мен ҳамкорлигимизнинг бошқа томонларини ҳам қайд этмоқчиман.

Банк ўз инвестициялари ёрдамида иқтисодиёт соҳаларининг таркибий янгиланиши ва ислоҳ қилинишида, хусусийлаштириш жараёнларининг чукурлашувида, хусусий секторни ривожлантиришда, энг муҳими, мамлакатимизда янги синф - тадбиркорлар синфининг ривож топишида амалий ёрдам кўрсатмоқда.

ЕТТБ билан ҳамкорлигимизнинг бундай аниқ мақсадларга йўналтирилганлиги бугунги кунда Ўзбекистон демократик ва бозор ислоҳотларини жадаллаштириш ва чуқурлаштириш, фуқаролик институтларини ривожлантириш борасида ўз олдига қўйган жорий ва стратегик вазифаларга тўла мос келади.

Ижозатингиз билан, ушбу вазифалар ҳакида қисқача тўхталиб ўтсам, Ўзбекистонда тоталитар тузумдан хукукий демократик давлатни шакллантиришга ўтиш даврида ижтимоий янгиланиш ва бозор ислоҳотларини амалга ошириш учун асос бўлган бешта тамойилда қуидагилар таъкидланган: иқтисодиётнинг сиёsatдан устуворлиги; давлатнинг бош ислоҳотчи эканлиги; бошқарув ва хўжалик юритишнинг барча погоналарида қонун устуворлиги ва етакчилиги; кучли ижтимоий сиёsat; ислоҳотларни босқичма-босқич, бошқача айтганда, эволюцион тарзда амалга ошириш. 1992 йилда ёк эълон қилинган ушбу тамойиллар бугунги кунда ҳам ўз аҳамияти ва долзарблигини йўқотган эмас.

Айни вактда, давлат ва жамиятни изчил ривожлантиришдаги ҳар бир босқич янги қонунлар қабул қилишни, мамлакат ва иқтисодиётни модернизациялашнинг замонавий шартларига мос ва мувофиқ бўлган тамойил ва талабларни амалга оширишни тақозо этади.

Бу соҳадаги ишларнинг аҳволини танқидий баҳолар эканмиз, биз бир нарсага ишонч ҳосил қиласиз: олға ҳаракатланишимиздаги асосий тўсиқ - бу ислоҳотларни амалга оширишдаги ярим-ёртилик, яъни бошланган ўзгаришларни мантикий ниҳоясига етказилмаслигидир. Бу - консерватизм, онгимизга ўрнашиб қолган эскича фикрлаш асоратлари, тўрачилик, кадрларнинг тайёр эмаслиги, уларда тажриба ва билим етишмаслигидир.

Бундан икки йил аввал биз Ўзбекистонда ҳаётимизнинг сиёсий, иқтисодий, молиявий, қонунчилик, суд-хукуқ ва бошқа соҳаларини эркинлаштиришга қаратилган яқин йилларга ва узоқ истиқболга мўлжалланган Дастур қабул қилган эдик ва уни муваффақиятли амалга оширишдан умидимиз катта.

Хеч муболағасиз айтиш мумкинки, айнан мамлакатда амалга оширилаётган эркинлаштириш жараёнлари туфайли Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг 4-5 фоиз микдорда барқарор ўсишига

эришилди, бозор инфратузилмаси, молиявий, банк ва хуқукий институтлар мустаҳкамланди, хусусийлаштириш ва хусусий тармокни жадал ривожлантиришнинг мутлақо янги тамойил ва услублари қабул қилинди, макроиктисодий кўрсаткичлар ва пул агрегатлари мутаносиблиги яхшиланди, инфляция жараёнлари кескин пасайди, валюта бозори ислоҳ қилинди ва миллий валюта курсини бирхиллаштиришга эришилди.

Мана шу имкониятдан фойдаланиб айтмоқчиманки, 2002 йилда Халқаро валюта жамғармасининг Мониторинг Дастирида кўзда тутилган деярли барча тавсияларнинг бажарилгани келгусида ҳам самарали ҳамкорлик қилиш ва ХВЖнинг VIII моддасини имзолаш учун қулай асос яратади, янги истиқболлар очади.

Буларнинг барчаси шу йил 1 май куни ХВЖ нинг Жон Одлинг-Сми бошчилигидаги ушбу анжумандаги қатнашётган делегацияси билан бўлиб ўтган музокараларда яна бир бор тасдиқланди.

Ўйлайманки, сизлар мамлакатимизда 2002 йилнинг январида ўтказилган референдум натижаларига кўра, парламентимизнинг сўнгги сессиясида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган туб демократик ўзгариш ва кўшимчалардан хабардор бўлсангиз керак.

Уларнинг асосий моҳияти қуйидагилардан иборат: Ўзбекистонда икки палатали парламент шакллантирилади. Ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари томонидан уларнинг ваколатлари мустақил, янада демократик ва янада ўзаро мувозанатни сақлаган ҳолда бажарилиши учун шароит ва кафолатлар яратилади.

Қонунчилик ҳокимияти - парламентнинг Бош вазирни сайлаш, мамлакат ҳукуматини шакллантириш ва фаолиятини назорат қилиш борасидаги ўрни ва аҳамияти сезиларли даражада ортади. Президент ваколатларининг бир қисми, жумладан, давлат, ижроия, суд ва дипломатик тузилмалар, маҳсус хизматлар ва прокуратура раҳбарларини тасдиқлаш ваколати янги сайланадиган Юқори Палата - Сенат ихтиёрига ўтади. Илгари Президент томонидан бажарилган Вазирлар Маҳкамаси Раиси ваколатлари Бош вазирiga берилади.

Ўйлайманки, давлат қурилиши ва бошқарувидаги принципиал аҳамиятга эга бўлган ушбу ўзгаришлар факат бир нарса - давр талаби,

мамлакатимиз давлат тизимидағи демократик янгиланишларни мустаҳкамлаш ва хукуқий давлатни шакллантириш йўлида олға боришимиз учун шарт-шароит яратиш билан боғлиқ эканини исботлаб ўтиришга ҳожат йўқ.

Биз жамиятимизнинг келгуси тараққиётини марказлаштиришдан воз кечиши, ҳокимият ваколатларини марказдан жойларга бериш, давлат, айниқса назорат ва текширув органларининг тижорат, хусусий ва тадбиркорлик тузилмалари фаолиятига аралашувини кескин чеклаш билан уйғунлигига кўрамиз.

"Иқтисодиётда давлат улушини камайтириш" шиори мамлакатда тобора оммалашмоқда.

Бу йўналишда кўп ишлар қилинди, хусусий ва тадбиркорлик тармоғи, кичик ва ўрта бизнеснинг жадал ривожланиш суръатларига оид аниқ мисолларда ҳам буни кўриш мумкин. Бугунги кунда уларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулоти умумий ҳажмидаги ҳиссаси 34 фоизни ташкил қиласди.

Биз ноҳукумат ва жамоат ташкилотлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва аҳамиятини кучайтиришга катта эътибор бермоқдамиз. Нодавлат ва жамоат тузилмаларининг, биринчи навбатда демократик қадриятлар, одамларнинг хукуқ ва эркинликлари, конуний манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат ҳокимияти органлари ва хукуқ-тартибот идоралари фаолияти устидан тўрачилик ва коррупцияга қарши курашнинг самарали воситаси бўлган жамоатчилик назоратини кучайтиришдаги ўрни ортиб бораётганини кўриб турибмиз.

Биз оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш, ахборот соҳасини жадал ривожлантаришни фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёнининг муҳим таркибий қисми деб баҳолаймиз. Бугун мустақил нашрлар жадал шаклланмоқда. Матбуотда цензура тўлиқ бекор қилинганди.

Бугун биз суд-хукуқ ислоҳотини чуқурлаштириш бўйича қонунчиликда ҳам, амалиётда ҳам кўп ишлар қиляпмиз. Бу ислоҳотлардан мақсад қонун устуворлиги ва фуқароларнинг хукуқ ҳамда эркинликлари ҳимоясини таъминлаш, қонунчиликни эркинлаштириш ва унинг инсонпарварлик руҳини кучайтириш, суд

тизими мустақиллигини янада оширишдан иборат.

Юқорида айтилганларни умумлаштириб, шуни аниқ ва қатъий таъкидламоқчиман: Ўзбекистон танлаган йўл - умуминсоний ва умумэътироф этилган демократик қадриятларга эришишга қаратилган, кўп асрлик маданиятимизнинг энг сара ютуқлари, миллий анъаналаримиз, аждодларимиз динига бўлган садоқатимиз билан уйғунлашиб кетган йўл - биз учун ўзгармасдир.

Мана шу барча қадриятларга содик қолган ҳолда биз, айни вақтда ўз келажагимизни Европа тараққиёти, маданияти ва ривожланган иқтисодиётiga интеграциялашувда кўрамиз. Бунда, фикримизча, ҳеч қандай қарама-қаршилик йўк.

Хонимлар ва жаноблар!

Энди, ижозатингиз билан, бугунги кунда умуман Марказий Осиё минтақасида юзага келаётган вазият, шунингдек, уни бевосита белгиловчи омиллар ҳақида қисқача тўхталиб ўтсан.

Минтақадаги ҳолатга у ёки бу даражада таъсир этаётган бир қанча омиллар орасидан мен сўнгги пайтгача вазиятга жиддий салбий таъсир кўрсатаётган, жамиятда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий янгиланишлар йўлидан олға силжишимизга ғов бўлаётган энг муҳим икки омилни ажратиб кўрсатган бўлар эдим.

Улардан биринчиси - қўшни Афғонистонда 20 йилдан ортиқ давом этган уруш бўлиб, унинг оқибатида бу мамлакат аслини олганда, турли тоифадаги халқаро террорчилар ва экстремистларнинг полигонига, эҳтимолки, дунёдаги энг йирик наркотиклар ва наркотрофик манбаига айланиб қолди.

Халқаро терроризмнинг 2001 йилнинг сентябрида Нью-Йоркда амалга оширган ваҳшиёна хуружи бизга шунча йиллар давомида таҳдид солиб келган мана шу ёвуз кучнинг бутун инсоният учун қанчалик катта хавф туғдириши мумкинлигини кўрсатди.

АҚШ бошчилигидаги антитеррор коалициянинг ташкил этилиши натижасида жангари толиблар, терроризмнинг уяси ва базаларининг яксон қилинишигина минтақадаги давлатлар ва халқларга осойишталик келтирди.

Авваламбор, халқаро ҳамжамиятнинг дикқат-эътибори ва катта ёрдами туфайли Афғонистонда кечаётган бугунги ижобий жараёнлар

нафақат мамлакатнинг тинч қайта тикланиши, балки улкан Марказий Осиё ҳудудида давлатлараро алоқаларни қамраб олувчи кенг миқёсли коммуникация лойиҳаларини амалга ошириш учун имконият яратади. Бундан эса минтақадаги аксарият давлатлар ҳамда халқаро молиявий тузилмалар teng манфаатдордир.

Иккинчи омил - бу СССР парчаланиб кетганидан кейинги даврдаги бутун собиқ шўро давлати ҳудудида, шу жумладан, бизнинг минтақамизда кечаётган, ўз табиатига кўра объектив бўлган жараёнлардир.

Бу - тоталитар, маъмурӣ-буйруқбозлиқ, тақсимот тизимидан биз учун янги бўлган демократик ҳукуқий тизимга ўтиш, эркин бозор иқтисодиёти асосларини шакллантириш жараёнларининг бирмунча оғир ва мураккаб кечаётганидир.

Мамлакатларимизда амалга оширилаётган демократик ҳамда бозор ислоҳотларининг турли даража ва миқёсда экани минтақа ҳудудида кўшма лойиҳаларни амалга оширишга жиддий тўсиқ бўлмоқда.

Аммо мазкур анжуманнинг барча иштирокчилари учун шу нарса аниқ бўлиши керакки - бугун Марказий Осиё минтақасида иқтисодиётнинг турли соҳаларида кенг кўламли инвестиция ва интеграция лойиҳаларини амалга ошириш учун, ҳеч бир муболағасиз, бекиёс истиқболлар очилмоқда, капитал ва товарлар учун қудратли ва улкан бозор юзага келмоқда, бир сўз билан айтганда, муваффақиятли бизнес учун зарур шарт-шароитлар мавжуд ва яратилмоқда.

Биз, албатта, бундай истиқболларни кўролмайдиган кучлар борлигини ҳам эътибордан сокит қила олмаймиз.

Минтақадаги умумий вазиятни ўта мураккаб деб кўрсатишга, Афғонистондаги барқарорлик бузилиши, толибларнинг, турли хил жангари диний ва террорчилик гуруҳларининг қайта бош кўтаришлари мумкинлиги ҳақида башорат қилишга уринишлар ҳам йўқ эмас.

Минтақада бизнес ва инвестициялар учун маълум бир хавф мавжудлиги ҳақида кўп гапирилмоқда. Бу борада нима дейиш мумкин?

Тўғри, Афғонистонда ҳақиқий тинчлик ва барқарорлик

ўрнатилишига ҳали анча вақт бор.

Аммо, шунча воқеаларни биргаликда бошимиздан кечиргандан сўнг, жаҳон ҳамжамияти Афғонистоннинг қайта тикланиши йўлида давом этилаётган ижобий жараёнлар орқага чекинишига йўл кўймайди, дея ишонишга бугун бизнинг барча асосларимиз бор.

Ирокни қуролсизлантириш бўйича олиб борилган ҳарбий операцияларнинг бошланишидан олдин ҳам, бу жанговар ҳаракатлар жараёнида ҳам уларнинг фожиали ва ҳалокатли оқибатларга олиб келиши, биринчи галда Марказий Осиё минтақасидаги вазиятни издан чиқариши хусусида жуда кўп башоратлар, тахминлар ва фикрлар билдирилди.

Ўзбекистон, сизларга яхши маълумки, аввалбошданоқ бу масалада аниқ ва қатъий йўл тутиб, АҚШнинг позицияси ва сиёсатини қўллаб-кувватлади.

Айтиш жоизки, Ўзбекистоннинг ушбу принципиал, айни вақтда пухта, чуқур ўйланган позицияси кўп жиҳатдан минтақада Ирок муаммоси бўйича эҳтиросларнинг авж олишига йўл қўймади.

Сўнгги йилларда рўй берган воқеалар мамлакатларимизнинг бугуни ва эртанги куни учун динлароро ва миллатлароро тотувликни мустаҳкамлаш, минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш борасидаги барчамизнинг саъй-ҳаракатларимизни бирлаштириш накадар катта аҳамиятга эга эканлигини такрор ва такрор тасдиқламоқда.

Барчамиз муносабатларимиздаги самимийлик, очиқлик ва эркинлик иқтисодий тараққиётимиз учун улкан аҳамиятга эга эканлигини, интеграциялашув жараёнларини жадаллаштириш ҳамда минтақада ягона умумий бозорни шакллантириш қанчалик мухимлигини яхши тушуниб турибмиз.

Марказий Осиё ҳудуди геосиёсий рақобат ва ҳарбий-сиёсий блоклар шаклланадиган майдонга айланмаслиги, унинг улкан ресурс ва иқтисодий салоҳияти эса ушбу минтақада яшаётган ҳалқлар тараққиёти ва фаровонлигидан манфаатдор бўлганларнинг барчаси учун очиқ бўлиши керак, десам, ўйлайманки, ҳамкасларимнинг умумий фикрини ифода этган бўламан.

Муҳтарам анжуман иштирокчилари! Хонимлар ва жаноблар!

2001 йил 11 сентябрдан кейинги воқеалар ривожини Афғонистон ва Ирекда олиб борилган террорчиликка қарши тадбирлар якунларини диққат билан кузатаётганларнинг барчаси дунё сиёсий ва иқтисодий харитасидаги ахвол, кучлар мувозанати қанчалик тез ўзгараётгани, ҳақиқатан ҳам оламшумул, биринчи навбатда, коммуникация лойиҳаларини амалга ошириш учун қандай имкониятлар очилаётганини қайд этмаслиги мумкин эмас.

Энди, ижозатингиз билан, ҳалқаро иқтисодий ва сиёсий муносабатлар тизимида тобора кўпроқ аҳамият касб этиб бораётган Марказий Осиё ва Кавказнинг улкан геостратегик ва геосиёсий, бой ресурс имкониятларига эга минтақалар сифатидаги ўрни хусусида тўхталиб ўтмоқчиман.

- Ушбу салоҳиятдан фойдаланишнинг асосий йўналишларидан бири - бу, биринчи галда, улкан минтақамиздаги иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашдан иборат бўлмоғи даркор.

Шу муносабат билан Европа Тикланиш ва тараққиёт банки Осиё тараққиёт банки ва Жаҳон банки билан ҳамкорликда ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган ҳамда ушбу жараёнга Марказий Осиё минтақасининг муҳим интеграциялашган қисмига айланиши лозим бўлган Афғонистонни ҳам фаол жалб қилишни кўзда тутувчи минтақавий иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишига кўмаклашса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Бизнингча, бундай ҳамкорликнинг асосий йўналишлари куйидагилар бўлиши керак:

биринчидан, янги, кўп вариантли коммуникация ва транспорт, шу жумладан, автомобиль ва темир йўл тармоғини яратиш. Ушбу тармоқлар келгусида Ҳинд, Атлантика ва Тинч океанларининг муҳим портларига чиқиш имконини берадиган ягона, ўзаро боғланган транспорт коммуникациялари тизимига айланиши лозим. Бу борада ташкил этилаётган коммуникацияларнинг ишончлилиги ва хавфсизлигини таъминлаш, логистика тизими, юкларни энг кам сарф-харажат ва божхона тўсиқларисиз юклаш, транспортда ташишнинг самарали механизмини яратиш зарур;

иккинчидан, минтақа мамлакатларининг углеводород хомашёсига бой захираларининг истиқболли бозорларга чиқишини

таъминлайдиган магистрал қувурларни модернизация қилиш ва ривожлантириш;

учинчидан, сув ресурслари самарадорлигини ошириш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича мақсадли дастурни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

тўртинчидан, амалдаги магистрал тармоқлар ва электр қувватини ишлаб чиқарувчи тизимларни модернизация қилиш, шунингдек, энергетика ресурсларидан самарали фойдаланишини таъминлайдиган минтақавий инфратузилмаларни ривожлантириш;

бешинчидан, минтақа мамлакатларига кескин ижтимоий ва экологик муаммоларни ҳал этишда ёрдам бериш борасида сайд-харакатларни мувофиқлаштиришга, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимини ривожлантиришга кўмаклашиш.

Ушбу йўналишларни муваффақиятли амалга ошириш минтақалараро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, Буюк Ипак йўлини замонавий асосда қайта тиклаш борасида муҳим қадам бўлади.

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!

Европа Тикланиш ва тараққиёт банкининг шўро салтанати қулаганидан кейин мустақилликка эришган мамлакатлар билан тенгдош эканида чуқур рамзий маъно бор.

Мамлакатларимизни қайта тиклаш ва янгилаш борасида босиб ўтган мураккаб йўлимизни таҳлил қилиш, келажакда минтақавий ва ҳалқаро интеграциялашув бўйича белгиланган режалар, умумэтироф этилган демократик мезонлар ва қадриятларга эришиш бизга келажакка ишонч ва умид билан қараш имконини беради.

Биз ўз олдимизга қўйган мақсадларга эришиш бугунги кунда ислоҳотлар стратегиясини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда муҳим шеригимизга айланган Европа Тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорликни кучайтиришга кўпроқ боғлиқ деб биламиз.

Ишонаманки, ўтказилаётган Бизнес-форум ва мамлакатлар тақдимотлари жараёнида ишбилармон доираларнинг обрўли вакиллари янги алоқалар ўрнатишади ва янги истиқболли лойиҳаларга асос солишади. Шу кунларда бўлиб ўтадиган самарали муносабатларимизни янада тараққий эттириш ва кўп

томонлама ҳамда иккитомонлама асосда ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам беришига умид қиласан.

Аминманки, шу кунларда сизлар ўзбек халқининг очиқ кўнгиллиги ва меҳмондўстлигини ҳис қиласиз, унинг кўп асрлик тарихи, бой маънавий мероси, миллий маданияти ва анъаналари билан танишиш имконига эга бўласиз, янги дўстлар ва бизнес ҳамкорлар орттирасиз.

Сўзим якунида инглиз ёзувчиси ва сайёхи Редъядр Киплингнинг "Шарқ бу - Шарқ, Ғарб бу - Ғарб ва улар ҳеч қачон бирлашмайди", деган иборасини эслатмоқчиман.

Ўйлайманки, Киплинг унчалик хақ эмас. Бизнинг бугунги форум, Европа ва Марказий Осиё вакилларининг, ҳақли равишда "Шарқ дарвозаси" деб ном олган Тошкент шаҳрида битта залда тўплангани ва саъй-ҳаракатларимизни халқларимиз фаровонлиги йўлида бирлаштириш истиқболларини биргаликда муҳокама этаётгани шундан далолат беради.

Эътиборингиз учун ташаккур.

2003 йил 4 май

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ ҒАФУР ҒУЛОМНИНГ ҲАЙКАЛИ ОЧИЛИШИГА БАФИШЛАНГАН МАРОСИМДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Бугун Ўзбекистонимизнинг маданий ва маънавий ҳаётида катта бир воқеа. Бугун халқимиз ўзининг севимли шоири, буюк адабимиз, академик Ғафур Ғуломнинг 100 йиллик таваллуд тўйини нишонламоқда.

Домла Ғафур Ғулом шахси, хотираси ва мероси ҳакида гапиргандга, биз бу улуғ инсонни, аввало, кенг, том маънода халқ шоири, деб қиёс этамиз, унинг ўлмас номи ва сўнмас ижоди олдида бош эгамиз.

Халқимизнинг асл табиати, теран маънавиятини, орзу-интилишларини ҳақиқий ўзбекона тил ва тафаккур билан ифода этган, адабиётимизнинг яқин тарихида камдан-кам топиладиган Ғафур Ғуломдай беназир ижодкор кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Ўз сиймосида халқни халқ, миллатни миллат қиласидиган эзгу фазилат ва алматларни мужассам этган бу забардаст сўз санъаткори "Мен ўзбек шоириман, ўз халқимнинг тилиман" деганида мутлақо ҳақ эди.

Ғафур Ғуломни биз, аввалимбор, Ўзбекистонимизнинг табаррук тупроғини жон-дилидан севган, ўз тақдирини она юрт тақдирни билан чамбарчас боғлаган, бошига дўпписини дол қўйиб, жаҳонга бағрини кенг очиб, ўзининг оддий ва соддалиги, айни пайтда буюклиги билан ажралиб турадиган инсон сифатида тасаввур этамиз.

Ғафур Ғулом ижодининг яна бир ажойиб қирраси муқаддас Ватанимизни улуғлашда, бепоён ўлқамизнинг шаҳар ва қишлоқлари, тоғу тош ва дала-даштларида яшайдиган одамлар қалбида она юртга муҳаббат ва ғурур-ифтихор уйғотишда, айниқса, яққол кўринади.

Ўз халқининг шаъни ва обрўсини дунёга тараннум этишни, керак бўлса, уни ҳимоя қилишни дил амри, виждан иши деб билган

Faafur Fуломнинг шўро давридаги турли тазиикларга қарамай, "Қадим ўзбек халқисан, асл одам авлоди, Миср эҳромларидан тарихинг қарироқдир" дея баралла айтган сўзлари ҳар биримизнинг ғуруримизга ғурур, фахримизга фаҳр кўшади, албатта.

Ўйлайманки, унинг юртимизни, миллатимизни камситмоқчи бўлган айрим кимсаларга карата, бизнинг аждодларимиз логарифманинг мураккаб масалаларини ҳал қилган пайтда, сизларнинг ота-бобонгиз ўн бармоқни ҳам санай олмасди, деган шеърий жавобини бугун ҳам кўпчилик яхши эслайди.

Коммунистик мафкура хукмрон бўлиб турган мустабид бир замонда мана шундай дадил фикрларни айта олган буюк шоирнинг маънавий жасорати олдида таъзим қилсан арзиди.

Faafur Fулом ҳақида сўз юритганда, биз, аввало, бу инсонга Худонинг ўзи ато этган яна бир хусусиятни - унинг табиатига хос бўлган юксак инсонпарварлик фазилатини, айниқса, қадрлаймиз. Миллатимизнинг қонига, суяқ-суягиға сингиб кетган бундай эзгу туйғуларни зўр маҳорат билан баланд пардаларда қўйлаган бу улуғ ватандошимизнинг ижоди шу боис ҳам жаҳоннинг жуда кўп мамлакатларида шухрат қозонган.

Faafur Fулом ўзининг "Сен етим эмассан, тинчлан, жигарим" деган шафқат тўла сўзлари билан Иккинчи жаҳон урушида ота-онасиз қолган, турли миллат ва элатга мансуб бўлган минглаб етим болаларнинг бошини силаган ўзбек халқининг бағрикенглигини, чексиз меҳру саховатини бутун дунёга кўрсатиб берди, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Faafur Fуломдек буюк зотнинг ижодий мероси ҳақида, унинг бекиёс аҳамияти ҳақида кўп гапириб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман. Буни шоир ижодининг муҳлислари бўлган сиз азизлар яхши биласиз.

Бугун Faafur Fуломнинг 100 йиллик таваллуд тўйи муносабати билан Ўзбекистонимизнинг олис-яқин барча жойларида адабиёт ва санъат аҳли, зиёлилар, кенг жамоатчилигимиз илмий анжуман ва мушоиралар, учрашув ва хотира кечалари ўтказиш орқали бу улуғ инсонга ўз меҳр-муҳаббатини изҳор этмоқда.

Шоир туғилиб ўсган, ўзи чексиз меҳр билан улуғлаган азим

Тошкент шаҳридаги энг чиройли боғда, пойтахт аҳолиси ва меҳмонлар билан доимо гавжум бўладиган гўзал масканда қад ростлаган мана шу улуғвор ҳайкал ҳам халқимизнинг Faafur Fулом даҳосига бўлган хурмат ва эҳтиромининг яна бир тимсолидир.

Йиллар, асрлар ўтади. Ишонаманки, келажак авлодларимиз Faafur Fуломнинг ҳали кўп-кўп таваллуд тўйларини нишонлайди.

Шубҳа йўқки, бу улуғ зотнинг Ватанга садоқат, ҳаётга, инсонга муҳаббат туйғулари билан йўғрилган бетакрор асарлари янги насларнинг ҳам маънавий-руҳий шаклланишига, ёшларимизнинг камолотига хизмат қиласди.

Фарзандларимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт қуриш ва шу ҳаётдан баҳраманд бўлиб яшашида доимо ўзининг ижобий таъсирини ўтказиб туради.

Ва бу буюк шоир яқин тарихимизда яшаб ўтган ўнлаб маданиятимиз намояндалари қаторида ўзбек адабиёти ва санъатининг ёрқин машъали бўлиб қолади, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Faafur Fуломнинг асарлари, номи ва хотираси боқий бўлсин.

2003 йил 10 май

**В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ
ЖАМОАСИГА**

Азиз дўстлар!

Барчангизни - ишчилар, муҳандис-техник ходимлар ва хизматчиларни, бутун кўпмиллатли жамоани корхона ташкил этилганлигининг 70 йиллиги муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Авиация саноати давлатнинг илмий ва техникавий имкониятларини, унинг иқтисодий қудрати ва хавфсизлигини белгилаб берадиган асосий тармоқлардан биридир.

Ўзбекистон саноатининг байроқдори бўймиш сизларнинг бирлашмангиз ўзининг бой меҳнат анъаналари, ноёб ишлаб чиқариш базаси, ғоят катта интеллектуал салоҳияти билан ушбу жараёнга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ҳаётимнинг энг яхши йиллари ўтган ушбу корхонада юқори малакали мутахассисларнинг фидокорона меҳнати билан бунёд этилган қанотли машиналар деярли барча қитъалар узра парвоз қилиб, мустақил Ўзбекистоннинг шоншуҳратини тобора юксалтироқда.

Бирлашманинг Ильюшин номидаги тажриба-конструкторлик бюроси, Антонов номидаги тажриба-конструкторлик бюроси каби етакчи конструкторлик ташкилотлари билан йўлга қўйган самарали ҳамкорлиги турли хил ҳаво кемаларининг бутун бир туркумини ўзлаштириш имконини берди. Бугунги кунда замонавий, тубдан янгиланган ИЛ-76 транспорт самолётларининг кўплаб ишлаб чиқарилаётгани, ўртacha масофаларга учувчи, йўловчи ташийдиган, янги авлодга мансуб ИЛ-114 ҳаво лайнерини ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани - бутун бирлашма жамоасининг сабот-матонат ва кунт билан қилган меҳнати натижасидир.

Мен, фурсатдан фойдаланиб, барча меҳмонларимизга - Россия

Федерациясининг намояндалари ҳамда улар орқали кооперация асосида ҳамкорлик қилиувчи корхона ва ташкилотларнинг жамоаларига, Ильюшин номидаги тажриба-конструкторлик бюроси, Миль номидаги конструкторлик бюроси ва заводи вакилларига, Давлатлараро авиация қўмитаси ва Россия куролли кучларининг вакилларига, бир сўз билан айтганда, бугунги муваффақиятларга эришишда бирлашмани қўллаб-куватлаган ва унга ёрдам берганларнинг барчасига алоҳида миннатдорлик ҳис-туйғуларини изҳор этаман.

Бундай муваффақиятларга иқтисодиётнинг бозор моделига ўтишдек мураккаб шароитларда эришилгани, айниқса, диққатга сазовордир. Шу йиллар мобайнида бирлашмада ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш борасида тажриба тўпланди, жаҳон авиация техникиси бозорида қизғин иш олиб борилди. Бирлашма томонидан бутун дунёга машҳур "Боинг" компанияси билан ўзаро манфаатли ишлаб чиқариш муносабатлари ўрнатилгани, жаҳон авиасозлик саноатининг илғор вакиллари бўлган "Прайтт энд Уитни", "Коллинз", "Эллад Сигнал" фирмалари билан ҳамкорлик алоқалари боғланганини таъкидлаш лозим.

Ишончим комилки, бирлашма меҳнат жамоаси бундан буён ҳам жаҳон авиасозлиги билан фаол интеграциялашув жараёнларида фаол иштирок этиб, ўз бурчига садоқат ва чинакам ватанпарварлик фазилатларини намоён этаверади.

Азиз дўстлар, ҳаммангизга чин қалдан мустаҳкам соғлиқ, ишда янгидан-янги муваффақиятлар, оиласангизга баҳт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Самимий эҳтиром ва миннатдорлик туйғулари билан

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти*

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ САММИТИДАГИ НУТҚ

(Москва шаҳри, 2003 йил 29 май)

Муҳтарам Раис жаноблари!

Хурматли давлатлар раҳбарлари ва делегациялар аъзолари,

Хонимлар ва жаноблар,

Ўзбекистон Республикаси делегацияси номидан Россия Федерацияси раҳбариятига, шахсан Президент Владимир Владимирович Путинга бизга кўрсатилаётган меҳмондўстлик ва ушбу анжуманинг юқори савияда ташкил этилгани учун самимий миннатдорлик изҳор этишга руҳсат бергайсиз.

Ўз мамлакати номидан Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммитида илк бор иштирок этаётган Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзинтаони қутлаш ҳамда барча давлатлар раҳбарлари ва делегациялар аъзоларига чуқур, самимий миннатдорлик билдириш менга катта мамнуният бағишлади.

Мазкур учрашув, шубҳасиз, ШХТнинг изчил шаклланиш жараёнида алоҳида ўрин тутади. Бугун биз, моҳиятан, ташкилотимизнинг институционализация ва ташкилий асосларини шакллантириш жараёнини якунига етказмоқдамиз, биргаликдаги харакат ва ҳамкорликнинг сифат жиҳатдан янги босқичига чиқиш учун зарур ҳуқуқий пойдеворни яратмоқдамиз.

Имзоланадиган муҳим ҳужжатларни муҳокама этиш ва тайёрлаш чоғидаги амалий, дўустона ва ҳар бир мамлакат манфаатларини инобатга олувчи руҳ ҳукмрон бўлганини катта мамнуният билан қайд этмоқчиман.

Биз ШХТнинг Ижрочи котиби лавозимига тайинлаш учун жаноб Чжан Дэгуан номзодини қўллаб-қувватлаймиз, унга бундай масъул ишда муваффақият ва самарали ташаббускорлик тилаймиз.

Хурматли учрашув қатнашчилари!

Биз жадал ривожланаётган ва ўзгараётган дунёда яшаётганимиз сир эмас. Халқаро барқарорликка қарши янги таҳдидлар майдонга чиқмоқда, низолар ва хавфларнинг хусусияти тубдан ўзгармоқда.

Дунё ҳалқаро террорчилик, радикал экстремизм, айирмачилик ва наркотрафикнинг тобора кенгайиб бораётган кўламлари, ядро куроли ва оммавий қирғин қуроли тарқалиши хавфига дуч келди.

Кўз ўнгимизда замонавий дунёнинг геосиёсий, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация қиёфасида фундаментал ўзгаришлар ясадиган чуқур жараёнлар рўй бермоқда.

Яна бир гап шуки, ҳалқаро ҳаётдаги сўнгги воқеалар ўткир низоли муаммоларни ҳал қилишнинг анъанавий, шакллангандек туюлган ёндашув ва услублари ҳар доим ва ҳар соҳада ҳам ўз самарасини кўрсата олмаётгани ва лўнда қилиб айтганда, такомиллаштирилиши зарурлигидан далолат бермоқда.

Ўйлайманки, сўнгги йиллар воқеаларининг мантиқий давоми, бутун дунёда вазиятнинг жадал ўзгариши, шак-шубҳасиз, Марказий Осиё минтақасига жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини янада кучайтиришини исботлаб ўтириш шарт эмас.

Бу, биринчи навбатда, минтақанинг нафақат геостратегик ўрни, улкан табиий-иқтисодий ва минерал хомашё захираларига бойлиги, балки Афғонистонда 20 йилдан ортиқ давом этган уруш тугаши билан пайдо бўлаётган янги имкониятлар билан боғлиқ.

Табиийки, бундай истиқболга эришиш учун ҳали кўп иш қилиниши кераклиги ва биринчи галда воқеаларнинг салбий ўйналишда ривожланишининг олдини олиш, X. Карзай раҳбарлигидаги марказий ҳукуматга умумий мақсадга эришиш - узок муддатли тинчлик, барқарорлик ва мамлакат тикланишини таъминлаш йўлида этник, минтақавий ва диний кучларни бирлаштириш учун амалий ёрдам кўрсатиш даркорлигини яхши тушунамиз.

Қисқача айтганда, ечилмаган муаммолар ва анчагина ташвишли аломатлар мавжудлигига қарамай, воқеалар ижобий томонга бурилмоқда ва вазиятни барқарорлаштириш, минтақани узок муддатли, барқарор ривожлантиришга қаратилмоқда, дейишга бугун барча асослар етарли.

Бу йўналишларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг тутган ўрни бекиёс, у шакллангани сари минтақадаги таъсири, шубҳасиз, муттасил кучайиб боради.

Муҳтарам давлатлар раҳбарлари!

ШХТнинг ривожланиши ва нуфузи ортиши хамда бугун шакллантирилаётган ташкилий тузилмаларнинг вазифалари ҳақида гапирганда қуйидаги масалаларга қисқача тўхтамоқчиман.

Биринчидан. Мен Владимир Владимирович Путиннинг бугун шакллантирилаётган ШХТ халқаро сиёсатнинг амалий органи сифатида ўз ўрнини топиши, унда ШХТ таркибига кирувчи ҳар бир мамлакатнинг манфаатлари инобатга олиниши кераклиги ҳақида бу ерда билдирган фикрига тўла қўшиламан. Ўйлайманки, бунда блокларга бўлинишлар ва минтақадаги рақобатчиликнинг ҳар қандай кўринишлари мутлақо самараасизdir.

Иккинчидан. Халқаро террорчилик, радикал, тажовузкор экстремизм ва айирмачилик, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш, ҳеч муболағасиз, ШХТ фаолиятининг энг муҳим таркибий қисмига айланмоқда. Айнан шу вазифаларни ҳал қилиш учун Минтақавий аксилтеррор марказ тузилмоқда.

Бу ўринда, террорчилик ҳаракатлари кўринишларини бартараф этиш билан бир қаторда, бундай ғайриинсоний таҳдид ортида турган унсурларга қарши аниқ йўналтирилган кураш хам муҳим аҳамият касб этади.

Биз ақидапарастлик мафкураси деб атайдиган ёвуз куч, биринчи навбатда, ёшларимиз онгини эгаллаётган ва заҳарлаётган, уларни ўзининг итоаткор куролига айлантираётган мафкура йўлига мустаҳкам тўсиқ қўйиш, бугунги кунда муайян жиноий террорчи гурухларни йўқ қилишдан кўра кўпроқ аҳамият касб этмоқда.

Минтақамизда "Хизбут-тахрир" каби экстремистик, айирмачилик ташкилоти фаолияти тобора хавфли тус олмоқда. У конституциявий дунёвий давлат тузумига қарши чиқиб, ўрта асрлардаги ислом халифалигини тузиш тўғрисидаги бўлмағур ғояни тарғиб қилмоқда.

Дарвоқе, бу реакцион ақидапарастлик ҳаракати деярли барча араб мамлакатларида тақиқланган, яқинда минтақанинг кўпгина

мамлакатлари ва Россияда ноқонуний деб эълон қилинди.

Лекин, таассуф билан тан олиш керакки, бу ёвуз кучга қарши курашдаги ҳаракатларимизда ҳамжиҳатлик ва изчиллик кўзга ташланмаяпти. Бу эса, ўз навбатида, бутун минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш ҳамда мустаҳкамлашга таъсир кўрсатмай қолмайди.

Учинчидан. Келажакда ШХТ фаолиятида иқтисодий йўналиш изчил юксалиб бориши шубҳасиз. Бугун бу ҳақда кўп ҳамкасларим гапиришди. Турмуш шароитини тубдан яхшилаш ва муносиб келажакни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш - бу, пировардида, халқларимиз кутаётган мақсад-муддаодир.

Бугун биз камбағаллик, аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий ва иқтисодий тараққиётдаги ечишмаган муаммолар ҳакида гапирияпмиз. Миграция масалалари ҳам муайян кескинлик касб этмоқда. Бу ва бошқа мураккаб муаммоларнинг ҳал этилмагани мамлакатларимиз ва бутун минтақа келажаги учун катта хавф солмоқда.

Шу боис ШХТ доирасида ҳам интеграция, умуммintaқавий бозор яратишга ягона ёндашувларни ишлаб чиқиш борасида биргаликда ишлашимиз жуда муҳим аҳамиятга эга. Аминманки, бу масалаларнинг ҳал этилиши ШХТга аъзо барча давлатларнинг асосий манфаатларига бир хилда мос келади.

Шу маънода транспорт-коммуникация лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамкорлигимизнинг энг муҳим стратегик йўналиши бўлиши даркор. Гап, аввало, Марказий Осиё ва Хитойни Россия, Европа ва жаҳон бозори билан боғлайдиган, мамлакатларимиз ижтимоий-иктисодий ривожланиши, минтақага кенг кўламда инвестициялар келишини таъминлаш учун мисли кўрилмаган имкониятлар очадиган йўналишлар ҳақида бормоқда.

Юкоридагилардан хулоса қилиб, яна бир бор ишонч билан айтмоқчиманки, ШХТ давлатлари раҳбарларининг ушбу саммити муҳим воқеа бўлиб қолади ва мамлакатларимиз ҳамда бутун минтақа хавфсизлиги, барқарорлиги ва ўзаро манфаатли ҳамкорлигини мустаҳкамлаш йўлида янги имкониятлар очади.

Эътиборингиз учун раҳмат.

2003 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЙТИ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА БУ СОҲАЛАРДА ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЧОРА-ТАДБИRLАР ҲАҚИДА

Хурматли мажлис қатнашчилари!

Бугунги йиғилишимиз кун тартибига қўйилган асосий масала - бу 2003 йилнинг биринчи ярми якунларининг муҳокамаси.

Сизларга яхши маълумки, биз шу йил бошида мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, 2003 йил ва кейинги йилларда иқтисодиётимизни янада эркинлаштириш ҳамда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган устувор йўналишларнинг аниқ дастурини белгилаб олган эдик.

Бугун ана шу дастур талабларидан келиб чиққан ҳолда, жорий йилда ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларга эришиш йўлида қандай ҳаракат қилаётганимизни танқидий ва принципиал нуқтаи назардан баҳолаш кўзда тутилмоқда.

Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, ўтган вақт мобайнida ижтимоий-иктисодий ҳаётимизнинг барча соҳаларида изчил ривожланиш ҳаракатлари давом этди.

Мамлакатимизда макроиктисодий ва молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш, тўлов интизомини яхшилаш, иқтисодиётимизда мутаносибликни кучайтириш йўлида ижобий натижаларга эришилди.

Биринчи ярим йилликда ялпи ички маҳсулот ҳажми 3,8 фоизга ўсди. Иқтисодиётнинг деярли барча соҳа ва тармоқлари жадал ва изчил ривожланди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми - 5,5 фоизга, истеъмол моллари - 4 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари - 3,8 фоизга, инвестициялар ҳажми эса 2,6 фоизга қўпайди. Аҳоли

бандлиги ўсиш суръатларининг барқарорлиги сақлаб қолинди - бу кўрсаткич 102,8 фоизни ташкил этди.

Буларнинг барчаси ва биринчи навбатда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида, ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2,6 фоиз, реал даромадларни эса 8 фоизга кўпайтириш имкони пайдо бўлди.

Биз йил бошида мамлакатимизда бюджет соҳасида изчил ва қаттиқ кредит-молия сиёсатини ўtkазиш, шу тартибга қатъий амал қилиш орқали бюджет даромадлар ва харажатлар қисмининг жорий йил учун тасдиқланган кўрсаткичларини бажариш, шунингдек, бюджет камомадини қоплашга қаратилган инфляцион манбаларга барҳам беришга қарор қилган эдик.

Натижада биринчи ярим йилликда давлат бюджетининг бажарилиши таъминланди ва ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,5 фоиз профицит билан якунланди. Корхоналарнинг солик юкини енгиллаштириш ва солик тизимини унификация қилиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар ҳам биринчи ярим йиллик якунларига ўзининг ижобий таъсирини ўtkазди.

Маълумки, 2003 йилдан бошлаб фойдадан олинадиган солик ставкаси 24 фоиздан 20 фоизга, юридик шахслар учун иш ҳаки фондидан ижтимоий суғурта ажратмалари 37,3 фоиздан 35 фоизга пасайтирилди. Шунингдек, айрим солик турлари умуман бекор қилинди.

Бу чора-тадбирлар маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий ахволини яхшилашга, корхоналарнинг инвестиция соҳасидаги фаоллигини оширишга хизмат қилди. Биринчи ярим йиллик мобайнида корхоналарнинг ўз инвестициялари ҳажми 18 фоизга ортди ва у иқтисодиётга йўналтирилган барча инвестицияларнинг 46 фоизини ташкил этди.

Банк тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда тижорат банклари фаолиятида ҳам ижобий тенденциялар кўзга ташланмоқда. Олтин-валюта захираларимиз сезиларли даражада ўсди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида тижорат банкларининг жами

маблағлари 32 фоизга ортди, кредитларнинг қайтарилиш даражаси яхшиланди. Бу эса, ўз навбатида, ўтган ярим йилликнинг ўзида берилган кредитлар ҳажмини 36 фоиз оширишга имкон туғдирди.

Аҳолининг банк тизимига бўлган ишончи ҳам ортиб бормоқда.

Буни одамларимизнинг депозит ҳисоб-рақамларига қўйган омонатлари 44 фоизга ортгани ҳам кўрсатиб турибди. Банк хизматлари тармоғи сезиларли даражада кенгайди, хусусий ва минибанклар сони кескин равишда ортди. Мана шу ҳисобот даврининг ўзида хусусий банклар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб икки баравар кўпайди.

Агар 2000 йилда мамлакатимиз бўйича ҳаммаси бўлиб 15 та минибанк фаолият кўрсатган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 530 тадан ошиб кетди. Кичик ва ўрта корхоналар, фермер хўжаликларининг банк тизими хизматларидан фойдаланиш имкониятлари анча кенгайди.

Қаттиқ пул-кредит сиёсатини ўтказиш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий интизомини мустаҳкамлаш бўйича кўрилаётган чоралар, ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган рақобатга бардошли маҳсулотлар билан тўлдириш борасида амалга оширилган аниқ тадбирлар инфляция суръатларини пасайтиришда ижобий роль ўйнамоқда.

Агар 2002 йилнинг биринчи ярмида инфляция суръатлари 14,4 фоизни ташкил этган бўлса, бу йил ушбу кўрсаткич 4,2 фоиздан иборат бўлди. Бу эса, табиийки, миллий валюта - сўмимизни ҳар томонлама бақувват қилишда ўзининг ижобий таъсирини ўтказмоқда.

Биринчи ярим йилликда валюта сиёсатини янада эркинлаштириш, банкларaro валюта бозорини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича муҳим натижаларга эришилди.

Валюта сиёсатини эркинлаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида амалда миллий валютамизнинг алмашиш курслари унификация қилинди, биржадан ташқари ва бошқа валюта бозорларида шаклланган курслар ўртасидаги фарқ деярли барҳам топди.

Бугунги кунда бизнинг олдимизда турган асосий вазифа,

сўмнинг жорий операциялар бўйича конвертациясига эришганимиздан сўнг, унинг алмашув курсини барқарор равища сақлаб туриш учун барча шарт-шароитларни яратишдан иборат.

Бу иқтисодий сиёсатимизнинг энг муҳим йўналишларидан бири бўлмоғи керак. Бунинг учун эса бизда барча зарур омиллар - маблағ ҳам, имкониятлар ҳам мавжуд.

Июнь ойида Халқаро валюта жамғармаси вакиллари Тошкентда бўлиб, мамлакатимизда валюта режимини эркинлаштириш бўйича кўраётган чора-тадбирларимизга юқори баҳо берди.

Мазкур жамғарма билан ҳамкорликда жорий халқаро операциялар бўйича миллий валютамиз конвертациясини таъминлашга доир ҳаракат режаси ишлаб чиқилди.

Бу режанинг муваффақиятли амалга оширилиши шу йилнинг ўзидаёқ Ўзбекистон учун Халқаро валюта жамғармаси Битимининг 8-моддасига тегишли барча стандартларни қабул қилиш имконини беради.

Мамлакатимизнинг ташқи савдо фаолиятида, экспорт ва импорт таркибида ижобий силжишлар рўй бермоқда. Ўтган ярим йил мобайнида ташқи савдо айланмаси қарийб 23 фоизга, шу жумладан, экспорт 41 фоизга ошди.

Айни пайтда, биринчи ярим йилликда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан тайёр маҳсулот экспортининг ҳажми 1,6 марта ўсганини, унинг экспорт таркибидаги улуши 35 фоиздан 41 фоизга кўтарилиганини ҳам айтиб ўтишимиз керак.

Ташқи савдода 530 миллион АҚШ доллари миқдорида ижобий сальдога эришилди. Мамлакатимизнинг тўлов баланси янада мустаҳкамланди. Ўзбекистон ўзининг барча ташқи мажбуриятлари бўйича ҳисоб-китобларни ўз муддатида амалга оширмоқда.

Иқтисодий ривожланган мамлакатлар билан ташқи савдо алоқалари кенгайиб, тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари билан ўзаро муносабатларимиз ҳам тобора кучаймоқда.

Узоқ хорижий мамлакатларга маҳсулот экспорт қилиш ялпи экспорт ҳажмининг 77 фоизини, импорт эса 62 фоизни ташкил этмоқда. Бу - мамлакатимиз иқтисодиёти жаҳон иқтисодий тизимига

интеграциялашиб, дунё бозорларидаги кескин рақобат шароитида ўз ўрнини эгаллаб, нуфузини мустаҳкамлаб бораётганидан яна бир далолатдир.

Ана шу сиёсатни амалга оширишнинг муҳим йўналиши - бу ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, маҳаллий хомашёни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган қўшма корхоналар ташкил этиш ҳисобига иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштиришдан иборат.

Ярим йил мобайнида иқтисодиётда капитал қўйилмалар ҳажми 2,6 фоизга ўсида ва бу ялпи ички маҳсулотнинг учдан бирини ташкил этади. Жами инвестицияларнинг 60 фоиздан кўпроғи биринчи навбатда ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантиришга йўналтирилмоқда. Инвестициялар таркибида ҳам ижобий ўзгаришлар содир бўлди, марказлашмаган манбалар, яъни корхоналар маблағлари, тижорат банкларининг кредитлари, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ҳиссаси 56 фоиздан 67 фоизга ўсида.

Ярим йилликда 200 миллион АҚШ долларидан кўпроқ хорижий инвестициялар ўзлаштирилди, шундан 65 миллиони тўғридан-тўғри инвестициялар бўлиб, уларнинг миқдори ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,9 баробарга ортди.

Жорий йилнинг ўтган даврида автомобиль ойналари ишлаб чиқарадиган "Автоойна" акциядорлик жамияти, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган "Олottекс" қўшма корхонаси кувватлари ишга туширилди. "Шўртан" газ-конденсат конида юқори босим берувчи компрессор станцияси қурилиши тугалланиб, ускуналарни синаш ишлари бошланди.

Шунингдек, кўмир саноати конларини техник қайта жиҳозлаш борасидаги ишларнинг биринчи босқичи якунланди, "Сино" очик турдаги хиссадорлик жамиятида совутгичлар ишлаб чиқариш қайта йўлга қўйилди, Фарғонадаги "Азот" ишлаб чиқариш бирлашмасида нитрат кислотаси ва аммиакли селитра ишлаб чиқарадиган линия қурилишининг якуний босқичи тугалланмоқда.

Шу билан бирга, айрим уюшма ва компаниялар локализация, яъни маҳаллийлаштириш дастури доирасида маҳсулот ишлаб

чиқаришнинг белгиланган прогноз кўрсаткичларидан ортда қолмоқда.

Бу кўрсаткичлар "Ўзгўштуссаноат" давлат уюшмасида 21,6 фоиз, "Ўзфармсаноат" давлат концернида 22,4 фоиз, "Ўзпахтасаноат" уюшмасида 23,9 фоиз, "Файз" холдинг компаниясида 40 фоиз, "Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компаниясида 40,3 фоиз, "Ўзкоммунхизмат" агентлигига 40,5 фоиз ва "Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компаниясида 40,9 фоизга бажарилган, холос. Айниқса, ярим йил давомида 33 та лойиха бўйича амалий ишларнинг бошланмагани барчамизни қаттиқ ташвишга солиши лозим.

Хурматли дўстлар!

Биз ярим йиллик фаолиятимиз якунлари ҳақида сўз юритар эканмиз, миришкор ва фидойи деҳқонларимиз, ғаллакорларимизни жорий йилда дон етишириш ва давлатга сотиш бўйича қўлга киритган улкан ғалабалари билан табриклиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Бу йилги ноқулай об-ҳаво шароитига қарамай, деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати билан шу кунга қадар 4 миллион 300 минг тоннадан зиёд ғалла ҳосили ўриб-йигиб олинди. Сурхондарё вилояти ғаллакорлари мамлакатда биринчи бўлиб давлатга дон сотиш бўйича белгиланган топшириқни бажардилар.

Андижон, Бухоро, Навоий, Фарғона, Хоразм ва Самарқанд вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси, бугуннинг ўзида Тошкент ва Наманган меҳнаткашлари ҳам ўз мажбуриятларини муваффакият билан адо этдилар. Қолган вилоятларнинг ғаллакорлари ҳам зиммага олган мажбуриятларини бажариш арафасида турибдилар.

Ҳозирги кунда пахтачилик билан бир қаторда ғаллачилик ҳам қишлоқ хўжалигининг етакчи соҳасига айланиб бораётгани, айниқса, эътиборга сазовор.

Ғалла етишириш маданияти такомиллашиб бормоқда, республикамизнинг мураккаб иклим шароитига мослашган янги, серҳосил буғдой навларини яратишга қаратилган селекция ишлари яхшиланмоқда, етиширилаётган доннинг сифати ва истеъмол хусусиятлари ҳам сезиларли даражада ошмоқда.

Энг муҳими - одамларнинг, биринчи навбатда деҳқонларнинг ерга, ўз меҳнатининг натижасига бўлган муносабати тубдан

ўзгармоқда.

Бугун барчамиз қишлоқда ишлаб чиқариш ва мулкчилик муносабатларини ислоҳ қилиш, дехқон меҳнатини рағбатлантириш накадар улкан самара беришини ғаллачилик соҳаси мисолида яққол кўришимиз мумкин.

Сўнгги беш йил ичida суғориладиган ерларда ғалла ҳосилдорлиги икки мартадан зиёд ортди ва бугунга келиб ҳар гектар хисобига ўртача 43-45 центнерни ташкил этмоқда. Лекин бу хали чегара эмас. Кўплаб хўжаликлар гектаридан 75-80 центнердан ҳосил кўтаришмоқда.

Бу йил мамлакатимиз бўйича, насиб этса, жами 5 миллион тоннадан зиёд дон етиширилади. Ўз моҳият эътиборига кўра бу қадар улкан ғалабани бундан атиги 5-6 йил аввал, яъни биз мамлакатимизда ғалла мустақиллигини таъминлашга қаратилган Миллий дастурни амалга оширишга киришган пайтларимизда фақатгина орзу қилиш мумкин эди, холос.

Қиёслаш учун шуни таъкидлашимиз керакки, 1990-1991 йилларда ҳаммаси бўлиб Ўзбекистонимизда 940 минг тонна ғалла етиширилган, ўртача ҳосилдорлик эса 17 центнерни ташкил қилган. Яъни, ўтган давр ичida ғалла ишлаб чиқариш 5,5 карра ўсган.

Бугун мана шу юксак минбардан туриб, барча ғаллакорларимизга, лафзи ҳалол, мард ва танти дехқонларимизга, барча қишлоқ меҳнаткашларига, хўжалиқ, туман ва вилоят раҳбарларига Ватанимизнинг кудрати, ҳалқимизнинг фаровонлигини ошириш йўлида қилаётган фидокорона меҳнатлари учун чин қалбимдан самимий миннатдорлик изҳор этиш менга чексиз мамнуният бағишлайди.

Юқорида айтилганларга якун ясар эканмиз, ўтган давр ичida Ўзбекистон демократик ва бозор ислоҳотларини чукурлаштириш, иқтисодиётни барқарор ва изчил ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш йўлида салмоқли қадамлар қўйди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Муҳтарам йигилиш иштирокчилари!

Биз ўзимиз танлаган тараққиёт йўлининг ва иқтисодиётимизни

ислоҳ қилишнинг ҳар бир босқичида, шиддат билан ўзгариб бораётган замон талабларига жавоб берадиган ва бошланган янгиланиш жараёнларининг мантиқий давоми бўлган устувор мақсад ва йўналишларни белгилаб олишимизни ҳаётнинг ўзи тақозо этади.

Бундай дастурларимизни бажаришда, аввало, эришган натижаларимизни танқидий баҳолашимиз, бугун олға томон ҳаракат қилишимизга халақит бераётган долзарб муаммоларни аниқлаб олишимиз ва ишни уларни бартараф этиш асосида ташкил қилишимиз зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилнинг биринчи чорагида қабул қилинган, хусусийлаштириш жараёнини ва иқтисодиётдаги хусусий секторнинг ролини кучайтириш ҳамда қишлоқ хўжалиги ва капитал қурилиш каби муҳим соҳаларда ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган қатор фармонлари айнан ана шу масалаларга йўналтирилганини, ўйлайманки, ҳаммангиз яхши биласиз. Мазкур фармонларнинг асосий мазмуни ва бош йўналиши қўйидагилардан иборат:

Биринчидан, иқтисодий муносабатларни янада эркинлаштириш ва давлатнинг иқтисодий фаолият соҳасидаги ролини кескин чегаралаш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига давлат тузилмаларининг сабабсиз аралашувларини бартараф этиши.

Иккинчидан, хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва тезлаштириш, мамлакатда хусусий сектор, фермер хўжаликлари ва тадбиркорлик фаолиятининг кенг ривож топиши учун зарур шартшароитларни яратиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган корпоратив бошқарув тизимини тартибга солиш.

Учинчидан, ҳуқуқий механизmlарни, шу жумладан, рақобатни ривожлантиришга, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларни шартнома асосида шакллантиришга ёрдам берадиган механизmlарни кучайтириш, шартнома тузатиган томонларнинг ҳуқуқлари, ўзаро мажбурият ва масъулиятларини аниқ белгилаб кўйиш.

Шуни яна бир бор таъкидламоқчиманки, бу масалалар ислоҳотларнинг сифат жихатидан янги босқичида ҳал этилиши лозим

бўлган муаммоларнинг ҳаммаси эмас, балки бу йўлдаги энг муҳим, энг принципиал вазифалардир. Уларни амалга ошириш учун барчамиз қатъият ва изчиллик билан, белни маҳкам боғлаб ишлашимиз даркор.

Табиийки, юкорида зикр этилган фармонлар ва қарорлар ижросининг бориши тўғрисида қандайдир хulosалар чиқаришга ҳали эрта. Чунки уларнинг қабул қилинганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Шу билан бирга, бизнинг бир жойда депсиниб туришга ҳам фурсатимиз йўқ эканини ҳаммамиз яхши англаб олишимиз лозим.

Шунинг учун, бугунги имкониятдан фойдаланиб, мен қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши билан боғлиқ, бизни кўп ташвишга солаётган ҳолатлар ҳақидагина тўхталиб ўтмоқчиман.

Ислоҳотларнинг ҳозирги босқичидаги ўта муҳим масала - хусусийлаштириш жараёнларини чукурлаштириш ва ана шу асосда хусусий корхоналарни тузишга кенг шароит туғдириб беришдан иборат. Эътироф этиш керакки, жорий йилда бу жараёнлар анча жадал бормоқда.

Айни пайтда корхоналарни хусусийлаштириш юзасидан қабул қилинган дастурни бажариш бўйича ишлар айрим идора ва вилоятлар томонидан етарли суръатлар билан олиб борилмаяпти.

Масалан, ярим йил мобайнида "Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компаниясида бор-йўғи 2 та обьект, "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компаниясида - 3 та, Матбуот ва ахборот агентлигига - 4 та ва Халқ таълими вазирлигига 8 та обьект хусусийлаштирилган, холос. Бу борада, айниқса, Наманганд, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида сусткашликка йўл қўйилмоқда.

Давлат активлари шаклидаги каттагина ресурсларга эга бўлган айрим вазирлик ва идоралар томонидан акцияларнинг эркин пакетларини сотиш ишлари ҳам қониқарсиз ахволда.

Буни ярим йил давомида "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси ҳамда "Озиқовқатсаноат" уюшмасидаги мавжуд ресурсларнинг деярли сотилмагани ҳам кўрсатиб турибди.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушадиган маблағ, белгиланган топшириққа нисбатан олганда, ярим йилда амалда қўйидаги кўрсаткичларни ташкил этди:

"Ўзагромашсервис" уюшмаси бўйича - 6 фоиз, Қишлоқ ва сув

хўжалиги вазирлиги бўйича - 3 фоиз, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси бўйича - 4 фоиз, Самарқанд вилояти бўйича - 30 фоиз, Жizzах вилояти бўйича - 32 фоиз, Наманган вилояти бўйича - 36 фоиз, Сурхондарё вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси бўйича - 38 фоиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, хусусийлаштириш жараёнига, энг аввало, йирик корхоналарни хусусийлаштиришга хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича ишларнинг бугунги ахволи бизни мутлақо қониқтирумайди.

Бу эътиroz биринчи галда "Ўзбекнефтгаз", "Ўзқурилишматериаллари", "Ўзқимёсаноат", "Ўзбектелеком" каби бошқа кўпгина акциядорлик компаниялари тизимидағи корхоналарга тегишилдирил.

Ҳанузгача хусусийлаштириш лозим бўлган давлат мулкини баҳолаш усул-услублари ишлаб чиқилмаган, узоқ вақтлардан бўён биржа ва биржадан ташқари савдоларда сотилмай келаётган корхоналар активларини арzonлаштирилган қийматда сотиш бўйича механизmlар жорий этилмаган.

Яна ва яна бор таъкидлаб айтмоқчиман, ҳозирги ҳолатида ҳеч қандай фойда келтирмаслиги аниқ бўлган ва фақат зарар кўриб ишлаётган корхоналарни хусусий шахсларга сотиш ёки бутунлай тугатиш даркор.

Бу бизнинг қатъий сиёsatимиз бўлиши шарт. Ўзингиз бир яхши ўйлаб кўринг. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масаласи бўйича олиб борилаётган сиёsatимиз ва амалий ишларни бошлаганимизга ўн йилдан кўпроқ вақт ўтаяпти.

Акциялаштириш ва кимгадир сотишга арзийдиган ишлаб чиқариш корхоналарининг тақдири аллақачон ҳал бўлиши керак эди. Табиий савол туғилади - нима учун бугунги кунда ҳеч фойда бермаётган, лекин давлат маблағи ҳисобидан кун кечираётган корхона ва ташкилотлар ҳамон сақланиб қолмоқда?

Хўш, бундай ҳолат кимнинг ва кимларнинг манфаатига жавоб беради? Ҳеч шубҳасиз, ҳар қандай мулк ўзининг ҳақиқий эгасини топиши зарур. Эгаси топилмаса - уни умуман тугатиш даркор.

Жойларда корпоратив бошқарув усулларини мустаҳкамлаш

бўйича ишлар аллақачон бошланганига қарамай, шуни тан олиш керакки, кўпинча бу ишлар номигагина бўлиб, кутилган натижани бермаяпти. Кузатув кенгашлари аъзоларининг директорлар корпусига тобе бўлиб қолиш ҳолатлари ҳали-бери барҳам топгани йўқ.

Ана шундай ҳолатлар "Ўзкимёсаноат" компанияси таркибидаги "Аммофос", "Ўзмашсаноат" уюшмасига қарашли "Подъёмник", "Ўзмонтажмахсускурилиш" уюшмасининг "Ўзмахсусавтоматика" ва "Портлатишсаноат" корхоналари, "Ўзқурилишматериаллари" компанияси таркибидаги "Тошкент тажриба-механика заводи", "Ўзбексавдо" компаниясининг "Турон" ва бошқа кўпгина акциядорлик жамиятларида кўзга ташланмоқда.

Акциядорлик компаниялари ижро органларининг кўпгина раҳбарлари фаолиятини баҳолашда ҳали-бери талабчанлик ва қатъият етишмаяпти. Ўзингиз ўйланг, 2002 йилда олинган фойда миқдорининг сезиларли даражада пасайишига йўл қўйган 379 та акциядорлик жамиятидан 345 таси ёки 91 фоизида ижро органлари раҳбарларининг ўз мансаб лавозимида қолганини қандай баҳолаш мумкин? Боз устига, ўтган йилни зарар билан якунлаган 28 та акциядорлик жамиятидан 26 тасида ижрои директорлар келгуси йилга яна қайта сайланганига нима деса бўлади?

Бу фактлар мисолида биринчи галда Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекслари томонидан йўл қўйилган хато-камчиликлар, заифлик ва принциплизм ҳолатлари яққол кўриниб турибди. Айтиш керакки, Давлат мулки қўмитаси вазифаларни ҳали-ҳамон тўлиқ уddyalай олмаяпти.

Яқинда ўtkazilgan attestationa шуни кўrsatdiki, қўmitanining markaziy apparati va uning xududiy organlari ni profesiional jihatdan puxta tayёрланган kadrlar bilan mustaҳkamlash borasidagi ishlar қoniқarsiz aҳvolda. Bu soҳada ishlaётgan hodimlar orasida Davlat mulkini boшқariш va tadbirkorlikni қўllab-қuvvatlaш давлат қўmитasi zimmasisiga юklatilgan vazifalarни tўliқ tasavvur эта olmайдigan tasodifiy kishilarning kўpligiga nima deyish mumkin?

Бу ўринда шуни айтиш лозимки, ҳозирги вақтда Давлат мулки қўмитаси тузилмалари ва унинг жойлардаги органлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш, уларни малакали кадрлар билан мустаҳкамлашга доир хукумат қарори тайёрланган ва у яқин орада қабул қилинади.

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган Фармоннинг ижроси бўйича бир қанча муҳим хукумат қарорлари, биринчи галда, мазкур соҳани бошқариш тузилмасини такомиллаштириш, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тузилмасини, унинг вилоятлар ва туманлардаги бўлинмаларини мустаҳкамлашга оид қарорлар қабул қилинди.

Ҳозирги вақтда имкон қадар қисқа муддатда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизими ва унинг ҳудудий тузилмаларида ўтказилаётган ташкилий туб ўзгаришларни якунига етказиш, уларни муносиб кадрлар билан таъминлаш вазифаси долзарб бўлиб турибди.

Бу борада жойларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари фаолиятига вазирликлар ва турли бошқарув тузилмалари томонидан бўладиган ҳар қандай маъмурий-бўйруқбозлик уринишларига ва бошқа хил аралashiшларга бутунлай чек қўйиш учун қатъиятлик билан изчил иш олиб бориш даркор.

Биз оддий бир масалани ҳал этиб олишимиз керак, яъни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тизимида ҳар ким ўз ишини бажарсин: вазирлик ва унинг тузилмалари ўз иши билан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўз иши билан шуғулланиши керак. Ва ҳар ким қонун бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятлар учун жавоб бериши лозим.

Ана шундагина тартиб бўлади, ана шундагина қониқарли пировард натижа бўлади. Бу талаб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари фаолиятига ҳам бирдек тегишлидир.

Ҳозирги вақтда 2003-2005 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тайёрланди ва биз уни яқин орада кўриб чиқамиз. Бу муҳим масалада қарор қабул қилишдан аввал мамлакатимиздаги ҳар бир хўжалик, туман ва вилоятнинг ўзига хос жиҳатлари, уларда юзага келаётган вазиятларни ҳисобга олиш, ақл

тарозисига солиб кўриш керак.

Айниқса, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратиш лозим. Қишлоқ аҳлининг эҳтиёжларини замон талаблари даражасида таъминлай оладиган ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани барпо этмасдан туриб, қишлоқ хўжалигига жиддий силжишларга эришишимиз, аҳолининг турмуш даражасини кўтаришимиз қийин кечади.

Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир Фармоннинг ижроси ҳам жиддий ташвиш уйғотади. Ўзингиз ўйланг, ислоҳотларнинг туб моҳиятини очиб берувчи қатор муҳим меъёрий хужжатлар ҳанузгача тасдиқ учун киритилгани йўқ.

Бунинг оқибатида амалда қурилиш ишларини бошлиш ва обьектларни ҳар томонлама тайёр ҳолда, "кулф-калит" қилиб фойдаланишга топшириш жуда суст бормоқда. Ваҳдоланки, айнан шу ҳолат қурилишни ташкил этишнинг асосий шакли сифатида белгиланган.

Пудратчи қурилиш ташкилотларини, айниқса, зарап кўриб ишлаётган ва рентабеллиги паст корхоналарни хусусийлаштириш, хусусий мулкка айлантириш жараёни ўта қониқарсиз бормоқда.

Бир қатор вилоятларда танлов савдоларини ўтказишда хусусий қурилиш ташкилотларининг иштироки ғоят паст даражада қолаётгани ҳам бежиз эмас. Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Жиззах вилоятида танлов савдосида ғолиб чиққанлар орасида бирорта хусусий ташкилот йўқ. Қашқадарё ва Фарғона вилоятларида тендер ғолиблари орасида кичик ва ўрта бизнес вакиллари атиги 20 фоизни ташкил этади. Тошкент шаҳрида эса танлов савдосида ғолиб чиққан 34 ташкилотдан 21 таси давлат корхоналари ва акциядорлик жамиятлари ҳисобланади.

Ўтказилган танлов савдоларининг натижалари ва уларга тегишли хужжатларнинг танқидий таҳлили шуни кўрсатдики, деярли барча худудларда танлов ўтказишнинг белгиланган тартибларини бузиш ҳолатлари давом этмоқда, танлов савдоларининг ошкоралиги таъминланмаяпти.

Йилнинг биринчи ярмида Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси томонидан белгиланган тартиблар бузилгани учун жами 12

та, жумладан, Тошкент вилоятидан - 6 та, Сурхондарё вилоятидан - 3 та, Жиззах, Навоий ҳамда Хоразм вилоятларидан биттадан танлов савдоси натижалари қабул қилинмаган.

Йилнинг биринчи ярмида Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси вакиллари томонидан текширилган 144 та объектнинг 139 тасида қурилиш материаллари нархи ва сарф-харажатлари нормаларини нотўғри қўллаш ҳисобига ишлар қиймати 414 миллион сўмга ошириб ёзилгани аниқланди.

Капитал қурилиш соҳасидаги ислоҳотлар йўлида ғов бўлиб турган тўсиқлардан яна бири тегишли бозор инфратузилмаси - қурилиш техникаси ва механизмлари лизинги бўйича ихтисослашган компаниялар, тўла таркибдаги қурилиш-инжинииринг хизматлари билан шуғулланадиган инжинииринг компаниялари ва бошқаларнинг йўқлиги ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишлари бўйича қабул қилинган учта фармон ва дастурларнинг бажарилиши устидан мониторинг - назоратни таъминлаш учун Р.Азимов ва К.Тўлаганов бошчилигига маҳсус ҳукumat комиссияси тузилган.

Мазкур комиссия зиммасига қабул қилинган қарорларни ижро этиш бўйича мавжуд ахволни яна бир бор танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиш, 2003 йилга мўлжалланган топшириклар ва кўрсаткичларни сўzsиз бажаришга доир кечикириб бўлмайдиган чоралар кўриш вазифаси топширилади.

Хурматли дўстлар!

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар ва янгиланишлар жараёнининг энг муҳим йўналишларини танқидий кўз билан баҳолар эканмиз, тобора кўпроқ шунга ишонч ҳосил қиласизки, биздаги эскича қараш илдизлари, энг аввало, амалдаги бошқарув тизимига бориб тақалади.

Тан олиш керакки, ҳозирги кунда барча даражадаги мавжуд давлат, тармоқ ва худудий бошқарув тизими олиб борилаётган иқтисодий ва демократик ислоҳотлар йўлида катта тўсиқ бўлиб турибди.

Яна шуни ҳам тан олишимиз лозимки, биз кўп ҳолларда эски маъмурий-буйруқбозлик ва тақсимлаш тизимининг ҳамон давом этиб

келаётган, ўта яшовчан қолипларидан воз кеча олмаяпмиз.

Келинг, мавжуд бошқарув тизимининг нуқсон ва иллатларини танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқиб, баҳолайлик.

Аввало, кейинги йилларда қатор соҳа вазирликлари турли хўжалик бирлашмаларига, яъни корпорациялар, уюшмалар, компанияларга айлантирилганига қарамай, уларнинг моҳияти, иш усули ва услублари амалда деярли ўзгаришсиз қолмоқда.

Бугунги кунда бошқарув аппарати бозор иқтисодиёти талабларига мос келадиган вазифа билан - Ҳукумат томонидан қабул қилинган қонунлар ва қарорлар ижроси билан биринчи галда шуғулланиши лозим.

Афсуски, бунинг ўрнига, у худди совет давридаги каби, ҳаётнинг барча жабхаларини қамраб олишга, соҳанинг ўзига хос "штаби" бўлишга интилмоқда. Бошқарув аппарати ходимларининг фаолиятида, аввалгидек, эски маъмурий-буйруқбозлик усуллари устунлик киляпти.

Ўзининг ҳукмонлигини ўtkазиш, ваколатларини суиистеъмол қилиш, фойдаси бўлмаган турли буйруқ ва йўрикномалар, кўрсатмаю меъёрий хужжатлар қабул қилиш бундай ходимларнинг, енгилроқ айтадиган бўлсак, бир касаллигига айланиб қолган.

Бу раҳбарлар корхоналарнинг хўжалик фаолиятига тўғридан-тўғри аралашиб, уларнинг ишини қандайдир қолипга солишга, ҳатто кадрлар масаласини ҳал қилишга уриниш одатларидан ҳали ҳам воз кечмаяпти. Баъзан шундай ақлга сифмайдиган ишлар ҳам рўй бермоқдаки, беихтиёр ёқангни ушлайсан киши.

Масалан, корхоналар томонидан ихтиёрий равишда ташкил этиладиган уюшма бошқаруви ўзини таъсис этган корхоналар раҳбарларини лавозимга тайинлайди ёки бўшатади. Ваҳоланки, қонунга кўра, уюшма бошқаруви ўзини таъсис этган корхоналар назорати остида бўлмоғи лозим. Бу соҳадаги яна бир муаммо - турли бошқарув тузилмалари ва бўғинларининг ҳаддан зиёд кўпайиб кетгани билан боғлиқ.

Ҳаёт, тажриба шуни кўрсатадики, марказда, пойтахтда ташкил этилган ҳар қандай бошқарув органи, албатта, вилоят ва туманларда ўзига ҳисоб берувчи яна бир тузилмани яратади.

Бу тузилма эса, ўз навбатида, ўзининг бошлиқларига, ўринbosарларга ва уларга хизмат кўрсатувчи аппаратга ҳамда "техник персонал" деб аталадиган ходимларга эга бўлишга интилади.

Учинчи нуқсон - бу вазирлик ва идоралар ихтиёрида турли тақсимлаш вазифаларининг сақланиб қолиши билан боғлик бўлиб, ҳанузгача уларнинг аксарияти фонд ва лимитларга эгалик қилмоқда.

Одатда бундай вазиятларда - ҳатто ресурслар етарли бўлган ҳолатларда ҳам - сунъий тақчиллик вужудга келади. Бундан кўзланган мақсадни эса тушуниш қийин эмас. Амалдорлар ўзининг "куч-кудрати", аслида зўравонлигини намойиш этиб, шу ҳисобидан ўз манфаатини ўйлаши барчага аён бўлса керак.

Бунга бир неча мисол келтирмоқчиман.

1997 йилда Маҳаллий саноат вазирлиги тугатилган эди. Унинг таркибида, жумладан, техника ва моддий-хомашё ресурсларини бутун тизим бўйича марказлаштирилган тарзда тақсимловчи "Ўзмаҳаллийтаъминотсотиш" деган маҳсус бир тузилма ҳам бор эди.

Вазирлик тугатилгач, ушбу тузилма Тошкент "Маҳаллий саноат" ишлаб чиқариш-савдо компанияси ихтиёрига ўтди. Бироқ лоқайдлик, тўғрироғи, юкори мансабда ўтирган амалдорларнинг бевосита қўллаб-кувватлаши натижасида ушбу тузилма маҳаллий саноатнинг ҳудудий бошқармалари ва корхоналари орасида пахта хомашёси ва унинг қайта ишланган маҳсулотларини харид қилиш бўйича квоталарни тақсимлаш вазифаларини ўзбошимчалик билан ўзлаштириб олган.

Охир-оқибатда хукукни муҳофаза қилувчи идоралар ва божхона органлари мазкур ташкилот томонидан пахта тозалаш корхоналари билан бирга пахта толасини сотиб олиш тартиби қўпол равишда бузилиши билан боғлик ҳолатларни фош этди.

Маълум бўлишича, маҳаллий саноат корхоналарига паст навли пахта толаси ўрнига биринчи ва иккинчи навли тола берилиб, у эса паст навли момик сифатида расмийлаштирилиб, қонунга хилоф равишда мамлакат ҳудудидан ташқарига олиб чиқиб кетилган.

Бугунги кунда Бош прокуратура бундай фактларнинг ҳар бирини батафсил ўрганиб чиқмоқда ва айборлар тегишли жазосини олади, албатта. Айни пайтда ушбу воситачилик тузилмасини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Бирок бу ўринда масаланинг илдизи чуқурроқ - тизимнинг ўзида, ресурсларни тақсимлаш механизмида яширинган бўлиб, у кўплаб ана шундай текинхўр тузилмаларнинг яшаши ва ривожланиши учун муҳит яратади.

Бунга "Ўзнефтмаҳсулот" компанияси тизимидағи bemaza ишлар ҳам яққол мисол бўла олади. Ушбу тизимни қайта ташкил этиш бўйича қарор қабул қилингунга қадар нефть маҳсулотларини сақлаш ва тақсимлаш масалалари билан Республика миқёсида "Ўзнефтмаҳсулот" компанияси, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар миқёсида "Вилоятнефтмаҳсулот" деб аталадиган унитар корхоналар, яна пастроғида учинчи бўғин бўлиб нефть базалари, тўртинчи бўғин бўлиб эса уларнинг филиаллари шуғулланиб келган. Агар хўжаликларнинг ўзидаги мавжуд нефть омборларини ҳам инобатга оладиган бўлсак, бу бешинч бўғин ҳисобланади.

Кўриб турганингиздек, ҳар бир бўғинда ўзи ҳеч нарса ишлаб чиқармаса-да, лекин ўз мавқеига яраша тақсимлаш ваколатларига эга бўлган амалдорлар ўтирибди. Бу тақсимотнинг эса қандай амалга оширилиши ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Буни жойларда одамлар ўз кундалик тажрибасида яхши кўриб-билиб турибди.

Эндиликда "Ўзнефтмаҳсулот" компанияси, хусусан, унинг марказий аппаратининг тузилмаси тубдан қайта кўриб чиқилди. Вилоят нефть маҳсулотлари идоралари тутатилди, мустақил юридик шахс сифатида факат 25 та нефть базаси қолдирилди, қолганлари тутатилди ёки филиалга айлантирилди.

Биз бу ишни охиригача етказишимиз шарт, энг муҳими, ушбу тизимга канадай ёпишиб олган "чаққон"лардан қатъият билан кутулиш зарур. Бундай фактларнинг заминини бартараф этишнинг йўли битта. У ҳам бўлса, ресурсларни харид қилишнинг бозор механизмларини кенгроқ жорий этишдан иборат.

Иқтисодиёт вазирлиги барча манфаатдор тузилмалар билан бирга икки ой муддат ичида бу масалани батафсил таҳлил қилиб, турли фонdlар, квоталар ҳамда лимитларни тубдан қисқартириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиши, тасдиқланадиган моддий баланслар рўйхатини қайта кўриб чиқиши, уларнинг кўпини асосий прогноз параметрларини асослашда зарур бўладиган ҳисоб-

китоблар сифатида сақлаб қолиши керак.

Ҳисобот олиш, маълумот тўплаш ҳақида гапирганда, шуни айтиш жоизки, бу алоҳида масала. Бу, таъбир жоиз бўлса, кўпроқ бошқарув тизимимизнинг яна бир сурункали касаллигидир.

Бугунги кунда иқтисодиётда амал қилиб турган ҳисобот олишнинг бутун тизимини қайта кўриб чиқиш масаласи фавқулодда долзарб бўлиб турибди. Бу, айниқса, қишлоқ хўжалиги учун муҳимдир.

Кенг кўламли, лекин баъзида ортиқча ва кераксиз бўлган, амалда деярли ҳеч ким фойдаланмайдиган маълумотларни тўплаш кўплаб бошқарув тузилмаларининг асосий фаолиятига айланиб қолган.

Биз бир масалани ўз олдимизга такрор ва такрор қатъият билан кўйишимиз керак - фақат ишлаб чиқариш ва реализация масаласини тезкорлик билан бошқариш учун зарур бўлган ҳисоботни, шу жумладан, баланс ва бошқа муҳим таҳлилий материалларни тайёрлаш, жорий ҳамда истиқбол прогнозларини ишлаб чиқишига хизмат қиласидиган ҳисоботнигина сақлаб қолиш лозим.

Бунда ҳисоботлар рўйхатини қисқартирибгина қолмасдан, балки уларнинг мазмун-моҳиятига чуқур кириб бориш, ҳеч қандай эҳтиёж бўлмаган кўрсаткичларни чиқариб ташлаш, шуни инобатга олган ҳолда, ортиқча маълумот тўплашни бекор қилиш ва тегишли бошқарув бўғинларини қисқартириш бўйича таклифлар тайёрлаш керак.

Бунинг учун, энг аввало, Давлат статистика қўмитаси, унинг жойлардаги органлари ҳамда қути ташкилотлардан мунтазам ҳисобот олиб турмаса ишсиз қолишдан қўрқадиган бошқарув тузилмалари - вазирликлар ва идоралар масъулиятни ўз зиммасига олиши даркор. Биз бу масалага бошқарув тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим шарти деб қарашимиз лозим.

Яқиндагина қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича олинадиган ҳисоботларни 60 фоиздан зиёд қисқартириш тўғрисида қарор қабул килинди. Бундай имконият ва резервлар бошқа соҳаларда ҳам мавжудлиги ҳеч кимга сир эмас.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз зарурки, маъмурий бошқарув тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим аҳамияти ва жиҳати бошқарув

аппаратини сақлаб туришга сарфланадиган бюджет ва хўжалик харажатларини кескин қисқартириш зарурати билан боғлиқдир.

Бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш, бинобарин, корхоналар ва аҳоли зиммасидаги солик юкини камайтириш имкониятлари ҳам мана шу ерда, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ушбу муаммонинг яна бир томони бор. Давлат бюрократик аппарати қанчалик катта бўлса, давлат номидан иш олиб борадиган айни ана шу аппаратни назорат қилиш зарурати ҳам шунчалик кучаяди.

Натижада ҳамма жойда - ҳокимликлар ва вазирликлар ҳузурида бўладими, хукумат ҳузурида бўладими, бошқарув аппаратининг қонунларни ва қабул қилинган қарорларни ижро этиш бўйича фаолиятини назорат қилиши лозим бўлган турли назорат хизматлари юзага келади. Ўз-ўзидан равшанки, давлат аппаратини ва умуман бошқарув ходимларини қисқартириш масаласи жамият ҳаётидаги энг жиддий хавф бўлмиш коррупцияга қарши курашда муҳим бир омил бўлади. Нега деганда, бу хавфли иллат бамисоли занг каби бошқарув тизимини емира бориши ва охир-оқибатда ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорлигига катта зарар етказиши мумкин.

Бошқарув тизимини ислоҳ қилиш, бизнинг назаримизда, қандай йўналишда амалга оширилмоғи керак? Ва биз бу ислоҳотдан қандай амалий натижаларни кутаяпмиз?

Биринчидан, иқтисодиётни бошқаришда давлатнинг ролини кескин чеклаш, давлатнинг бошқарув тузилмалари ва уларнинг вазифаларини қисқартириш, давлат бошқарув органларини сақлаб туришга сарфланаётган харажатларни камайтириш.

Давлат вазифалари ва ваколатлари тобора қўпроқ жамоат, нодавлат ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтиши керак. Лекин бу вазифалар шунчаки номига, хўжакўрсинга ўтказилмай, уларни амалга оширишнинг таъсирчан механизмлари яратилмоғи ҳамда аниқ манбалари белгилаб қўйилмоғи даркор.

Ижро этувчи ҳокимиятнинг давлат органлари тасарруфида сақлаб қолинадиган вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда, уларни

бажаришнинг аниқ тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиш зарур. Бу тартиб-қоидалар давлат органлари ҳамда давлат хизматчиларининг мажбуриятларини қатъий белгилаб бериши, уларнинг фаолиятини амалий баҳолаш ва назорат қилиш имкониятини яратиши лозим.

Иккинчидан, бошқарувни ўта марказлаштириш тамойилидан воз кечиш, айрим вазифаларни бошқарувнинг ҳудудий бўғинларига кенг кўламда ўтказиш, юқоридан паствача бўлган ортиқча маъмурий тузилмаларни тугатиш зарур.

Барча даражадаги ҳокимият органларининг ислоҳотларни амалга ошириш, жойлардаги ишларнинг аҳволи, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, бандлик муаммоларини ечиш ҳамда аҳоли турмуш фаровонлиги даражасини кўтариш борасидаги масъулиятини кучайтириш лозим.

Табиийки, бунда бозор иқтисодиёти тамойилларига сўзсиз риоя этилиши ва уларнинг бажарилишини таъминлаш ўта муҳим аҳамиятга эга. Акс ҳолда маъмурийлаштиришдан воз кечиш ўрнига уни шунчаки бошқарув тизимининг қўйи бўғинларига ўтказиб қўйишидек номақбул ҳолат юзага келиши мумкин.

Учинчидан, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқсан ҳолда, айрим идоравий, тармоқ ва ҳудудий бошқарув тузилмаларини қайта тузиш, бирлаштириш, қисқартириш ва тугатиш асосида иқтисодиётнинг бошқарув тузилмалари самараదорлигини таъминлаш.

Бугунги кунда нафақат айрим бўғинларни, балки алоҳида идораларни ҳам сақлаб қолиш қай даражада мақсадга мувофиқ, деган масалани қайта кўриб чиқиш пайти келди. Чунки уларга қилинаётган сарф-харажатлар амалда ўзини деярли оқламаяпти.

Тўртинчидан, бошқарув тизимининг самараదорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш. Қарорларни тайёрлаш ва қабул қилиш сифатини сезиларли даражада ошириш, уларнинг ижроси устидан назоратнинг таъсирчан механизмини жорий этиш.

Вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмаларининг мавжуд бошқарув усул ва услубларини маъмурий-буйруқбозлиқдан халос қилиш, уларнинг корхоналар хўжалик фаолиятига аралашшига, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий мустақиллигини чеклашига йўл қўймаслик учун тегишли чора-тадбирларни амалга

ошириш.

Бешинчидан, замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини жорий этиш, кераксиз ҳисботларни ва қоғозбозликни қисқартириш асосида давлат бошқаруви тизимини босқичма-босқич модернизация килиш ҳисобидан унинг самарадорлигини ошириш.

Лўнда қилиб айтганда, бошқарув тизимини ислоҳ қилишдан кўзланган бизнинг асосий мақсадимиз бу:

- биринчидан, давлат, жамоат ва хўжалик субъектларини бошқаришнинг бутун тизимини демократлаштириш ва эркинлаштиришни таъминлаш;

- иккинчидан эса, уларни мамлакатимиз ҳаётини ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг ҳозирги замон талабларига мос ҳолатга келтиришдан иборатдир.

Бошқарув тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва иқтисодиётнинг бошқарув тузилмасини такомиллаштиришга доир таклифларни тайёрлаш бўйича Республика комиссияси (Азимов) кўрсатиб ўтилган барча йўналишлар юзасидан бир ой муддат ичидаги дастур ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Хурматли йиғилиш қатнашчилари!

Дарҳақиқат, бошқарув тизимини ислоҳ қилиш зарурати аллақачон пишиб етилган ва бу ишни кечиктирмай амалга ошириш керак.

Бугун ҳаётнинг ўзи, замоннинг ўзи биздан шуни талаб этмоқда. Бу масалани ҳал этмасдан туриб чуқур иқтисодий ўзгаришларни ҳаётга татбиқ этиш мумкин эмас, десақ, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Айни пайтда биз бошқарув аппаратини ислоҳ қилиш жараёни осон ва силлиқ кечади, деган хомхаёлларга берилмаслигимиз керак.

Бу жараён кўплаб бошқарув ходимларининг манфаатларига, баъзан эса тақдирига бевосита дахл этишини унутмаслигимиз лозим.

Ва шу сабабли бошқарув тизимини ислоҳ қилиш ана шу одамлар учун ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий нуқтаи назардан имкон қадар безарар бўлишига ҳаракат қилишимиз керак.

Яна бир масалага эътиборингизни каратмоқчиман. Жамият

ҳаётини демократлаштириш шароитида ислоҳотларни жамоатчилик назорати остида амалга ошириш, унинг моҳияти, мақсад-вазифаларининг оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилишини таъминлаш ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Ана шундагина биз ушбу ислоҳотлардан кутилаётган натижа ва самараларга эриша оламиз.

Қадрли дўйстлар!

Барчамизнинг энг олий мақсадимиз - эл-юртимизнинг турмуши, ҳаёти ва фаровонлигини ривожланган демократик мамлакатлар даражасига кўтариш. Ҳеч кимдан кам бўлмай яшаш.

Ҳаммамизга аён бўлиши керакки, бу борада халқимизнинг ишонч-умидларини оқламасликка мутлақо ҳаққимиз йўқ.

Ва биз бу олижаноб мақсад-муддаоларимизга албатта эришамиз, иншоолло.

Ана шу эзгу мақсад йўлида барчангизга сиҳат-саломатлик, ишларингизга ривож ва омад тилайман.

*Вазирлар Маҳкамасининг
мажлисидаги маъруза,
2003 йил 18 июль*

МУНДАРИЖА

ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ АСОСЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маъруза, 2002 йил 29 август.

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 11 ЙИЛЛИГИГА БАФИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ, 2002 йил 31 август.

ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИННИНГ ЗУМРАД ГАВҲАРИ. Шаҳрисабзининг 2700 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги сўз, 2002 йил 1 ноябрь.

ЕВРОАТЛАНТИКА ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИ САММИТИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ, 2002 йил 22 ноябрь.

ЮТУҚЛАР КАЛИТИ ОДАМЛАР ҒУРУРИНИ УЙФОТИШ, УЛАРНИНГ САЛОҲИЯТИНИ, БАРЧА МКОНИЯТЛАРИНИ ИШГА СОЛИШДА. Халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ, 2002 йил 28 ноябрь.

ҲАЁТИМИЗНИНГ, ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги нутқ, 2002 йил 5 декабрь.

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ПАРВОЗИ БАЛАНД БЎЛСИН. 2002 йил 29 декабрь.

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ. 2002 йил 13 январь.

МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ - МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ, ХАЛҚИМИЗ ТИНЧЛИГИ ВА ОСОЙИШТАЛИГИНИНГ МУСТАҲКАМ КАФОЛАТИДИР. 2002 йил 15-27 январь.

ИСЛОХОТЛАР СТРАТЕГИЯСИ - МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЙ САЛОХИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДИР. 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишлиган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза, 2003 йил 17 февраль.

БИЗ ТАНЛАГАН ЙЎЛ - ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ ВА МАЪРИФИЙ ДУНЁ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИ. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясидаги маъруза, 2003 йил 24 апрель.

ЕВРОПА ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ БОШҚАРУВЧИЛАР КЕНГАШИ ЙИЛЛИК ЙИҒИЛИШИННИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚ. 2003 йил 4 май.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОН ҲАЛҚ ШОИРИ ҒАФУР ҒУЛОМНИНГ ҲАЙКАЛИ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН МАРОСИМДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ. 2003 йил 10 май.

ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИГА. 2003 йил 23 май.

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ САММИТИДАГИ НУТҚ. Москва шахри, 2003 йил 29 май.

2003 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИҮТИ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯҚУНЛАРИ ВА БУ СОҲАЛАРДА ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЧОРА-ТАДБИRLАР ҲАҚИДА. Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза, 2003 йил 18 июль.